



“YURIDIK KADRLARNI UZLUKSIZ KASBIY  
RIVOJLANTIRISH TIZIMINING ZAMONAVIY  
VA SAMARALI MEKANIZMLARI:

**MILLIY VA XORIJIY TAJRIBA”**

«СОВРЕМЕННЫЕ И ЭФФЕКТИВНЫЕ МЕХАНИЗМЫ  
СИСТЕМЫ НЕПРЕРЫВНОГО ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО  
РАЗВИТИЯ ЮРИДИЧЕСКИХ КАДРОВ:

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ»**

“MODERN AND EFFECTIVE MECHANISMS  
OF THE SYSTEM OF CONTINUOUS PROFESSIONAL  
DEVELOPMENT OF LEGAL PROFESSIONALS:

**NATIONAL AND FOREIGN EXPERIENCE”**

MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY-AMALIY  
KONFERENSIYA MATERIALLARI



*“Юридик кадрларни узлуксиз касбий ривожлантириш тизимининг замонавий ва самарали механизмлари: миллий ва хорижий тажриба” халқаро илмий-амалий конференция материаллари (2022 йил 26 сентябрь)*

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

**“ЮРИДИК КАДРЛАРНИ УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ТИЗИМИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ВА САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАРИ:  
МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА”**

*мавзусидаги халқаро илмий-амалий  
конференция материаллари  
(2022 йил 26 сентябрь)*

Тошкент – 2022

УЎК-355.237

КБК 74.489.478

Ю70

“Юридик кадрларни узлуксиз касбий ривожлантириш тизимининг замонавий ва самарали механизмлари: миллий ва хорижий тажриба” халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: Юристлар малакасини ошириш маркази, 2022.– 392 б.

***Юристлар малакасини ошириш маркази Ўқув ва илмий-услубий кенгашнинг 2022 йил 2 ноябрдаги мажлисида муҳокама қилинган ва маъқулланган (4-сон баённома).***

**Таҳрир ҳайъати:**

**Ш.М.Рабиев, Ш.К.Саидов, Ш.Н.Раҳманов, Ш.Х.Хасанов**

Тўпلامда 2022 йил 26 сентябрь куни Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан “Юридик кадрларни узлуксиз касбий ривожлантириш тизимининг замонавий ва самарали механизмлари: миллий ва хорижий тажриба” мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари жой олган.

Тўпلام фан ва таълим соҳасини бошқаришга ваколатли давлат органлари, юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ мутасадди ташкилотлар ходимлари, ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, докторантлар, мустақил изланувчилар, магистрлар ҳамда ушбу масалаларга қизиқувчи мутахассислар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Мазкур тўпلامга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик ва бошқа маълумотлар, меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдир.

<b>РАБИЕВ ШЕРЗОД МИРЖАЛИЛОВИЧ</b>	Ўзбекистон вазирлиги малакасини директори	Республикаси қошидаги ошириш	Адлия Юристар маркази
---------------------------------------	--	------------------------------------	-----------------------------

**“Юридик кадрларни узлуксиз касбий ривожлантириш тизимининг замонавий ва самарали механизмлари: миллий ва хорижий тажриба” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциядаги нутқ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЮРИДИК КАДРЛАРНИНГ УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР**

**Ассалому алайкум ҳурматли конференция иштирокчилари!  
Муҳтарам меҳмонлар!**

Аввало, Барчангизни бугунги тадбирда иштирок этаётганлигиниз учун Юристар малакасини ошириш маркази жамоаси номидан чуқур миннатдорчилик билдирмоқчиман!

Менинг бугунги маърузам **2 қисмдан** иборат.

**Биринчи қисмда**, бугунги кунда юридик кадрларнинг малакасини ошириш борасидаги мавжуд амалиёт, муаммолар ва уларнинг ечими бўйича таклифлар ҳақида бўлса, **иккинчи қисмда**, Юристар малакасини ошириш марказида юридик кадрларни касбий ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақида бўлади.

**I. Юридик кадрларнинг малакасини ошириш борасидаги мавжуд амалиёт, муаммолар ва таклифлар.**

Бежизга бугунги тадбиримизни **юридик кадрларнинг касбий ривожлантириш** мавзуси билан боғламадик.

Чунки, ҳар бир мамлакатда ҳуқуқий тизимнинг асосларини ҳамда ривожланиш принципларини амалга оширишда юридик кадрлар муҳим ўрин тутди. Бунда юридик кадрларнинг юқори малака ва салоҳиятга эга бўлиши мамлакатда инсон ҳуқуқларини

самарали таъминланишига ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Албатта, юристнинг масъулияти остида бутун ташкилот ҳимояси ва инсон тақдири ётади. Шу сабабдан, юристларнинг доимий равишда ўқитилиши, касбий ривожлантирилиши ва малака ошириб бориши талаб этилади. Бу эса, юристларнинг иш жараёнида хато қилмаслигига ва қонун устуворлигининг таъминланишида муҳим роль ўйнайди.

Ўтган даврда мамлакатимизда юридик кадрларни зарур билим ва касбий кўникмаларга ўргатиш борасида муайян таълим ва илмий салоҳият шакллантирилди, соҳада қатор ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув жараёнига ўқитишнинг замонавий шакл ва технологиялари, жумладан масофавий таълим, вебинар технологиялари, автоматлашган мониторинг, электрон портфолио ахборот тизимлари жорий этилди.

2022 йил **4 август** куни Давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам, кадрларнинг узлуксиз касбий ривожлантириб бориш, давлат хизмати соҳасидаги **энг муҳим устувор вазифалардан** бири эканлиги қайд этилди.

2022 йил **8 август куни** Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат органлари ва ташкилотларида меҳнат қилаётган **118 минг нафардан ортиқ** давлат кадрларнинг **ҳуқуқий мақомини белгиловчи, уларнинг малакасини ошириш фаолиятини ягона қоидалар асосида тартибга солувчи “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”**ги Қонунни имзолади.

Ушбу Қонун кадрлар малакасини ошириш тизимида ҳам қатор янги вазифаларни белгилаб берди. Жумладан мазкур Қонунга асосан давлат хизматчиларининг узлуксиз касбий малакасини ошириш давлат органларининг асосий мажбуриятларидан бири этиб белгиланди.

Бугунги кунда деярли барча вазирлик ва идоралар ўз кадрларини касбий ривожлантириш мақсадида ўзининг ўқув марказларига эга бўлиб, уларнинг сони **129** тани ташкил қилмоқда.

Давлат хизматчилари орасидан катта бир соҳа вакиллари бу, юристлар ҳисобланади. Бугунги кунда юридик кадрларнинг малакасини ошириш бўйича **10 дан** ортиқ малака ошириш марказлари мавжуд бўлиб, уларда бир йилда ўртача **30 мингдан** ортиқ кадрлар ўз малакасини ошириб келмоқда.

**Юридик кадрларни касбий ривожлантириш** – бу ўзаро боғлиқ фаолиятлар тизими бўлиб, улар зарур мутахассисларни тайёрлаш, касбий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, касбга мослашув жараёни, ташкилий маданият ва бошқа зарур қисмларни ўз ичига олади. Яъни, касбий ривожлантириш фақат юристга ҳуқуқий билимларни бериш билан чекланилмайди, балки уларни касбга ўргатиш ва юристга ватанпарлик қадриятларини сингдиришдан ҳам иборатдир.

Дунёнинг йирик компаниялари ходимларини ўқитишга катта маблағ сарф қилишади. Ушбу маблағлар келажакда компанияга фойда келтирадиган йирик инвестиция сифатида қабул қилинади. Шу боисдан кадрлар малакасини ошириш ҳар бир Раҳбар учун стратегик муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда юридик кадрларнинг салоҳияти ва амалий иш тажрибаси иш берувчининг талабларига, таъбир жоиз бўлса, рақобатбардошлигига мувофиқ бўлиши талаб этилмоқда. Бу даражадаги етук кадрларни етиштириш учун уларга сабоқ бераётган профессор-ўқитувчилар нафақат билимли, заковатли, шу билан бир қаторда, нотик, ташаббускор ҳамда ижодкор бўлиши талаб этилади. Улар ахборот технологияларидан хабардор, мультимедия воситаларини қўллаб дарс бера оладиган даражада бўлмоғи, хориж тилларини мукамал билмоғи, замонавий педагогик технологияларни қўллай олмоғи лозим.

Олиб борилган ислоҳотларга қарамасдан, юридик кадрлар малакасини оширишнинг амалдаги тизими таҳлили профессионал ва етук юридик кадрларни шакллантириш учун зарур ва янада юқори даражадаги стандартларни жорий этишга салбий таъсир кўрсатаётган қатор **муаммолар** мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан:

**1-муаммо.** Юридик кадрлар малакасини ошириш тизимининг узлуксиз йўлга қўйилмаганлиги ва ўқитиш жараёнини кўп ресурс сарфлашни талаб этаётгани ушбу жараёнга замонавий инновацион ёндашувларни жорий этишни ҳамда ўқитишнинг қулай ва самарали механизмларини қўллашни талаб этмоқда.

**2-муаммо.** Юристарни ўқитиш дастурлари ва режаларини манзилли ва предметли эмаслиги ҳамда тингловчилар контингентига мос равишда ишлаб чиқилмаганлиги ҳам, малака оширишдан мақсад ва етарли натижадорликни таъминламаяпти.

**3-муаммо.** Фақатгина анъанавий малака ошириш тизимидан фойдаланиш ва малака оширишнинг муқобил шаклларида кенг фойдаланмаслик оқибатида аксарият ташкилотларда малака оширган ходимлар қамрови жуда паст кўрсаткични ташкил қилмоқда. Айрим ташкилотларда бу кўрсаткич 10 фоизни ҳам ташкил қилмайди.

**4-муаммо.** Эскирган ўқув-услубий база ва ўқув жараёнининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқ эмаслиги тингловчиларда қарорлар қабул қилишда ижодий ёндашувсиз “қолипчи фикрлаш”нинг шаклланишига олиб келмоқда.

Шу муносабат билан, юридик кадрларнинг ўқитиш тизимини халқаро тажриба ва замонавий таълим стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш талаб этилади ва бу борада қуйидаги **таклифларни** билдирмоқчимиз:

**1-таклиф.** Юридик кадрларнинг малака ошириш тизимини **узлуксиз малака ошириш** тизимига ўтказиш. Бунда кадрларни биринчи навбатда тегишли компетенциялар бўйича **диагностик ташхисдан** ўтказиш ҳамда тегишли вариатив ўқув модулларига йўналтириш лозим бўлади. Тингловчилар учун ўзининг касбий малака талабларидан келиб чиқиб модулларни ва улар асосида ўқув методик материалларни яратиш талаб этилади.

Бунда стационар шаклдаги малака ошириш курсларида режа асосида малака оширишдан воз кечиб, кадрлар ўзининг касбий маҳоратини оширишдан манфаатдор бўладиган таълимнинг **кредит-модулли тизимига асосланган ва муаммоларга йўналтирилган модулли ўқув дастурлари**, семинарлар, конференциялар,

вебинарлар, маҳорат дарслари, тренинглари, қўшма халқаро илмий тадқиқотларни ўтказиш ва халқаро стандартларга мувофиқ бошқа ўқитиш курслари негизида доимий равишда малака оширишни кўзда тутувчи **узлуксиз касбий таълим** тизимини жорий этишга эришилади (масалан, адлия органлари ходимлари учун 75 та ўқув модул дастурлари яратилган бўлиб, улар ҳар икки йилда ушбу дастурларни ўқиб ўзлаштиришади).

Яъни, ҳар бир ходим бир хил дастурни ўқимади, ташхис натижасидан келиб чиқиб, унга билим даражаси паст бўлган модуллар тавсия қилинади ёки ўзи истаган модуллар ўқиш имкони берилади. Бунда ходим ишдан ажралмаган ҳолда ўқув модулларини ўзига қулай бўлган вақтда ва шароитда ўзлаштириб бориши мумкин бўлади.

**2-таклиф.** Ўқув дастурлари ва режалари барчага маълум бўлган классик моделлар асосида эмас, балки **замонавий эҳтиёж ва талаблар асосида** тузилиши керак. Таълим маълум бир натижага йўналтирилиши керак, ўқитиш методологияси ва маълумотни ўзлаштириш жуда муҳим ҳисобланса ҳам, ўқитишнинг таъсири, самараси ва аҳамияти кўриниши керак ҳамда ўқитишнинг долзарблиги доимий равишда янги билимлар билан мустаҳкамланиши лозим. Назарий билимларнинг катта ҳажми у ёки бу фаолият соҳасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб тингловчиларга тақдим этилиши ва амалий шаклга айлантирилиши (трансформация қилиниши) керак.

**3-таклиф.** Юридик хизматлар ходимлари ва адвокатлар учун касбий эҳтиёж ва талаблардан келиб чиққан ҳолда **ихтисослашув малака ошириш дастурларини** яратиш лозим. Масалан, тижорат банклари юридик хизматлари билан вазирлик ва идоралар юридик хизматларини ягона дастур асосида ўқитиш мутлоқо нотўғри бўлади. Чунки икки соҳадаги малака талаблари бир бирига тўғри келмайди. Шунинг билан бирга дастурлардаги мавзуларни **70-80 фоизини амалиётга йўналтириш** мақсадга мувофиқ бўлади.

**4-таклиф.** Ўқитиш маълум бир жойга ва вақтга боғлиқ бўлмаслиги керак, чунки малака оширишдаги тегишли машғулотлар ҳозирги кунда мобиль ва кўпинча махсус техник шартларни талаб



қилмайди, баъзида фақат интернетга кириш кифоя қилади. Ўқув жараёнида ҳозирда оддий ҳисобланган алоқа воситалари (компьютер, смартфон, планшет ва б.) техник имкониятларидан фойдаланиш тегишли тезкор алоқа ўрнатиш ва экспертларнинг фикрларини излашга имкон беради. Юристар малакасини ошириш марказида ташкил қилинган масофавий таълим тизимини бунга мисол қилиш мумкин.

**5-таклиф.** Юридик кадрларни малака оширишдан навбатдаги малака ошириш оралиғида улар фаолиятини **узлуксиз баҳолаб бориш** мақсадида ҳар бир **ходимнинг электрон портфолиосини ва рейтинг тизимини** жорий қилиш бўйича такомиллаштирилган тизимини жорий қилиш таклиф этилади.

**6-таклиф.** Малака оширишнинг **муқобил шакллари**ни жорий этиш ва ривожлантириш таклиф этилади. Бунда юридик кадрлар учун илмий ишлар ва ишланмалар, мақолалар, илмий-амалий семинарлар, конференцияларда маърузалар билан қатнашганда ёки стажировка ўтаганда, мастер класс ва ҳоказоларда маърузалар билан қатнашганда, иштирок этилган вақтларни малака ошириш сифатида қабул қилиш бўйича тартиб белгилаш ва уларга кредитлар бериш.

Яъни, малака ошириш даврийлиги давомида семинар, конференция ва бошқаларда иштироки натижасида тўпланадиган соатлар миқдорини ҳисоблаш механизминини жорий этиш, агар тўпланган соатлар миқдори, малака ошириш соатига мутаносиб бўлса, ушбу соатларга тенг кредитлар бериш ёки ушбу юридик кадрларни малака оширишдан озод этиш керак. Ўз устида ишламайдиган, кўрсаткичлари паст бўлган юридик кадрларни бевосита малака ошириш курсларига жалб қилиш лозим бўлади.

**7-таклиф.** Юридик соҳага оид билим талаб этиладиган кадрларнинг малакасини ошириш ишига **нодавлат таълим хизматини кўрсатиш билан шуғулланаётган ўқув марказлари** (уларга малака ошириш хизматини кўрсатиш бўйича лицензия берилган) имкониятларидан кенг фойдаланиш керак. Бунинг учун ўқув марказлари кадрлар малакасини оширганлиги учун сертификат бериши, бу ҳужжатнинг тан олиниши механизминини ишлаб чиқиш

лозим. Уларга масофадан ўқитиш юзасидан ҳам имконият бериш ёки масофадан таълим берадиган нодавлат ташкилотларни очишга имконият яратиш керак.

**Рухсатингиз билан, Мен маърузамнинг иккинчи қисми, яъни Юристар малакасини ошириш марказида юридик кадрларни ривожлантириш амалиётига тўхталиб ўтсам.**

Юристар малакасини ошириш маркази 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан ташкил этилган бўлиб, Адлия вазирлиги тасарруфига киради.

Марказда адлия ходимлари, адвокатлар, нотариуслар, юридик хизматлар ходимлари, медиаторлар, патент вакиллари ва юридик соҳага доир билим талаб этиладиган бошқа соҳа мутахассислари малакасини оширадилар.

Бугунги кунда ушбу Марказда бир йилда **9000** га яқин юридик кадрлар, жумладан **1200** га яқин адвокатлар малакасини ошириб келади. Марказда жами 46 нафар профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатади, шундан 12 нафари (26,1%) – асосий штатда, 5 нафари (10,8%) – ташқи ўриндош, 29 нафари (63,1%) соатбай. Марказнинг ўртача илмий салоҳияти – 64,5 % ни ташкил этади.

Ўқув курслари Марказ ва унинг филиалларида, мутахассислик бўйича ходимнинг иш жойида ўқитиш, кредит-модуль тизими асосида ўқитиш ва масофавий таълим шаклларида ташкил этилади.

Марказда **92 та** малака ошириш курслари, **5 та** қайта тайёрлаш курслари мавжуд.

Тингловчилар контингенти Адлия тизимида **8200** нафардан ортиқ (шундан, раҳбарлар **900** нафардан ортиқ), Адвокатлар – **4000** нафардан ортиқ, нотариуслар **1000** нафардан ортиқ, юридик хизмат ходимлари **4000** нафардан ортиқни ташкил қилади.

Марказда 2021 йилда – **5845** нафар (шундан, 3495 нафар тингловчилар масофавий шаклда), 2022 йилнинг ҳозирги ҳолатига кўра – **7231** нафар тингловчи (шундан, 5101 нафар тингловчилар масофавий шаклда) ўқитилди.

Марказда сўнги икки йил давомида **1100** та медиатор тайёрланди.

Рухсатларингиз билан, Мен Марказ фаолиятида юридик кадрларни касбий ривожлантириш борасида эришилган айрим **муҳим кўрсаткич ва амалий натижаларга** тўхталиб ўтсам:

**Биринчидан**, малака оширишнинг муқобил, мустақил таълим ҳамда масофавий ўқиш каби шакллари жорий этилди. Касбий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда кадрлар буюртмачилари ва ходимларига **малака ошириш шакллари мустақил танлаш** имконияти яратилди.

**Иккинчидан**, анъанавий малака ошириш билан бир қаторда касбий ўқитишнинг уйғунлашган, иш жараёни билан биргаликда олиб бориладиган шакллари, шунингдек, кадрлар малакасини оширишнинг белгиланган даврийлигига риоя қилинган ҳолда таълим дастурларини доимий такомиллаштиришдан иборат **кредит-модуль механизми** жорий қилинди.

**Учинчидан**, биргина адлия ходимларини доимий ўқитиш бўйича **Узлуксиз касбий ривожлантириш платформаси** яратилди ҳамда адлия ходимлари учун **75 та** ўқув модул дастурлари тайёрланиб, улар асосида 242 та ҳуқуқий мавзулар бўйича ўқув методик мажмуалар тайёрланди.

Ушбу платформа кадрларни узлуксиз касбий ривожлантириш тизими фаолиятини ташкил қилиш, ҳар бир ходимнинг индивидуал траекториялари бўйича малака ошириш жараёнларини мониторинг қилиш имконини беради. Айтиш керакки, ушбу тизимда 2200 нафар адлия ходими бир вақтнинг ўзида малака оширмоқда.

**Тўртинчидан**, ўқув дастурларидаги мутахассислик фанларига ажратилган соатлар миқдори қарийб икки баробарга оширилди, барча ўқув дастурлари манзилли тарзда қайта ишлаб чиқилди.

**Бешинчидан**, мустақил малака ошириш шакллари бажарган ходимларга маълум баллар (кредитлар) бериб бориш ҳамда ходимларнинг салоҳиятини диагностикадан ўтказиш тизими жорий этилди. Бунда ходимларнинг салоҳияти **5 та** компетент бўйича диагностикадан ўтказилиб, компетенция паспорти шакллантирилади. Ўқув платформаларида қайта алоқа тизими яратилиб, ушбу тизим орқали тингловчилар Марказ ўқитувчилари билан фикр-мулоҳаза алмашиб боришади.

**Сўзимнинг якунида** Мен айтишим мумкинки, малака ошириш тизимида ҳам бундан кейин рақобат кучайиб бораверади, бу борада ҳам хусусий сектор улуши кенгайди, бу эса соғлом рақобатни вужудга келтириши билан бирга, энг муҳим мезон бўлган таълим сифатини кучайишига ҳам олиб келади. Шу сабабли, малака ошириш тузилмалари замон билан ҳамнафас ва рақобатбардош бўлиши учун кадрларни касбий ривожлантириш соҳасидаги сифатли ўқув дастурларини ишлаб чиқиши, бу борада инновацион усулларни фаол жорий этиши, мавжуд техник имкониятлардан кенг фойдаланиши ва ўзининг ўқув базасини тизимли равишда модернизация қилиш талаб этилади.

**Эътиборингиз учун раҳмат.**

**ОТАХОНОВ ФОЗИЛЖОН  
ХАЙДАРОВИЧ**

Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик  
муаммолари ва парламент  
тадқиқотлари институти директори,  
юридик фанлар доктори, профессор

## **ЮРИДИК ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

***Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, бу борадаги ҳуқуқий ва институционал асослар ҳамда мавжуд муаммолар очиб берилган. Муаллиф томонидан юридик хизмат ходимларини қайта тайёрлаш ва малака оширишни замонавий талабларга жавоб берадиган тарзда ташкил этиш бўйича қатор таклифлар илгари сурилган.*

***Калит сўзлар:** юриспруденция, давлат фуқаролик хизмати, юридик хизмат, қайта тайёрлаш, малака ошириш.*

Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш жараёнида, биринчи навбатда, ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини, жумладан ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини сифатли ташкил этиш, изчил ва бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг яхлит тизимини жорий этиш йўли билан амалга оширишни кўзловчи адлия органлари ва муассасалари муҳим роль ўйнайди.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3666-сонли Қарори билан юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, юриспруденция соҳасидаги фундаментал ва амалий

тадқиқотларни амалга оширишни таъминлаш адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Албатта, малака ошириш ва қайта тайёрлаш – бу кадрлар масаласи ва унинг йўналишлари бўлиб, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ушбу соҳада муайян жабҳалар хусусиятига қараб 13 та (4, 10, 19, 39, 42, 44, 46, 59, 63, 78, 82, 86, 90) мақсадда ушбу масалаларга доир вазифалар назарда тутилгани ҳам бу борадаги фаолият нақадар долзарблигини кўрсатади.

Шу ўринда **“малака ошириш”** ва **“қайта тайёрлаш”** тушунчаларига тўхталиб ўтсак.

**Қайта тайёрлаш** — давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида халқаро стандартлар ва талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўқув дастурлари асосида зарур билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш орқали янги касбий фаолиятига йўналтиришга қаратилган ўқитиш шакли ҳисобланади.

**Малака ошириш** — тегишли ўқув дастурлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларнинг малака ва кўникмаларини мунтазам равишда янгилаб бориш орқали уларнинг касбий маҳорати оширилишини таъминлашга қаратилган ўқитиш шаклидир.

Бу икки тушунчанинг ўзаро боғлиқ томони, умуман олганда, иккаласи ҳам кадрларнинг билим ва кўникмаларини, касбий маҳоратини юксалтириш ҳисобланса, фарқли жиҳати – қайта тайёрлашда янги касбий фаолиятга йўналтирилади, малака оширишда эса шу соҳадаги маълумот ва мутахассисликка эга бўлган кадрларнинг билим ва кўникмалари янгилари билан бойитилади.

**Мамлакатимизда юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ҳуқуқий асослари қуйидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган:** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси<sup>1</sup>, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // [lex.uz/acts/20596](http://lex.uz/acts/20596).

хизмати тўғрисида”ги Қонуни<sup>1</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5987-сон<sup>2</sup>, 2020 йил 19 майдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5997-сон фармони<sup>3</sup> ҳамда 2017 йил 19 январдаги “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2733-сон Қарори<sup>4</sup>, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 июндаги “Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 453-сон<sup>5</sup>, 2020 йил 8 сентябрдаги “Юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 544-сон<sup>6</sup> ҳамда 2021 йил 6 апрелдаги “Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича

---

<sup>1</sup> “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 08.08.2022 йилдаги ЎРҚ-788-сон // [lex.uz/uz/docs/6145972](http://lex.uz/uz/docs/6145972).

<sup>2</sup> “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 29.04.2020 йилдаги ПФ-5987-сон // [lex.uz/docs/4802181](http://lex.uz/docs/4802181)

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 19.05.2020 йилдаги ПФ-5997-сон // [lex.uz/docs/4820060](http://lex.uz/docs/4820060).

<sup>4</sup> “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 19.01.2017 йилдаги ПҚ-2733-сон// [lex.uz/docs/3098964](http://lex.uz/docs/3098964).

<sup>5</sup> “Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 14.06.2018 йилдаги 453-сон // [lex.uz/docs/3784435](http://lex.uz/docs/3784435).

<sup>6</sup> “Юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 08.09.2020 йилдаги 544-сон // [lex.uz/docs/4987967](http://lex.uz/docs/4987967).

тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 189-сон қарорларида<sup>1</sup> мустақамланган.

Чунончи, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунга кўра: давлат органи давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлашни, уларнинг малакаси оширилишини ва таълим олишини мунтазам равишда ташкил этади (9-модда);

давлат фуқаролик хизматчиси давлат органининг маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан мунтазам равишда малакасини ошириб бориш ҳуқуқига эга (11-модда);

зиммасига юклатилган вазифаларни самарали амалга ошириш учун касбий компетенциясини шакллантириш давлат фуқаролик хизматчисини қайта тайёрлашни, унинг малакасини оширишни, таълим олишини ташкил этиш ҳисобидан таъминланади (21-модда);

Миллий кадрлар захираси давлат фуқаролик хизматчиларининг раҳбарлик лавозимларини малакали кадрлар билан тўлдириш мақсадида давлат фуқаролик хизматчиларини марказлаштирилган ҳолда саралаб олиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз малакасини ошириш тизими ҳисобланади (25-модда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2733-сон Қарорида юридик хизмат ходими ёхуд юрисконсулт лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган ёки Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган ва белгиланган намунадаги дипломни олган шахс ишлаши мумкинлиги белгиланган.

Қарорга кўра, юридик хизмат бошлиғи лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган ёхуд Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида юридик мутахассислик бўйича

---

<sup>1</sup> “Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 06.04.2021 йилдаги 189-сон // [lex.uz/docs/5358249](http://lex.uz/docs/5358249).



қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган ва белгиланган намунадаги дипломни олган, шунингдек, юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган шахс тайинланади.

Юрисконсулт ёрдамчиси лавозимида олий ёки ўрта махсус юридик маълумотга эга бўлган ёхуд Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган ва белгиланган намунадаги дипломни олган шахс, шунингдек, олий таълим муассасасининг “юриспруденция” мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган бакалаврият босқичининг битирувчи курси талабаси ёки магистранти ишлаши мумкин.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, **сўнгги йилларда юридик хизмат ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг институционал асослари** ҳам такомиллаштирилди.

Юридик хизматлар ходимлари малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази томонидан ҳар уч йилда камида бир марта амалга оширилади. Малака ошириш муддати икки ҳафтадан кам эмас ва малака оширишдан ўтганларга белгиланган намунадаги сертификат берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 июндаги 453-сон Қарори билан Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази тузилди ва унда:

олий маълумотли мутахассисларни юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курслари;

халқаро стандартлар бўйича юридик кадрларни касб-ҳунарга ўқитиш юзасидан халқаро тижорат фаолияти, халқаро арбитражлар ва суд низоларини ҳуқуқий таъминлашни ўз ичига олган қисқа муддатли ўқув курслари;

ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида ҳуқуқий фанлардан дарс берувчи педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ташкил этилди.

Мазкур Марказ олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курсларини ташкил этишда:

тингловчиларнинг ҳуқуқ соҳасидаги фундаментал билим ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилган интенсив ўқитиш дастурларини амалга ошириш асосида кадрларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

юристинг профессионал одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилган ҳолда тингловчиларнинг ҳуқуқий масалалар ва бошқа юридик ҳаракатларни амалга ошириш бўйича касбий компетенция даражаларини ўстириш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида таълим беришнинг соҳалараро ёндашувини жорий этишга кўмаклашувчи ҳуқуқ соҳасининг бошқа фан соҳалари билан ўзаро интеграция жараёнларини ривожлантириш;

қайта тайёрлаш жараёнида замонавий ёндашув ва технологияларни, хорижий ва миллий илфोर тажрибани умумлаштириш ва жорий қилиш орқали ўқитиш тизимини тубдан яхшилашга кўмаклашиш;

тингловчиларнинг таҳлилий фикрлашини ўстириш, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларни таҳлил ва талқин қилиш, қўллаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган инновацион педагогик технологияларни қўллаш;

тингловчиларнинг касбий ўсишига қаратилган ўқитишнинг интерфаол усулларини, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда сайёр машғулотларни қўллаш орқали жорий қилиш вазифаларини амалга оширади.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 апрелдаги “Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 189-сон Қарори билан Марказга халқ таълими, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида юридик фанлардан дарс берадиган, олий ноюридик маълумотга эга педагог кадрларни қайта тайёрлаш вазифаси ҳам юклатилган.

Бундан ташқари, адлия вазирлиги томонидан юридик кадрларни, айниқса, талаб қилинаётган тор доирадаги ва соҳавий

мутахассисликлар бўйича тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш, юриспруденция соҳасидаги мутахассисларни ўқитишнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш, юридик кадрларни етакчи хорижий таълим муассасаларига тизимли равишда юбориш амалиёти жорий қилинмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, **юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва юридик хизмат ходимларини малакасини ошириш борасида бир қатор муаммолар мавжуд:**

**биринчидан**, олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка, шу жумладан, юридик хизмат ходими лавозимини эгаллаш ҳуқуқи билан қайта тайёрлаш сифатига тингловчиларни асосий жойидан ажралмаганлиги салбий таъсир кўрсатмоқда;

**иккинчидан**, тингловчиларнинг касбий ўсишига қаратилган ўқитишнинг интерфаол усулларини, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда сайёр машғулотларни қўллаш орқали жорий қилиш назарда тутилган, аммо унинг аниқ механизмлари яратилмаган;

**учинчидан**, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўтилаётган фанлар бўйича ўқув қўлланмалари чоп этилмаган;

**тўртинчидан**, қайта тайёрлов курсларида таҳсил олаётган тингловчилар юриспруденциянинг назарий асосларини ўрганмаганликларини ҳисобга олиб, уларга кейинчалик юридик хизмат ходими сифатида фаолият бошлаши учун зарур бўлган ҳужжатлар намуналари ишлаб чиқилмаган;

**бешинчидан**, қайта тайёргарликдан ўтаётган тингловчиларда амалий кўникмаларни яратиш мақсадида давлат органлари ташкилотларида юридик хизмат фаолияти билан бевосита танишиш имконияти мавжуд эмас;

**олтинчидан**, давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизмат ходимларига ишдан ажралган ҳолда малака оширишига ҳар доим ҳам шароит яратиб берилмайди;

**еттинчидан**, давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари фаолиятининг асосий йўналишларидаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда юрисконсултлар малакасини

оширишни амалиётга яқинлаштирган ҳолда алоҳида дастурлар асосида олиб бориш имконияти чекланган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида **қайта тайёрлаш ва малака оширишни замонавий талабларга жавоб берадиган тарзда ташкил этиш бўйича қуйидаги таклифлар билдирилади:**

**биринчи,** юридик хизмат ходимларининг ва бошқа юридик соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш ҳамда юридик мутахассисликка қайта тайёрлашга бўлган талаб йилдан йилган ошиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда Юристар малакасини ошириш маркази фаолиятини тубдан такомиллаштириб, унга **Юристар малакасини ошириш институти мақомини** бериш, илмий салоҳиятини кўтариш, соҳанинг етук мутахассислари бўлган хорижий ва миллий экспертларни амалий машғулотлар ўтишга жалб қилиш, шунингдек, моддий-техника базасини замонавий талабларга жавоб берадиган тарзда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ;

**иккинчи,** хусусий секторда ҳам юридик хизмат ходимларига ва уларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга бўлган эҳтиёжи ортаётганлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётнинг турли соҳалари хусусиятларидан келиб чиқиб, юридик хизмат ходимларини малака ошириш бўйича нодавлат ўқув марказларини ташкил қилиш вақти келди;

**учинчи,** малака ошириш марказларида давлат бюджети, миллий ва халқаро грантлар ҳисобидан юридик хизмат ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида барча фанлар бўйича муаллифлар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаган ҳолда ўқув қўлланмалар, тегишли соҳаларга оид ҳуқуқий ҳужжатлар намуналари, услубий йўриқномалар тайёрлаш бўйича чоратадбирлар белгилаш лозим;

**тўртинчи,** юридик хизмат ходими лавозимига қайта тайёрлаш жараёнида тингловчиларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда тегишли давлат органларида ҳар куни камида икки соат амалиёт ўташни жорий қилиш мақсадга мувофиқ;

**бешинчи,** қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари сифати ва самарадорлигини оширишни назорат қилиш мақсадида

тингловчилар ўртасида тизимли равишда ижтимоий сўровлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этади;

**олтинчи,** Адлия вазирлиги тизимида юридик техникумларда **юридик хизмат мутахассислиги** бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган, аммо техникумларда Юридик хизмат фани умуман ўқув дастурларига киритилмаган, бундан ташқари уларни техникумни тамомлагандан сўнг давлат органлари ва ташкилотларида юрисконсулт лавозимида ишлаши қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган. Юридик хизмат ходимларига бўлган талаб ортиб бораётганлигини инобатга олиб, юридик техникум битирувчиларига ҳам ТДЮУ қошидаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида қайта тайёрлаш курсларида ўқиш имкониятини яратиш учун тегишли қарор лойиҳаси ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

**JAMES EAGLIN**

Legal Specialist of “Regional Dialogue”,  
Former Director of the Research Division  
of the U.S. Federal Judicial Center

## **LESSONS FROM THE UNITED STATE EXPERIENCES WITH CONTINUING EDUCATION PROGRAMS FOR LEGAL PROFESSIONALS**

I am very honored to be with you today at this very important conference. I express my thanks, and the appreciation of Regional Dialogue for this opportunity to briefly share with you some of our experiences in the U.S. with the on-going training and development of legal professionals like lawyers, judges, prosecutors and defense attorneys.

As our Moderator, Mr. Rakhmanov noted, my training is in law and social science and for more than four decades, I served at the Federal Judicial Center (FJC) in Washington, DC, where I was Director of Research and a member of the agency’s Executive Management Team. That is a long time for anyone to be in a particular agency, but for me it was an extraordinary experience to work with very legal professionals in the judicial branch of our national government, such as our extraordinarily dedicated federal judges, Federal Defenders, court law clerks, staff attorneys and court administrators and other professionals who were trained in the law. So, I hope that you will understand and appreciate why I will make repeated references to what our approach, that is the Federal Judicial Center’s approach to ongoing or continuing education for audiences we served.

I would like to highlight three lessons that we, in the U.S. have learned, and are struggling to follow, when it comes to continuing education and development of our legal professionals. I hope each of you will see the lessons as important to the efforts of the institutions that are represented here today as each works to further the development of legal professionals here in the Republic of Uzbekistan.

**Our first and perhaps, most important lesson from the U.S. is that the tone of the leadership at the highest levels of the institutions with**

**responsibility for continued training of legal professions regarding the importance of the continuous development of legal professionals is most crucially important.**

Leadership, in every segment of the public and private sectors, sets the stage for whatever is to follow. In the U.S., we at the Federal Judicial Center, were fortunate to enjoy the confidence and support of the Judicial Conference of the United States, which is headed by the Chief Justice of the Supreme Court of the United States, with all of our efforts to provide in-service and other ongoing educational enrichment opportunities for all of our judges and court staff. We were also fortunate to have a Board of Judges and leadership at the FJC who were committed to supporting and guiding both our research and education missions.

And I note that here in Uzbekistan, there is also strong support and encouragement of your efforts to provide continued educational programs to further development legal professionals in all spheres of your public and private sectors. I especially want to quickly mention two important recent developments in Uzbekistan, and of course there are many others, that should continue to pave the way for the institutions that are represented here today to provide more continuous training and development of your legal professionals:

First, the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PP-3666 dated April 13, 2018, creating the Center for Professional Training of Legal Personnel in accordance with international standards at the Tashkent State University of Law represents a significant expression from the President of Uzbekistan of the importance of continuing education and development of legal professionals. Among its provisions, this Presidential Decree called for:

- Training and re-training of teachers who are in higher legal and non-legal education institutions in Uzbekistan as well as those in institutions of public education at the secondary, specialized and vocational educational institutions;
- State funded competitive internships for young lawyers in foreign law firms;

This is most important because so many of the young graduates of your law schools are choosing careers, not as lawyers, but in other areas. Uzbekistan continues to have a relatively small legal bar per capita. A strong and active legal profession must play an increasingly important role not only in your criminal justice system, but in your civil, administrative and economic spheres of law as well.

That 2018 Presidential Decree also contained important provisions allowing individuals who have successfully completed legal training and retraining courses and who have received a diploma, to work not only in legal services of state bodies and organizations, but also in registry offices.

**Second**, I want to mention as another example of affirmative support for continued legal professional development here in Uzbekistan, the Cabinet of Ministers Resolution dated April 6, 2021, "On additional measures to further improve the system of training legal personnel in accordance with international standards" which also called for additional important measures to strengthen the development of legal professionals.

As noted earlier, there are many other recent developments that reveal the support of the top leadership for continuing training of legal professionals, including the

May 30, 2022 Presidential Decree, No. PP-263, on “Measures for the Wide

Implementation of Modern Information and Communication Technologies in the

Activities of Legal Advocates.”

And of course, all of the training and conferences conducted by the Ministry of Justice’s Lawyers Training Center and other institutions represented here are important. Many of the conferences, like this one, we at Regional Dialogue, with the ongoing support of our U.S. Department of State funding from the Bureau International Narcotics and Law Enforcement Affairs (INL) have had the opportunity to participate. So, all of these point very positive leadership commitments to strengthening and enhancing the continued education and development of legal professionals here in Uzbekistan.



In the U.S. and elsewhere, democratic societies have learned that top level leadership commitment to the development of legal professionals is only the first important step. It takes more than such a commitment—to fully address the development needs of legal professionals—it takes hard work and a commitment to excellence on the part of the institutions as those represented here today. In that regard, I want to mention the proposed **Law on Advocacy**, the draft of which has been pending for some time, but which contains many important provisions to strengthen the role of legal advocates in Uzbekistan. In the U.S., we believe the legal advocates are important in the defense of our Constitutional principles and protections. Enactment of the Law on Advocacy will bring a similar view towards legal advocates here in Uzbekistan.

**A Second Lesson from the U.S. Experiences is that a Competency-based**

**Approach Works Best for the on-going Development of Legal Professionals**

In the U.S. and many other countries, it is now generally accepted that a competency-based approach to training helps to ensure that legal professionals will acquire the knowledge and skills they need to do their jobs competently and effectively.

In the U.S., we generally seek to empirically assess what our legal professionals, like attorneys, judges, prosecutors and probation officers believe are essential to the performance of their work and we, then develop curricula that seek to deliver the **knowledge, skills, and attributes** that the legal professionals have indicated as needed for them to be most effective and efficient in their work,

We have learned that the **knowledge** or information that our legal professionals— attorneys, judges, and court legal staff need most are in the areas:

- Constitutional law
- The Rules of Evidence, including Criminal, Civil and Appellate Practice and Procedures
- History and mission of the legal criminal and civil justice systems

• Statutory construction and how to understand and interpret new legislation

- Substantive criminal law
- Administrative law
- Writing and rules of grammar
- Philosophy of law, as well as
- Subject matters outside of law (e.g., psychology, economics)

In terms of **skills** that are most important for the development of our legal professionals, the FJC, found that for judges, staff attorneys and other court lawyers, the most important skills are:

- Writing
- Critical analysis
- Interacting with people / “people skills”
- Oral communication / speaking ability
- Research / reading
- Technology
- Negotiation / consensus-building
- Time management / ability to multi-task
- Open-mindedness / avoiding bias

Now, **attributes** are characteristics or behaviors that are important to the successful work and efforts of the legal professional. We found the following attributes to be especially critical in the development our legal professionals:

- Even-temperedness / having a good temperament
- Fair / objective / unbiased views
- Patience
- Ethical integrity
- Good judgment / analytical ability
- Humility
- Empathy / compassion
- Diligence
- A good communicator
- A good listener
- Dedication to the law and the ideals of a transparent legal system
- Desire to help solve problems

- Hard working / industrious
- Having common sense
- Intellectual curiosity
- Being open to compromise
- Being respectful

I hasten to note, that as with most matters, one size does not necessarily fit all legal professionals. For some of the competencies, there will be substantial agreement, such as with writing, being an essential skill for all groups of legal professionals. For others, however, there will likely be greater differences as to the essentiality of certain knowledge and skills.

To examine which competencies are the most essential to legal professionals, continued research should be periodically conducted to obtain the views of various legal professionals to identify and then rank and/or rate the essentiality of each competency and skills that are need for them to carry out their work. Such research and analyses will provide important results to highlight the landscape of essential competencies and the variability between professionals performing different legal roles. These findings should help inform each of the institutions represented here today, like the TSUL Center on Legal Professional Development and the MoJ Training Center for Lawyers, as to essential competencies that should be reflected in their curricular for the continued training and development of legal professionals here in Uzbekistan.

Now, how are knowledge, skills and attributes to be incorporated into a continued education training program to further the development of legal professionals?

Let me tell you briefly about a recent competency-based, month-long training program, that Regional Dialogue and the FJC conducted for trainers at the Supreme Judicial Council (SJC) and the Supreme School for Judges Under the Supreme Judicial Council, here in Uzbekistan.

That program for trainers at the SJC, included competencies and skills development in the following areas, each delivered in 80-minute highly interactive weekly segments by trainers and researchers at the FJC over the course of month. The specific segments were:

## **Why Paying Attention to the Mind of the Judge Matters**

Focused on what courts in the United States are doing to address the psychological health (also called mental health) of judges? Why is it important to pay attention to the emotional wellbeing of judges? How do judges practice certain skills to prevent stress from impairing their psychological health?

- **Leadership Skills for (All) Judges**
  - **The Psychology of Judging: Critical Thinking and Analysis**
  - **Judges and their Emotions: Challenge or Opportunity?**
  - **Judicial Wellness and Stress Management**
  - **Communication Skills: What Judges Need to Know**
  - **Time Management: A Critical Judicial Need**
  - **Evaluation Methods to Determine Judicial Program Effectiveness**
- Media Relations**
- **Putting it All Together: The Mind and Well Being of the Judge**

Each session was highly interactive—with questions and open dialogue between the FJC Trainers and those of the Supreme Judicial School who are now working on plans to conduct this training for judges and senior court staff across Uzbekistan.

**Finally, a third Lesson from our U.S. Experiences Regarding the Continuous Education and Development of Legal Professionals is that an Interdisciplinary Blended Approach to is Critically Important.**

A blended approach works best for legal professional continuing education programs with emphasis on:

*High-order cognitive* learning and *non-cognitive-centered* or problem-solving skills that enable the legal professional, be it a prosecutor, defense advocate or a judge to think and act critically are crucial. That blended approach must ideally include quantitative or empirically validated content and approaches to the continued development of legal professionals.

I will conclude here, by noting that conferences and programs, like this one, are important steps, as is the tone that is set by top level leadership, in furthering a national commitment to advancing *lifelong* learning and development for all legal professionals.

Again, on behalf of my colleagues at Regional Dialogue and our U.S. grantor, INL, we thank you for the opportunity to be a part of this conference. Regional Dialogue stands ready to continue assist the institutions represented here with efforts to further advance the capabilities and work of legal professionals here in Uzbekistan.

Thank you.

**МАМАСИДДИҚОВ  
МУЗАФФАРЖОН  
МУСАЖОНОВИЧ**

Ўзбекистон Республикаси Бош  
прокуратураси Академияси  
бошлиғининг илмий ва ахборот-  
таҳлилий ишлар бўйича ўринбосари,  
адлия катта маслаҳатчиси, ю.ф.д.,  
профессор

## **ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ: БОШ ПРОКУРАТУРА АКАДЕМИЯСИ МИСОЛИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2018 йил 8 майдаги** “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПФ–5438-сонли Фармони**га асосан Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари негизида **Бош прокуратура Академияси** ташкил этилган.

Академия қисқа даврда кам сонли ва тор ихтисослашувдаги таркибий тармоқдан миллий ва халқаро майдонда тан олинган **етақчи илмий-тадқиқот муассасасига** айланди ҳамда **юримдик фан-таълим соҳасида муносиб ўринга эга бўлди**.

Академия ташкил этилишининг дастлабки даврдан ўқув жараёнини замонавий талабларга мос равишда самарали ташкил этиш имконини берадиган зарур **моддий-техник база билан таъминланди**.

Хусусан, Академия учун **бино** ажратилиб, капитал таъмирланди, натижада ўқув аудиториялари сони **3 тадан 20 тага етказилди**. Тингловчиларда амалий ва махсус кўникмаларни шакллантириш мақсадида ўқув машғулотлари **криминалистик полигонлар, киберлаборатория, суд имитацияси зали**, ҳарбий прокуратура контингентига зарур бўлган **электрон тир, плац** ва бошқа махсус жиҳозланган ўқув-амалий машғулот учун хона ва майдончалар ташкил этилди.

Амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар натижасида етакчи олимлар, шунингдек, прокуратура, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган амалиётчи мутахассислардан иборат **кадрлар таркиби шакллантирилди**, 4 йил ичида илмий даража ва унвонга эга ходимлар сони **5 тадан 34 тага кўпайди**.

Академиянинг қатор профессор-ўқитувчилари турли **хорижий нуфузли олийгоҳлари**, жумладан Манчестер университети (Англия), Рочестер университети (АҚШ), London City Institute коллежи (Буюк Британия), Париж-III-Янги Сарбонна университети (Франция), Нагоя университети (Япония), Лион давлат университети (Франция), Бордо-Монтескье IV университети (Франция), Сежонг университети (Жанубий Корея) битирувчиларидир.

### ***Академия фаолиятини ва таълим жараёнини рақамли трансформация қилиш***

Академия фаолиятининг дастлабки кунларидан **инновацион усуллар ва ёндашувлар** асосида ишларни ташкил этиш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Бу борада қўйилган дастлабки қадамлардан бири Академия фаолиятини тўлалигича рақамли трансформация қилиш тўғрисидаги қарор бўлиб, унинг натижасига кўра муассасанинг ўз **уникал дастурий таъминоти** – барча бошқарув жараёнларини интеграция қилиш имконини берувчи ва **30 дан ортиқ** дастурий модуллар, шу жумладан, электрон (масофавий) таълимни бошқариш тизими (LMS)дан иборат **“ПроАкадемия” ахборот-таълим портали** яратилди.

Бош прокуратура ва Академия дастурчилари томонидан яратилган ва мамлакатимиздаги таълим тизимида аналоги бўлмаган мазкур дастурий таъминотга Интеллектуал мулк агентлигидан 2019 йил 19 мартда **DGU 06178-сон муаллифлик гувоҳномаси** олинди.

Шунингдек, **Прокуратура органлари ходимлари касбий компетенцияларининг ривожланишини комплекс узлуксиз мониторинг қилиш электрон дастури** ишлаб чиқилиб, мазкур портал базасига жойлаштирилди. 2019 йил 25 декабрда **DGU 07442-сон муаллифлик гувоҳномаси** берилган ушбу дастур ҳам

республикада ягона бўлиб, прокуратура органларида кадрлар билан ишлаш соҳасини модернизация қилишда муҳим қадам бўлди.

Хусусан, кадрлар хизмати билан интеграция қилинган мазкур дастур ҳар бир прокурор-тергов ходимининг касбий ва умумий кўникмаларининг муҳим кўрсаткичлари ва динамикасини тизимли **диагностика** қилиб бориш ҳамда уларнинг шахсий-профессионал ривожланишига оид маълумотлар **портфолиосини** юритиш имконини беради.

Мазкур тизимни ишга тушириш мақсадида 2021 йилнинг июнь-ноябрь ойларида барча ҳудудларга чиққан ҳолда **2356** нафар прокурор-тергов ходимлари кўникмалари **бирламчи диагностика** – **бенчмаркингдан** ўтказилди ҳамда натижаларига кўра ҳар бир ходимнинг **портфолиоси шакллантирилди** ва касбий таълимга бўлган эҳтиёжлари аниқланди.

#### ***Таълим жараёнини ташкил этиш***

Яратилган моддий-техник база ҳамда рақамли ечимлар мажмуасининг жорий этилиши Академияда ўқув жараёнини ташкил этишга бўлган ёндашувларни мутлақо ўзгартириб, унинг **миқдор ва сифат кўрсаткичларини тубдан яхшилаш** имконини берди.

Хусусан, Академия ташкил этилганидан буён прокуратура, Департамент ва Мажбурий ижро бюроси органларининг **10 881 нафар** (2018 й.–905, 2019 й.–3055, 2020 й.–2607, 2021 й.–4314), шунингдек, бошқа ташкилот ва идораларнинг **6 107 нафар** (2018 й.–2525, 2019 й.–1658, 2020 й.–1210, 2021 й.–714) ходимлари, жами **16 988** нафар ходимлар таҳсил олди.

Таққослаш учун, Олий ўқув курсларининг бутун **10 йиллик** даврида (2007-2017 йй.) **4,3 минг** ходимлар таҳсил олган бўлса, **биргина 2021 йилда 5 мингдан** ортиқ ходимлар Академияда таҳсил олди. Шундай қилиб, прокуратура ходимларининг **ҳар уч йилда камида бир марта** малака оширишларини таъминловчи **узлуксиз механизм** йўлга қўйилди.

#### ***Ўқув жараёнида инновацион таълим ёндашувлари ва технологияларини жорий этиш***

Академияда ўқув жараёнини ташкил этишга оид белгиланган вазибаларни самарали бажариш мақсадида таълимнинг барча



босқичларида **замонавий таълим ёндашувлари ва технологиялари** жорий этилган.

Жумладан, жойлардаги ходимларнинг эҳтиёжи ва сўровлари асосида малака ошириш имкониятини таъминлаш учун Академияда **қайта алоқа** механизмлари асосида ўқув курсларини ўзлаштиришнинг **электив (танлов) модели** қўллаб келинмоқда.

Мазкур мутлақо янги ёндашув малака ошириш фаолиятини **индивидуал таълим траекторияси** шаклида узлуксиз таъминлаш имконини яратди.

Шунингдек, тингловчилар учун минимал таълим юкласи (3 йиллик даврда 144 соат)ни қисқа муддатли масофавий курслар орқали **кредит тизими**га асосан ўзлаштириш имкониятлари яратилди.

Бундан ташқари, тизимнинг бошқа йўналишидаги лавозимига тайинланган, шунингдек, муайян долзарб ҳуқуқий масалалар бўйича саводхонлигини ошириш зарурияти мавжуд бўлган ходимларнинг малакаси **мажбурий курслар** орқали оширилмоқда.

Академияда электрон таълимнинг **“ўгирилган машғулот” (flipped class)** шакли фаол қўлланилмоқда. Унга кўра, видеомаъруза ва бошқа материаллар тингловчиларга шахсий электрон кабинети орқали мустақил ўзлаштириш учун олдиндан тақдим этилади ҳамда ўқув машғулотлари фақатгина интерфаол шаклда амалга оширилади.

Академиянинг яна бир ноу-хауси малака ошириш дастурлари таълимнинг **электрон ва анъанавий босқичларини ўзаро боғлиқликда қўллаш тизими**ни назарда тутувчи **аралаш модел (blended learning)** шаклига ўтказилганлигидир. Мазкур янгилик натижасида ўқув дастурлари дизайни тўлиқ қайта кўриб чиқилди ҳамда профессор-ўқитувчилар **тьюторлик фаолиятига** қайта тайёрланди.

Академияда қўлланилаётган мазкур инновацион ёндашувлар ҳамда дастурлар учун прокуратура органлари тарихида биринчи марта **“Масофавий, аралаш курслар тизими”** (№ SAP 02087), **“Модулли жамғарилувчи (кредит-модуль) масофавий малака**

ошириш курсларини ташкил этиш механизми”га (№ SAP 02086) 2 та патент олинди.

**Олий таълим ҳамда амалий фаолият орасида** мавжуд бўшлиқларни тўлдириш мақсадида илк маротаба прокуратура органларида лавозимларни эгаллаш учун номзодлар иштирокида б ойлик **бирламчи ихтисослашув шаклидаги касбий қайта тайёрлаш курслари** ташкил этилди.

Жойлардаги прокурорлар орасида ўтказилган аноним сўровлар қайта тайёрлашнинг тамомила **янги модели** бўлган мазкур курсларни тамомлаган ёш мутахассисларда тергов ҳаракатларини ўтказиш, секторларда ишни ташкил этиш, муурожаатлар билан ишлаш ва бошқа кўникмаларнинг шаклланганлигини кўрсатди.

Прокуратура органларида **раҳбарлик** лавозимларини эгаллаш учун захирада турган кадрларни касбий қайта тайёрлаш курсига қабул қилиш жараёнлари такомиллаштирилиб, энг сара ходимларни танлаб олиш имконини берувчи **янги уч босқичли танлов тизими** жорий қилинди.

Курсларни ўтказишда тингловчиларнинг замонавий **бошқарув** ва **менеджментнинг** инновацион шакллари ва методларини ўзлаштиришига ҳамда **лидерлик** кўникмаларининг шаклланишига алоҳида эътибор қаратилди.

### ***Бошқа ташкилот ва идоралар ходимларининг малакасини ошириш***

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жинойтчилик ва коррупцияга қарши курашиш, кибержинойтчилик ва бошқа масалалар бўйича Академияда 6 107 нафар давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари малакасини оширди.

Хусусан, 2021 йилда интернет тармоғидаги қонунга хилоф ҳаракатларни фош этиш ва ҳужжатлаштиришга қаратилган *“Кибержинойтларни тергов қилиш”* мавзусида **ДХХнинг барча ҳудудий бошқармалари ва марказий аппарат терговчилари** учун ўқув машғулотлари ташкил қилинди.

Турли мавзуларда ташкил этилган ўқув курсларида **1537** нафар ички ишлар, **1210** нафар солиқ, **1082** нафар банк ва аудит, **358** нафар маҳаллий давлат ҳокимияти, **288** нафар нотариус, **184** нафар суғурта,

**154** нафар биржа брокерлари, **145** нафар молия органлари, **1149** нафар ДХХ, божхона, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, олий таълим муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғини ва бошқа ташкилотлар ходимларининг малакаси оширилган.

### ***Амалиёт ва назария уйғунлиги***

Академиянинг муҳим ноу-хауларидан бири унинг ўзига хос мақомидан келиб чиқиб, **амалиёт ва назариянинг узвий боғлиқлигини таъминлашга** қаратилган аниқ моделнинг мавжудлигидир.

Хусусан, прокуратура органлари ходимларининг келгусида эгаллаб турган лавозимига тенг бўлган лавозимларда хизматни давом эттиришини таъминлаган ҳолда тажрибали ходимлар Академияга **ротация шаклида** жалб этиб бориш тартиби жорий қилинди.

Кадрларни жой-жойига қўйишнинг тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган мазкур уникал механизми Республика бўйича илк бор прокуратура органларида йўлга қўйилди ҳамда тажрибали амалиётчиларнинг педагогик фаолиятга жалб этилишида ўз самарасини бермоқда.

Шунингдек, илғор халқаро тажрибага (*Франция, Германия, Япония, АҚШ*) таянган замонавий ёндашувлардан бири Академия ходимлари прокуратура органлари тармоқларида стажировка ўташ даврида **прокуратура органлари ходимларининг тегишли ваколатларидан фойдаланишининг** жорий этилганлиги бўлиб, бу амалиётнинг кенг қўлланилаётганлиги ўз навбатида илм-фан ва таълимни амалиёт билан узлуксиз бойитиб бориш имконини бермоқда.

Бундан ташқари, қуйи прокуратураларнинг амалиёт материалларини ўрганиш орқали бу борада илмий ёндашувларнинг сингдирилиши таъминланиб, фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган **турли услубий ҳужжатлар** (танбех, кўрсатма ва йўналтирувчи хатлар) ишлаб чиқиш ва жойларга юборилишини таъминлаш тажрибаси йўлга қўйилган.

Академияда **Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш муаммолари лабораторияси** ташкил этилиб, ҳар бир тингловчининг амалиётда

учраган муаммо ва бўшлиқлар бўйича таҳлилий материаллари ва таклифлари умумлаштирилиб, **700дан ортиқ таклифлар** илмий тадқиқотларда ва ўқув контентини шакллантиришда фойдаланилди.

Прокуратура органлари фаолиятини **услубий жиҳатдан таъминлашга** қаратилган “Қурилиш соҳасидаги давлат дастурлари ижро этилиши устидан назорат”, “Жиноий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш”, “Иқтисодий соҳада қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати”, “Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати”, “Вояга етмаганларга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати”, “Вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари”, “Жиноят процессининг суд муҳокамасида прокурор фикри”, “Фуқаролик суд ишларини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари”, “Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жиноий жазолар устидан прокурор назорати” ва бошқа мавзуларда **30 дан ортиқ** турли махсус адабиётлар, **254 та** ўқув фильмлари ва роликлари, **150 та** аудиоподкастлар тайёрланиб, жойларга юборилган.

Академиянинг расмий веб-сайтида электрон кутубхона, шунингдек, ахборот-таълим порталида махсус **Кутубхона** платформаси жорий этилди ва унга ахборот-ресурс маркази фондидаги адабиётлар, шу жумладан янги адабиётлар рақамлаштирилиб, киритиб борилди. Прокуратура органлари барча ходимлари мазкур дастур орқали АРМ электрон базасига уланиб, ундан фойдаланиш имконига эга.

“Тергов”, “Прокурор назорати”, “Судларда прокурор иштироки” каби **электрон маълумот-ахборот комплекслари** ишлаб чиқилиб, электрон ҳужжат айланиш тизими орқали барча ходимларга кундалик иш фаолиятида фойдаланиш имконияти яратилди.

Академияда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш бўйича **виртуал имитацион комплекс дастурий таъминоти** йўлга қўйилиб, ушбу **тренажер-симулятор** жиноят содир этилган турли жойларни (хонадон, бино, ер ости йўлаги, кўча ва б.) шакллантириш имконини беради.

Мазкур тренажер ёрдамида тингловчиларда зарур процессуал ҳаракатларни (кўздан кечириш, фотофиксация ва ўлчаш, ахборотларни тайёрлаш) ўтказиш, шунингдек, далилларни аниқлаш, олиш ва тўплашда замонавий анжомлардан фойдаланиш кўникмалари шаклланади.

Академия базасида **ЕХҲТ** кўмагида **Darknet лабораторияси** ташкил этилди ҳамда **20 та махсус компьютер техникаси жамланмаси** ва **алоқа ускуналари** билан таъминланиб, амалиётчи ходимлар учун замонавий таҳдидларга муносиб жавоб бериш, кибермакондаги жиноятларга қарши курашиш усуллари билан амалда танишиш, бу борадаги касбий кўникмаларни шакллантириш имконияти яратилди.

Шунингдек, Академияда ташкил этиладиган **Киберполигонни** тегишли техника воситалар ва дастурий таъминотлар билан таъминлаш мақсадида **НСА (Буюк Британия)** ташкилотининг молиявий кўмагида **махсус дастурий таъминотлар**, шунингдек электрон далилларни аниқлаш ва тўплаш бўйича **техник воситаларни** етказиб бериш юзасидан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Амалиётда криминалистик техника воситаларидан фойдаланишни услубий жиҳатдан таъминлашда ҳам Академия муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

Жумладан, тергов фаолиятини самарадорлигини ошириш мақсадида терговчи ва прокурор-криминалистлар учун **криминалистик чемодан** яратиш ишлари олиб борилди ҳамда импорт қилинган махсус воситалар ўрнини босувчи таннархи бир неча баробар камайтирилган, юқори сифатли ва эҳтиёжларга тўлиқ жавоб берадиган кримчемодан яратилиб, прокуратура барча бўғинларига етказилди.

### ***Таълим жараёнини психологик таъминлаш***

Прокуратура органларида тарихида илк маротаба Академия тузилмасида **психологик таъминлаш бўлими** ташкил этилди ҳамда унга тегишли функциялар билан бир қаторда, тингловчиларда **“юмшоқ кўникмалар” (soft skills)** – касбдан ташқари умумий кўникмаларни шакллантириш ва баҳолаш вазифалари ҳам юклатилди.

Бунинг натижасида махсус услубиётларга асосан касбий (юридик) компетенцияларни ўргатиш ва баҳолаш билан бир вақтнинг ўзида, жамоани бошқариш, танқидий фикрлаш, тизимли таҳлил, вақтни бошқариш, стресс-менеджмент, ахборот билан ишлаш, муаммоларга ечим топиш ва бошқа шу каби **юмшоқ компетенцияларни** ривожлантириш ва баҳолаш механизмлари жорий этилди.

Академия ходимларнинг шахсий сифат ва салоҳиятлари, психологик ва касбий жиҳатлари, лавозим вазифаларини бажаришга қодирлигини объектив баҳолашга йўналтирилган персонални комплекс баҳолаш услубиёти – **Ассесмент марказни** жорий қилган **ягона юридик таълим муассасаси** ҳисобланади.

**АЛИЕВ ШАХИН МАГЕРРАМ  
ОГЛЫ**

Ректор Академии Юстиции  
Министерства Юстиции  
Азербайджанской Республики

**АКАДЕМИЯ ЮСТИЦИИ МИНИСТЕРСТВА ЮСТИЦИИ  
АЗЕРБАЙДЖАНСКОЙ РЕСПУБЛИКИ КАК МНОГОПРОФИЛЬНОЕ  
ВЫСШЕЕ СПЕЦИАЛЬНОЕ УЧЕБНОЕ ЗАВЕДЕНИЕ ПО ПОДГОТОВКЕ  
ЮРИДИЧЕСКИХ КАДРОВ**

Юрист – профессия сложная, ответственная и на рынке труда востребованная. Хотя было бы правильнее сказать, что есть спрос на квалифицированных специалистов. И проблемой является качество юридического образования и отсутствие узкой специализации у юристов. На 3 курсе каждый студент юридического факультета сталкивается с проблемой выбора специальности. Обычно к этому времени многие уже определились с выбором специализации, так как базовые знания по каждой специализации уже получены. Еще до выбора специальности у студентов есть возможность поучаствовать в процессах в каждой области права, погрузиться в суть работы. Но как правило, юридические факультеты университетов предлагают всего три основные специализации (остальные во многом зависят от профиля вуза): - гражданское право - уголовное право - государственное право. Это не удовлетворяет спрос на юристов с более узкой специализацией. Кроме всего прочего, ведь помимо отраслевой специализации есть еще и функциональная: работа в суде, работа с договорами, корпоративная работа и т. д. Подготовкой таких юридических кадров и занимается Академия Юстиции Министерства Юстиции Азербайджанской Республики.

Академия Юстиции Министерства Юстиции Азербайджанской Республики была создана указом Президента Азербайджана в 2006 г. на базе Центра юридического образования при Министерстве юстиции Азербайджана. Основной целью деятельности Академии является подготовка квалифицированных кадров для органов

юстиции, прокуратуры и судебных органов, адвокатуры, в том числе осуществление правовой подготовки работников судебных органов, не имеющих высшего юридического образования, изучение концептуальных проблем развития юстиции, судебных органов и адвокатуры, фундаментальные исследования в различных областях юридической науки, проведение экспериментальных и прикладных научных исследований.

Основные задачи Академии включают:

- Проведение обязательного обучения кандидатов, впервые поступающих в органы юстиции, прокуратуры, а также кандидатов в адвокаты и в медиаторы для допуска к профессиональной деятельности;

- Проведение начальной подготовки кандидатов на должность судьи, а также повышение квалификации судей;

- Подготовка докторов философии по праву в области юридических наук;

- Осуществление дополнительного образования научно-педагогических кадров высших учебных заведений;

- Удовлетворение потребности государства и общества в высококвалифицированных юристах;

- Проведение фундаментальных, экспериментальных и прикладных научных исследований, подготовка информационно-аналитических, научно-методических материалов, рекомендаций для судов, правоохранительных органов и других государственных и негосударственных учреждений;

- Подготовка и повышение квалификации работников различных категорий на базе высшего юридического профессионального образования в целях приобретения новых правовых знаний;

- Правовое просвещение граждан.

Академия осуществляет подготовку специалистов и повышение квалификации слушателей по следующим категориям:

- Работников судебных органов и кандидатов, намеренных быть принятыми в судебные органы;

- Судей, кандидатов на должность судьи;

- Сотрудников органов прокуратуры;



- Работников судебного аппарата;
- Адвокатов и кандидатов в адвокаты;
- Специальных нотариусов;
- Юристов, желающих получить квалификацию медиатора;
- Юристов - работников государственных и муниципальных органов;
- Юристов - работников учреждений, предприятий и организаций независимо от форм собственности;
- Работников других категорий, имеющих отношение к основным целям и задачам деятельности Академии.

Начальное обязательное обучение и повышение квалификации в Академии осуществляются в форме очной формы обучения, а подготовка аспирантов и докторантов осуществляется в форме как очной, так и заочной формы обучения. По окончании обучения лицам, прошедшим итоговую аттестацию, выдается документ об уровне образования или квалификации установленной формы. Лицам, не завершившим обучение в Академии, выдается справка установленного образца. При реализации других образовательных программ выдаются сертификаты по их результатам по форме, утвержденной Ученым советом. Содержание и продолжительность обучения в Академии определяются по программам образования и специальностям, разрабатываемыми подразделениями Академии на основании государственных образовательных стандартов совместно с Министерством юстиции, Прокуратурой Азербайджанской Республики, Коллегией адвокатов, с учетом потребностей общества и задачами Академии. Программы специализации принимаются Ученым советом и утверждаются ректором. Учебные планы факультетов Академии также принимаются Ученым советом и утверждаются ректором. В процессе обучения в Академии применяются такие формы обучения, как лекции, учебная практика, курсы, рефераты и дипломные работы, консультации, ситуационно-имитационные игры, плановая самостоятельная работа под руководством преподавателей, автоматизированное обучение, стажировка. В Академии для оценки знаний используются семинары, итоговое

собеседование, устный экзамен, письменный экзамен, коллоквиум, государственная итоговая аттестация, автоматизированная проверка знаний и тестовое оценивание. Целевое обучение слушателей может осуществляться на основе индивидуальных программ. В целях достижения органического единства теоретических и практических аспектов правового обучения при Академии создана юридическая клиника.

В Академии действует шесть факультетов: факультет повышения квалификации работников юстиции (главным образом работников пенитенциарных органов); факультет подготовки судей и кандидатов в судьи; факультет повышения квалификации судебных служащих; факультет повышения квалификации сотрудников органов прокуратуры; факультет подготовки адвокатов и медиаторов; факультет повышения квалификации сотрудников муниципальных образований, государственных и негосударственных организаций.

Наряду с этим, в Академии функционирует семь кафедр: кафедра конституционного и административного права; кафедра уголовного, уголовно-исполнительного права и криминологии; кафедра уголовного процесса, криминалистики и судебной экспертизы; кафедра судебного права, прокурорской и адвокатской деятельности; кафедра гражданского и гражданско-процессуального права; кафедра менеджмента в сфере юстиции.

Количество курсов повышения квалификации и слушателей в Академии юстиции за 2008-2021 годы:

- 492 человека в 27 группах в 2008 г.;
- 531 человек в 24 группах в 2009 г.;
- 1157 человек в 49 группах в 2010 г.;
- 972 человека в 40 группах в 2011 г.;
- 1034 человека в 43 группах в 2012 г.;
- 1611 человек в 66 группах в 2013 г.;
- 2158 человек в 76 группах в 2014 г.;
- 2286 человек в 84 группах в 2015 г.;
- 3390 человек в 149 группах в 2016 г.;
- 3791 человек в 143 группах в 2017 г.;
- 4455 человек в 179 группах в 2018 г.;

- 4295 человек в 168 группах в 2019 г.;
- 2713 человек в 105 группах в 2020 г.;
- 6924 человека в 287 группах в 2021 г.

В Академии, в зависимости от специализации, с привязкой к юридической практике преподаются следующие предметы: конституционное право; теория государства и права; гражданское право; гражданско-процессуальное право; уголовное право; уголовно-процессуальное право; трудовое право; семейное право; административное право и административное судопроизводство; финансовое право; экологическое право; юридическая психология; криминология международное право; строительство правового государства в Азербайджане; направления деятельности Министерства юстиции по реализации и регулированию государственной политики в сфере юстиции; международные и национальные механизмы защиты прав человека; административный процесс и средства правовой защиты; юридическая этика, эстетика и психология; юридическое письмо; деонтологические проблемы правосудия и кодекс этического поведения и т. д.

Кроме того, в зависимости от специализации, осуществляется подготовка по ещё более узкоспециализированной тематике: для судей, например, это судебное рассмотрение дел о торговле людьми; альтернативные механизмы разрешения споров – вопросы применения института медиации; актуальные вопросы применения Семейного кодекса; проблемы применения законодательства в сфере пробации; взаимодействие судей со средствами массовой информации; особенности рассмотрения дел по преступлениям отдельных категорий; особенности рассмотрения дел, связанных с осуществлением коммерческой (предпринимательской) деятельности; особенности разрешения споров, связанных с вопросами применения современных информационно-коммуникационных технологий; актуальные вопросы права интеллектуальной собственности; актуальные вопросы судебной психологии; новые виды судебных экспертиз и современные технические возможности Центра судебных экспертиз; актуальные

вопросы административного судопроизводства и административного процесса; основные особенности судебного контроля по гражданским делам; вопросы обобщения судебного опыта; вопросы деонтологии и этического поведения в уголовном судопроизводстве; актуальные вопросы составления судебных решений; международные и национальные механизмы борьбы с коррупцией; актуальные вопросы применения гражданского законодательства; повышение эффективности управления в судах; проблемы борьбы с домашним насилием; некоторые вопросы реализации Жилищного кодекса; особенности процедуры экстрадиции и правовой помощи в этом процессе; вопросы Конвенции о правах инвалидов; вопросы Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин и ее факультативного протокола; ювенальная юстиция.

В этом году в Академии ведется подготовка к преподаванию двух новых курсов в качестве самостоятельных предметов: «Законодательная (нормативно-правовая) техника» и «Толкование нормативно-правовых актов». Актуализация вопроса законодательной техники заключается в том, что подзаконным нормотворчеством в Азербайджане занимаются все органы центральной исполнительной власти, а подготовка юристов, занимающихся этой деятельностью, оставляет желать лучшего. Большая часть работы ложится на Главное управление законодательства Министерства юстиции, куда проекты присылаются на согласование. Можно ли научить, как подготовить хороший нормативный акт? С одной стороны, невозможно научить законотворческой технике, рассказывая о ней, а с другой стороны, изучение приемов, правил, методов и инструментов законотворческой техники способствует формированию необходимой компетенции для дальнейшей профессиональной юридической деятельности в этой сфере. Кроме того, многое зависит от мотивации слушателя данного курса, его чувствительности к различным факторам, способным повлиять на законотворчество, способности прилагать значительные усилия для

ликвидации правового инфантилизма, который выражается в отсутствии необходимой базы правовых знаний.

Курс «Толкование нормативно-правовых актов» предназначен для более широкого круга слушателей. Толкование нормы представляет собой мыслительную деятельность, пронизывающую весь процесс правового регулирования. Толкование осуществляется тогда, когда речь идет о реализации нормативного акта: сначала следует понять сущность нормативного акта, а затем принять решение о его применении. И, конечно же, толкование играет особую роль в применении нормативных актов особенно потому, что оно часто связано с применением санкций или иными правовыми последствиями. Правоприменительная работа должна начинаться с толкования существующих нормативных актов и потому, чтобы понять, являются ли они эффективными или нуждаются в изменении.

**ИСРАИЛОВ ДИЛШОД  
ШАВКАТОВИЧ**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби директори ўринбосари

## **СУДЬЯЛАР ВА СУД АППАРАТИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ, УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг ташкил этилиши, вазифалари ва фаолияти таҳлил қилинади. Мақолада муаллиф Судьялар олий мактабида судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва суд аппарати ходимлари малакасини ошириш ҳамда раҳбарлик лавозимлари захирасида турган судьялар учун қайта тайёрлаш курслари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш тартибини очиб беради.

**Калит сўзлар:** Судьялар олий кенгаши, Олий суд, Судьялар олий мактаби, судьялар, суд, суд аппарати, суд-ҳуқуқ тизими, магистр, тингловчилар, ўқув режа, ўқув дастури, дарс жадвали.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4096-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби (кейинги ўринларда — Олий мактаб) ташкил этилди.

Олий мактаб судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш учун масъул бўлган давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

Шунингдек, Олий мактаб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилган ҳолда ўз фаолиятини юритади.

Бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда малакали судьялар ва судлар аппарати ходимларини тайёрлаш ҳамда одил судловнинг юқори даражасига эришиш Олий мактабнинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

Шу билан бирга, Олий мактабнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, улар малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш;

- иш юритиш ва танқидий таҳлил қилиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда асослантилган қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирадиган интерфаол ўқитиш усулларини таълим жараёнига жорий этиш;

- тингловчиларда юриспруденция, касбий этика, психология, ишга оид мулоқот, вақтни бошқариш, музокаралар олиб бориш усуллари, ахборотлар билан ишлаш технологиялари, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллашга доир назарий билимлар ва амалий кўникмаларни ривожлантириш;

- мунтазам равишда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб масалаларини муҳокама қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

- тингловчиларни қонун ҳужжатларига киритилган долзарб ўзгартиришлар ва қўшимчалар, миллий ва хориждаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати ва тенденциялари, шунингдек норма ижодкорлиги фаолияти соҳасидаги тажриба билан таништириш;

- суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, қонунчиликни ривожлантириш ва ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини

шакллантиришнинг долзарб масалалари бўйича чуқур фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

- суд соҳасида олий малакали илмий ишлаб чиқариш (амалий) кадрларини тайёрлаш, шунингдек суд-ҳуқуқ фаолиятини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш;

- суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш, суд амалиёти ва статистикасини ўрганиш ва умумлаштириш, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- тажриба алмашиш, таълим жараёни сифатини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланувчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан самарали идоралараро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- мунтазам илмий тадқиқотларни, норматив-ҳуқуқий, методик ва таҳлилий ахборотлар алмашишни йўлга қўйиш, таълим ва илмий жараёнга хорижий мутахассисларни жалб этиш, педагогик, илмий ходимлар ва тингловчиларнинг стажировкасини ташкил этиш мақсадида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Олий мактабда 5A240121 – Суд фаолияти (фаолият турлари бўйича) соҳа мутахассислиги бўйича судьялар давлат грантлари асосида 4 та йўналишда (Иқтисодий ҳуқуқ, Жиноят ҳуқуқи, Маъмурий ҳуқуқ ҳамда Фуқаролик ҳуқуқи ихтисослиги) бир йиллик магистратура дастури асосида тайёрланади.

Бундан ташқари Олий мактабда Раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни 2 ойлик қайта тайёрлаш курси, Судьялар ва суд аппарати ходимларини 2 хафталик малакасини ошириш курслари ҳамда қисқа муддатли 1-3 кунлик ўқув курслари ташкил этилади.

Шунингдек, 2022/2023 ўқув йили учун ташкил этилган Қабул комиссиясига 752 нафар номод ариза билан мурожаат қилган. Қабул комиссияси фаолиятини 5 босқичли қабул жараёнига асосан олиб борган.

Хусусан, ариза топшириш, Судьялар олий кенгашининг махсус текшируви, касбга тайёргарлиги бўйича махсус психологик тест, Чет



тили ва мутахассислик фанидан тест, ҳуқуқий иншо ҳамда оғзаки суҳбат асосида номзодлар қабул қилинган.

Юқоридагиларга асосланган холда Судьялар олий кенгашининг махсус текширувига кўра муносиб топилган 612 нафар номзоддан 533 нафари психологик тестдан ўтган.

Шунингдек, психологик тестдан ўтган 533 нафар номзод чет тили, мутахассислик бўйича тест ва ҳуқуқий иншо топширишган ҳамда ижобий натижаларга эришган 380 нафар номзодни Судьялар олий кенгаши, Олий суд судьялари ва бошқа ҳамкор ташкилотлар ходимларидан иборат махсус комиссия оғзаки суҳбат қабул қилган.

Натижада 139 нафар тингловчи Олий мактабга 2022/2023 ўқув йили учун ўқишга қабул қилинган. Қабул қилинган тингловчилардан 110 нафари эркаклар, 29 нафарини аёллар ташкил этади. Шунингдек, тингловчиларнинг 32 нафари магистр, 2 нафари юридик фанлари доктори (биттаси профессор) ва 1 нафари юридик фанлари номзоди, 36 нафари инглиз тилини мукамал даражада эгаллаган. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан яъни 90 нафари суд органларидан, 9 нафари прокуратурадани, 4 нафари ички ишлар органларидан, 11 нафари адлия органларидан, 1 нафари миллий гвардия тизимидан, 1 нафари божхона тизимидан, 5 нафари юрисконсульт, 6 нафари адвокат, 3 нафари нотариус ҳамда 9 нафари бошқа соҳа вакиларидан иборат.

Олий мактабда магистратура босқичида тингловчилар учун 1 йиллик таълим жараёни 50 хафтани ташкил этади. Тингловчилар аттестация, стажировка, давлат аттестацияси ва диссертация ҳимоялари топширишади.

Тингловчилар учун дарс машғулотларини олиб боришда “Судьяни судья ўқитади” тамойилидан келиб чиқиб тажрибали Олий суд ва Судьялар олий кенгаши судьялари жалб этилган.

Тингловчилардан оралиқ ва якуний назорат синовлари Судьялар олий кенгаши ва Олий суд судьяларидан иборат таркибдаги махсус комиссия томонидан ўтказилади.

Якуний давлат имтиҳонлари Судьялар олий кенгашининг қарори билан тасдиқланган махсус комиссия томонидан ўтказилади.

Якуний давлат имтиҳонларини муваффақиятли топширган битирувчилар Судьялар олий кенгаши томонидан эълон қилинган танловда иштирок этиб судьялик лавозимига тайинланади.

Олий мактаб ҳар 6 ойда Олий суд билан биргаликда малака ошириш курслари учун ўқув режасини тасдиқлашади. Малака ошириш курслари учун Олий суд малака оширувчи судьялар ва ходимлар рўйхатини беради.

Малака ошириш режаси Олий суднинг ярим йиллик буюртмасидан келиб чиқиб тасдиқланади ва режада судьялар ва суд аппарати ходимлари кўрсатилади. Режада белгиланган курс бошланишидан олдин Олий суд ҳар бир ҳудуддан 1 нафардан 14 нафар тингловчи беради. Малака ошириш курсининг ўқув дастурини шакллантиришда ўқишга жалб қилинаётган судьяларнинг фикри инобатга олинади ва улар дастурга киритилади.

Олий мактабда 2 хафталик судьялар ва суд аппарати ходимлари учун ташкил этиладиган малака ошириш курслари 72 соатни ўз ичига қамраб олади. Малака ошириш курси олий суд буюртмаси билан тасдиқланган ўқув дастури асосида дарс машғулоти онлайн шаклда Zoom платформаси орқали олиб борилади. Малака ошириш якунлари бўйича тингловчилар томонидан тест топширилади ҳамда тест синовларидан муваффақиятли ўтган тингловчиларга сертификат тақдим этилади. Малака ошириш курсларида иштирок этган судьяларга рейтинг 3 баллгача қўшилади. Тошкент шаҳридаги тингловчиларига Олий мактаб раҳбарияти томонидан сертификат топширилади. Вилоятларда ҳудудий судлар малака ҳайъати раислари томонидан сертификат топширилади. Якуний тестдан 55 фоиздан кам балл олган тингловчилар ҳақида Судьялар олий кенгаши ва Олий судга маълумот тақдим этилади.

Олий мактабда малака ошириш курслари ҳар бир кафедра (фуқаролик, жиноят, маъмурий, иқтисодий) томонидан тегишли тингловчилар билан ўтказилади.

Шунингдек, Олий мактабда Раҳбарлик лавозимлари захирасида турган судьялар учун қайта тайёрлаш курслари 8 ҳафта 288 соатни ташкил этади. Бунда Судьялар олий кенгаши қарори асосида келишилган ҳамда Олий мактаб Кенгаши томонидан

тасдиқланадиган ўқув режа ва дастурлар асосида дарс машғулоти олиб борилади.

Қайта тайёрлаш курслари учун Судьялар олий кенгаши суҳбат асосида раҳбарлик лавозими учун захирадаги судьяларни шакллантиради. Раҳбарлик захирасига олинган кадрларни қайта тайёрлаш бўйича Олий мактабга қарор тақдим этади.

Қайта тайёрлаш курсларида Судларда раҳбар кадрларнинг бошқарув кўникмаларини ривожлантириш, раҳбар фаолиятида бошқарув психологияси, судлар фаолиятида тайм-менежмент, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик, судларда раҳбарнинг нутқ маданияти ва мулоқот коммуникацияси, судларда раҳбар кадрнинг касб этикаси тингловчилар йўналишларга ажратилмаган ҳолда умумий раҳбарлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган дарс машғулоти олиб борилади.

Шунингдек Олий мактабда ташкил этиладиган қисқа муддатли курсларда барча ихтисослик судьялари учун Ўқув дастури Судьялар олий кенгаши ва Олий суд билан келишилган ҳолда тасдиқланади. Қисқа муддатли курсларда Рақобат сиёсати ва ҳуқуқ асослари, хотин қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, коррупциявий жиноятларни судларда кўриб чиқишнинг ўзига хос жиҳатлари, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш ҳамда хусусий мулкни ҳимоя қилиш соҳасида юзага келган низоларни судларда кўриб чиқишнинг хусусиятлари бўйича дарс машғулоти ташкил этилади.

Бундан ташқари Олий мактабда шартнома асосида ҳам ўқув курсларни ташкил этиш режалаштирилган.

Ҳозирги кунга қадар Олий мактабни тугатган магистратура тингловчилари умумий 207 нафарни ташкил этади. Шундан 65 нафари жиноят ҳуқуқи ихтисослиги, 48 нафари иқтисодий ҳуқуқ ихтисослиги, 57 нафари фуқаролик ҳуқуқи ихтисослиги ҳамда 37 нафари маъмурий ҳуқуқ ихтисослигини тамомлаган.

Шунингдек, Судьялик лавозимига 39 нафари жиноят ҳуқуқи ихтисослиги, 34 нафари иқтисодий ҳуқуқ ихтисослиги, 32 нафари фуқаролик ҳуқуқи ихтисослиги ҳамда 22 нафари маъмурий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича умумий 127 нафар битирувчи тайинланган.

Олий мактабда 2019-2021 йилларда жами 1137 нафар шундан 771 нафар судья, 366 нафар ходим малака оширган. 2022 йил 6 ойида 240 нафар судья ва ходим малака оширган шундан, 134 нафар судья, 106 нафар ходимларни ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, Мамлакатимизда изчил давом этаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида судьялар дахлсизлигини таъминлаш, уларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятига ғайриқонуний равишда аралашувларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда Олий мактабда судьяларни ўқитиш бўйича ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

**ОТАЖОНОВ АБРОРЖОН  
АНВАРОВИЧ**

Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали директори, юридик фанлар доктори, профессор

## **ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ СОҲАСИ УЧУН ПРОФЕССИОНАЛ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Барчамиз гувоҳи бўлаётганимиздек, сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мутлақо янгича тизими яратилди ҳамда мазкур тизим учун замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Бионабарин, мазкур соҳада таълим-тарбия сифатини ошириш, ўқитиш мазмунини янгилаш, такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш билан бирга ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши кураш тизимида замонавий талабларга жавоб берадиган, ўз вазифаларини самарали бажаришга қодир бўлган маънавий баркамол кадрларни тайёрлаш ўта муҳим долзарбликни ташкил этади.

Ҳолбуки, кейинги йилларда ҳуқуқбузарликлар профиликатикаси тизимини такомиллаштириш, шу жумладан мазкур соҳа учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қаратилган **13 та** Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **11 та** Фармон ва **46 та** Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг **117 та** Қарори ва **200дан** ортиқ идоравий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалиётга жорий қилинди.

Жумладан:

**биринчи**, 2017 йилда ИИВ Академиясида ҳуқуқбузарлик профилактикаси соҳаси учун кадрлар тайёрлашнинг кундузги таълим

шаклида ўқиш муддати уч йилни ташкил этадиган янги тизими ҳамда сиртқи таълим шаклида таҳсил олиш имконияти яратилди, шунингдек 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, кадрларни тайёрлаш жараёнига бакалаврият ва магистратурани ўз ичига олувчи икки босқичли олий таълим тизими жорий этилди;

**иккинчи,** 2019 йилда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлиги соҳасида олий юридик маълумотли кадрлар тайёрлаш, шунингдек шу соҳада фаолият олиб бораётган олий ноюридик маълумотли кадрларни қайта тайёрлашга йўналтирилган Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали ташкил этилди;

**учинчи,** 2021 йилда Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети этиб қайта ташкил этилиб, унда «Йўл-патруль хизматининг қўмондонлик-тактик фаолияти», «Патруль-пост хизматининг қўмондонлик-тактик фаолияти», «Паспорт тизимини ҳуқуқий таъминлаш» таълим йўналишлари бўйича бакалаврият босиқичида мутахассислар тайёрланиши йўлга қўйилди;

**тўртинчи,** ички ишлар органларида олий юридик маълумотга эга кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлақонли қондириш мақсадида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб ички ишлар органларида уч йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган, касбига фидойи, ташаббускор профилактика (катта) инспекторларини Жамоат хавфсизлиги университети, Тошкент давлат юридик университети ҳамда юриспруденция соҳасида бакалаврият таълим йўналиши мавжуд бўлган бошқа давлат олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларисиз сиртқи таълим шаклига ўқишга қабул қилиш тартиби жорий этилди.

Дарҳақиқат, мазкур йўналишда олиб борилаётган ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини бераётганлиги натижасида соҳада хизмат олиб бораётган юридик маълумотли профилактика инспекторларининг улуши бундан уч йил олдинги 7 фоиздан бугунги кунда 18 фоизга ошди ҳамда профилактика инспектори ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини таъминлайдиган, қишлоқларда, овулларда ва маҳаллаларда жамоат тартибини

сақлайдиган, фуқаролар хавфсизлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни бевосита таъминлайдиган профессионал бўғинга айланди.

Чунончи, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида эришилаётган ижобий натижалар билан бир қаторда унга мос равишда жиноятчилик турлари ҳам ўсиб бормоқда ҳамда шу билан ҳамоҳанг равишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар ва соҳа учун кадрлар тайёрлаш амалиёти ҳамда бу борадаги хорижий мамлакатлар тажрибасининг таҳлили, айти пайтда ягона ва тизимли ёндошув асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳаси учун олий юридик маълумотли профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Хусусан уни қуйидагиларда кўриш мумкин:

**Биринчидан,** ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳаси долзарб аҳамият касб этиб, бугунги кунда мазкур соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш учун ҳар доимгидан ҳам кўпроқ эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу ўз навбатида бу соҳа учун амалдаги эҳтиёжга мос равишда ягона ёндашув асосида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимига махсус ёндашувни талаб этади. Бироқ ҳозирда мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профликтикаси соҳаси учун ихтисослашган базавий ва таянч олий таълим муассасасининг фаолияти тўлоқонли йўлга қўйилмаган.

Амалда ҳуқуқбузарликлар профликтикаси тизимида профилактика инспекторлари лаозимлари турли олий таълим муассасаларининг битирувчилари ҳисобидан жамланмоқда. Наинки, турли олий юридик таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мутахассислар тайёрланиши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда ягона ёндашувга таъсир этиб, соҳа бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётида номутоносибликлар юз беришига олиб келиши мумкин.

Гарчи, юқорида таъкидлаганимиздек, мазкур йўналишда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида

юридик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали ташкил этилган бўлса-да, фаолиятнинг дастлабки сарҳисоби ва орттирилган тажриба ҳамда соҳага оид қабул қилинган қонун ҳужжатлари бугунги кунда мазкур таълим муассасаси фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Жумладан, мазкур таълим муассасасида ҳуқуқбузарликлар профликтикаси соҳаси учун кадрлар тайёрлашнинг таълим турлари бўйича узлуксизлиги таъминланмаган, хусусан унда магистратура, олий ўқув юртидан кейинги таълим ва малака ошириш таълим йўналишлари йўлга қўйилмаган.

Бу, айти пайтда ҳуқуқбузарлик профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси бўйича илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилишини тизимли йўлга қўйишга, соҳа доирасида юқори малакали олий юридик маълумотли кадрлар тайёрлашнинг истиқболлини белгилашга ҳамда илмий-педагогик кадрларни мақсадли тайёрлашга имкон бермайди.

Бундан ташқари, Филиалда олти ойлик махсус қайта тайёрлаш курслари ташкил этилган бўлиб, Ички ишлар органи ёки Миллий гвардия бўлинмаларининг олий ноюридик маълумотли ходим ёки ҳарбий хизматчисининг ушбу курсни тугатганлиги тўғрисидаги дипломга эга бўлиши унга лавозим бўйича юқори кўтарилишида, навбатдаги махсус унвон берилишида, шунингдек раҳбарлик лавозимлари учун захирага киритилишида инobatга олиниши билан чекланган. Ваҳолангки, бундай имтиёзлар тизимда самарали меҳнат қилаётган барча тоифадаги ходимлар учун тақдим этилиши мумкин.

Бундан ташқари мазкур курсни тугатганлик битирувчига юридик маълумот жиҳатдан бирор бир ҳуқуқни тақдим этмайди.

Юқоридагилар билан бирга таълим муассасасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун юридик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш фақат Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича амалга оширилади.

Бу ўз навбатида республиканинг барча ҳудудларида соҳани махсус малакали профилактика инспектори билан узлуксиз таъминлаб бориш имконини бермайди. Мавжуд амалиёт бошқа



ҳудудларда олий юридик маълумотли профилактика инспекторларига бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ортиб боришига олиб келиши мумкин.

**Иккинчидан,** таъкидлаш керакки, бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида хизмат ўтаётган ходимларнинг аксарият қисми, яъни республикамызда фаолият олиб бораётган **10195 нафар** профилактика инспекторларининг **80 фоиздан** ортиғи олий юридик маълумотга эга бўлмаган мутахассислар ҳисобланади. Гарчанд бу борада Давлатимиз раҳбари бу соҳада хизмат олиб бораётган ходимларни юридик маълумотли кадрлар билан жамлаш борасида бир қатор устувор вазифа ва йўналишларни белгилаб берган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармонида 2024 йил 1 сентябрдан эътиборан Тошкент шаҳар ички ишлар органлари, 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб қолган ҳудудий ички ишлар органлари **профилактика катта инспектори** лавозимларига фақат олий юридик маълумотга эга бўлган ходимлар тайинланиши лозимлиги белгиланган.

**Учинчидан,** ҳозирги кунда профилактика инспекторларини тайёрлаш дастурлари уларнинг хизмат фаолиятини баҳолаш мезонлари билан тўлиқ интеграция қилинмаган. Бу эса, келгусида уларнинг касбий адабтациясини кечикишига олиб келиши мумкин.

**Тўртинчидан,** амалдаги ҳолат бўйича ҳозирда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муаммолар илмий жиҳатдан комплекс таҳлил қилинмайди, махсус илмий тадқиқотлар марказлаштирилган ҳолда олиб борилмайди ҳамда мазкур йўналишларнинг кадрлар тайёрлаш тизими билан интеграциясини таъминлаш чораларини ривожлантириш тақозо этилади.

Шунингдек, соҳани ривожлантириш стратегиясига мос равишда кадрлар тайёрлайдиган ҳамда ислоҳотлар самарадорлигини баҳолайдиган алоҳида илмий-тадқиқот тузулмасининг мавжуд

эмаслиги соҳадаги ислоҳотлар самарадорлигини баҳолаш, диагностика ва прогноз қилиш имконини бермайди.

Юқоридаги ҳолатлар айна пайтда **ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳаси учун профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштиришни тақозо этади.**

Хусусан, хорижий мамлакатлар тажрибаси, шу жумладан Франция, Германия, Белгия, Нидерландия, Польша, Россия Федерацияси, Белорусь, Туркия ва Жанубий Кореяда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳаси учун ихтисослашган полиция академиялари томонидан кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими йўлга қўйилганлиги бу борада юқори самарадорликка эришилганлигини кўрсатган.

Зеро, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлардан кўзланган мақсадга эришиш, профилактика инспекторлари фаолиятини самарали ташкил этиш соҳани олий юридик маълумотли профессионал кадрлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришни талаб этади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини модернизация қилиш орқали сифат ва самарадорликка эришиш, соҳа учун юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш жараёнларини тубдан такомиллаштириш мақсадида **“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси институти”** фаолиятини ташкил этиш ва йўлга қўйиш ижобий натижа беради.

Ўз навбатида мазкур таълим муассасасини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида илғор халқаро стандартлар асосида олий юридик маълумотли профессионал кадрларни тайёрлайдиган, қайта тайёрлайдиган ва малакасини оширадиган базавий ва таянч олий таълим муассасаси сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

**ОКЮЛОВ ОМОНБОЙ**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист,  
Ўзбекистон Республикаси Адлия  
вазирлиги қошидаги Юристлар  
малакасини ошириш маркази  
профессори, Тошкент давлат юридик  
университети профессори, юридик  
фанлари доктори., профессор

**ЗАМОНАВИЙ ЮРИСТ КАСБИЙ МАЛАКАВИЙ КЎНИКМАЛАРИДА  
КРЕАТИВ ИЖОДИЙ ЁНДАШУВНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация:** *Мазкур илмий мақолада илмий ижодий фаолиятини ўзига хос хусусиятлари тавсифланади. Уни ҳуқуқшунос касбий малака фаолиятида намоён бўлиш хусусиятлари очиб берилади. Креатив ижодий ёндашув касбий фаолиятни самарадорлигини оширишни муҳим омили эканлиги таъкидланади. Ижодий креатив ёндашув шаклланиши учун адабий асарлар ва илмий асарлар, оғзаки, ёзма нутқни ривожлантириш усуллари, илмий ижодий фаолият билан шуғулланишни йўлга қўйиш хусусиятлари таҳлил этилади ва бу борада қатор илмий хулосалар ва таклифлар илгари сурилади.*

**Калит сўзлар:** *Замонавий ҳуқуқшунос, илмий креатив ёндашув, ижодий интеллектуал фаолият, ҳуқуқ ижодкорлиги, норма ижодкорлиги, китоб муроаласи, эсселар, оғзаки нутқ, ёзма нутқ, ижодий таътил.*

Маълумки, тирик мавжудотлар ичида онгли равишда фаолият юритиш фақат инсонгагина хос бўлган хусусият ҳисобланади. Шу билан у туғма (табиий) инстинкт асосида ҳаёт кечирадиган ҳайвонот оламидаги бошқа жонзотлардан ажралиб туради. Онгли фаолиятнинг асосий белгилари-бу ўй-фикрлаш, мушоҳада-мулоҳаза юритиш асосида фаолиятни амалга оширишни режалаштириш ва уни амалга оширишда намоён бўлади. Бироқ инсон онгли

фаолиятининг ўзи ҳам ниҳоятда серқирра ва мураккаб жараён, борлиқ дунёга таъсир этувчи фаол ва таъсирчан кучдир. Шунга қарамай, онгли фаолиятни амалга оширишда инсон ақли, интеллектнинг таъсир даражасига қараб уни шартли равишда икки турга ажратиш мумкин: одатдаги, такрорий меҳнат ва ижодий (интеллектуал) меҳнат. Одатдаги меҳнат айтиш мумкинки, механик равишда, кўникма, тажриба асосида ўз-ўзидан рўй беради, бунда инсон интеллектуал салоҳияти бу тажриба, кўникмани даставвал ўзлаштириб олишига қаратилса, сўнгра эса унинг маълум схема, қолип асосида амалга оширилиши устидан назорат қилади. Бинобарин бунда фаолиятни амалга ошириш усуллари, воситалари ва унда қўлланиладиган ҳаракатлар ҳам, бу фаолият натижасида вужудга келадиган натижалар ва оқибатлар ҳам аввалдан маълум бўлади. Масалан, дурадгор, бинокор ёки уй бекаси меҳнати. Теварак-атрофимиздаги барча кишилар, шу жумладан ўзимиз ҳам амалга оширадиган одатдаги кундалик, такрорланиб турувчи жараён худди шу фаолиятни ўзига хос тарзда намоён бўлиши десак янглишмаймиз. Айтиш вақтда бундан инсон ақли бу жараёнда пассив роль ўйнайди деган хулоса чиқармаслик керак, чунки ҳазрат Навоий айтганидек:

Деди: Не ишки қилмиш одамизод

Тафаккур бирла билмиш одамизод.

Одатдаги, кундалик онгли фаолиятда тафаккур бу жараён-ни ўзлаштирувчи, режалаштирувчи, бошқарувчи ва кузатиб борувчи функцияларини бажаради ва усиз бу жараён албатта амалга ошмаган бўлур эди. Бироқ бу фаолият ўз моҳиятига кўра формал мантиқий қоидалар ёки бошқа олдиндан маълум бўлган қолиплар, йўл-йўриқлар, қўлланмалар бўйича тайёр ўй-фикрларни такрорланиши, қайта ҳосил бўлишида ифодаланувчи такрорий ҳосила (репродуктив) фаолият ҳисобланади. Бунга масалан, ўқитувчининг Пифагор теоремасини мазмунини ўқувчиларга тушинтириш ва уни исботлашни ўргатиш бўйича фаолияти яққол мисолдир.

Одатдаги меҳнатдан фарқли равишда интеллектуал (ижодий) фаолиятда инсон онги, ақли, тафаккури мавжуд, ҳаммага маълум

қоидаларни ўзлаштириш, такрорлаш асосида эмас, янги, илгари ҳеч кимга маълум бўлмаган қоидалар, усулларни вужудга келтириш асосида рўй беради. Шу сабабли ҳам ижодий фаолиятни фан, техника, адабиёт ва санъат соҳасида янги, ижодий мустақил натижага эришиш (маҳсулот яратиш) билан тугалланадиган ақлий (тафаккур, интеллектуал) фаолият деб таърифлаш мумкин. Бундай фаолиятни самарали (продуктив, яъни репродуктив - такрорий ҳосила фаолият учун бирламчи асос, манба) деб ҳисоблаш мумкин. Ижодий фаолият, ижодий ёндашув ҳар қандай ривожланиш, тараққиётнинг ўзига хос манбаидир. У инсон онгли фаолиятининг ҳамма йўналишларида ва соҳаларида мавжуд. Агар инсон онгли фаолияти фақат кундалик, одатий, оддий меҳнат фаолияти даражасидагина қолганида эди, жамиятда ҳеч қандай ривожланиш, тараққиёт ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас эди. Бошқача айтганда, инсоният маълум бир тараққиёт босқичида тўхтаб қолган бўлур эди.<sup>1</sup>

Замонавий ҳуқуқшунос касб-кор, малака кўникмасининг асосий сифатларидан бири бўлиб, уни ўз фаолиятини ташкил этиш, ўз фаолиятини амалга оширишда креатив ижодий ёндашув асосида ишлаши ҳисобланади. Шу маънода олганда ҳуқуқшунос - у қайси соҳада фаолият юритмасин, у ижодий зиёлилар қатламига мансуб бўлади. Адвокатлик фаолияти, прокуратура, одил судлов соҳасидаги фаолияти, юридик хизмат фаолияти агар ҳуқуқшунос томонидан ижодий ёндашув асосида амалга оширилса, ҳар доим самарали натижалар бериши табиий. Бу ўринда шуни таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сонли Қарори<sup>2</sup> билан тасдиқланган “Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низом” мазмунида юридик хизмат ходими фаолиятининг асосий йўналишлари, бу йўналиш вазибаларни амалга ошириш усуллари, воситалари кўрсатиб ўтилган. Бунга кўра юридик хизмат ходими унга юклатилган вазибалар бўйича норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини

<sup>1</sup> О.Окюлов. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг назарий ва амалий муаммолари. Тошкент. ТДЮУ. 2004 йил.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.01.2017 йилдаги ПҚ-2733-сон “Юридик хизмат фаолиятини тўдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори // <https://lex.uz/docs/3098964>

ҳуқуқий экспертизадан ўтказдириш, уларни мазмуни бўйича ҳуқуқий хулосалар тайёрлаш, давлат органи ташкилоти тизимига кирадиган тузилмаларнинг ҳуқуқий ишларига методик ёрдам кўрсатиш, юридик хизмат фаолияти йўналишлари бўйича тавсияномалар, кўрсатмалар ишлаб чиқиш, қонунчилик материалларини тарғиб қилиш, қонун ҳужжатлари мазмуни бўйича тушинтиришлар бериш ва шу каби ишларни амалга оширади. Ушбу ишларни амалга оширишда оддий касбий малака кўникмаларининг ўзи етарли эмас. Бу ҳуқуқшуносдан ижодий таҳлил, новаторликни талаб этади. Бу ўринда шуни таъкидлаш ўринлики, ҳуқуқшунос учун ижодийлик бевосита зарурий малака кўникмаси сифатида, агар у ҳуқуқ ижодкорлиги, норма ижодкорлиги жараёнида иштирок этаётган бўлса ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бундай жараёнда ҳуқуқшунос ҳуқуқни қўллаш амалиётини, илмий адабиётларни, хорижий мамлакатлар тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш асосида, тизимли таҳлил асосида янги юридик новеллаларни, нормаларни ишлаб чиқади. Бу жараён юксак интеллектуал салоҳият, ижодий қобилиятлар орқали амалга оширилиши исбот талаб қилмайдиган ҳолатдир. Бироқ ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳам ижодий креатив ёндашувни доимий талаб этиши шарт. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти жараёнида ҳуқуқшунос ҳуқуқий норма мазмунини тўлиқ англаб етиши, уни қўллаш бўйича муайян вазиятни моҳиятини тушуниб етиши ва қонунни қўллашни энг мақбул, оқилона усулларини топиши лозим.<sup>1</sup>

Судья томонидан тайёрланадиган ҳар бир қарор, адвокат томонидан тайёрланадиган ариза ва шикоятлар, юридик хизмат ходими томонидан тайёрланадиган хулоса ва таклифлар агар ижодий асар даражасида бўлса самарадорлик даражаси юқори бўлади.

Ҳуқуқшуносда креатив ижодий ёндашув касб-кор малака кўникмаси сифатида бирданига ўз-ўзича вужудга келмайди. Бу нафақат уни ўзини тиришқоқлиги, билимга чанқоқлиги, ўқиб ўрганишлари натижаси балки, олий таълим муассасасида, малака

<sup>1</sup> Ф.Х.Отахонов. Ўзбекистон Республикасида юридик хизматнинг назарий ҳуқуқий муаммолари. Тошкент. 2007. 22-бет.

ошириш, қайта тайёрлаш курсларида профессор ўқитувчиларни аниқ, мақсадли билим бериш фаолиятининг натижаси ҳисобланади. Албатта бунинг учун махсус ўқув қўлланмалари, илмий услубий қўлланмалар, илова материаллар тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Бироқ шуни ўзи етарли эмас. Бунинг учун энг аввало ҳуқуқшунос ўз устида ишлаши, ўз билимини доимий, узлуксиз ошириб бориш тизимини ўзи учун яратиши лозим бўлади. Илмий ижодий ёндашув ҳуқуқшуносда оғзаки ва ёзма нутқ маданияти ривожлангани, сўз бойлигини кенглиги, дунёқарашининг чуқурлиги орқали таъминланади. Бугунги кунда мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан китобхонликни кенг тарғиб қилиниши, рағбатлантирилиши бежиз эмас.<sup>1</sup> Доимий равишда ўрганиш, китоб мутоала қилиш ҳуқуқшунос касбий ва шахсий камолотини зарур шарти ҳисобланади. Адабий асарларни мутоала қилиш ҳуқуқшуносда юксак бадиий дидни шакллантирибгина қолмасдан, балки ўқиган асарлари бўйича мушоҳада, таҳлил ва хулосалар чиқариш қобилиятини, салоҳиятини шакллантиради. Агарда ҳуқуқшунос зуллунуннайс бўлса, яъни ўз она тилидан ташқариш бошқа хорижий тилларни ҳам мукамал даражада эгаллаган ва оригиналида хорижий адабиётларни мутоала қиладиган бўлса, бу ҳолда ҳуқуқшунос учун, уни интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш учун янада кенгроқ имкониятлар очилади. Бироқ адабий асарларни ўзини мутоала қилишнинг ўзи етарли эмас, яна бунинг устига кўпчилик адабий асарларни мутоала қилишни бўш вақти, дам олиш вақти билан боғлайди. Ҳуқуқшунос ўз соҳаси бўйича илмий адабиётларни иложи бориша кузатиб бориши, бу соҳада ўзининг шахсий кутубхонасига эга бўлиши ғоят ибратли ҳолат ҳисобланади. Янги илмий адабиётларни кузатиб бориш, мутоала қилиш, уларни моҳиятини англаб етиш ҳуқуқшунос учун ўзини касбий фаолиятини амалга оширишда ижодий креатив ёндашув шаклланишини энг асосий шартларидан ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.09.2017 йилдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” Қарори // <https://lex.uz/docs/3338600>

Ҳуқуқшунос ўз касбий фаолиятида амалдаги ва янги қонун ҳужжатларини доимий равишда кузатиб бориши, уларни ўрганиб бориши, ўз фаолиятида қўллашга ҳаракат қилиши бу табиий жараён. Айти пайтда оммавий ахборот воситаларида ушбу қонун ҳужжатлари бўйича чоп этилган материаллар, шарҳлар билан танишиб бориш ҳам ҳуқуқшунос касб-кор малака кўникмасини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Албатта юқорида ҳуқуқшуносни ўз-ўзини касбий кўникмаларини ривожлантириш, малакасини ошириш жараёни учун хос бўлган таҳлил ва тавсиялар ўз мужассамини топди. Ҳуқуқшунос малака оширишда, қайта касбий тайёргарликдан ўтишда таълим муассасаси ҳам бу борада муайян мақсадли фаолиятни амалга ошириш талаб этилади. Ўтмишда ЮМОМда тингловчиларни театр ва музейларга, кўргазма залларига боришини ташкил этиш анъана тусини олган эди. Ушбу тадбирларни тизимли асосда қайта тиклаш ва йўлга қўйиш тўғрисида ўйлаб кўриш керак.

Тингловчиларга жаҳон адабиёти ва миллий адабиётини трент бўлган, яъни оғизга тушган намуналардан бирортасини малака ошириш жараёнида ўқиб чиқишга тавсия этиш ҳам фойдадан холи бўлмаган бўлур эди. Таълим жараёнида касбий ўқув предметлари бўйича рефератлар ва эсселар ёзиш жараёни ҳам тизимли тарзда йўлга қўйилмоғи лозим.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари нафақат давлат хизматчиларини ва бошқа соҳадаги ходимларни ҳам илмий ижодий фаолият билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратиш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда. Фуқароларни алоҳида касб кор фаолиятлари тўғрисида қонунларда ва қонун ости ҳужжатларида хар доим илмий педагогик фаолият билан шуғулланишга йўл қўйилиши қатъий таъкидланади. Илмий даражага эга бўлганлар учун ойлик иш ҳақига устамалар белгиланган.<sup>1</sup> Бу эса барча касб эгаларини шу жумладан ҳуқуқшуносларга ҳам мустақил изланувчилик ёхуд аспирантура, докторантура тизими орқали илмий тадқиқотларни

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2019 йилдаги 1030-сон “Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги Қарори // <https://lex.uz/docs/4662181>



амалга ошириш, илмий муаммолар ечимлари бўйича диссертациялар тайёрлашга ундайди ва мотивация (сабаблантириш, рағбатлантириш) бўйича шарт-шароитларни вужудга келтиради. Илмий тадқиқот ишларини амалга ошириб, илмий даражага эга бўлган ходимдан ўз фаолиятини амалга оширишда ижодий креатив ёндашувдан фойдаланиш даражаси бошқаларга нисбатан анча юқори бўлади. Уларнинг мансаб пиллапояларидан кўтарилиш ёки бошқача айтганда социал лифт тизимидан фойдаланиш имкониятлари ҳам ошади. Шу сабабли ҳам ҳуқуқшуносларни илмий изланувчилик, тадқиқотчилик соҳасида мойиллигини ошириш, рағбатлантириш малака ошириш тизимини ташкил этишда муҳим вазифалардан бири бўлмоғи лозим.

Илмий ижодий фаолият билан шуғулланиш учун шарт-шароитлар яратишда ижодий таътиллари ҳам аҳамияти ғоят юқори. Бу ўринда шунини таъкидлаш ўринлики Меҳнат Кодексининг 149-моддасида ходимларга бериладиган ижтимоий таътиллари турлари кўрсатилган. Бундай таътиллари билан бўлиб ижодий таътиллари хисобланади. Меҳнат Кодексининг 258-моддасига кўра ишлаб чиқариш ёки педагогик фаолиятни илмий иш билан бирга қўйиб олиб бораётган шахсларга номзодик ёки докторлик диссертацияларини яқунлаш шунингдек, дарсликлар, ўқув услубий қўлланмалар ёзиш учун асосий иш жойидан ўртача ойлик иш хақи ва лавозими сақланган ҳолда ижодий таътиллари берилиши белгилаб қўйилган. Ижодий таътиллари бериш тартиби ва уларнинг муддатлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади. Бироқ, иқтисодиётнинг ҳамма тармоқларида ҳам ижодий таътиллари қўллаш механизми етарли даражада тартибга солинмаганлигини қайд этиш лозим.<sup>1</sup> Шунини унутмаслик лозимки, бугунги кунда ходимлар банд бўлган асосий иш ўринлари давлат сектори билан бирга хусусий сектор соҳасида ҳам ривожланиб бормоқда. Хусусий сектор ўз манфаатларига эга. Хусусий секторда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимлар давлат секторида ишлаётган ходимлар билан бир хил ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлиши муҳим аҳамиятга

<sup>1</sup> Й.Турсунов. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига шарҳлар. Тошкент. Адолат. 2015 йил. 799-бет.

эга. Шу сабабли ҳам қонунларда хусусий секторда иш берувчилар ўз ходимларини ижодий таътил олиш имкониятларини чеклашга доир қатъий таъқиқлар қўйиш ўринли бўлур эди.

**АШУРОВ ДИЛШОД  
РУСТАМОВИЧ**

Ўзбекистон Республикаси Нотариал  
палатаси раиси

## **ЎЗБЕКИСТОН НОТАРИАТИ – ХАЛҚАРО МАЙДОНДА**

**Аннотация:** *Юртимизда сўнги йилларда “аҳоли фаровонлиги – бош мақсадимиз” шиори остида барча соҳаларда кенг қамровли ислохотлар олиб борилмоқда. Шу ўринда аҳолига нотариал хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси нотариат тизимида қисқа вақт мобайнида жорий этилган янгиликлар, хусусан айни дамда бутун дунёда долзарб масалалардан бири ҳисобланган “нотариат соҳасини рақамлаштириш ва масофавий нотариал ҳаракатлар расмийлаштириш” борасида эришган ютуқлари ҳамда нафақат Республика миқёсида, балки халқаро ҳамжумиятнинг ҳам эътирофига сазовор бўлаётгинлиги ҳақида сўз боради.*

**Калит сўзлар:** *нотариал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, ислохотлар, рақамлаштириш, нотариал ҳаракатларни масофавий тартибда расмийлаштириш, халқаро ҳамкорлик.*

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолига нотариал хизматлар кўрсатиш соҳасида мутлақо янгича, замонавий ва ишончли тизим барпо этилди.

Нотариат соҳасини рақамлаштириш борасида Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё давлатлари орасида, балки халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашга муваффақ бўлди.

Замон талабларидан келиб чиқиб соҳада амалга оширилган туб ўзгаришлар тизимда коррупциянинг минимал даражага туширилишига, нотариуслар томонидан давлат ҳуқуқий хизматларни аҳоли учун сифатли, қулай ва тезкор тарзда амалга оширилишига шароит яратди.

Нотариат соҳасини ислоҳ қилишда албатта Адлия вазирлигининг роли жуда катта бўлди. Айниқса, вазирлик томонидан яратилган “Нотариус” ва “e-notarius.uz”<sup>1</sup> автоматлаштирилган ахборот тизимлари соҳани бюрократик омиллардан халос бўлиши ҳамда тўлиқ рақамлаштирилишига асос бўлди.

Ушбу тизимлар, биринчи тарафдан, нотариусларни қонундан четга чиқмаслиги кафолатини оширди, нотариал ҳаракатларни ваколатли идоралар томонидан онлайн кузатиш, ноқонуний хатти-ҳаракатларни тезкорлик билан аниқлаш ва айбдор нотариусларга нисбатан тегишли таъсир чорасини қўллаш имкониятини яратган бўлса, иккинчи тарафдан, фуқаролар учун электрон навбатга ёзилиш, белгиланган вақтда нотариус қабулига бориш, беҳуда навбат кутишдек асаббузарликнинг олдини олиш, яшаш жойидан қатъий назар, хоҳлаган ҳудудда нотариал ҳаракатларни расмийлаштириш, айрим нотариал ҳаракатларни нотариус ҳузурига бормасдан масофадан туриб видеоконференцалоқа орқали расмийлаштириш имкониятини яратди.

Қувонарлиси, ушбу механизмларнинг амалиётга татбиқ этилиши - ортиқча навбат кутиш ҳолатларига барҳам беришга, вақт тежалиши ва сарф ҳаражатларнинг камайишига, аҳолини сифатли нотариал хизматлардан фойдаланишига, соҳада эркин рақобат муҳитини шакллантиришга, ортиқча бюрократия ва коррупция ҳолатларининг олдини олишга катта ҳисса қўшди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2019 йил 9 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига<sup>2</sup> асосан Ўзбекистон нотариат тизими давлат тизимидан нодавлат тизимга ўтказилди ва 2020 йил 22 январда барча нотариусларнинг аъзолигига асосланган Ўзбекистон Нотариал палатаси ташкил этилди.

<sup>1</sup> <https://e-notarius.uz/notary>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони <https://lex.uz/docs/4506606>

Бугунги кунда Республикамизда мавжуд 923 та хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг барчаси Нотариал палатага аъзоликка қабул қилинган.

“Ёш нотариуслар клуби” ташкил этилиб, унга Тошкент Давлат юридик университетининг 518 нафар талабаси аъзо сифатида киритилди ва уларнинг ҳар бири иш ўрганиш мақсадида малакали нотариусларга бириктирилди.

Энди соҳадаги муҳим ўзгаришларга аниқ рақамлар асосида тўхталиб ўтсак.

Ўтган 2022 йилнинг 6 ойи давомида амалга оширилган жами нотариал ҳаракатлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19 фоизга ошди.

2022 йилда аҳоли учун енгиллик яратган муҳим ўзгаришлардан бири – бу автомашина олди-сотдиси бўйича айрим тўловларнинг бекор қилинганлиги ва камайтирилганлиги бўлди. Бунинг натижасида автотранспорт воситасини халқ орасида машҳур бўлган “Бош ишончнома” асосида сотиб олиш каби салбий ҳолатлар 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 470 454 тадан 120 022 тага, яъни 74% камайиб, автотранспорт воситасини шартнома асосида сотиб олиш каби ижобий ҳолатлар 209 322 тадан 511 864 тага, яъни 245% купайди. Бу фуқароларнинг ўз автомашиналарига бўлган мулк ҳуқуқларининг кафолати шу миқдорда ошганлигини кўрсатади.

Шу ўринда, Ўзбекистон Нотариал палатасининг Халқаро нотариал иттифоқига аъзоликка қабул қилинганлиги, Ўзбекистон нотариати учун халқаро майдонга кенг йўл очди ва турли давлатлар нотариал палаталари билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга замин яратди.

Жумладан, Ўзбекистон нотариати делегацияси 2022 йилнинг май ойида Мюнхен шаҳрида (Германия) бўлиб ўтган Халқаро нотариуслар иттифоқи Бош кенгашининг йиғилишида ўз тақдимоти билан иштирок этди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг июнь ойида Нур-Султон шаҳрида (Қозоғистон) бўлиб ўтган II Марказий Осиё халқаро нотариал конференцияда, шунингдек, онлайн режимда ўтказилган 3 та халқаро семинарларда нотариусларимиз фаол иштирок этишди.

Бугунги кунда бир нафар нотариусимиз Халқаро нотариуслар университетидида малака ошириш кўрсидида ўқимоқда, малака ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида 2 нафар нотариусларимиз июль ойида Германияга, яна 2 нафари август ойида Белоруссияга хизмат сафарларига юборилди.

Халқаро муносабатлар борасида Германия, Франция, Италия, Литва, Украина, Туркия, Россия, Белоруссия, Хорватия, Польша, Грузия, Монголия, Бенин, Доминика, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон нотариал палаталари билан яқиндан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Хусусан, Германия, Литва, Украина, Озарбайжон, Белоруссия, Қозоғистон ва Қирғизистон Нотариал палаталари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Ўзбекистон нотариатининг асосий мақсадларидан бири – нафақат хорижий тажрибани ўрганиш, балки Ўзбекистоннинг нотариат соҳасидаги амалиётини халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш ҳисобланади.

Шунга кўра, Ўзбекистоннинг нотариат соҳасидаги тажрибасини ўрганиш мақсадида Халқаро нотариуслар иттифоқи, Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси, Германия, Франция, Россия, Озарбайжон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларининг делегациялари мамлакатимизга ташриф буюришди.

Ўзбекистон нотариатини ташкил этилиши, ундаги ислохотлар ва амалга оширилган ишлар ҳақидаги мақолалар Германия, Франция, Италия, АҚШ, Литва, Украина, Уммон қироллиги, Саудия Арабистони, Қозоғистон, Россия, Белоруссия, Озарбайжон ва Тожикистон давлатларининг 20 дан ортиқ газета, журнал ва интернет сайтларида чоп этилди.

Маълумки, Мудофаа, Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликларига амалдаги қонунчилик асосида нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятнома, ишончнома ва аризаларни тасдиқлаш ваколоти берилган. Шу боис, Нотариал палата томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида ушбу тизимларда нотариат соҳасига оид иш юритишни тўғри ташкил этилишини таъминлаш мақсадида ҳар бир ташкилот учун алоҳида Услубий қўлланмалар ишлаб чиқилди.

Деярли барча босма ва электрон ОАВлар, шунингдек, “Telegram”<sup>1</sup> тармоғида Нотариал палатанинг гуруҳ ва саҳифалари ташкил этилиб, улар орқали аҳолига 7/24 режимда бепул ҳуқуқий маслаҳатлар бериб келиш йўлга қўйилди. Ҳудди шундай, “Facebook”<sup>2</sup> тармоғидаги гуруҳ ва саҳифалар орқали ҳам аҳоли учун жонли мулоқотлар ташкил этилган.

Ўзбекистон Нотариал палатасининг нашри – “Нотариус маслаҳати” газетаси томонидан нотариат соҳасида амалга оширилган ишлар, тизимдаги мавжуд муаммолар ва келгусидаги режалар кенг оммага тарғиб қилиниб, аҳолининг ҳуқуқий билимларини янада юксалишига ҳисса қўшиб келинмоқда.

Нотариал палата жамоасининг аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги меҳнати кенг жамоатчилик томонидан ҳам эътирофларга сазовор бўлмоқда.

Буни “Rost.uz” таҳририяти томонидан ўтказилган “Йилнинг энг намунали жамоат бирлашмаси”, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан ўтказилган “Йилнинг энг фаол нодавлат нотижорат ташкилоти” номинацияларида Нотариал палатамиз ғолибликни қўлга киритганлиги ҳам тасдиқлаб турибди.

Бу борадаги ишларни янада жонлантириш мақсадида яқинда Нотариал палатамиз Олий Мажлис ҳузурида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат Фонди томонидан эълон қилинган грант танловининг ғолиби бўлди.

Лойиҳамизнинг мақсади – мамлакатимиздаги энг қўйи ҳудудий тузилмалар бўлган маҳаллаларнинг масъул ходимлари учун “амалий машғулотлар” ўтказиш орқали уларнинг нотариат соҳасига алоқадор ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириш борасида билим ва кўникмаларини юксалтириш ҳисобланади.

Халқимизда “рағбат фаолликка ундайди” деган нақл бор, шундан келиб чиқиб, биз эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмаймиз, албатта.

<sup>1</sup> <https://t.me/notariusmaslahati/7378>

<sup>2</sup> <http://www.facebook.com/groups/notariusmaslahati>

Йилнинг иккинчи ярмида Халқаро нотариуслар иттифоқининг Осиё комиссиясига аъзо бўлган давлатлар билан ҳамкорликда конференция ўтказилди ва келгусидаги режалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Нотариал палатаси бундан кейин ҳам халқаро тажрибаларни ўрганишни, ўз тажрибасини оммалаштиришни давом эттиради ҳамда халқаро майдонда Янги Ўзбекистон имиджини оширишга ўз ҳиссасини қўшиб боради.



**САИДОВ ШОКИР  
КАМАЛОВИЧ**

Юристар малакасини ошириш маркази  
директорининг биринчи ўринбосари

## **ДАВЛАТ ХИЗМАТИДА ЕТУК КАДРЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИГА ҲАМ БОҒЛИҚ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада давлат хизматида етук кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда бу борада ўқув жараёнларини такомиллаштириш масалалари хусусида сўз борган. Тегишли халқаро ҳужжатлар таҳлил қилиниб, статистик маълумотлар келтирилган ҳамда таклифлар илгари сўрилган.

**Калит сўзлар:** давлат хизмати, қайта тайёрлаш, малака ошириш, касбий компетенция, платформа, онлайн.

2022 йил август ойида қабул қилинган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун билан давлат органлари ва ташкилотларида меҳнат қилаётган 118 минг нафардан ортиқ кадрларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланди.

Шу билан бирга, мазкур қонунда кадрлар малакасини ошириб бориш масаласи доимий кун тартибига қўйилди. Токи улар халққа хизмат қилиш жараёнида юқори малакаси, профессионалигини намоён эта олиши керак. Давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш шартларида ҳам улардан тегишли малака талабларини эгаллаган бўлиши талаб этилади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни 9-моддасида давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва таълим олишини мунтазам равишда ташкил этиш давлат органларининг асосий ваколатларидан бири саналиши қайд этилган. Қолаверса, Қонуннинг 42-моддаси иккинчи қисмига асосан, қайта тайёрлаш, малака ошириш ва мустақил таълим олиш давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенциясини узлуксиз равишда оширишнинг асосий шакллари дидир. Демак, малака ошириш,

табиийки, билим ва кўникмаларни ошириш ҳамда меҳнат унумдорлигини таъминлашнинг муҳим механизмидир.

Бу ЮНЕСКОнинг “Узлуксиз касбий ривожлантириш” концепцияси талабларига ҳам мувофиқдир. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кадрлар салоҳиятини муттасил ошириб боришга қаратилган узлуксиз таълим тизими нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсда ҳам муҳим жараён.

Зеро, вақт ўтиши билан ҳар қандай жамият ривожланиб боради, қўлланиладиган услуб ва техникаларни эса гапирмаса ҳам бўлади. Кадрлар эса замон билан ҳамнафас бўлгандагина сифатли хизмат кўрсатишга, ўз соҳасини ривожлантиришга қодир бўлади.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда ҳам барча соҳаларда кадрлар малакаси ва салоҳиятини ошириб боришга доимий эътибор қаратилмоқда. Бу аждодлардан мерос бўлиб қолган «Бешиқдан қабргача илм изла» ҳикматига ҳам мутаносибдир. Зеро, инсоният эришган ютуқлар замирида фақат изланиш, илм олиш мужассам.

Энди узлуксиз таълимнинг ҳуқуқшунос касби учун аҳамияти хусусида тўхталадиган бўлсак, бу касб доимий равишда ҳам назарий ҳам амалий касбий билим ва кўникмаларни чуқурлаштириб боришни талаб этадиган касб, десак муболаға бўлмайди. Қолаверса, давлат хизматида фаолият юритаётган ходимларнинг салмоқли қисмини юрист кадрлар ташкил этади.

Ҳуқуқий масалалар ва муаммоларга ечим топиш учун назарий билимлар билан бир қаторда амалий тажриба, касбий маҳорат ҳам муҳим. Шу нуқтаи назардан бу касб доимий равишда қонунчиликни ўқиб-ўрганиш, суд амалиёти билан яқиндан танишиб бориш ҳамда ўз малакасини узлуксиз ошириб боришни талаб этади.

Шу мақсадда Адлия вазирлиги қошида Юристарлар малакасини ошириш маркази ташкил этилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 сентябрдаги “Юридик соҳага оид билим талаб этадиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори билан Адлия органлари ходимлари ва раҳбар кадрларининг касбий билими, кўникмалари ва малакасини доимий ошириб борилиши белгиланди.

Қарор билан кадрларни узлуксиз касбий ривожлантириш тизими фаолиятини ташкил қилиш, ҳар бир ходимнинг индивидуал траекториялари бўйича малака ошириш жараёнларини мониторинг қилувчи ягона маълумотлар базаси — электрон платформани яратиш ва амалиётга жорий этиш белгиланди.

Марказда “Узлуксиз касбий ривожлантириш платформаси” ([mk.uzmarkaz.uz](http://mk.uzmarkaz.uz)) ишга туширилди. Ҳозирда ушбу тизимда режа-график асосида туман (шаҳар) адлия бўлимлари ходимларининг малакаси оширилмоқда.

Ходимларнинг ҳар икки йилда бир маротаба малака ошириш ўқув дастурларини ўзлаштириши мажбурий ҳисобланади.

Жорий йилнинг ўтган даврида 198 малака ошириш гуруҳлари учун ўқишлар ташкил этилиб, уларда 7 минг 231 нафар тингловчи малака оширди. Улар орасида нотариуслар, юридик хизмат ходимлари, адвокатлар, медиаторлар ҳамда бошқа ташкилотлар ходимлари бор.

Бундан ташқари, тингловчиларга ўқув-машғулотларда қатнашиши учун қулайликлар яратиш, харажатларини тежаш мақсадида 5 мингдан зиёди тингловчига онлайн шаклда малака оширишга шароит яратилди.

<b>УСМОНОВ МУХАММАДИ БАХРИДДИНОВИЧ</b>	Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессори, юридик фанлар доктори, профессор
<b>ҒИЁСОВ БАҲРИДДИН ҲАСАН ЎҒЛИ</b>	Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети катта ўқитувчиси

### **ҲУҚУҚШУНОСЛИККА ОИД ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**Аннотация:** Мақолада бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, уларни амалиётда таъминлашни такомиллаштиришга қаратилган инновацион ғояларни ишлаб чиқишнинг долзарб масалалари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Инновация, илм, фан, ҳуқуқ, ислоҳот, суд-ҳуқуқ, илмий-тадқиқот, ғоя, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, фуқаролик қонунчилиги, жинойт қонунчилиги.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, бугунги кунда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, жамиятни демократлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, асарлари ва нутқларида қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ва амалиётга татбиқ этиш юридик фанлар бўйича илмий-тадқиқот ишларининг инновацион самарадорлигини ошириш, етук малакали юридик кадрлар тайёрлашни сифат томонга такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Юртбошимиз томонидан президентликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ҳар бир соҳага илмий-амалий ёндашувнинг

зарурлиги, бу борада жамиятнинг таянч қатлами бўлган олимлар ва зиёлиларни фаоллигини рағбатлантириш, фаннинг барча соҳаларида илмий-тадқиқот ишларини юқори савияда олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, олимларни ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сари изчил ва тизимли амалий ишлар олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда илм-фан ва илмий тадқиқот ишларига қизиқишнинг чинакамига ошганлиги, аввало, соҳага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилганлигидадир. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг “Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тўғрисида”ги қарори илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Илм бўлмаган жойда билим бўлмайди, илм йўқ жойда таълим бўлмайди”<sup>1</sup>, деган ғоялари асосида мамлакатимизда илм-фанни ривожлантиришга қаратилган чуқур туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу муносабатларнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, дунё рейтингига эътироф сари фаол ҳаракатлар бошланди. 2030 йилгача олий таълимни ривожлантириш концепцияси асосида энг нуфузли олий таълим муассасалари рейтингига кириш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Маълумки, ҳар бир жамиятнинг таълим тизимида юридик мутахассислик алоҳида ўринда туриб, у мамлакатни муваффақиятли тараққиётга элтувчи куч, унинг ривожланиш даражаси мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим омил ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳуқуқшунослик фанлари мустақиллик йилларида сезиларли даражада ривожланмоқда ва маълум ютуқларга эришмоқда. Ҳуқуқнинг янги соҳалари (масалан, халқаро хусусий ҳуқуқ, корпоратив ҳуқуқ, божхона ҳуқуқи, банк ҳуқуқи,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>

тадбиркорлик ҳуқуқи, экология ҳуқуқи ва ҳ.к.) вужудга келиб, айни вақтда, давлат ва ҳуқуқ тарихи, назарияси, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, конституциявий ҳуқуқ фанлари бўйича олимлар салмоқли натижаларга эришдилар. Бунинг натижаси сифатида қатор докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди, бир қатор монографиялар, рисоалар, кодекс ва қонунларга шарҳлар тайёрланди ва чоп этилди.

Таъкидлаш ўринлики, мустақиллик йилларида ҳуқуқшунос мутахассислар тайёрлайдиган Олий ўқув юртлари, факультетлар ҳам сон жиҳатдан кўпайди. Муқаддам асосан собиқ ТошДУнинг юридик факультети, қисман СамДУ ва Қорақалпоқ давлат университетларининг юридик факультетларида юридик соҳада илмий тадқиқот олиб борилган бўлса, бугунги кунда ушбу соҳада бошқа тармоқларда бўлгани каби ўзига хос рақобат муҳити ҳам вужудга келди. Ҳозирги вақтда Республикамизда юридик фанлар бўйича тадқиқотлар ўнлаб олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларда амалга оширилмоқда. Булар ичида ТДЮУ, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси, Судьялар олий мактаби, ИИВ академияси, Давлат бошқарувии академияси, Давлат ва ҳуқуқ институти, Самарқанд давлат университети, Термез давлат университети, Наманган давлат университетининг Ҳуқуқшунослик факультетлари етакчи ўринни эгаллайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ўз миллий давлатчилигини тиклашга, унинг ҳуқуқий тизимини шакллантириш, шу асосда ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан бормоқда. Ўзбек миллий давлатчилигининг асослари ўтмиш тарихий тажрибамизда, давлат фаолиятимизда, ўша даврда илгари сурилган сиёсий-ҳуқуқий ғояларда мужассамдир. Давлатчилик тажрибамизни, унинг ғоявий, сиёсий, ҳуқуқий асосларини илмий тадқиқ қилиш, уни ҳар томонлама ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган стратегик вазифага айланди. Фуқаролар ҳуқуқий онгини, маданиятини оширишда ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятининг ривожланишига хизмат қиладиган ғоялар шаклланишида, сиёсий-ҳуқуқий ғояларга бўлган эҳтиёж ўсиб бормоқда. Шу муносабат билан

буюк аллома, мутафаккирларнинг давлат ва ҳуқуқ, қонун, қонунчилиқни такомиллаштириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳақидаги таълимотини ўрганиш, тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллика эришгач жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи соҳаларида муҳим ўзгаришлар амалга оширилди<sup>1</sup>. Ушбу соҳа қонунчилигига бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Бутун ижтимоий соҳани эркинлаштириш жараёнида жиноий жазони ҳам либераллаштириш ишлари амалга оширилди, жазо турларига ўзгартиришлар киритилди, яраштирув институти жорий қилинди, судларни иқтисослаштиришга эришилди, адвокатлар мақомини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш сиёсати юргазилди. Бу каби янги йўналишлар бугунги кунда жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи фанлари олдида шу муаммолар хусусида илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг илмий-назарий тушунчаларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Истиқболда жиноят ҳуқуқи фани олдида Жиноят қонуни нормаларини либераллаштириш; жиноят ҳуқуқий нормалар рақобатини камайтириш мақсадида бир-бирини такрорлайдиган ёки зиддиятли нормаларни мунтазам ўрганиш ва уларни илмий таҳлил қилиш; рецидив жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган нормаларнинг амалда қўлланишини ўрганиш; жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни биринчи марта содир этган шахсларга нисбатан жиноий мажбурловнинг янги турларини киритишни ўрганиш ва уларни илмий асослаш; жавобгарликни дифференциациялаштириш ва индивидуаллаштириш мақсадида жиноий жазо тизимини қайта кўриб чиқиш, жазо турлари сонини купайтириш масаласини илмий ўрганиш вазифасини қўймоқда.

Маълумки, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ давлат ҳокимиятини ташкил этиш, давлат бошқарувини йўлга қўйиш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимини шакллантириш бўйича

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон Қарори // <https://lex.uz/docs/3735818>

жаҳондаги илғор тажрибани ҳамда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятини эътиборга олиб шакллантириш ғояси илгари сурилди. Фуқаролик жамияти институтлари ривожлантирилди, пировардида, кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари илдам қадамлар ташланди. Ҳокимиятлар тақсимланишининг таъминланиши, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг бир палатали тизимдан икки палатали профессионал парламентга айланиши, одилона сайлов тизимини яратиш ва уларнинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш амалга оширилди.

Иқтисодий тизимни асослантириш бўйича юридик фанларнинг ривожланишига оид қуйидаги концептуал ғоялар белгиланди: бозор муносабатлари тизимини босқичма-босқич жорий этиш, хусусий мулкни иқтисодиётда ҳукмронлигини таъминлаш, ерга ва бошқа табиий ресурсларга нисбатан мулкчилик масалаларини оқилона ҳал этиш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, шартномалар эркинлиги ва интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва ҳ.з.

Амалга оширилган ишлар самараси ўлароқ, юртимизда ҳуқуқий фанлар узлуксиз ривожланиб, сўнгги йилларда ҳуқуқшунослик йўналишида илмий изланишлар ҳамда унга мутаносиб равишда бу соҳада илмий иш олиб бориш истагидаги ёш ҳуқуқшунослар сони ҳам узлуксиз ошиб бормоқда. Олиб борилган илмий тадқиқот ишларида мамлакатимизда мустақиллик йилларида Президент бошқаруви, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш, бозор иқтисодиётини қарор топтиришнинг ҳуқуқий-ташкилий асослари, хўжалик юритиш ва мулкдорлик ҳуқуқини шакллантириш суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, судларни ихтисослаштириш, жазо тизимини такомиллаштириш ва бошқа муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ҳал этиш йўллари таҳлил этилиб, уларни амалиётга қўллаш учун тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига таклиф-мулоҳазалар берилди, матбуотда мақолалар чоп этилди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> “Давлат ва фуқаролик жамияти ташкилотларининг мустаҳкам ҳамкорлиги – ҳуқуқий ислохотлар самарадорлигини таъминлаш йўлида”. “Тараққиёт стратегияси” маркази // <https://strategy.uz>



Юриспруденция йўналиши бўйича докторлик ва юридик фанлар бўйича фалсафа доктори диссертацияларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган ихтисослашган кенгашлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАКнинг қарорига кўра ҳуқуқ соҳалари бўйича ихтисослаштирилгандан сўнг диссертацияларнинг сифатли ҳимоя қилинишига эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан ушбу ихтисослашган кенгашлар ҳузурида семинарлар ўтказувчи кенгашларнинг ташкил этилиши юридик фанлар бўйича фалсафа доктори ва докторлик диссертацияларини тегишли мутахассислар иштирокида мукамал муҳокама қилиш ва диссертацияларни сифатли тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида сўнги 5 йил ичида давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий муаммоларига бағишланган долзарб мавзуларда илмий монографиялар тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Масалан, 2017-2022 йилларда 50 дан ортиқ илмий монографиялар чоп этилди. Шу билан бирга илмий ва оммабоп рисоаларни чоп этиш ҳам институт олимларининг диққат марказида бўлди. 2017-2022 йилларда 300 дан ортиқ рисоалар нашрдан чиқди.

Давлат ва ҳуқуқнинг долзарб мавзулари, мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган муаммоларни ечишга бағишланган илмий анжуманлар ташкил этиш институт олимларининг асосий вазифаларидан бирига айланган. Диссертация ҳимоясига қаратилган жиддий эътибор ва олиб борилган тўғри сиёсат самараси ўлароқ илмий салоҳият 2017 йилнинг 2022 йил билан таққослаганда 75 фоизга ўсганлигини кузатиш мумкин.

Албатта, бу эришилган ютуқлар қанчалик салмоқли бўлмасин, фақат унга маҳлиё бўлиб қолиш, юридик фанлар олдида турган истиқболли вазифаларни айтмаслик мумкин эмас. Бугунги кунда юридик фанларнинг асосий вазифаси келгуси истиқболни олдиндан кўра билиш, башорат қилиш, янги инновацион ғояларни илгари

суриш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш бўйича муқобил ечимлар тайёрлашдан иборат бўлиши керак.

Бугунги кун янги ислохотлар босқичида жамият ҳаётини янада демократлаштириш ва либераллаштириш муаммоларини чуқур илмий тадқиқ қилиш юридик фанлар олдига турган асосий вазифалардан саналади. Суд-ҳуқуқ ислохотлари соҳасида судларнинг холислигини таъминлаш, жиноят қонунчилигини тобора либераллаштириш, маъмурий ҳуқуқбузарлик соҳасидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш чораларини белгилаш, Адлия органлари фаолиятини такомиллаштириш, ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар механизминини ишлаб чиқиш юридик фанларнинг устувор йўналишларидан биридир<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратилмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Шу муносабат билан ҳуқуқшунос олимлар фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Бунда давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, ижтимоий шерикчилик институтини амалиётга кенг татбиқ этишнинг ҳуқуқий муаммолари устида илмий тадқиқотлар олиб боришга жиддий эътибор қаратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш соҳасида ҳам ўта долзарб масалалар ҳуқуқшунос олимларнинг тадқиқотларини

<sup>1</sup> Саидов А. “Суд-ҳуқуқ ислохотлари соҳасида судларнинг холислигини таъминлаш” // <https://sud.uz/sud-huquq-tizimidagi-islohot>

кутмоқда. Жумладан, хусусий мулк ҳуқуқининг мазмуни ва унинг кафолатларини янада кучайтириш, кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш, оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, бозорда инсофли рақобат муҳитини вужудга келтириш, корпоратив бошқариш механизмини кенг жорий этиш масалалари цивилистик тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлмоғи зарур.

Шу билан бирга келгусида илмий-тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш ҳамда етук малакали кадрлар тайёрлаш ишини янада яхшилаш мақсадида қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим деб ўйлаймиз:

Биринчидан, ҳозирги кунда ҳуқуқшунослик илми ютуқларидан амалиётда самарали фойдаланиш юриспруденциянинг энг долзарб муаммолари бўйича фундаментал илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Афсуски, ҳозирда ҳам фундаментал тадқиқотлар олиб бориш масаласига етарли эътибор берилмаяпти, кўпинча тайёрланган диссертациялар монография сифатида чоп этиляпти холос, улардаги таклифларни қабул қиладиган, таҳлил қиладиган, ўрганадиган ташкилотларда бунга эҳтиёж сезилмаяпти, олимнинг таклифи кўпинча қоғозда қолиб кетиб, амалиётга тўлиқ татбиқ этилмаяпти.

Бугунги кунда юриспруденциянинг барча соҳалари бўйича фундаментал тадқиқотлар мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ҳамда эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалари; бозор иқтисодиёти муносабатларини ривожлантиришни ҳуқуқий таъминлаш; Ўзбекистонда парламентаризм: ривожланиш истиқболлари бўйича илмий ечимлар бериш; суд-ҳуқуқ ислоҳотларини ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш, либераллаштиришнинг янги босқичи бўйича илмий концепция ишлаб чиқиш, жазо тизими ва уни такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни халқаро стандартлар даражасига кўтариш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишга қаратилиши лозим;

Иккинчидан, фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш учун Инновация вазирлиги томонидан танлов ўтказиш тартиби,

бизнингча, такомиллаштирилиши лозим. Танлов олимлар томонидан тавсия этилган мавзулар бўйича эмас, балки бугунги кунда жамиятимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотларни ечишга ёрдам берадиган вазирлик томонидан танланган мавзулар бўйича ўтказилиши шарт. Мавзулар портфелини шакллантиришда Президент девони, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд, Конституциявий суд, Республика Прокуратураси фаол қатнашмоғи лозим. Шундагина унча долзарб бўлмаган, майда мавзулардан қутилиш мумкин. Шу асосда яратилган илмий монографиялардаги хулосаларнинг амалиётга жорий этиш самараси салмоқли бўлур эди;

Учинчидан, МДХ доирасида, нафақат давлатлараро шартномаларни татбиқ этиш, балки халқаро илмий тадқиқотларда фаол иштирок этишимизни назарда тутган ҳолда, юқори малакали ҳуқуқшунос олимларни тайёрлаш масаласига устувор йўналиш сифатида ёндошиш лозим. Бунда умидли ёшларни Россия Фанлар Академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институтидаги мақсадли аспирантура ва докторантурага ёки Россия Федерациясининг Қонунчилик ва қиёсий ҳуқуқшунослик институтига юбориш муҳим аҳамиятга эга. Акс ҳолда МДХ ҳуқуқ тизими, шунингдек, юридик таълим ривожланишининг устувор анъаналари доирасидан ортда қолиш мумкин;

Тўртинчидан, илмий тадқиқот натижаларини амалиётда кенг қўллашга мавжуд юридик адабиётларни нашр этиш борасидаги муаммолар ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунда юқоридаги ишларни амалга ошириш бюджетдан алоҳида молиялаштирилмаганлиги ва юридик адабиётларни жамоатчиликка етказиш етарли тарзда йўлга қўйилмаганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида юридик фан ютуқларини кенг аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ишига тўсиқ бўлмоқда, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда қийинчилик туғдирмоқда. Ҳозирча юридик адабиётлар асосан ҳомийлар кўмаги ва муаллифларнинг маблағлари ҳисобидан чоп этилмоқда;

Бешинчидан, мамлакатимизда ҳуқуқшуносликка доир амалга оширилаётган илмий изланишларни жаҳонга олиб чиқиш, фақат ўз

давлатимиз доирасида чекланиб қолмай, хорижий мамлакатлар билан фаол илмий ҳамкорлик қилиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун мамлакатимизда ҳуқуқшунослик соҳаси тадқиқотчилари учун илмий иш олиб бориш жараёнида ривожланган ғарб давлатлари – АҚШ, Англия, Франция, Германия; Россия, Украина, Қозоғистон каби МДҲ ва Болтиқ бўйи давлатлари; Корея, Япония, Малайзия каби Осиё давлатларида рус, инглиз ва бошқа хорижий тилларда илмий мақолаларнинг чоп этилиши илм-фанни янада ривожлантириш ва халқаро майдонга олиб чиқиш борасида муҳим қадам бўлади деб уйлаймиз. Бу ўзбек ҳуқуқшунослик фанини халқаро даражага кўтариш, ҳуқуқшунос олимларимизнинг халқаро майдонда илмий мулоқотга киришишини таъминлашга, ўз соҳасини янада чуқур ўзлаштиришга ва янги сифат босқичига кўтарилишига хизмат қилади.

Шу ўринда илмий ишланмалар натижаларини ривожланган хориж мамлакатлари илмий нашрларида чоп этиш талаби деярли барча мамлакатлар илмий тадқиқот ишларини ташкиллаштириш амалиётига хос хусусиятлигини таъкидлаш ўринлидир. Бизнинг фикримизча, мазкур талаб қуйидаги бир қатор муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифаларни муваффақиятли бажаришга хизмат қилади: биринчидан, мазкур ҳолат энг аввало миллий илм-фан соҳасини ўз қобиғига ўралиб, “биқиқ” ҳолда ривожланишини олдини олишга хизмат қилади; иккинчидан, миллий илм-фан соҳасида амалга оширилаётган ишланмаларнинг сифатини тубдан яхшилашга, тадқиқотларда нафақат миллий, балки хорижий манбалардан кенг фойдаланилишини таъминлашга хизмат қилади; учинчидан, олий таълим муассасалари фаолиятининг самарадорлигини белгиловчи омиллардан бири сифатида айнан илмий тадқиқот ишлари натижаларининг жаҳонда умумэтироф этилган обрўли хориж илмий нашрларида чоп этилиши ҳисобланади. Олий таълим муассасалари умумжаҳон рейтингларини белгиловчи агентликлар томонидан ҳам айнан шу мезон асосида рейтинг баллари белгиланади. Шу нуқтаи назардан ушбу талабнинг белгиланиши миллий муаллифлар учун ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган жаҳон даражасидаги тадқиқотларни олиб боришга

ундайди; тўртинчидан, хориж илмий журналлардаги мақолаларга доир қўйилган талаблардан бири, қайси тилда бўлишидан қатъий назар, мавзуга оид барча адабиётларни биринчи манбалар асосида илмий таҳлил этиш ҳисобланади. Бу ҳолат маҳаллий изланувчиларни чет тилларини, хусусан инглиз, немис, француз ва испан тилларини мукамал ўрганишга, мавзуга оид биринчи манбалар билан ишлаш малака ва кўникмасини шакллантиришга хизмат қилади.

Демак, бутун дунё илми миқёсида халқаро машҳур, кўп хавола қилинадиган журналларда мақолалар юқори баҳоланади. Шунингдек, журнал қанча муддатдан бери нашрдан чиқаётганлиги, унинг жамиятдаги обрўси ва аҳамияти ҳам унда чоп этиладиган мақолаларнинг аҳамиятини оширади. Хусусан, улар қаторига Россия Федерациясидаги “Государство и право”, “Правоведение”, “Хозяйство и право”, “Вопросы правоведения”, “Журнал российского права”, “Закон”, “Гражданское право”, “Уголовный процесс”, “Интеллектуальная собственность”, АҚШ ва Европадаги “American Jurist” (Юрист Американи), “American Lawyer” (Адвокат Американи), “Journal of Transnational Law & Policy” (Журнал транснационального права и политики), “Human Rights Law Journal” (Журнал прав человека), “The European Journal of International Law” (Европейский журнал международного права) каби журналларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин<sup>1</sup>.

Кўрсатилган журналлар каби нашрларда мақолалар чоп этиш, мамлакатимиз олимларининг халқаро талаблар бўйича мақолалар тайёрлаши, ўзини устида янада ҳам кўпроқ ишлаш, халқаро тажриба ва чет эл муаллифлари фикрини ўрганиб улар билан ҳам мунозара ва баҳсга киришиш талабини вужудга келтириб, бу ўз навбатида тадқиқотчининг илмий изланишларини чуқурлаштиради, шунингдек ўз мақолалари билан дунё миқёсида танилишига олиб келади. Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда юридик фанлар бўйича докторант-тадқиқотчилар учун чет элда 2 та илмий мақола чоп этилишини йўлга қўйилганлиги айни муддаодир.

<sup>1</sup> “Халқаро журналлар” // <https://journals.uz>

Олтинчидан, илмий тадқиқотларни грантлар асосида ташкил этишда ўтказиладиган танловларнинг ошкоралиги, очиқлиги, холислиги таъминланиши лозим. Илмий монография, рисоалар, дарсликлар сифати ва савияси жиддий назорат қилинмоғи лозим. Фан номзодлари ва докторлари таркибида ёш олимлар кўпайишига эришмоқ лозим. Бунинг учун махсус дастур ва аниқ йўналтирилган тадбирлар тизимини ишлаб чиқмоқ зарур. Яқин келажакда ҳар бир соҳада энг камида 2-3 та фан доктори бўлишига ҳаракат қилиш лозим. Айниқса меҳнат ҳуқуқи, солиқ ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, божхона ҳуқуқи, хўжалик ҳуқуқи соҳаларида мақсадли дастур ишлаб чиқиш ва уни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор бериш лозим;

Еттинчидан, яқин келажакда ўзбек миллий ҳуқуқ мактаби ўз қиёфасига эга бўлмоғи лозим. Ўзбек миллий ҳуқуқ мактаби ўтмиш аллома мутафаккирларимиз таълимотига асосланиши, устоз ва шогирдлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч, ҳурмат, илмга чанқоқлик асосида қурилмоғи, ўзига хос илмий изланишлар услуби, илмий изланишларнинг, йўналишларнинг ва илмий тадқиқотларнинг натижалари билан дунёдаги бошқа ҳуқуқ мактабларидан фарқ қилмоғи лозим. Ўзбек миллий ҳуқуқ мактаби негизида ҳар бир соҳа бўйича фан докторлари ўз илмий қизиқишлари доирасига ва шогирдлар гуруҳига эга бўлиши лозим;

Саккизинчидан, Ўзбекистон Республикасида юридик фанлар бўйича илмий тадқиқотларни амалга оширувчи муайян мувофиқлаштирувчи органнинг тузилганлиги айтиш мумкин бўлди. Ушбу мувофиқлаштириш органнинг ҳуқуқшунос олимларни ўзига жамлаган ва йирик илмий салоҳиятга эга бўлган илмий тадқиқот муассасаси ҳузурида тузилганлиги ҳам диққатга сазовордир. Мувофиқлаштирувчи орган юридик фанлар бўйича илмий тадқиқот иши олиб борувчи барча ўқув ва илмий муассасаларнинг бошини қовуштириши, бир мақсад йўлида уларни бирлаштириши, илмий изланишлардаги турли такрорлашлар ва ўзаро номувофиқликларни бартараф этиш вазифасини бажариши лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда бугунги кунда амалга оширилаётган туб ислохотлар ҳуқуқий асосларининг мазмун-моҳиятини тадқиқ қилишга бағишланган илмий изланишларни

самарали олиб бориш, улар асосида янгидан-янги инновацион ғояларнинг ишлаб чиқилиши ва амалиётга тадбиқ этилиши Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижросини бажаришга, ушбу ҳужжатнинг бош ғояси ҳисобланган “Инсон қадрлари учун” деган устувор тамойилни тўла рўйбга чиқаришга, мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувликни таъминлашга, пировардида янги Ўзбекистонни барпо этишга хизмат қилади.



**ЮНУСОВ ҲАЙДАРАЛИ**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти илмий ходими, юридик фанлар номзоди  
Email: [yunusovkm@gmail.com](mailto:yunusovkm@gmail.com)

## **ЮРИДИК ТАЪЛИМ БОСҚИЧЛАРИ ВА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ: АҚШ ТАЖРИБАСИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада Америка олий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари, хусусан, юридик таълимнинг эътиборга молик жиҳатлари, босқичлари, турлари, ўқув жараёнини ташкил этиш, таълим бериш услублари ҳамда олий таълимдан кейинги касбий фаолият масалалари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, унда юридик соҳада узлуксиз таълим, малака ошириш курслари, узлуксиз таълимни ташкил этишда нодавлат касбий уюшмаларнинг роли ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** юридик таълим, таълим босқичлари, таълим дастурлари, юриспруденция, аккредитация, таълим методлари, узлуксиз таълим, касбий уюшмалар, меҳнат бозори.

АҚШда юридик таълим мамлакат олий таълим тизими билан узвийлик касб этиб, 3 босқичга бўлинган ҳолда 10 йил давом этадиган изчил тизимдир.

I босқич – 4 йиллик олий таянч таълимидир. Уни мактабдан кейинги таълим (*postsecondary education*), даражаости таълими (*undergraduate education*), бакалавр босқич таълими (*bachelor degree education*) деб ҳам аташади.

Аммо, юридик таълим соҳаси бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар соҳаларидан фарқ қилади. Бундай фарқланиш, айниқса, юридик таълимнинг бакалавр босқичида яққол кўзга ташланади. Бошқача қилиб айтганда, АҚШ олий таълим тизимида ҳуқуқ бўйича бакалавр даражаси LL.B. (*Bachelor of Laws*, лотинча *Legum Baccalaureus*) мавжуд эмас. Жуда кам ҳолларда университетлар

ҳуқуқ соҳасида бакалавр даражаси (LL.B.)ни тақлиф қилади. Масалан, 2014 йилда Аризона университети ҳуқуқ соҳасида ижтимоий фанлар бакалаври даражаси (*Bachelor of Arts in Law – B.A. in Law*)ни жорий этди. Бошқа ҳолларда, юридик таълим асослари ижтимоий фанлар соҳасидаги бакалавр дастурларига сингдириб юборилади. Айрим бакалавр дастурларида ҳуқуқий фанларга кўпроқ урғу берилса, бошқаларида эса бундай ҳолат кузатилмайди. Мазкур ҳолат юридик соҳага жиддий эътибор ва ёндашув билан изоҳланади. Юридик соҳада чуқур билимга эга бўлиш ва ихтисослашув бакалавр босқичидан кейинги таълим босқичида мужассамлашади.

Бу босқичда бўлғуси ҳуқуқшуноснинг келажакда кўзлаётган фаолият турига қараб муқобил юридик таълим тақлиф этилади. Амалиётчи юрист сифатида ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан шуғулланмоқчи бўлган талабалар ҳамда ҳуқуқнинг умумназарий масалалари, илмий тадқиқотчилик, ҳуқуқий сиёсат ва бошқарув соҳасида фаолият юритишни режа қилаётган талабгорлар ўзлари учун муносиб таълим турини танлашлари талаб этилади. Ижтимоий фанлар соҳасида бакалавр дипломи (*Bachelor of Art (BA)*) ёки ҳар қандай бакалавр дипломига эга ёшлар юридик таълимни икки йўналишда давом эттиришлари мумкин бўлади.

Улардан биринчиси – амалиётга йўналтирилган юриспруденция доктори – **J.D.** (инглизчада *Doctorate of Jurisprudence, Doctor of Law*, лотинчада *Juris Doctor*) дастури бўлса, иккинчиси – ҳуқуқ, ҳуқуқий бошқарув, ҳуқуқий сиёсат соҳасида умумназарий билим ва кўникмалар олишга қаратилган ҳуқуқ магистри – **LL.M** (инглизчада *Master of Law*, лотинчада *Legum Magister* ёки *Legum Magistra*) даражаси учун таълимдир. Одатда, бакалавр даражасини олган аксарият америкаликлар олий таълимнинг иккинчи босқичида юриспруденция доктори (**J.D.**) даражаси учун таҳсилни давом эттиради. Масалан, 2019-2020 ўқув йилида 112,882 нафар талаба **J.D.** дастурига қабул қилинган бўлса, атиги 19,819 нафар талабагина LL.M дастурларини танлаган. Ҳуқуқшунос талабларнинг умумий сони 132,684 тани ташкил қилган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>[https://www.americanbar.org/content/dam/aba/administrative/legal\\_education\\_and\\_admissions\\_to\\_the\\_bar/statistics/2019-509-enrollment-summary-report-final.pdf](https://www.americanbar.org/content/dam/aba/administrative/legal_education_and_admissions_to_the_bar/statistics/2019-509-enrollment-summary-report-final.pdf)

Амалиётга йўналтирилган юриспруденция доктори (**J.D.** – *Juris Doctor*) – 3 йиллик (камида 2,5 йил) амалиёт билан яқин боғланган таълим дастуридир. Уни юридик фанлар доктори – **J.S.D.** (*Doctor of Juridical Science*) илмий даражаси билан адаштирмаслик керак. Бир сўз билан айтганда, **J.D.** ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги профессионал докторантура сифатида илмий тадқиқотчилик соҳасидаги докторантура (**J.S.D.**)га муқобил таълим дастуридир. Айрим ҳолларда амалиётчи юристлар ҳам **J.S.D.** даражасига эга бўлишлари мумкин ёки баъзи **J.S.D.** илмий даража соҳиблари **J.D.** (*Juris Doctor*) дастурини тамомлаган бўлишлари мумкин, лекин бу ҳолатлар кам учрайди.

**J.D.** (*Juris Doctor*) дастури 1870-1895 йилларда Ҳарвард университети юридик мактабида деканлик қилган Кристофер Коламбус Лангделл (*Kristofer Kolombus Langdell*) томонидан илгари сурилган бўлиб, ўша пайтдаёқ 4 йиллик бакалавр босқичидан кейинги ҳамда амалиётчи юрист тайёрлайдиган чуқурлаштирилган дастур сифатида қабул қилинган эди. Уни баъзан, ўша пайтларда, “иккинчи бакалавр” ёки “бакалаврдан кейинги бакалавр” деб ҳам аташган. XX асрнинг 70-йилларига келиб, Америка юристлар уюшмаси (*American Bar Association (ABA)*) **J.D.** (*Juris Doctor*) дастурини тўлиқ қўллаб-қувватлаши натижасида у барча ҳуқуқ мактабларига тавсия этилди. Ҳарвард ва Йел каби пешқадам университетларнинг саъй-ҳаракати натижаси ўлароқ, **J.D.** дастури мамлакат бўйлаб кенг эътироф этилди. Шу тариқа, бутун Америкада **J.D.** дастури жорий этилди ва ҳуқуқ амалиётига ихтисослаштирилган бакалавр босқичидан кейинги таълимга тенглаштирилди. Унинг дастлабки даврларидаёқ, кейс методи ва Сукрот усули дарс беришнинг асосий услублари сифатида танланган эди.

**J.D.** (*Juris Doctor*) таълим дастурлари Америка юристлар уюшмаси томонидан аккредитация қилинган олийгоҳлардагина олиб борилади. Малакали профессор-ўқитувчилар корпусининг мавжудлиги, мутахассислик фанлари ва ўқув курсларининг машғулотлар дастурига киритилганлиги, кутубхоналарнинг ўқув-дидактик материаллар ва юридик нашрлар билан таъминланганлигининг минимум кўрсаткичлари, ўқув биноларининг

Ўқув машғулоти учун яроқлилиги ва минимум хавфсизлик чораларининг мавжудлиги аккредитация шартлари сирасига киради. Америка юристлар уюшмаси (АВА) маълумотларига кўра, 2020 йилга келиб, **J.D.** даражасини берувчи аккредитация қилинган ҳуқуқ мактаблари сони 203 тани ташкил қилган<sup>1</sup>. Ҳар қандай турдаги 4 йиллик бакалавр босқичини тамомлаган талабалар **J.D.** дастурига қабул қилинади. Шу тариқа, таълим давомийлиги 4+3 формуласи билан ифодаланади. Таълимни бошлаган талаба биринчи босқичдаёқ АВА аъзоси бўлиши мумкин ва, шу асосда, амалиётчи юристлар билан касбий муомалага киришади.

Мазкур дастурда талаба ўзини қизиқтирган соҳаларда чуқур билим олиш имкониятига эга, яъни ўз қизиқишига қараб, ўзига тегишли фанларни танлайди. Биринчи курсдан оқ, юридик клиникаларида мижозлар билан ишлаш кўникмасини эгаллай бошлайди. Дастур, асосан, миллий ҳуқуқ тизими учун мутахассислар тайёрлайди. Шу боис, конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, мулкчилик ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, оила ҳуқуқи дастурнинг асосий фанлари ҳисобланади.

**J.D.** дастури, қоида тариқасида, 84 ой ёки 7 йилгача чўзилиши мумкин. Тўлиқ кундузги таълимда таҳсил, одатда, ўртача 3 йил, тезлаштирилган таълим дастурларида 2,5 йил давом этади. Таълим дастури давомида талаба 88 кредит бирлигини тўплаши лозим, шундан 78 кредит бирлиги ўқитиладиган фанлар, ўқув курслари бўйича (шундан 50 фоизи мажбурий фанлардан), қолган 12 кредит бирлиги таълим билан боғлиқ аудиториядан ташқаридаги фаолият (юридик клиникалардаги машғулоти, миллий ва халқаро мусобақалар, ёзги курсларда иштирок этиш) бўйича тўпланади. Талаб этиладиган энг қуйи кумулятив ўртача ўзлаштириш баҳоси (*Minimum cumulative Grade Point Average (GPA)*) – 2.33.

**J.D.** дастурининг биринчи ўқув йилида маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқий-қилмиш (torts), жиноят ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи, шартнома ҳуқуқи, ҳуқуқий касбий фаолият, ҳуқуқий таҳлил асослари, ҳуқуқий таҳлил маҳорати, глобал ҳуқуқий

<sup>1</sup>[https://www.americanbar.org/content/dam/aba/administrative/legal\\_education\\_and\\_admissions\\_to\\_the\\_bar/statistics/2019-509-enrollment-summary-report-final.pdf](https://www.americanbar.org/content/dam/aba/administrative/legal_education_and_admissions_to_the_bar/statistics/2019-509-enrollment-summary-report-final.pdf)

амалиёт каби (тахминан 10 та атрофида) фанлар ўқитилади ва талаба 30 кредит бирлигини тўплаши зарур бўлади. Иккинчи ўқув йилида умумий фанлар билан биргаликда ихтисослашув сертификати фанлари ўқитилади. Масалан, умумий фанлар сифатида конституциявий ҳуқуқ, далилларни асослаш (evidence), ҳуқуқий жавобгарлик каби фанлар ўқитилиб, ўртача 14-16 кредит бирлиги йиғилади. Ихтисослашув сертификати (*Certificate of concentration*) фанлари танланган ихтисослашув йўналишидаги фанларни қамраб олади. Масалан, бизнес ҳуқуқи ихтисослашув сертификати доирасида талаба бизнес уюшмалари (*Business associations*), меҳнат ҳуқуқи, банкротлик ҳуқуқи, солиқ ҳуқуқи, корпоратив ҳуқуқ, халқаро бизнес тўловлари (*International Business Transactions*) каби асосий мажбурий фанлар ва бир қатор танлов фанлари (маъмурий ҳуқуқ, атроф-муҳит ҳуқуқи, суғурта ҳуқуқи, тижорат ҳуқуқи)ни ўзлаштириши ҳамда 14-16 кредит бирлигини тўплаши лозим. Талаба бир вақтнинг ўзида бир нечта ихтисослашув сертификатларини танлаши мумкин. Масалан, Калифорния ҳуқуқ мактабларининг **J.D.** дастурларида атроф-муҳит ҳуқуқи соҳасида, интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасида, солиқ ҳуқуқи соҳасида, халқаро ҳуқуқ соҳасида, кекса ёшлилар ҳуқуқи ва соғлиқни сақлаш ҳуқуқи соҳасида, суд процесси ва апелляция ҳуқуқи соҳасида ихтисослашув сертификатлари таклиф этилади. Ихтисослашув сертификатлари **J.D.** дипломларини муайян соҳада ихтисослашув баробарида қўшимча кучайтириш имконини беради ва иш топиш имкониятларини кенгайтиради. Шундай қилиб, **J.D.** ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича умумий билим ва кўникмалар беради, ихтисослашув сертификатлари эса муайян соҳадаги ёки бир неча соҳалардаги ҳуқуқни қўллаш амалиётига алоҳида урғу беради.

**J.D.** дастурининг 3-якуний ўқув йили, кўпинча, ёзма нутқ асослари, аудиториядан ташқари фаолият ҳамда йўналтирилган ўқув дастурлари (*Directed Study Program*)ни ўз ичига олади. Унинг доирасида, айниқса, ўзлаштириш даражаси (*GPA*) 3.0 дан кам бўлган талабалар учун юристлик фаолияти учун зарур бўлган лицензия олиш тест-имтиҳонларига тайёрлов машғулоти олиб борилади.

Одатда, **J.D.** даржасини олган битирувчилар ўқишдан кейин қисқа муддат ичида амалиётчи юристлик фаолияти (суд адвокати) лицензияси учун имтиҳонлар топширади. Ўқиш тамомланмагунга қадар талабаларга бундай ҳуқуқ берилмайди (фақат баъзи штатлардагина ўқиш даврида рухсат берилиши мумкин). Улар лицензия олишлари билан ҳуқуқни қўллаш амалиётига йўл олишади. Шу боис, **J.D.** ўқув дастурлари ҳам шунга мувофиқлаштирилган бўлади.

Жуда кам ҳоларда, **J.D.** битирувчилари учун докторантура (Ph.D) дастурлари таклиф этилади. Масалан, 2012 йилдан бошлаб Йел университети ҳуқуқ мактаби **J.D.** битирувчилари учун Ph.D дастурларини эълон қилди<sup>1</sup>.

Юридик соҳада олий таълимни давом эттиришнинг иккинчи йўли АҚШ таълим тизимининг халқаро стандартларига мос бўлган магистратура дастурларидир. Ҳуқуқ соҳасида магистратура дастурлари **LL.M** (инглизчада Master of Law, лотинчада *Legum Magister/Legum Magistra*) – ҳуқуқ фанлари бўйича магистр (мастер) атамаси билан номланади. Шу билан бирга, *Master's degree in Comparative Law (MCL)*, *Master's degree in Comparative jurisprudence (MJC)*, *Master's degree in Legal Institutions (MLI)* каби турдош даражалар ҳам бор. Улар **LL.M**дан фарқ қилиб, битирув-тадқиқот ишлари ҳимоясини талаб этмайди ва илмий изланишга катта эътибор қаратмайди. Баъзи ҳуқуқ мактабларида, масалан, Йел университетининг ҳуқуқ мактаби ёки Калифорния МкЖорж ҳуқуқ мактабида бир йиллик Ҳуқуқ фанлари магистри (*Master of Studies in Law (M.S.L.)*)<sup>2</sup> ёки *Master of Legal Studies (M.L.S.)*<sup>3</sup> дастури жорий этилган бўлиб, унда бошқа соҳаларда фаолият юритаётган касб эгалари (журналистлар, иқтисодчилар, тиббиёт ходимлари ва ҳ.к.) учун умумий ҳуқуқий билим берилади.

<sup>1</sup> The Ph.D. in Law degree program, Yale Law School: <https://law.yale.edu/studying-law-yale/degree-programs/graduate-programs/phd-program>

<sup>2</sup> Master of Science in Law (MSL): <https://www.mcgeorge.edu/future-students/master-of-science-in-law/>

<sup>3</sup> Master of Legal Studies (M.L.S.): <https://law.stanford.edu/education/degrees/advanced-degree-programs/#slnav-masters-degree-programs>

Айни пайтда, LL.M ва бошқа магистр (мастер) даражалари ҳуқуқ соҳасида илмий йўналишда, назарий жабҳада ёки умумий ҳуқуқшунослик йўналишида кейинги босқич – докторантура учун замин ҳозирлайди. АҚШда таҳсил олаётган хорижий талабаларга, одатда, LL.M дастурларида таълим олиш тавсия этилади, миллий ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан шуғулланмоқчи бўлган талабалар эса J.D. дастурларида таълимни давом эттиради. Юқорида айтилганидек, LL.M дастури J.D. дастури билан параллел жойлашган дастурдир. Ҳуқуқ соҳасида олий таълим олмоқчи бўлган абитуриентларнинг 10-12 фоизигина LL.M дастурларига ёзилади.

LL.M дастурлари 1 йил (2 семестр)дан 2 йил (4 та семестр)гача давом этади. Ҳарвард ва Йел каби пешқадам университетларда таълим давомийлиги бир йил бўлиб, бу ўқиш учун тўловларнинг қимматлиги билан изоҳланади. Таҳсил давомида талаба жами ўртача 24 кредит бирлигини тўплаши лозим.

Муваффақиятли талабалар магистрлик дастуридан сўнг юридик фанлар доктори – **J.S.D.** (*Doctor of Juridical Science*) илмий даражаси учун таълимни давом эттиради.

Юридик фанлар доктори – **J.S.D.** (инглизчада *Doctor of Juridical Science*, лотинчада *Juridicae Scientiae Doctor (J.S.D.)*) ёки *Scientiae Juridicae Doctor (S.J.D.)* илмий даражаси учун таълим дастурлари Америка юристлар уюшмаси (ABA) томонидан аккредитация қилинган J.D. ва LL.M дастурларини муваффақиятли тамомлаган (яъни, ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи (GPA) 3.0 баллдан кам бўлмаган (максимум GPA 4.3 балл бўлган ҳолда)) америкаликлар ёки камида LL.M даражасига тенглаштирилган олий таълим дипломларига эга чет эллик фуқаролар учун очиқдир. **J.S.D.** америка юридик таълимидаги энг юқори ва якуний даражадир. У Европа ва дунёнинг бошқа мамлакатларида кенг тарқалган фалсафа доктори (PhD) илмий даражасининг америкача муқобилидир.

**J.S.D.** дастури 3 йилдан 5 йилгача давом этади. Дастур давомида талаба жами 18-20 кредит бирлиги тўплаши ва докторлик диссертациясини ҳимоя қилиши керак. Илмий тадқиқот якунлангач, диссертация нашрга тайёрланади. Расмий рўйхатдан ўтган санадан бошлаб кейинги 4 йил ичида диссертация ушбу тадқиқот иши учун

таъсис этилган махсус комиссия олдида ҳимоя қилиниши шарт. Шундан сўнг номзодга докторлик даражаси берилади.

**J.S.D.** дастури таълими учун тўловлар университетларнинг нуфузига қараб 25 мингдан 75 мингга АҚШ долларига қадар бўлиши мумкин. Ўртача нуфуздаги университетларда ҳар бир кредит қиймати 1350 АҚШ долларига тенг. **J.S.D.** дастури учун, масалан, 18 кредит бирлиги талаб қилинса, демак, таълим тўлови 24,300 долларни ташкил қилади<sup>1</sup>. Ҳарвард ҳуқуқ мактабида бу қиймат 65, 875 АҚШ доллари<sup>2</sup>, Калифорния университети Берклей ҳуқуқ мактабида АҚШ фуқаролари учун 59 минг, хорижликлар учун 74 минг АҚШ долларига тенг<sup>3</sup>.

**Юридик соҳада узлуксиз таълим: малака ошириш курслари.** Замон билан ҳамнафас бўлиш, янги ижтимоий муносабатлар муҳитига мослашиш, фан ва технологияларни ишлаб чиқаришга мудом татбиқ этиб бориш ҳамда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги янгиликлардан хабардор бўлиш зарурати барча касб эгалари учун узлуксиз таълим эҳтиёжини келтириб чиқаради. Бундан юридик соҳа ҳам мустасно эмас. Кўпгина мамлакатларда узлуксиз таълимнинг олий таълимдан кейинги кўриниши малака ошириш курслари шаклида амалга ошади.

АҚШда юридик соҳа вакилларининг ҳар икки-уч йилда малака ошириб боришлари одат тусига кирган. Давомли юридик таълим (Continuing legal education (CLE)) ёки мажбурий қисқа муддатли давомли юридик таълим (Minimum continuing legal education (MCLE)) АВА имтиҳонларини муваффақиятли топшириб эндигина адвокатлик лицензиясини қўлга киритган юристлар учун мўлжалланган малака ошириш таълимидир. Аксарият штатларда суд адвокатларининг ўз лицензияларини сақлаб қолиш учун доимий малака оширишлари мажбурийдир. Айрим штатларда, лекин жуда кам ҳолатларда, масалан, Колумбия Округида адвокатларнинг малака оширишлари фақат тавсия этилади, холос.

<sup>1</sup> <https://www.mcgeorge.edu/future-students/llm-and-jsd-programs/costs-and-aid-llm-and-jsd-programs/>

<sup>2</sup> <https://hls.harvard.edu/dept/graduate-program/financing-sjd-study-at-harvard-law-school/>

<sup>3</sup> <https://www.law.berkeley.edu/academics/doctoral-programs/jsd/tuition-financial-aid/cost-of-attendance/>



АҚШда малака оширишнинг умуммиллий дастури ва мезонлари мавжуд эмас. Адвокатлик фаолиятини тартибга солиш, жумладан, уларнинг малака ошириш талаблари ҳар бир штатнинг ўзига ҳавола қилинган. Аниқроғи, малака талаблари ва мезонларини ишлаб чиқиш ва назорат қилиш ваколати ҳар бир штатнинг Олий суди ва Давомли юридик таълим (Continuing Legal Education) комиссияларига топширилган.

Шу билан бирга, малака ошириш курсларининг умуммиллий стандартларини ишлаб чиқиш, уларни ягона андозага келтириш, малака ошириш курсларини ўтаганлик ҳақидаги сертификатларни бирхиллаштириш каби ташаббуслар АВА ва Узлуксиз юридик таълимни тартибга солувчилар уюшмаси (Continuing Legal Education Regulators Association (CLEreg)) томонидан илгари сурилган. Шу мақсадда, мазкур уюшмалар томонидан Малака оширишнинг масофавий таълим дастури глоссарийси, малака таълими дастурлари ва уларни бошқариш бўйича қўлланмалар ишлаб чиқилган.

Малака ошириш курслари ҳам кредит тизимига асосланади. Таълим иштирокчилари йилнинг белгиланган муддатларида тегишли курсларга қатнаб, соҳавий билимлар бўйича минимал кредитларни йиғиб бориши керак. Айни пайтда, касб этикаси, холислик, касбий мажбурият, базавий кўникмалар, адвокат-мижоз зиддиятлари каби махсус курслардан ҳам минимал кредитлар йиғиши талаб этилади.

Малака ошириш дарслари тажрибали адвокатлар томонидан олиб борилади. Тингловчилар назарий ва амалий билимларини кенгайтириш имкониятига эга бўлади. Талаб этиладиган кредитларнинг маълум қисмини мустақил ўқиб ўрганиш орқали ҳам тўплаш мумкин. Кўпгина штатларда онлайн малака ошириш курслари орқали кредитлар йиғишга рухсат берилган ва бу амалиёт ҳозирги пайтда тобора оммалашиб бормоқда.

Муайян тажрибага эга адвокатлар малака ошириш таълими кредитларини тренинг курсларда, АВА томонидан аккредитация қилинган ҳуқуқ мактабларида маърузалар ўқиш, ҳуқуқ мактаблари талабаларини миллий ва халқаро миқёсдаги мусобақаларга

тайёрлаш, илмий нашрлар эълон қилиш орқали ҳам тўплаши мумкин.

Малака ошириш курслари йил давомида штатларнинг юристлар уюшмаси (Stat Bar Associations), юристларнинг миллий уюшмаси (ABA), ҳуқуқ мактаблари, Ҳуқуқ амалиёти институти (Practising Law Institute), Америка ҳуқуқ институти (American Law Institute), Америка ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқ маркази (The Center for American and International Law) ва бошқа хусусий тижорат ва нотижорат уюшмалар ҳамда фирмалар томонидан тақдим этилади. Малака ошириш курслари барча юристлар ва бошқа касб эгалари учун ҳам очиқ ва пулликдир. Охириги йилларда ёш адвокатлар учун уларни бепул ташкил этиш масаласи кўтарилмоқда. Кентукки штатида ҳар йили юристлар учун икки кунлик бепул малака ошириш курслари ташкил этилади. Малака таълими кредитларини тўплаш учун шунинг ўз кифоя қилади.

Кўриниб турганидек, АҚШда малака ошириш таълими билан нодавлат ноҳукумат ташкилотлари шуғулланади. Америка юристлар уюшмаси (ABA)нинг Узлуксиз таълим қўмитаси 1986 йилдаёқ “Мажбурий узлуксиз юридик таълимнинг намунавий қоидалари” (The Model Rule for Minimum Continuing Legal Education)ни ишлаб чиққан<sup>1</sup>. Улар орасида Узлуксиз юридик таълим уюшмаси (The Association for Continuing Legal Education (ACLEA)) муҳим ўрин эгаллайди. 1964 йилда ташкил этилган мазкур уюшма халқаро мақомга эга бўлиб, унинг аъзоларини Канада, Буюк Британия, Янги Зеландия, Мексика ва бир қатор Африка давлатларида учратиш мумкин. Жумладан, уюшма узлуксиз юридик таълим соҳасида бутун дунё бўйлаб фаолият олиб боради<sup>2</sup>. Узлуксиз юридик таълимни тартибга солувчилар уюшмаси (Continuing Legal Education Regulators Association (CLEreg)) эса малака ошириш курсларини ташкил этиш ва дастурлаш соҳасида институтлараро ҳамкорликни амалга оширади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> ABA Model Rule for Continuing Legal Education with Comments; [https://web.archive.org/web/20160706143103/http://www.americanbar.org/content/dam/aba/migrated/2011\\_build/cle/mcle/aba\\_model\\_rule\\_cle.authcheckdam.pdf](https://web.archive.org/web/20160706143103/http://www.americanbar.org/content/dam/aba/migrated/2011_build/cle/mcle/aba_model_rule_cle.authcheckdam.pdf)

<sup>2</sup> <https://www.aclea.org/page/about>

<sup>3</sup> <https://www.clereg.org/about>

**РЎЗИНАЗАРОВ ШУХРАТ  
НУРАЛИЕВИЧ**

Тошкент давлат юридик университети  
“Бизнес ҳуқуқ” кафедраси профессори,  
юридик фанлар доктори, профессор

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ ЯНГИ КОНЦЕПЦИЯСИ: ХИТОЙ ВА ЕВРОПА ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ МОДЕЛЛАРИНИ ЮТУҚ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “ўтиш даври”нинг кенг кўламли ўзгаришларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда муҳим роли, Фуқаролик кодексининг янги концепцияси билан белгиланган вазифалар, жорий этилиши лозим бўлган ҳолатлар, фуқаролик ҳуқуқи нормаларини инвентаризация қилиш билан боғлиқ бўлган масалалар, Хитой ҳамда Европа хусусий ҳуқуқ моделларининг ютуқ ва афзалликлари хусусида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “ўтиш даври”, Фуқаролик кодексининг янги концепцияси, фуқаролик ҳуқуқи нормаларини инвентаризация қилиш, Хитой, Европа, хусусий ҳуқуқ моделлари.

Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг янги уйғониш босқичи иқтисодиётни янада либераллаштириш, иқтисодий муносабатларни тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк кафолатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш бўйича устувор вазифаларни ҳал қилишни тақозо этади. Дарҳақиқат, бозор иқтисодиёти ва илғор халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган, тўғридан-тўғри амал қиладиган замонавий фуқаролик қонунчилигини шакллантирмасдан туриб ушбу вазифаларни бажарилишини таъминлаб бўлмайди. Фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг энг муҳим қоидаларини белгиловчи кодификация қилинган қонун ҳужжати бўлган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси

фуқаролик қонунчилиги ҳужжатлари тизимида устивор ўринни эгаллайди. Иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши бўйича ўтказилган таҳлил Фуқаролик кодексида, авваламбор, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, халқаро рейтингларда мамлакат ўрнини яхшилашга салбий таъсир кўрсатувчи жиддий камчилик ва бўшлиқларни аниқлашга имкон берди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни либераллаштириш, иқтисодий муносабатларни тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк кафолатлари ҳимоясини кучайтириш, тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш бўйича биринчи даражали мақсад ва вазифалар белгиланган.

1995-1996 йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси “ўтиш даври”нинг кенг кўламли ўзгаришларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда муҳим роль ўйнади ва мамлакатда бозор иқтисодиётини ривожлантириш учун мустақкам ҳуқуқий замин яратишга имкон берди.

Шу билан бирга, ўтказилган илмий-амалий таҳлил Фуқаролик кодексининг амалдаги таҳрири мамлакатда тез ривожланаётган иқтисодий муносабатлар талабларига ва фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги халқаро стандартларга етарли даражада жавоб бера олмаслигини кўрсатмоқда. Хусусан: биринчидан, Фуқаролик кодексида эскирган ҳуқуқий институтлар, шунингдек, бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган давлатлар ҳуқуқий тизимида мавжуд бўлмаган юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли сақланиб қолган; иккинчидан, “тижорат таваккалчилиги”, “хўжалик юритувчи субъектлар тенглиги”, “адолатли компенсация”, “шартномавий мажбуриятларни бажаришдан бош тортиш” каби анъанавий фуқаролик-ҳуқуқий институтлар мавжуд эмас; учинчидан, замонавий бозор шароитларида талаб этиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар ва муносабатларнинг алоҳида шакллари, шу жумладан, давлат-хусусий шериклиги, дилерлик шартномаси,

улушли қурувчилик, кластер ишлаб чиқариш, электрон тижорат, крипто-валюта айланмаси, ер участкасини хусусийлаштириш ва бошқаларни тартибга солиш назарда тутилмаган; тўртинчидан, Фуқаролик кодексида кўп миқдордаги ҳаволаки нормаларнинг (80 га яқин) мавжудлиги кодекснинг тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжатга айланишига тўсқинлик қилмоқда ва унинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш борасидаги мақомини пасайтирмоқда; бешинчидан, бир-бирига ўхшаш ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги қоидалар аралашмасидан ташкил топган юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий шакларининг кўплиги (масалан, қонунчиликда хусусий корхона ва унитар корхона таркибига бошқа иштирокчиларнинг кириши назарда тутилмаганлиги, уларнинг инвестиция жалб қила олмасликларига сабаб бўлади); олтинчидан, Фуқаролик кодексида фуқаролик ҳуқуқи институтларига тааллуқли бўлмаган оммавий ҳуқуқ нормалари, хусусий мулк ва шартномавий муносабатларига оид асосланмаган миқдордаги чекловлар мавжуд; еттинчидан, Фуқаролик кодексида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш масалаларини тартибга солувчи қоидалар деярли мавжуд эмас.

Янги Концепцияда фуқаролик қонунчилиги нормаларини унификация қилиш ва тизимлаштириш мақсадида уни инвентаризациядан ўтказиш, шунингдек, халқаро стандартлар талабларига ва энг яхши хорижий амалиётларга мувофиқлаштириш; Фуқаролик кодекси ва бошқа фуқаролик қонун ҳужжатларидаги атама ва тушунчаларнинг ҳуқуқий маъноларини уларни аниқ таърифлаш ва бир хилда қўллаш орқали такомиллаштириш назарда тутилган. Шунингдек, унда турлича шарҳланадиган ёки амалиётда қўлланилиши масаласида тушунтиришларни талаб қиладиган нормаларни чиқариб ташлаш ёки уларни такомиллаштириш; Фуқаролик кодекси ва бошқа фуқаролик қонун ҳужжатларининг тўғридан-тўғри амал қилиши учун улардаги ҳаволаки нормаларни қисқартириш; фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тўсқинлик қилувчи фуқаролик қонунчилигидаги

ҳуқуқий бўшлиқлар ва коллизияларни бартараф этиш чоралари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг асосий устувор йўналишларига: фуқаролик қонунчилиги нормаларини тизимлаштириш ва унификация қилиш, уларнинг энг намунали хорижий амалиётлар билан уйғунлигини таъминлаш, шунингдек, ушбу соҳада илғор халқаро стандартларни имплементация қилиш; хусусий мулкнинг дахлсизлиги кафолатларини таъминлайдиган, жисмоний ва юридик шахсларнинг, айниқса тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган самарали фуқаролик-ҳуқуқий механизмларни белгилаш; оммавий ва фуқаролик ҳуқуқ нормаларини аниқ чегаралаш, иқтисодиётни бошқаришда маъмурий-буйруқбозлик тамойилларига асосланган, ўз аҳамиятини йўқотган ва эскириб қолган қоидаларни чиқариб ташлаш; давлат-хусусий шериклиги, кластерлик ишлаб чиқариши, электрон тижорат, крипто-валюта айланмаси, ер участкаларини хусусийлаштириш, улушли қурилиш ва бошқа замонавий фуқаролик-ҳуқуқий институтлар ва иқтисодий муносабатлар шаклларини ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш кабилар кирди.

Янги Концепцияга мувофиқ, жамият ва халқаро стандартларнинг ахлоқий принцип ва маънавий меъёрлари (“ҳалоллик”, “адолат”, “оқиллик” ва бошқа принциплар)ни инобатга олган ҳолда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг амалдаги принципларини такомиллаштириш ва янгиларини жорий қилиш; Кодексга фуқаролик қонунчилигининг муҳим тушунча ва институтларини белгилаш борасидаги асосий ҳужжат мақомини бериш мақсадида мавжуд тушунча (атама)ларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини киритиш; фуқаролик ҳуқуқи ва фуқаролик мажбуриятларини виждонан ва муносиб амалга оширишни таъминлашга қаратилган чора ва воситаларни такомиллаштириш; маънавий, моддий зарар ва зиёнларни ҳисоблаш тартибини жорий этиш йўли билан фуқаролик қонунчилигининг компенсаторлик функциясини кучайтириш; юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини оптималлаштириш, бир-бирига ўхшаш, шунингдек, бозор

муносабатларида оммалашмаган ташкилий-ҳуқуқий шаклларни тугатиш. Ишончноманинг мажбурий ёзма шакли ва унинг амал қилиш муддатини чеклаш ва бошқаларни қайта кўриб чиққан ҳолда халқаро стандартларга мувофиқлаштириш орқали вакиллик институтини такомиллаштириш; мулкдор ҳуқуқларини кенгайтириш йўли билан ашёвий ҳуқуқлар институтини кучайтириш; мажбурият ҳуқуқини такомиллаштириш, жумладан, мажбуриятларнинг вужудга келиш асосларининг тўлиқ рўйхатини аниқлаш ва мажбуриятдаги шахсларнинг ўзгариши масалаларини тартибга солувчи нормаларни модернизация қилиш; фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик институтини такомиллаштириш, жумладан, зарарни қоплашнинг адолатли тартибини таъминлаш белгиланган. Шунингдек, суғурта, жумладан ўзаро суғурталаш (мулкни ва бошқа мулкрий манфаатларни ўзаролик асосида суғурта қилиш) институтининг ривожланиши учун ихтиёрий бадаллар инвестициясидан доимий даромад олишни назарда тутувчи шарт-шароитларни яратиш; эр-хотиннинг биргаликдаги васиятномаси ва мерос шартномасига оид қоидаларни киритиш, мерос қолдирувчи ва меросхўр кредиторларининг ҳимоясини кучайтириш, меросни қабул қилиб олиш муддатларини белгилаш йўли билан мерос ҳуқуқини такомиллаштириш; халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини қайта кўриб чиқиш, шу жумладан турли мамлакатлар ҳуқуқларини муқобил қўллаш принципини мустаҳкамлаш, мажбурият мазмунини тартибга солувчи ҳуқуққа ҳавола сифатида қўшимча муқобил коллизия боғланишни қўллаш, коллизия тартибга солишни назарда тутган шартномадан ташқари мажбуриятлар доирасини аниқлаш имкониятини кўриб чиқиш зарурияти баён этилган.

Янги Концепцияда бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини шакллантиришга алоҳида аҳамият берилган. Хусусан, мулк шаклларини белгилаш тартибини қайта кўриб чиқиш, ерга бўлган хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизмларини жорий этиш, шунингдек, инсофли эгалловчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тартибини такомиллаштириш йўли билан хусусий мулк ҳимоясининг самарадорлигини ошириш, битимлар институтини

такомиллаштириш, жумладан битимларни мажбурий давлат рўйхатидан ўтказиш ва нотариал тасдиқлашни, битимни ҳақиқий эмас деб топиш асослари ва ҳолатларини аниқлаштиришни назарда тутувчи нормаларни қайта кўриб чиқиш айниқса, шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг сифат жиҳатдан янги механизмларини жорий қилиш, шу жумладан шартнома турларини оптималлаштириш, дастлабки шартнома институтини ривожлантириш, шартнома тузиш эркинлигини кенгайтириш, шартномавий муносабатларнинг барқарорлигини таъминлаш, шартномавий муносабатларда ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланишни тартибга солиш назарда тутилган.

Бундан ташқари, корпоратив муносабатларни фуқаролик кодексининг тартибга солиш предмети доирасига киритиш, жумладан, оммавий акциядорлик жамиятлари фаолиятининг ўзига хосликларини белгилаш, корпоратив ҳужжат кучига эга ва учинчи шахслар учун мажбурий бўлган “корпоратив шартнома”ни жорий қилиш, тенг акциялар пакети эгалари жамият фаолиятини издан чиқарганида корпоратив танглик вазиятидан чиқиб кетиш механизмларини белгилаш; кредитор ва қарздорлар ҳуқуқларининг ишончли кафолатларини таъминлаш, шу жумладан қайта ташкил этиладиган юридик шахслар кредиторлари ҳуқуқларининг реал кафолатлари рўйхатини ва улар амал қилишининг ҳуқуқий механизмларини белгилаш, мажбуриятларни бажариш институтини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, кредитор талабларини қаноатлантириш кетма-кетлигини аниқ белгилаш; Ўзбекистон Республикасидаги хорижий тижорат ташкилотлари филиалларининг ҳуқуқий мақомини кучайтириш ва ҳуқуқларини кенгайтиришга оид аниқ вазифалар акс этган.

Янги Коцепцияда замонавий шароитларда талаб юқори бўлган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг инновацион шакллари ва таомилларини жорий этиш қуйидагилар орқали амалга ошириш назарда тутилган: энг аввало, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ахборот-коммуникация технологияларни қўллашнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, хусусан, крипто-активлар, шу жумладан майнинг айланмасини ривожлантириш,



шахси кўрсатилмаган маълумотларнинг сезиларли массивларини («big data») йиғиш ва қайта ишлашни ҳуқуқий тартибга солиш, электрон тижоратдан фойдаланиш, электрон майдончалар орқали харидларни амалга ошириш бўйича имкониятларни кенгайтириш лозим. Қолаверса, исталган манфаатдор шахсларга иштирок этиш ҳуқуқи тақдим этилган ҳолда юридик шахслар фаолияти билан боғлиқ қарорлар бўйича жамоавий низолашиш тартибини такомиллаштириш ҳамда юридик шахс директорининг фидуциар мажбуриятлари институтини киритиш талаб этилмоқда. Ушбу ўринда шуни таъкидлаш керакки, гаров муносабатлари ҳақидаги нормаларни ривожлантириш, жумладан таъминлаш чораларини расмийлаштириш тартибини соддалаштириш, ҳамкорликда гаровни олувчилар, гаров агенти, факультатив ва муқобил мажбуриятлар институтларини киритиш, йўл қўйиладиган мақбул таъминловчи активларнинг аниқ тоифасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда.

Энг муҳими, эркин иқтисодий зоналар ҳудудида ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа алоҳида ҳудудларида хорижий ҳуқуқнинг экстерриториал қўлланилиши тартибини киритиш, шунингдек, шахслар тасвири, уларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва бошқа номоддий манфаатларининг ишончли фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш ва ҳ.к. ифода этиш фикримизнинг ёрқин далилидир.

Мамлакатимизда миллий қонунчиликни такомиллаштириш объектив жараён дир. ФК лойиҳасини қайд этилган вазифалар ва устувор йўналишлардан келиб чиқиб, бир қатор саволларга илмий ва амалий аниқлик киритиш лозим. Фуқаролик кодексини янги тадрижий форматда такомиллаштиришнинг объектив омиллари нималардан иборат? Агар янгиланса навбатдаги босқичда қайси жиҳатларга устуворлик берилиши зарур? Рақамли иқтисодиётни ҳуқуқий таъминлашда унинг нормаларини қўллаш қандай натижаларга эришиш имкони беради? Шунингдек, халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон ўрнини аниқлашда унинг миллий ҳуқуқий тизимда ва рақамли реаллик шароитида фуқаролик муомаласи барқарорлигини таъминлайдими, инсон ҳуқуқларининг

энг эҳтиёжманд соҳаларини ҳуқуқий тартибга солишда қандай натижалар кутилади? Мулк, битимлар, мажбурият институтлари товар, иш ва хизматлар бозорида унинг ҳуқуқий тартибга солиш воситаларининг самарадорлиги даражаси қандай бўлиши лозим? Қайси меъзонлар янги ҳуқуқий сиёсат нуқтаи назардан ҳал қилиниши лозим (ерга нисбатан мулк ҳуқуқи), бир неча йиллик хукмрон цивилистик доктринадан воз кечиш (хўжалик юритиш ҳуқуқи, оператив бошқарув ҳуқуқи), унинг қандай оқибатларга олиб келишини илмий башорат қилиш, оммавий ва хусусий ҳуқуқ ўртасидаги нисбат, алоқадорлик ва уни яқинлаштиришдан кутилаётган натижаларга илмий-амалий баҳо бериш зарур.

Фуқаролик ҳуқуқи нормаларини инвентаризация қилишнинг бугунги даражаси қандай баҳоланади? Унинг ижобий тенденциялари ва ҳуқуқий оқибатларини қандай башорат қилиш мумкин. Фуқаролик ҳуқуқи нормаларининг англо-саксон ва романо-герман ҳуқуқий тизим нормаларининг интеграциялашуви ҳуқуқни қўллашда қандай ўзининг таъсирини кўрсатади? Рақамли нормани яратиш, уни ФКда ифода этиш энг муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Ҳозирда муҳим бўлган масала фуқаролик ҳуқуқи нормаларини рақамли реаллик шароитига мослаштириш нима беради? Фуқаролик ҳуқуқий нормаларини “ҳуқуқий хавфсизлик” барометрлари билан уйғунлаштириш, ҳуқуқни қўллашда уни тадбиқ этувчи мутахассис учун тегишли низоли вазиятни ҳал қилишда самарали ва оқилона ҳуқуқий восита бўлиб хизмат қиладими ва шунга ўхшаш кўплаб норма ижодкорлари олдида долзарб ва устувор вазифалар турибди.

Қиёслаш маъносида Хитой Халқ Республикаси Фуқаролик кодексини кодификациялаштириш тажрибаси кўрсатишича, ушбу давлатда аввало континентал ҳуқуқий тизим ва қисман умумий ҳуқуқий тизим нормаларидан фойдаланилган. Дастлаб Швецария фуқаролик қонунчилиги моделидаги янги назарий тизимга асосланилган. Янги назарий тизим анъаналарини сақлаб қолган ҳолда ўзининг миллий маданий қадриятларини сақлаб қолишга ҳаракат қилинган. Шу билан биргаликда, Европа давлатлари, АҚШ, Япония тажрибаларининг ФКнинг нормаларида сингдиришга ҳаракат қилинган. Бундан ташқари, Россия Федерацияси ФК

тажрибасидан фойдаланилган. Бу Хитой Халқ Республикасига Хитойнинг ўзига хос фуқаролик кодексини яратиш мақсадини назарда тутди. Хитой Халқ Республикасининг ФК ўзига хос жиҳатидан бири унинг тизимига кирган “Шериклик тўғрисидаги қонун”, “ХХР ашёвий ҳуқуқи тўғрисидаги қонуни” (2007 й.), “ХХР деликт жавобгарлиги тўғрисидаги қонуни”. Хитой ЖСТ аъзоси сифатида ФК интеллектуал мулк, чет эл инвестицияси ҳақидаги нормаларини (ТРИПС ва ТРИМС) талаблари билан мувофиқлаштирди. Хитой Халқ Республикасининг ФК лойиҳаси англо-америка ҳуқуқи ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Хитойда ФКни кодификациялаштириш замонавий назария ва амалиётнинг Хитой хусусиятини инобатга олган ҳолда амалга оширилаётганлигидан далолат беради. Яна бир ғоятда муҳим тажриба шундаки, Хитой ФКни кодификациялаштириш унинг жуғрофик жойлашган ери, унинг ҳудудининг миқдори ва характери, табиий бойликларининг мавжудлиги, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар ривожланишининг имкониятларини узоқ асрлар бўйича шаклланган маданий-тарихий тажрибага боғлиқ равишда ФКни кодификациялаштириш жараёни юз бераётганлиги билан тавсифланади. ХХР ФКни ишлаб чиқувчилар бир томондан, континентал иккинчи томондан, умумий ҳуқуқ элементларини common law форматда акс эттиришмоқда. Хитой тажрибасида кутилаётган тўртта норасмий ФК лойиҳаси ва битта расмий лойиҳа устида иш олиб борилган. Хитой цивилистикасининг ақлий салоҳиятини бундай жипслаштириш Ўзбекистон норма ижодкорлиги фаолияти учун жуда муҳим. Бизда фақат айрим қонун лойиҳаларининг муқобилларини ишлаб чиқиш бўйича тажриба бор, холос. Шу боис, бу ижобий амалиётдан кенг ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш лозим. Ҳозир Хитойда Ғарб қонунларига нисбатан фикрлар хилма-хиллигидан кенг фойдаланилмоқда. Гарчи, Герман ҳуқуқи принципларига асосланилсада, Россия Федерацияси (ҳатто Собиқ Иттифоқ) тажрибасидан фойдаланган ҳолда 4 та Фуқаролик кодексини ишлаб чиқиш гуруҳи, шу жумладан профессор Лян Хусин ФК лойиҳаси бўйича ишчи комиссия иш олиб бормоқда<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Лю Цзюнь Пин. Кодификация гражданского законодательства в Китайской Народной

Хитой тажрибасининг яна бир муҳим жиҳати, Фуқаролик кодекси умумий қисми ва асосий институтлари бўйича алоҳида-алоҳида концепция ишлаб чиқилган. Хитой ФКни кодификациялаштиришнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг асосий институтлари бўйича алоҳида қонунлар қабул қилиниб, бўлажак кодекс учун тузилишига кўра асос бўлиб хизмат қилган. Умуман олганда, Хитой ФКнинг 8 та лойиҳаси тайёрланиб фақат шундан 4 та ишчи комиссия муҳокамасига қабул қилинганлиги цивилистик норма ижодкорлиги фаолиятининг нақадар кенг қамровли эканлигидан ва жуда кўплаб олим ва мутахассислар жалб қилинганидан далолат беради. Энг муҳими, Хитой ФКни кодификациялаштиришда асосий муаммолардан бири у кодекснинг шакли ва тузилиши бўлиб ҳисобланади. Шу боис, ушбу тажрибани инобатга олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ФК лойиҳаси шакли ва тузилишини экспертлар оммаси томонидан йўлга қўйиш ўз самарасини беради. Энг муҳими, Хитой ФКни ишлаб чиқишда кодификациялаштириш методикасини ишлаб чиқиш учун норма ижодкорлик фаолиятида тадбиқ этиш ўз самарасини берганлиги унинг аҳамияти жуда катта эканлигини кўрсатади. Шу боис, Хитойда Ватан равнақи учун фуқаролик ҳуқуқини кодификация қилиш бўйича махсус тадқиқотлар амалга оширилади. Бундай махсус тадқиқотларни амалга ошириш илмий тадқиқот дастурларида махсус ўринни эгаллаб устувор аҳамият касб этади.

Хитой тарихида илк маротаба Бутунхитой халқ вакиллари мажлисида (БХВМ) Фуқаролик кодексини биринчи лойиҳасини маъқуллади (2020 йил 28 май). Хитойда ягона Фуқаролик кодексини қабул қилишга уринишлар 1954, 1962, 1979 ва 2001 йилларда ҳаракат қилинган. Ўтган йиллардаги бундай ҳаракатлар формал баҳс-мунозаралар сабабли муваффақиятсиз тугаган. Ушбу лойиҳа эса 2015 йилда бошланган бўлиб, 1260 моддани ўз ичига қамраб олади. Кўчмас мулк, шартнома, шахс ҳуқуқи, никоҳ ва оила, мерос ҳуқуқи ва фуқаролик ҳуқуқининг бузилиши каби институтларни қамраб олган.

Биринчи Хитойнинг Фуқаролик кодексини кодификациялаштириш тажрибаси далолат беришича, қарийб 70 йил мобайнида бир неча лойиҳалар бўйича жиддий баҳс мунозара асосида тарихда илк марта бундай кодификациялаштирилган ҳужжатни қабул қилишга муваффақ бўлинган. Шу боис Хитойнинг Фуқаролик кодексларини қабул қилиш бўйича илғор тажрибасини ўрганиш диққатга сазовордир<sup>1</sup>.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, дунё ҳуқуқий тизими глобаллашув шароитида қандай цивилистик қадриятларни ўзида мужассамлаштириши керак, анъанавий пандект тизими, айрим ҳуқуқий тизимлар (англо-саксон ва романо герман (континентал) ёки моноҳуқуқий тизимга хос хусусиятларни ифода этган юридик цивилистик воситаларни ўз ичига олган норма ва қоидаларни такомиллаштириш йўлидан бориш керакми деган саволлар туғилди. Бу фундаментал базавий масалаларга янгилик киритиш, энг юқори тараққий этган хусусий ҳуқуқни ўзида ифода этган Европа хусусий ҳуқуқнинг модел қоидаларини (2013) Ўзбекистон ФК учун имплементацияга асос сифатида олиш ягона ва тўғри йўлдир. Европа хусусий ҳуқуқининг модел қоидалари 10 та бўлимдан иборат. 1-китоб умумий қоидалар, 2-китоб шартномалар ва бошқа юридик ҳужжатлар, (1-боб умумий қоидалар, 2-боб дискриминацияга қўл қўймаслик, 3-боб маркетинг ва шартнома олди мажбуриятлар, 4-боб шартнома тузиш, 5-боб рад этиш ҳуқуқи, 6-боб вакиллик, 7-боб ҳақиқий эмас деб топиш асослари, 8-боб шарҳлаш, 9-боб шартноманинг мазмуни ва амалда бўлиши), 3-китоб мажбурият ва тегишли ҳуқуқ (1-боб умумий қоидалар, 2-боб қарздор томонидан лозим даражада бўлмаган бажаришни бартараф этиш, 3-боб бажаришга мажбур қилиш ҳуқуқи, 4-боб бажаришни тўхтатиб қўйиш, 4-боб кўпчилик (множественность) қарздор ва кредитор, 5-боб шахснинг ўзгариши, 6-боб талабдан воз кечиш ҳуқуқи, 6-боб қарздор ва кредиторни бир шахс сифатида ҳисобга олиш ва тўғри келиши (зачет и совпадение), 7-боб (даъво муддати), 4-китоб алоҳида шартномалар ва ундан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлар (А

<sup>1</sup> Савкина А. В Китае почти единогласно одобрили первый в истории страны Гражданский кодекс /<https://sobesednik.ru/obshchestvo/20200528-v-kitae-pochti-edinoglasno-pri>

қисм олди-сотди: 1-боб қўлланилиш соҳаси ва таърифлаш, 2-боб сотувчининг мажбурияти, 2-бўлим умумий қоидалар, 3-бўлим ашёларнинг мувофиқлиги, 3-боб сотиб олувчининг мажбурияти, 4-боб ҳимоя воситаси, 5-боб таваккалчиликнинг ўтиши. 1-бўлим умумий қоидалар, 2-бўлим махсус қоидалар, 6-боб истеъмол ашёларга нисбатан кафолатлар. В қисм. Ашёлар ижараси. 1-боб қўллаш соҳаси ва умумий қоидалар, 2-боб ижара муддати, 3-боб ижарага берувчининг мажбурияти, 4-боб ижарага олувчининг ҳимоя воситаси, умумий қоидадан фарқлари. С қисм. Хизматлар. 1-боб умумий қоидалар, 2-боб хизмат кўрсатиш ҳақидаги шартномага қўлланиладиган умумий қоидалар, 3-боб қурилиш пудрати, 4-боб қайта ишлаш (обработка), 5-боб омонат, 6-боб лойиҳа ишларини бажаришга оид пудрат, 7-боб ахборот ва маслаҳат хизматлари, 8-боб тиббий хизматлар. 3-боб агент томонидан мажбуриятни бажариш (1 бўлим агентни асосий мажбуриятлари) 2-боб топширишдан четга чиққан ҳолда ҳаракатни содир этиш оқибатлари. 4-бўлим принципални огоҳлантириш мажбурияти. 4-боб кўрсатма ва ўзгаришлар. 1-бўлим кўрсатма, 2-бўлим топшириқ шартномасининг ўзгариши. 5-боб манфаатлар тўқнашуви. 6-боб бошқа бажармаслик асослари бўйича огоҳлантириш воситасида бекор бўлиши. 7-боб муносабатларнинг бошқа асосларга мувофиқ бекор бўлиши. Е қисм. Агент шартномаси, франшизинг ва дистрибуция. 1-боб умумий қоидалар, 1 бўлим қўлланиш соҳалари, 2-боб ушбу қисмни тартибга соладиган барча шартномаларга қўлланиладиган нормалар. 1-бўлим шартнома олди муносабатлар. 4-бўлим бошқа умумий қоидалар. 3-боб агент шартномаси 1-бўлим умумий қоидалар, 3-бўлим принципал мажбуриятлари. 4-боб франчайзинг шартномаси 1-бўлим умумий қоидалар, 2-бўлим франчайзер мажбурияти, 3-бўлим франчайз мажбурияти. 5-боб дистрибуция. 1-бўлим умумий қоидалар. 3-бўлим дистрибьютор мажбурияти. F қисм қарз шартномаси. Б-қисм шахсий тегишлилик мажбуриятлари. 1-умумий қоидалар, 2-боб қарам шахсий таъминлаш, 3-боб қарам бўлмаган шахсий таъминлаш, 4-боб тегишлича тақдим этиладиган шахсий таъминлашга нисбатан махсус қоидалар. H қисм Ҳадя. V китоб бегона манфаатни кўзлаб топшириқсиз ҳаракат қилиш, VII-китоб

асоссиз бойлик орттириш. VIII-китоб ашёга нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ва бекор бўлиши. IX-китоб кўчмас мулкни эгалликни реал таъминлаш. X-китоб Трастга бағишланган. Ҳар бир китоб бўлим ва бобдан иборат бўлиб замонавий Европа Иттифоқи хусусий ҳуқуқининг энг мукаммал кодификациялаштирилган норма ва қоидаларини ўз ичига олади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси лойиҳасини такомиллаштиришда Европа хусусий ҳуқуқ модел қоидаларини инobatга олиш зарур<sup>1</sup>.

Европа хусусий ҳуқуқининг принциплари, таърифи, модел қоидалари (DCFR) Европа Иттифоқининг етакчи академик доирадаги вакиллар томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжат хусусий ҳуқуқий қимматга эга. Ўзбекистон ҳуқуқи ҳам Европа хусусий ҳуқуқига яқин томонларига эга. Европа фуқаролик ҳуқуқи континентал ҳуқуқий тизимга мансуб. Европа Иттифоқи фуқаролик ҳуқуқи билан Ўзбекистон фуқаролик ҳуқуқи билан ўхшашлик томонларининг асосий жиҳати фуқаролик ҳуқуқи доктринасининг асоси бўлмиш Рим ҳуқуқидан озикланади десак, муболаға бўлмайди. DCFR Ўзбекистон фуқаролик ҳуқуқининг замонавий ривожланиш тенденциясига мос келади. Ҳар қандай нормани ўзининг базавий норматив тизимдан олиш самарадорлик жиҳатдан кучсиз. Бу аксинча, кутилмаган ижобий натижани ҳам бериши мумкин. Европа хусусий ҳуқуқининг модел қоидалари умумевропа цивилистик тафаккур маҳсули бўлиб замонавий хусусий ҳуқуқ принциплари “руҳини” ўзида акс эттирган. DCFR – фуқаролик ҳуқуқи ва умумий ҳуқуқни ўзаро мутаносиб принциплар асосида мақбул цивилистик моделларга мувофиқлаштиришга қўйилган муҳим истиқболли қадамдир. Аччиқ ҳақиқатни эътироф этсак, англо-америка ҳуқуқининг элементлари бизнинг ҳуқуқий тизимга кириб келиши (континентал Европа ҳуқуқига ҳам) миллий ҳуқуқий тизимни оқилона ривожлантиришга ёрдам бермайди. DCFR – фуқаролик ҳуқуқи касбий нуқтаи назардан қаралганлиги билан аҳамиятлидир.

<sup>1</sup> Рассказов Н.Ю. Модельные правила европейского частного права. 2013 /<https://obuchalka.org/2015033083662/modelnie-pravila-evropeiskogo-chastnogo-prava-rasskazov-n-u-2013.html>

Хулоса қилиб айтганда, Фуқаролик Кодексининг янги лойиҳаси сиёсий ирода ва фуқаролик ҳуқуқининг узоқ йиллардан буён сайқал топиб келаётган тарихий-ҳуқуқий негизларига тамомила ёт бўлган мафкуралардан ҳоли бўлиши лозим. Энг муҳими, Фуқаролик Кодекси лойиҳаси рақамли реалликнинг объектив ривожланиш қонуниятларини инобатга олиши, цивилистик ақлли тартибга солиш элементларини ўзида оқилона мужассамлаштириши керак. Айниқса, Фуқаролик Кодексининг лойиҳасига кириб келаётган янги тушунчалар, категориялар ва таърифлар билан боғлиқ нормаларни шошма-шошарликка йўл қўймасдан, фуқаролик-ҳуқуқий норма ижодкорлик фаолиятининг назарий ва методологик асосларига таянган ҳолда мутахассис олимларнинг замонавий жўшқин чақириқларини жамоа бўлиб жиддий ва ўта маъсулият билан цивилистик тафаккур асосида ҳар томонлама муҳокама қилиш ва илмий-амалий ечимларини топиш объектив заруриятдир.



**ФАЙЗИЕВ ХАЙРИДДИН  
СИРОЖИДДИНОВИЧ**

Ўзбекистон Республикаси Адлия  
вазирлиги қошидаги Юристлар  
малакасини ошириш маркази “Касбий  
кўникмаларни ривожлантириш”  
кафедраси мудир, юридик фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

## **ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ КОРПУСИНИ ТАЙЁРЛАШДА МЕРИТОКРАТИЯ ПРИНЦИПИНИНГ АҲАМИЯТИ**

***Аннотация:** Мақолада давлат фуқаролик хизматини шакллантиришда касбга оид сифатлари ва алоҳида хизматларини одилona ҳамда объектив баҳолаш асосида энг муносиб ва қобилиятли шахсларни давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш ҳамда уларнинг хизмат поғоналари бўйича кўтарилишини назарда тутувчи меритократия принципининг айрим хусусиятлари кўриб чиқилади. Назарияда мавжуд бўлган ёндашувлар таҳлил қилиниб, давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда миллий қонун чиқарувчи учун муҳим ва фойдали бўлиши мумкин бўлган бир қатор таклифлар илгари сурилади.*

***Калит сўзлар:** давлат фуқаролик хизмати, давлат фуқаролик хизматининг асосий принциплари, меритократия, меритократия принципи, давлат хизматчиларини тайёрлаш, танлаш ва молиявий таъминлаш.*

Давлат (оммавий) хизмати<sup>1</sup> тизимини ислоҳ қилиш, биринчи навбатда, давлат хизматининг долзарб вазифалари ва функциялари

<sup>1</sup> Замонавий демократик мамлакатларда мазкур хизмат нафақат давлат, яъни давлат тизимига бўйсунадиган ва давлат манфаатларига хизмат қиладиган деб тушунилади, балки айнан "оммавий", яъни халқнинг давлат ишларида иштирок этишга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга оширувчи сифатида талқин этилади. Алоҳида таъкидлаш зарурки, бугунги кунга қадар "оммавий бошқарув", "оммавий хизмат", "оммавий ҳокимият" тушунчалари Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида деярлик акс этмаган. Шу

билан изоҳланади. "Трансформация" даврини бошдан кечираётган давлатларда оммавий бошқарувни янгилаш масалаларини кўриб чиқишда<sup>1</sup>, алоҳида эътибор давлат хизматини ислоҳ қилишга, шу жумладан миллий ҳуқуқ соҳаси сифатида хизмат ҳуқуқини шакллантиришга қаратилиши лозим.

Замонавий демократик мамлакатларда оммавий бошқарувга давлатнинг мавжуд бўлишини таъминлаш каби энг муҳим функциялар юклатилган. Фақатгина давлат хизматида фаолият юритаётган хизматчилар мамлакатнинг ички ва ташқи хавфсизлигини, иқтисодиёт ривожини, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва бошқа институтларнинг самарали ишини таъминлайди. Давлат хизмати конституциявий вазифаларни ҳал этишда фаол рол ўйнайди, шунингдек, демократик барқарорлик ва ҳуқуқий давлат принципларига риоя этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш учун асосий масъулиятни зиммасига олади. Бунда давлат хизмати, давлатнинг демократик йўл билан белгиланадиган иродасини амалга ошириши лозим.

Ўзбекистонда мамлакат мустақилликка эришгач, давлат хизматининг ривожланиши, асосан ижтимоий-ҳуқуқий институтларнинг конституциявий-ҳуқуқий негизини ўзгартириш, янги давлат ва жамоат қурилиши, кўп партиявийлик ва давлат ҳокимиятининг учта тармоққа бўлиниши принципини ўрнатиш ва бошқалар билан боғлиқ эди. Миллий давлатчилик тараққиётининг замонавий босқичида мамлакатда давлат хизматининг янги тизимини яратиш зарурати, сўнгги йилларда мамлакатда фаол

---

билан бирга, миллий фан ва сиёсий-ҳуқуқий амалиётда ҳокимиятнинг оммавий фаолият юритиши зарурлигини англаб етиш ортиб бормоқда.

<sup>1</sup> Оммавий бошқарув бу ерда муайян органлар ва мансабдор шахсларнинг ижтимоий фаолияти, норма ижодкорлиги, маъмурий, назорат, ташкилий ва бошқа фаолияти сифатида қаралади. Маъмурий ҳуқуқ фанида мавжуд илмий асосланган концепцияларга мувофиқ, оммавий бошқарув остида давлатни бошқариш тушунилади. Бунда бошқарув тушунчаси ташкилий, моддий ва формал мазмундаги бошқарувни ажратади. Қаранг, масалан: Sodan, Helge/Ziekow, Jan, Grundkurs Öffentliches Recht, Staats- und Verwaltungsrecht, 8. Aufl., wesentlich überarbeitete Aufl. 2018; Hartmut Maurer: Allgemeines Verwaltungsrecht. 2014; Herbert Strunz: Der Verwaltungsbegriff. In: Gestaltung öffentlicher Verwaltungen. Springer-Verlag, Berlin / Heidelberg 1993, S. 3–35.

равишда амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий ислохотларнинг мазмун-моҳияти билан белгиланади.

Шу муносабат билан, жорий йилда қабул қилинган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни давлат томонидан оммавий бошқарув тизимини тубдан ислох қилиш орқали ўз вазифаларини аниқ белгилаб олиш ва уларни самарали амалга оширишга ҳаракат қилинаётганлигидан далолат беради.

Замонавий талабларга жавоб берадиган давлат хизмати институтини шакллантиришда, давлат хизматини ташкил этиш ва ўташнинг дастлабки принциплари (уларнинг назарий асосланиши, қонун ҳужжатларида мустаҳкамланиши ва такомиллаштирилиши) алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун, давлат хизмати концепциясини танлаш ва асослаш билан бир қаторда давлат хизматининг принциплари ҳам лозим даражада ишлаб чиқилиши керак.

Принциплар давлат хизматининг барча фаолиятига сингиб кетган асосий бошқарув қоидалари, ғоялари ҳисобланиб, улар йўналтирувчи ва бошқарувчи ролини амалга оширади. Шундай экан, давлат хизмати қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган муайян принциплар асосида ташкил этилади ва фаолият кўрсатади. Давлат хизмати принциплари мазмунида оммавий бошқарувининг таянч категорияси сифатида давлат хизматининг табиати ва моҳияти энг аниқ ифодаланган. Шу муносабат билан давлат хизматининг асосий принципларини шакллантиришга оид масалани қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш алоҳида қизиқиш уйғотади.

“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунда давлат фуқаролик хизматининг асосий принциплари белгилаб берилган бўлиб, қонуннинг 5-моддасига мувофиқ улар қуйидагилардан иборат: давлат фуқаролик хизмати тизимининг ягоналиги ва барқарорлиги; қонунийлик; адолатлилик; халққа хизмат қилиш; давлат органларининг ва мансабдор шахсларнинг жамият ҳамда фуқаролар олдида масъуллиги; инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги; очиқлик ва шаффофлик; холислик, профессионаллик ва компетентлик; давлат фуқаролик хизматига киришда Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг тенг

ҳуқуқлилиги; давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши.

Мазкур принципларни батафсил таҳлил қилиш мақсадини қўймасдан, биз давлат хизматини шакллантиришда ниҳоятда муҳим бўлган, касбга оид сифатлари ва алоҳида хизматларини одилонга ҳамда объектив баҳолаш асосида энг муносиб ва қобилиятли шахсларни давлат фуқаролик хизматида қабул қилиш ҳамда уларнинг хизмат поғоналари бўйича кўтарилишини назарда тутувчи *меритократия* принципнинг айрим хусусиятларини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Шуниси эътиборга лойиқки, *меритократия* принципини қўллаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5843-сон Фармони<sup>1</sup> билан белгиланган давлат фуқаролик хизматини янада такомиллаштириш ва ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Афсуски, ушбу принцип "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонунда мустаҳкамланмасдан қолди.

*Меритократия* "муносиблар ҳокимияти" маъносини англатади. Ушбу атама иккита сўзни бирлаштириш орқали ҳосил бўлади: латинча Meritus ("муносиб") ва қадимги юнонча Κράτος ("ҳокимият, бошқарув"). Меритократия деганда муайян бошқарув принципи тушунилиб, унга шу нарса хоски, юқори лавозимларни энг яхши билим, қобилият, тажрибага эга инсонлар эгаллайди, бу уларнинг жамиятдаги ижтимоий ва иқтисодий мавқеига боғлиқ эмас<sup>2</sup>. Бошқача айтганда, меритократия – бу инсоннинг касбий ўсиши ва мавқеи бевосита унинг қобилиятига боғлиқ бўлган тизимдир.

Ўз навбатида, *меритократлик* – бу меҳнатни ташкил қилишнинг, ютуққа эришиш ва самарадорликни рағбатлантириш, яъни ҳар кимнинг қобилиятига қараш устунлик қиладиган тизимга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5843-сон фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 06/19/5843/3900-сон.

<sup>2</sup> Джадт Тони. Меритократия // Вопросы образования. 2010. № 4. С. 197–204.

хос хусусиятдир. "Меритократия" атамаси илк мартаба 1954 йилда немис-америкалик файласуф Ханна Арендт (*Hannah Arendt*) томонидан "Таълим инқирози" (*Die Krise in der Erziehung*)<sup>1</sup> асарида қўлланилган. Хорижий адабиётларда ҳақли таъкидланганидек, "... меритократлик шунда намоён бўладики, инсон муносабатларининг ҳар қандай соҳасидаги муваффақият, энг аввало, бирор инсон ишининг сифатига боғлиқ бўлади"<sup>2</sup>. Шу билан бирга, алоҳида қайд этиладики, меритократиянинг амалий келиб чиқиш илдизлари, конфуцийлик таълимоти асосидаги бошқарув, яъни халқ олдидаги бурчини адо этадиган, аҳолининг ишончи ва ҳурматига сазовор бўлган олийжаноб инсонлар томонидан амалга ошириладиган тизимдан бошланган<sup>3</sup>. Мамлакатда меритократик режимни яратишга оид версияларидан бири, йирик корхоналарда, компанияларда, давлат идораларида ва ҳоказо жойларда юқори лавозимларни эгаллашга интилаётган шахслар учун рақобатга асосланган қатъий танлов тизимини назарда тутди<sup>4</sup>. Бошқача айтганда, жамиятни энг ақлли ва тайёргарликка эга шахслар бошқариши шарт<sup>5</sup>.

Меритократия принципини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизими соҳасидаги бошқа устувор йўналишлардаги чоратadbирларни самарали амалга ошириш каби, авваламбор, замонавий ва самарали *келажак давлат хизмати моделини* яратишни талаб қилади. Шу муносабат билан, миллий ҳуқуқ учун, илғор хорижий мамлакатларнинг давлат хизматчилари профессионал корпусини тайёрлаш соҳасида уларнинг ҳуқуқий тажрибаси ва вақт синовидан ўтган энг яхши институтлари ҳамда механизмларидан фойдаланиш, соҳага оид таклифларни ишлаб чиқишга имкон беради.

<sup>1</sup> Hannah Arendt, *Die Krise in der Erziehung*. In: *Zwischen Vergangenheit und Zukunft. Übungen im politischen Denken I.*, München 1994, hier (2000), S. 255–276.

<sup>2</sup> Merton, R.K. *The Normative Structure of Science*, in *The Sociology of Science*, University of Chicago Press. Chicago. II. 1973.

<sup>3</sup> Е.В. Евлова, С.С. Демцура и др. Реализация принципа меритократичности в кадровом менеджменте// *Азимут научных исследований: экономика и управление*. 2018. Т. 7. № 3(24)

<sup>4</sup> Ўша жойда.

<sup>5</sup> Ўша жойда.

Шунингдек, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5843-сон Фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсатини ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштиришга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури"нинг 4-бандида кўзда тутилган Миллий кадрлар заҳираси тизимини шакллантириш ва фаолият юритиш тартибини белгилаш масалаларини кўриб чиқишда, давлат фуқаролик хизматчиларини танлаш мезонларини белгилаш билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши зарур бўлади.

Таъкидлаш керакки, *давлат хизматчиларини давлат ҳисобидан мажбурий молиявий таъминлаш принципи*, хизмат ҳуқуқи негизини ташкил этадиган профессионал хизматнинг *асосий принципларидан* бири ҳисобланади. Ушбу принцип бир қатор хусусиятлар билан тавсифланади, ва, энг аввало, маъмурий ҳуқуқ соҳасида таниқли россиялик олим Ю.Н.Старилов ҳақли равишда таъкидлаганидек, давлат хизматчиларининг пуллик таъминоти "... улар қилган иши учун тўғридан-тўғри берилган пул маблағи эмас..."<sup>1</sup>, балки "...давлат хизматчилари ўз кучи ва салоҳиятини, қобилиятини давлатга, давлат хизматиغا бериши, ўз хизмат бурчини бажаргани учун тўлов" ҳисобланади<sup>2</sup>.

Ўз навбатида, шуни қўшимча қилиш даркорки, давлат хизматчиларини молиявий таъминлаш мажбурийлиги принципи уларнинг ўз манфаатларига, яъни оммавий манфаатларга мослиги, унга доимий тарзда юқори молиявий таъминотни кафолатлаши керак. Адабиётда таъкидлаб ўтилганидек, ушбу принцип, унинг хизмат даврининг турли вақтларида, малака даражасидан, ишининг қийинлиги ва масъулиятдан қатъий назар, мамлакатдаги умумий иқтисодий ва молиявий вазиятнинг ривожига мос равишда, нормал

<sup>1</sup> Қаранг.: Российское государство и правовая система: современное развитие, проблемы, перспективы / Под ред. Ю.Н. Старилова.- Воронеж: Издательство Воронежского государственного университета, 1999. С.145.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

турмуш тарзини кафолатлайди<sup>1</sup>. Бошқача айтганда, давлат мутахассислар – давлат хизматчиларига муносиб турмуш даражаси учун зарур шарт-шароитларни яратиш орқали уларга ғамхўрлик қилиши шарт.

Шу муносабат билан, мазкур чора-тадбирлар дастурида ишлаб чиқилиши кўзда тутилган (2-банд), Давлат фуқаролик хизматини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси доирасида "Давлат фуқаролик хизматчиларининг лавозим маошлари тўғрисида"ги қонунни тайёрлаш ва қабул қилиш масаласини ҳам кўриб чиқишни ўринли деб ҳисоблаймиз.

---

<sup>1</sup> Ўша жойда.

**ТАЖИБОВ МАЪРУФЖОН  
МАМАТОЖИЕВИЧ**

Судьялар олий мактаби доценти,  
юридик фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD)

## **СУД ҚАРОРИНИНГ ИЖРОСИ МАЖБУРИЙ-МИ ?**

**Аннотация:** Ушбу мақолада суд ҳокимиятини мустақиллигини таъминлашда қабул қилинадиган ҳал қилув қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминланишининг аҳамияти, шунингдек қонунийлик ва адолатни таъминлашда амалдаги айрим қонунларимиздаги бўшлиқларни тўлдириш юзасидан берилаётган таклифлар ҳақида сўз юритилади. Шу билан бирга таклиф этилаётган қонунларнинг Хорижий давлатлар қонунларидаги тарифлари ҳам келтирилади.

**Калит сўзлар:** Конституция, суд ҳал қилув қарори, қонунийлик ва адолатлилик, қонунлардаги бўшлиқлар, “Адолат қўрғони”, ҳалқ ишончи, суд қарорлари ижроси, суд ва судья мустақиллиги.

Ўзбекистон Республикасида янги қонун ҳужжатларини қабул қилишда бир қатор талаблар мавжуд, улардан айримлар:

- қабул қилинаётган қонун нормалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларига зид бўлмаслиги;
- янги қабул қилинган қонун нормаларига бошқа қонун нормаларини мос келиши;
- кейингиси эса, унинг нормалари “адолатли” бўлиши талаб этилади.

Амалиётда ишлаётган қонунларни биринчи талабга мувофиқлиги доимий таъминланса-да, бироқ қонунларни адолатлилиги ҳар доим ҳам таъминланади дейиш мушкул.

Бунинг оқибатида эса, қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилиши керак бўлган мустақил суд қонуний ва асосли қарор қабул қилса-да, лекин адолатли қарор қабул қилинишини таъминлай олмайди. Шунинг учун ҳам, фуқаролар ўртасида айтиладиган айрим мулоҳазалар асосида, амалдаги қонун ҳужжатларни қўллашда учраб



турган адолатсизликларга доимий равишда қонун ташаббускорлигидан келиб чиқиб, таклиф ва мулоҳазаларни билдириб борилиши талаб этилади.

Шундай мулоҳазалардан бирига эътибор қаратсак, “... Судма-суд юриб-юриб, охири ўзимни манфаатимда Ўзбекистон Республикаси Олий суди қарор чиқариб берди, росса хурсанд бўлдим. Бироқ хурсандчилигим узоққа бормади, суд қарори ижрочилар томонидан ижро этилмайди деб қайтарди. Жавобгарни менга тўлашга маблағи пайдо бўлса, кейин ундириб берилар экан, бу нима деган гап, шу адолатданми? Жавобгарни маблағи пайдо бўлишлигини қанча кутиш мумкин ...”. Бу бир неча йиллар мобайнида жавобгардан берган пулларини ундириш мақсадида суд инстанцияларида ғолиб чиққан бир фуқарони сўзларидир.

Бундай норозиликлар албатта, мамлакатимиз судларига бўлган ишончларини қайсидир маънода пасайишига сабаб бўлишлиги мумкин.

Натижада эса, Давлатимизда барча соҳалар қатори суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг натижадорлигига ҳам таъсир этиши табиий.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев ҳар доим суд – ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш ҳақида гапирар эканлар, «Асосий мақсадимиз, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода “Адолат қўрғони”га айлантиришдан иборатдир», деб таъкидлайдилар.

Жорий йилнинг 31 август куни “Янги Ўзбекистон” боғида миллий давлатчилигимизни, ўзлимиз ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклаб берган, барча ютуқ ва марраларимизнинг замини бўлган, халқимиз ва келгуси авлодларимиз учун доимо энг улуғ, энг азиз байрам бўлган ва абадий қоладиган давлатимиз мустақиллигининг 31 йиллигига бағишланган байрам шодиёнаси Президентимиз “... суд тизими мустақил бўлмас экан, жамиятимизда ривожланиш бўлмайди. Суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда

қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши лозим. Янги Ўзбекистонда ҳар қандай баҳсли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилиши керак<sup>1</sup>...”лигини таъкидладилар.

Ҳақиқатдан ҳам, юқорида келтирилган қонуний қабул қилинган суд қарорларини амалдаги қонунларимизга асосан ижросини таъмиламасдан, ундирувчига қайтарилиши нормалари амалдаги қонунларимизда мавжудми? Ҳозирги кунда амалда бўлган қонунларимиз нормаларида шундай қоида мавжуд.

Агар амалдаги қонунларни таҳлил этадиган бўлсак, ҳақиқатдан ҳам қонунларимизда суд қарорларининг ижроси мажбурийлиги, агар ижро қилинмаса жавобгарлик белгиланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, суд томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийлиги<sup>2</sup>, деб, Фуқаролик процессуал кодексининг 16-моддаси биринчи қисмида, суднинг қонуний кучга кирган ҳужжатлари барча давлат органлари ва бошқа органлар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши лозимлиги<sup>3</sup>, Иқтисодий процессуал кодекси 15-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа органлар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши лозимлиги ҳамда суд ҳужжатларини бажармаслик қонунларда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлиши<sup>4</sup> кўрсатилган.

<sup>1</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/5484> Ш.Мирзиёев Миллий мустақиллик – Янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам асосидир

<sup>2</sup> <https://lex.uz/docs/20596> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 110-моддаси

<sup>3</sup> <https://lex.uz/docs/3517337> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси;

<sup>4</sup> <https://lex.uz/docs/3523891> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги 12-сон қарори<sup>1</sup>га асосан ҳам ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилиниши ва барча давлат органлари ва бошқа органлар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сўзсиз ижро этилиши лозимлиги кўрсатилган.

Суд қарорларининг ижросини таъминланмаганлик учун Ўзбекистон Республикаси бир қатор қонун ҳужжатлари нормаларида жавобгарликлар кўзда тутилган. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 198<sup>1</sup>-198<sup>2</sup>- моддалари<sup>2</sup>да, Жиноят кодексининг 232-моддаси<sup>3</sup>га мувофиқ, муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлашни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом эттириш, шунингдек суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жазолар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуни<sup>4</sup> 40-моддаси 3-бандига асосан, ижро ҳужжатларида кўрсатилган ундирув (талаб), агар қарздорнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари бўлмаса ва унинг мол-мулки ёки даромадларини қидириш юзасидан давлат ижрочиси томонидан қонунда йўл қўйиладиган доирада кўрилган барча чоралар натижасиз бўлса, бундай ижро ҳужжатлари ундирувчига қайтарилади<sup>5</sup>.

Мазкур Қонунда қайд этилган қоидага мувофиқ, суд ҳокимиятининг бир неча инстанцияларида узоқ муддатлар

<sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/4396483> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги 12-сонли қарори

<sup>2</sup> <https://lex.uz/acts/97664> Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси

<sup>3</sup> <https://lex.uz/acts/111453> Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси

<sup>4</sup> <https://lex.uz/docs/26477> Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 2001 йил 29 августдаги Қонуни

<sup>5</sup> <https://lex.uz/docs/26477> Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 2001 йил 29 августдаги Қонуни

давомида кўрилиб, қабул қилинган суднинг даъвони қаноатлантириш ва қарздорликни ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарори юқорида қайд этилган Конституция, Кодекс, қонунлар ва Пленум қарорларида ижро этилиши қатъий мажбурий этиб кўрсатилган бўлса-да, унинг ижроси Мажбурий ижро бюроси ходими томонидан ижро этилмасдан қайтарилиши мумкин экан.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш мумкинки, ҳатто вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун алимент ундириш ҳақидаги суд қарорларини ижролари ҳам қайтарилганлик ҳолатларини кўплаб кузатиш мумкин. Амалиётда, бир нечта фарзандига алимент тўламаган шахс маъмурий жавобгарликка, кейин эса жиноий жавобгарликка тортилиб, бир неча ойлаб давлат томонидан овқат бериладиган қамоқхонада ўтириб чиқади-ю, лекин яна алиментдан бўлган қарздорлигини тўламасдан юраверади. Унинг фарзандларининг моддий таъминоти қопланмасдан қолаверади.

Агар мазкур масала юзасидан айрим хорижий давлатларнинг суд қарорларини ижро этиш юзасидан қонун нормаларига ва суд амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, хусусан Россия Федерациясининг 2007 йил 2 октябрдаги “Ижро ишларини юритиш ҳақида”ги Федерал қонунининг “Ижро ҳужжатлари” деб номланган 12-моддасининг 1 ва 2-бандларига асосан, ижрочига ижро қилиш учун юбориладиган судлар томонидан қабул қилинадиган суд ҳужжатлари асосида бериладиган ижро варақалари, суд буйруқлари, маъмурий жавобгарликка тортиш ҳамда маъмурий жавобгарлик қарорини ижросини таъминлаш мақсадида мол-мулкка таъқиқ қўйиш ҳақидаги қарорлари ижро ҳужжатлари ҳисобланади. Қонунда агар қарздорнинг маблағлари суд қарорини ижро қилиш учун мавжуд бўлмаса, унга нисбатан мажбурий меҳнат қилдириш чоралари қўлланилиши, хусусан, қарздор ойлик маоши юқори, бироқ ноқулай шароитлардаги конларда, ўрмонларда дарахт

кесишлар каби ишларга сафарбар этилиб, белгиланган қарзларни ундириб олинишини кўзда тутувчи нормалар мавжуд<sup>1</sup>.

Хорижий тажрибадан келиб чиқиб, суднинг ҳал қилув қарорининг мажбурий ижросини таъминлаш мақсадида, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 253-моддаси бешинчи қисмида, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмига даъво ариза қаноатлантирилганлиги ёки рад этилганлигидан қатъи назар қайси тарафнинг зиммасига юклатилаётган мажбуриятни қандай усулда ижро этиши кўрсатилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, суднинг ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида доимий кўрсатилиши белгиланган талаблардан ташқари, *“Жавобгар К.М.нинг суд қарорида белгиланган қарздорликни қоплашга маблағлари ёки мол-мулки мавжуд бўлмаган тақдирда, МИБ томонидан уни мажбурий меҳнат қилишга жалб этиш чоралари кўрилсин”*, деган жумла киритилиши тавсия этилади.

Қонунда мазкур норманинг киритилиши ҳамда суднинг ҳал қилув қарори юқоридаги жумлани киритилиши қарздор томонидан суд қарорида кўрсатилган қарздорликни қоплаш чоралари кўрилишини кафолатлайди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг *“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”*ги қонуни 40-моддаси 3-бандидаги, агар қарздорнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари бўлмаса ва унинг мол-мулки ёки даромадларини қидириш юзасидан давлат ижрочиси томонидан қонунда йўл қўйиладиган доирада кўрилган барча чоралар натижасиз бўлса, деган жумлани чиқариб юбориш таклиф қилинади.

Учинчидан, *“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”*ги қонунга янги *“Қарздор жисмоний шахсни мажбурий меҳнатга жалб этиш”* номли 42<sup>2</sup>-моддани киритиш ва уни қўйидаги таҳрирда баён этиш таклиф қилинади: *“Агар, суд ҳужжати*

<sup>1</sup>[http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_71450/09ee93dd5e76f7bfa9217f56d38ca863b97aaef/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_71450/09ee93dd5e76f7bfa9217f56d38ca863b97aaef/) Федеральный закон "Об исполнительном производстве" от 02.10.2007 N 229-ФЗ (последняя редакция)

асосида берилган ижро ҳужжатидаги ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатидаги талаблар белгиланган муддатда қарздор жисмоний шахс томонидан узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаганда, давлат ижрочиси ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан қарздор жисмоний шахснинг мажбурий меҳнатга жалб этиш чораларини кўради. Мажбурий меҳнат қилишда жалб этиш суд қарорига асосан амалга оширилади”.

Мазкур қонунларга киртилиши тавсия этилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар амалдаги қонунларнинг адолатли бўлишлигини таъминлабгина қолмай, тарафлар ўртасидаги низоларни кескин камайишига сабаб бўлиб, суднинг қарорларини мажбурий ижро этилишини таъминлаган бўлур эди. Натижада эса, фуқароларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончи янада мустаҳкамланишига, суд ҳокимияти ҳақиқий “Адолат қўрғони”га айланишига қаратилган муҳим қадам бўлади.

<b>РАХМАНОВ ШУХРАТ НАИМОВИЧ</b>	Заведующий кафедрой повышении квалификации при Министерстве Республики Узбекистан, юридических наук, доцент	Центра юристов юстиции кандидат
-------------------------------------	---	--

## **СОВРЕМЕННЫЙ ОБЛИК НОВОГО УЗБЕКИСТАНА И ФОРМИРОВАНИЕ НАУКИ ДИПЛОМАТИЧЕСКОГО ПРАВА МЕЖДУНАРОДНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ**

**Аннотация:** В статье анализируется положительное влияние изменений современного периода в Республике Узбекистан, процессов социально-экономического и политико-правового развития на становление и формирования науки дипломатического права международных организаций в силу активизации ее участия в деятельности различных международных организаций. В статье рассматривается текущее влияние социально-экономических и политико-правовых изменений и реформ в стране на развитие дипломатическое право международных организаций.

**Ключевые слова:** дипломатия, международные организации, дипломатическое право, дипломатическое право международных организаций, МИД, ООН.

Внешняя политика Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева стала катализатором новых позитивных идей и сдвигов как в общественно-политическом пространстве Узбекистана, так и в мировом сообществе.

Одним из определяющих векторов внешнеполитической линии Республики Узбекистан является сотрудничество с различными универсальными и региональными организациями, так как, одной из характерных особенностей современных международных отношений является рост числа и значения международных

организаций в обеспечении мира и многостороннего сотрудничества субъектов международного права.

Отметим, что сейчас наша страна предстает перед мировым сообществом в новом облике динамично развивающегося государства с открытой внешней политикой. На качественно новый уровень вышло партнерство с ООН, рассматривая ее как единственную универсальную организацию, ответственную за поддержание международного мира и безопасности, и содействие устойчивому развитию государств в условиях стремительных процессов глобализации. Так, страна выступает за дальнейшее развитие партнерства с Организацией по безопасности и сотрудничеству в Европе, Шанхайской организацией сотрудничества и Содружеством Независимых Государств, ОИС, с целью эффективного использования механизмов этих для развития многостороннего сотрудничества, противодействия современным вызовам и угрозам.

Многовекторность сотрудничества Узбекистана, обусловлена готовности страны к дальнейшему укреплению и развитию отношений со всеми международными организациями. Что в свою очередь было обнародовано Президентом Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёевым в послании Олий Мажлису от 20 января 2020 г., где отмечено: «Мы активизируем многостороннее сотрудничество в рамках Организации Объединенных Наций, Организации по безопасности и сотрудничеству в Европе, Организации исламского сотрудничества, Совета сотрудничества тюрко-язычных государств и других авторитетных международных структур<sup>1</sup>.

Также, в своем очередном послании Олий Мажлису от 29 декабря 2021 Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев особо отметил, что «Вопросы развития тесного сотрудничества с ООН, другими авторитетными международными и региональными структурами всегда будут в центре нашего внимания. В этом году Узбекистан впервые председательствовал в Содружестве Независимых Государств, и, несмотря на пандемию, были успешно

---

<sup>1</sup> Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. 20 января 2020 г. // <https://president.uz/ru/lists/view/3324>.



проведены все – более 60 – запланированных международных мероприятий, принято около 70 важных документов. Начата также серьезная подготовка к председательству Узбекистана в Шанхайской организации сотрудничества в 2021-2022 годах.... Мы будем последовательно укреплять наши достижения в области прав человека, свободы слова и религии в сотрудничестве с ведущими международными организациями...<sup>1</sup>.

Отметим, что Указом Президента Республики Узбекистан “О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы” от 28.01.2022 г., № УП-60 определены семь приоритетных направлений<sup>2</sup>. В частности, в соответствии со Стратегией Нового Узбекистана на 2022–2026 годы, в деле формирования науки дипломатического права международных организаций Узбекистана особую значимость имеет Седьмое приоритетное направление – «Укрепление безопасности и оборонного потенциала страны, ведение открытой, прагматичной и активной внешней политики», в рамках которого были определены следующие цели:

Цель 93: Повышение роли страны в качестве равноправного субъекта в международных отношениях.

Цель 94: Поднятие на высокий уровень тесного сотрудничества в области безопасности, торгово-экономической, водной, энергетики, транспорта и культурно-гуманитарной сферах в Центральной Азии.

Цель 95: Дальнейшее развитие отношений Узбекистана с нашими традиционными партнерами, придание приоритетного значения расширению географии наших внешних связей и усиление экономической дипломатии.

Цель 96: Усиление деятельности Узбекистана в органах и институтах Организации Объединенных Наций, глобальных и региональных экономических, финансовых и гуманитарных организациях.

---

<sup>1</sup> Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. 29.12.2021 г. // URL: <https://president.uz/ru/lists/view/4057>

<sup>2</sup> Стратегия развития Нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы. Приложение № 1 к Указу Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 // <https://lex.uz/ru/docs/5841077>

Цель 97: Вступление во Всемирную торговую организацию и углубление процессов интеграции с Евразийским экономическим союзом.

Цель 98: Повышение эффективности доведения информации, направленной на повышение имиджа нашей страны, до аудитории мирового сообщества.

Цель 99: Совершенствование нормативно-правовой базы внешнеполитической и внешнеэкономической деятельности, а также договорно-правовых основ международного сотрудничества.

Цель 100: Совершенствование системы оказания услуг гражданам Узбекистана за рубежом дипломатическими представительствами и консульскими учреждениями Республики Узбекистан в зарубежных государствах.

Решение указанных задач должен в корне решить злободневные проблемы правовой системы и законодательства Узбекистана, что в конечном итоге весьма положительно повлияет на развитие юридической науки Узбекистана, т.к. Дело в том, что, вышеуказанные задачи требуют от ученых и всего юридического сообщества Узбекистана активизации научно-теоретической и нормотворческой деятельности для ее решения в кратко- и среднесрочной перспективах. Отметим, что в современных условиях реализация национального выбора каждой суверенной страны, защита ее национальных интересов и безопасности предполагает усиление научного и практического интереса к фундаментальным и прикладным аспектам исследуемой проблематики. Сфера внешних сношений государств, дипломатии и дипломатического и консульского права всегда была в центре внимания отечественных ученых-правоведов и международников.

Наряду с практическим развитием дипломатического и консульского права Узбекистана активизировались научные изыскания, учитывающие новые аспекты в рассматриваемых сферах. Были научно обоснованы основы дипломатического<sup>1</sup> права, консульского

---

<sup>1</sup> См.: Саидова Л.А. Дипломатическое право в Узбекистане: проблемы теории и практики// Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – Т.: УМЭД, 2001; Акрамова Н. Современная международно-правовая концепция дипломатических иммунитетов и привилегий // Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. –Т.: УМЭД, 2008. – 25 с.; Турсунова М.У. Правовое

права<sup>1</sup> и института представительств<sup>2</sup>. Однако отдельные институты и подотрасли дипломатического и консульского права, в первую очередь **дипломатического права международных организаций**, до сих пор не нашли должного исследования как в отечественной, так и зарубежной науке международного права, хотя уже в научном и учебном плане данный вопрос начинает решаться в положительном аспекте, путем признания дипломатического права международных организаций как самостоятельной отрасли. В последнее время и в отечественной науке международного права появились исследования, касающиеся отдельных аспектов дипломатического право международных организаций. В этом отношении можем отметить целый ряд наших научных публикаций, направленных на раскрытие правового содержания дипломатического права международных организаций как межотраслевого явления в дипломатическом и консульском праве<sup>3</sup>.

С учетом вышесказанного, можно констатировать, что наукой и практикой международного права чрезвычайно востребованными являются исследования, посвященные правовому статусу представительств государств при международных организациях, делегаций на международных конференциях, специальных миссий,

---

регулирование дипломатической деятельности Республики Узбекистан // Автореферат диссертации доктора философии (PhD) по юридическим наукам –Т.: УМЭД, 2022. – 44 с.

<sup>1</sup> См.: Юлдашева Г. Консульское право в системе современного международного публичного права. – Т.: Фан, 2007; Юлдашева Г. Формирование и развитие консульского права в Республики Узбекистан // Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук (DSc). –Т.: , 2008. – 50 с; Институт консульской службы и консульского права Республики Узбекистан. Учебное пособие. Под руководством Д.ю.н. И.Хамедова. УМЭД.Т.- 2009, Расулов Ш. Ўзбекистон консуллик хизмати (фуқароларни халқаро хусусий ҳуқуқий манфаатларининг ҳимояланиши: назарий ва амалий муаммолари). Монография. – Т.: “Адолат”, 2008, Гафурова С.А. Развитие института консульской защиты прав граждан Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... доктора философии (PhD) по юридическим наукам – Т.: УМЭД, 2018.

<sup>2</sup> См.: Вахабов Х.Д. Институт представительства государств в международных организациях в современном международном праве: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т.: УМЭД, 2007.

<sup>3</sup> См.: Рахманов Ш.Н. Генезис дипломатического права международных организаций в науке международного права Узбекистана // Журнал юридических исследований. Москва, 2019. №1. С.85-91; Рахманов Ш.Н. Международные договорно-правовые источники дипломатического права международных организаций и их роль в защите персонала международных организаций Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили – Uzbek law review – Обзор законодательства Узбекистана, Тошкент, 2018, № 4, С.64-71.

представительств международных организаций в государствах или при других международных межправительственных организациях, т.к. представительства государств являются организующими центрами взаимосвязей государств в пределах той или иной международной организации, способствующие укреплению мира и мирного сосуществования государств, равноправному их сотрудничеству во всех областях взаимного интереса.

Таким образом, дипломатическое право международных организаций является реальностью не только в общей международно-правовой науке, но и в доктрине международного права Республики Узбекистан. Существование дипломатического права международных организаций доказывается наличием обособленного предмета регулирования, своих специфических источников и субъектов, а также методами регулирования.

Отметим, что реалии современного дня требуют от представителей государств при международных организациях, качественно нового уровня компетентности. Кроме того, такой вид деятельности предполагает неукоснительное соблюдение процедуры, а также ясное понимание взаимозависимости между различными многосторонними структурами, умение строить и мобилизовать выгодные для своей страны политические коалиции.

Также отметим, что в последние годы, когда мир вплотную столкнулся с новыми трансграничными угрозами (международный терроризм, торговля людьми и органами, международная организованная преступность и наркоторговля), серьезно увеличился круг проблем, обсуждаемых на международных форумах.

В связи со сказанными оголяется особая роль представителей государств при международных организациях, которые в таких сложных условиях должны не только и не столько защищать национальные интересы государств аккредитации, но и добиваться международного консенсуса по всем обсуждаемым вопросам в рамках международных организаций. Подобное вынудило руководство французской дипломатии провозгласить одним из принципов кадровой политики ведомства «мобильность кадров» и поощрять

желание сотрудников отработать несколько лет в других министерствах и ведомствах. Это повышает квалификацию дипломата и дает ему возможность непосредственно ознакомиться с работой в коммерческих, финансовых, налоговых и судебных структурах. В этой связи, нами также предлагается осуществление такой практики в структуре МИД Республики Узбекистан, с направлением перспективных молодых сотрудников в иные министерства и ведомства республики для прохождения среднесрочной стажировки, продолжительностью от 6 месяцев – до 1 года.

Концептуально отметим, что сегодня государства должны быть готовы немедленно адаптироваться к внешним и внутренним вызовам и угрозам. Вследствие этого разворот дипломатии к внутриполитическим, экономическим, социальным проблемам становится еще более насущным. Практика Узбекистана последних лет явственно показывает, как изменения в общественно-политической жизни и во внутренней политике наиболее положительно сказались и на внешнеполитической деятельности, и в точности, наоборот, как изменения во внешней политике, например, во взаимоотношениях с соседними странами, положительно отразились на внутренней жизни страны и населения республики.

В связи с вышесказанным, отметим, что любые изменения в общественно-политической системе государства, тем более, если они носят позитивный характер, как на примере Республики Узбекистан, непосредственно влияют на правовую систему и науку. Если же подобные изменения и реформы оказывают позитивное влияние на общественно-политические отношения как внутри страны, так и на международные отношения в целом, то это самым благоприятным образом сказываются и на международно-правовую систему, что мы и смогли увидеть на примере формирования науки дипломатического права международных организаций Узбекистана, что происходит с опережающими темпами, благодаря целому ряду системообразующих и архитектурных изменений, осуществляемых во внешней политике и в сфере дипломатии Нового Узбекистана.

**ГАНИБАЕВА ШАХНОЗА  
КАРИМБЕРДИЕВНА**

Доцент кафедры Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан, кандидат юридических наук

## **НЕОБХОДИМОСТЬ ПОДГОТОВКИ ЮРИДИЧЕСКИХ КАДРОВ “SOFT SKILLS”**

**Аннотация:** В статье рассматривается необходимость освоения “soft skills”, автор приходит к мнению что soft skills являются важным в профессии юриста, на основе изученных исследований специалистов в этой области.

**Ключевые слова:** hard skills, soft skills, юрист, подготовка юристов, компетенция, профессиональность, компетенция, профессия юриста.

Вопросы подготовки юридических кадров всегда будут на повестке дня у образовательных учреждений, так, к профессии юриста, так же, как и к любой профессии предъявляются различные требования. И к таким требованиям, прежде всего относятся: обладание глубокими и прочными теоретическими знаниями, современным правовым и экономическим мышлением, умением разбираться в политических течениях и государственной политике, знать действующее законодательство и уметь его применять, владеть практическими навыками по специальности.

Сама же юридическая деятельность требует знания содержания как отраслевых, так и общих юридических наук, помимо этого, обладание знанием способов уяснения и толкования правовых норм, их реализации, процедуры принятия и исполнения юридических решений, актов совершения действий, имеющих правовое значение.

Существуют также некоторые мнения, укоренившиеся в сознании многих юристов:

«...юриста создает не только обширная практика, но и качественная теоретическая база»

«всестороннее образование и опыт являются основными характеристиками хорошего юриста»<sup>1</sup>.

Хотя все-таки профессор права В. Хендерсон утверждает, что «высокоэффективные юристы опираются на умения, которым не учат на юрфаке»<sup>2</sup>.

При подготовке юридических кадров, неоднократно встает вопрос на что больше уделять внимание образовательным учреждениям, ее теоритической части либо практической, или все направить на получение навыков и умений, учитывая еще тот момент что в практике требуется больше практических знаний нежели теоретических. Однако, на наш взгляд, мы не должны забывать о простом и известном принципе «Нет ничего более практичного, чем хорошая теория».

Помимо этого, наблюдается такая тенденция в нашей отечественной юридической сфере, что не хватает практической направленности. Остро стоит вопрос в поиске компетентного юриста. Ведь, в начале своей практической деятельности юристы сталкиваются с определенными трудностями, и ни одно юридическое образование в нашей стране не предусматривает подготовку юристов с применением умений и профессиональных навыков (soft skills). Ведь компетентный юрист, как мы понимаем, это – тот, кто не только знает теоретические основы права, но и владеет комплексом профессиональных навыков.

Потребность в социальных навыках вытекает из того факта, что мир и особенно рабочая среда разделены с другими людьми. Чтобы быть по-настоящему успешным, юристам нужны soft skills (мягкие навыки). Soft skills – это поведенческие навыки, которые нужны людям в их поведении и при общении с людьми. Soft skills также называют навыками межличностного общения, и они противоположны hard skills (жестким навыкам). Hard skills всегда

---

<sup>1</sup> Janet O’Sullivan & Jonathan Hilliard “The Law of Contract” Fifth Edition, United Kingdom, Oxford University Press, 2012

<sup>2</sup> John F. Weeks “Economics of the 1%: How mainstream Economic Services the Rich. Obscures Reality and Distorts Policy”, London, Anthem Press, 2014

ориентированы на конкретную деятельность, что указывает на профессиональные навыки людей. Если юристы имеют достаточный профессиональный опыт в своей деятельности, то практическая часть точно не составит большого труда. Но иметь только опыт недостаточно, на наш взгляд.

В свою очередь юристы должны: быть сильными в устном и письменном общении; обладать умением слышать и слушать; уделять внимание деталям, потому что одно «слово» может изменить весь смысл документа или его пунктов; управлять временем.

Как мы видим, из-за непредусмотрительности юридических заведений при подготовке юристов, им не хватает навыков soft skills или даже многие обесценивают ее важность. Однако, многие специалисты отмечают, что soft skills непосредственно влияют на успех в юридической деятельности и эти навыки можно обрести. Например, Ricchiardi & Federica констатировали, что навыки общения важны не только для личного развития, но и для достижения результатов в работе<sup>1</sup>. Li Yan, Yang Yinghong, Siu Man Lui, Marz Whiteside и Komla Tsey проводили эксперимент с обучением навыков по межличностному общению<sup>2</sup>. Другие авторы, Garcia, Biencinto & Carpintero, которые замечали, что soft skills играют важную роль для личностного роста, возможности трудоустройства, социального развития и участия, адаптации к изменениям и т. д., хотя нет единого мнения, какой навык важнее<sup>3</sup>. Позже авторы признают, что ранг важности soft skills зависит еще и от сферы компетенции.

Знаменитый Kiser в этой области писал, что самые важные социальные навыки для юристов – это терпение, доверие и

---

<sup>1</sup> Ricchiardi, P. & Federica, E. (2018). Soft Skill Assessment in Higher Education. Journal of Educational Cultural and Psychological Studies, 18, 21-53.

<sup>2</sup> Li Yan, Yang Yinghong & Lui, Siu Man (Carrie) et al. (2018, p. 242). Teaching “soft skills” to university students in China: the feasibility of an Australian approach. Educational Studies, 45(2), 242-258

<sup>3</sup> Garcia, G. M., Biencinto, L. Ch., & Carpintero, M. E. et al. (2016). Development and evaluation of the teamwork skill in university contexts. Are virtual environments effective? Journal of Educational Technology, 13(5), In <https://educationaltechnologyjournal.springeropen.com/track/pdf/10.1186/s41239-016-0014-1>



оптимизм. Он считает, что юристы могут развивать эти навыки и укреплять их<sup>1</sup>.

Дело в том, что юристам необходимо научиться справляться со стрессом, быть более напористым и вести переговоры. Учитывая, что у юристов имеются проблемы с вербальной и невербальной коммуникацией. Именно soft skills позволяют юристам повысить эмоциональный интеллект, гибкость, мотивацию и манеры.

Таким образом, на общем уровне soft skills – это «навыки, способности и черты, которые относятся к личности, отношению и поведению, а не к формальным или техническим знаниям». Они контрастируют, по крайней мере теоретически, с «hard skills», такими как, в случае права, юридический анализ, навыки защиты интересов и письма, а также судебные разбирательства.

Эти требования, как нам кажется, останутся актуальны и через несколько лет вне зависимости от скорости развития технологий, взаимодействие между людьми (будь то взаимодействие юрист-юрист или клиент-юрист), а также необходимость организовывать себя и подстраиваться под внезапно возникающие обстоятельства никуда не денется.

Профессиональные контексты также могут порождать проблемы, иногда более «личные», чем «профессиональные» по своему характеру. Например, как объясняет Kiser, в отношениях между юристом и клиентом клиенты часто делятся конфиденциальными подробностями своей возникшей ситуации с юристами; взаимодействие с клиентами часто может быть «глубоко личным», а не «просто когнитивным»<sup>2</sup>. Susan Swaim Daicoff утверждает, что без обучения навыкам межличностного общения юристы не могут на практике «заполнить пробелы» негативным или менее чем оптимальным поведением, которое они считают профессионально эффективным — поведением, которое затем может породить личные проблемы, «излишне обостряя конфликт и напряжение»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Kiser, R. (2017). Soft Skills for the Effective Lawyer. Cambridge: Cambridge University Press.

<sup>2</sup> Ibid.

<sup>3</sup> Susan Swaim Daicoff, ‘Lawyer, Form Thyself’ (2015) 27 Regent University Law Review 205, 208, fn 17. ‘Lawyer, Form Thyself’

Многие исследования в этой области также показывают, что soft skills важны для долгосрочной перспективы и благополучия юристов, поскольку они позволяют юристам сосредоточиться на своих «внутренних ценностях» и связать свою повседневную работу со своими «интересами»<sup>1</sup>. Юристы, мотивированные на получение достаточной заработной платы, повышения или «награды» очень часто рискуют игнорировать «межличностные и эмоциональные проблемы», создавая, таким образом стресс во всех отношениях.

Получается, перечень необходимых soft skills для юристов, исходя из проведенных исследований включают:

1. Коммуникативные навыки (готовность работать с другими людьми, навыки коммуникативного взаимодействия);
2. Креативность (способность к созданию и реализации идей, отличающихся новизной, оригинальностью, уникальностью);
3. Аналитическое мышление (способность к использованию логики при анализе информации и принятии решений);
4. Критическое мышление (способность ставить под сомнение поступающую информацию, включая собственные убеждения);
5. Гибкость (умение приспосабливаться, подстраиваться, адаптироваться, используя для этого свои творческие способности, умение выходить за рамки шаблонов мышления и поведения, умение мыслить нестандартно);
6. Суждение и принятие решений (способность к идентификации альтернатив и выбора среди них, основанный на ценностях и предпочтениях принимающего решение);
7. Самоконтроль (синтез качеств и способностей, которые позволяют человеку эффективно управлять собой в различных видах деятельности и общении);
8. Планирование (способность оптимально распределить ресурсы для достижения поставленных целей, умение ставить цели (задачи) и выполнять действия по их осуществлению в будущем);
9. Адаптивность (способность адаптироваться к изменчивым обстоятельствам);

---

<sup>1</sup> Sophie Sparrow, ‘Teaching and Assessing Soft Skills’ (2018) 67(2) Journal of Legal Education 553.

10. Исследовательские навыки (синтез операций по осуществлению интеллектуальных и эмпирических действий, составляющих исследовательскую деятельность и приводящих к новому знанию);

11. Межличностные навыки (владение навыками, связанными с обменом информацией в письменной и устной форме, умение слушать, сдерживанием эмоций, управление конфликтами, созданием доверия и ведением переговоров);

12. Командная работа (способность общаться и налаживать конструктивный диалог с любым членом команды);

13. Навыки работы в информационной среде – цифровая среда Интернет (умение находить нужную информацию в цифровой среде Интернет)<sup>1</sup>.

Работа над развитием soft skills как у настоящих и будущих юристов способствует их активное участию не только в профессиональной деятельности, но и в общественной жизни. Обучение умению soft skills должно быть обеспечено на всех этапах подготовки юридических кадров на систематической основе. Учитывая, что все приведенные навыки помогут в будущем выстроить успешную карьеру.

---

<sup>1</sup> Пономарева О.Я. Значимость soft skills на этапе профессионального обучения в вузе. Электронный ресурс: Режим доступа: [http://scienceph.ru/f/science\\_and\\_world\\_no\\_7\\_71\\_july\\_vol\\_ii.pdf](http://scienceph.ru/f/science_and_world_no_7_71_july_vol_ii.pdf)

<b>РАХИМОВ ДОНИЁР БАХТИЯРАВИЧ</b>	Ўзбекистон вазирлиги малакасини профессори доктори (DSc)	Республикаси қошидаги ошириш в.б., юридик	Адлия Юристар маркази фанлари
---------------------------------------	--	--	--

## **МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ: КЕЧА ВА БУГУН**

**Аннотация:** Мақола мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашни такомиллаштириш муаммосини ўрганиш асосида мажбуриятларнинг бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш тушунчаси, моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишга бағишланган. Муаллиф бу борада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминланишига оид нормалари ва ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларини ўрганиш асосида ўз фикрларини илгари сурган. Шунингдек, муаллиф фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларни қўллашни такомиллаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тўхталиб, тегишли хулосаларни баён этган.

**Калит сўзлар:** мажбуриятлар, мажбуриятларни бажариш, қарздор, кредитор, учинчи шахслар, кафиллар, ундаш, рағбатлантириш, таъминлаш, ашёвий таъминлаш, шахсий таъминлаш, манфаат, манфаатларни ҳимоя қилиш.

Мажбуриятларнинг бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш хусусида сўз юритар эканмиз таъкидлаш жоизки, у олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш зарурияти юзага келиши билан бевосита боғлиқ. Бундай зарурият бугун пайдо бўлган эмас, аксинча у узоқ ўтмишга тақалиб, чуқур тарихий илдизларга эга.

Ҳуқуқий адабиётларда таъкидланганидек, мажбуриятларнинг бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш анъанавий институти

ҳисобланади. Мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг гаров, кафолат ва депозит каби усуллари Рим ҳуқуқидаёқ маълум бўлган.

Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан бирор-бир фикр билдириш учун Рим ҳуқуқи билан биргаликда бошқа даврларнинг ҳуқуққа оид бўлган манбаларини ҳам ўрганиш масалага тўғри баҳо бериш имкониятини юзага келтиради.

Назаримизда, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ тушунчалар Рим ҳуқуқидан ҳам кўхнарок. Масалан, “Авесто”нинг “Шартномалар ва жиноятлар”га бағишланган 4-фаргарди “Ia” қисмида олтига, яъни биринчи шартнома – сўз билан мустаҳкамланган; иккинчиси – қўлни сиқиш билан; учинчиси қўйни гаровга қўйиш; тўртинчиси – ҳўкизни гаровга қўйиш; бешинчиси – инсонни гаровга қўйиш; олтинчиси – ҳосилдор ерни гаровга қўйиш билан боғлиқ шартномалар мавжудлиги эътироф этилган<sup>1</sup>.

Зеро, мамлакатимиз ҳудудида қарийб 3000 йил муқаддам яратилган “Авесто”да қайд қилинган 6 та шартномада белгиланган мажбуриятлар бажарилиши бир қатор усуллар билан таъминланган.

Эътироф этиш жоизки, қадимги Римда хусусий ҳуқуқнинг ушбу институти пайдо бўлганидан бери мажбуриятларнинг бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш масалалари доимо умумий муҳокамалар марказида бўлган.

Икки минг йилдан ортиқ вақт давомида бутун дунё бўйлаб ҳуқуқшунос олимлар қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашни самарали ҳуқуқий тартибга солиш масалалари устида ишлаб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш масалалари Ҳ.Раҳмонқулов<sup>2</sup>, О.Окюлов<sup>3</sup>, Д.Қорахўжаев<sup>4</sup>, Н.Имомов<sup>1</sup>,

<sup>1</sup> *Авеста «Закон против дэвов» (Видевдат). –СПб., Изд-во Политех.ун-та, 2008. -С. 97.*

<sup>2</sup> Раҳмонқулов Ҳ.Р. Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. – Т.: ТДЮИ, 2005.

<sup>3</sup> Oqyulov O. (2019) "Problems of full - fledged introduction of land into civil circulation in the Republic of Uzbekistan, "Review of law sciences: Vol. 3: Iss. 2, Article 3. Available at: [https://uzjournals.edu.uz/rev\\_law/vol3/iss2/3](https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol3/iss2/3).

<sup>4</sup> Dilorom K., Burkhanova L., Sharakhmetova U. Features of determining the legal status of legal entities in the draft new version of the civil code of the Republic of Uzbekistan and the need to introduce new institutions in the legislation: theoretical developments and proposals // European Journal of Molecular & Clinical Medicine. – 2020. – Т. 7. – №. 2. – С. 2151 - 2161.

И.Рустамбеков<sup>2</sup>, Б.Топилдиев<sup>3</sup>, Ж.Бобоев<sup>4</sup>, К.Меҳмонов<sup>5</sup>, Ш.Рўзиназаров<sup>6</sup> ва Д.Рахимов<sup>7</sup> каби ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган.

Ҳуқуқшунослар мажбурий бажаришни ашёвий таъминлаш ва шахсий таъминлаш каби турларга ажратадилар.

Ашёвий таъминлашда кредиторга қарздорнинг ўзига ёки учинчи шахсларга тегишли бўлган нарсалар қиймати миқдорида мажбуриятини бажара олиши учун қўшимча кафолатлар берилади. Масалан, гаров.

Шахсий таъминлашда “Агар қарздор қарзни тўламаса, мен тўлайман” дейдиган кафиллар пайдо бўлади. Масалан, кафолат ва кафолат.

Бугунги кунга қадар мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш масаласида сўз юритилар экан, биринчи навбатда қарздорни олган мажбуриятини бажаришига мажбурлаш, бу борада чораларни кучайтириш орқали босимни ошириш, таҳдид каби услубларни қўллаш самарали ҳисобланади деган ёндошувлар амалда бўлиб келди.

---

<sup>1</sup> Имомов Нурилло. Эстоппель и его выражение в гражданском праве // Review of law sciences. 2020. № Спецвыпуск. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/estoppel-i-ego-vyrazhenie-v-grazhdanskom-prave> (дата обращения: 11.10.2021); Нурилло Имомов. Анализ новых подходов к гражданско - правовым средствам обеспечения по займам обязательствам // Review of law sciences. 2020. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/analiz-novyh-podhodov-k-grazhdansko-pravovym-sredstvam-obespecheniya-po-zaumovym-obyazatelstv> (дата обращения: 11.10.2021).

<sup>2</sup> Рустамбеков И Интернет тармоғида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш муаммолари (монография). – Т.: ТДЮУ, 2017

<sup>3</sup> Topildiev B., Khursanov R. Legal fact based on occurrence civil rights and obligations // Ilkogretim Online. – 2021. – Т. 20. – №. 3.

<sup>4</sup> Бабаев Д.И. Гражданско - правовые способы защиты прав потребителя по обязательствам вследствие причинения вреда //Актуальные вопросы развития правовой информатизации в условиях формирования информационного общества. – 2021. – С. 11 - 16.

<sup>5</sup> Меҳмонов К.М. Особенности правового режима цифровых прав // Журнал правовых исследований. – 2021. – Т. 6. – №. 1.

<sup>6</sup> Рўзиназаров Ш., Бабаев Ж., Иноятова С., Нуралиев М. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2018. 79-б.

<sup>7</sup> Рахимов Д. Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш: Монография. – Т.: “Мумтоз сўз”, 2021. -Б.398.

Бироқ, бугунги тараққиёт бу каби услубларни қўллаш эмас балки, қарздорнинг “юкини” камайтириш орқали рағбат уйғотиш йўли билан мажбурияларнинг лозим даражада бажарилишига эришиш мумкин деган янги ёндашувларни илгари сурмоқда.

*Назаримизда*, суд қарорининг ижро этилишини таъминлаш даврида оммавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишдаги усулларни хусусий-ҳуқуқий муносабатлардаги мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш жараёнига қўллаш самарали ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 332<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмига асосан ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг етмиш фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинишини келтириш мумкин<sup>1</sup>.

Масаланинг яна бир жиҳати, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш масаласига фақат кредитор манфаатини кафолатлаш нуқтаи назаридан ёндашишдир.

Ҳуқуқшунос олимлар Д.И.Мейер<sup>2</sup>, М.И. Брагинский ва В.В. Витрянский<sup>3</sup> томонидан “таъминлаш” - бу мажбуриятни бажаришга ёрдам бериш ёки кредиторнинг мулкӣ манфаатларини кафолатлаш эканлиги таъкидланади.

Бу каби фикрлар билан тўлиқ келишиб бўлмайди, чунки, мажбуриятларни бажариш жараёнида нафақат кредиторнинг, балки қарздор ва учинчи шахсларнинг манфаатлари ҳам тўқнашганлиги сабабли, уларнинг манфаатлари ҳам кафолатланиши талаб қилинади.

Фикримизча, бу ўринда нафақат кредитор манфаатлари шу билан биргаликда, мажбурият бажарилиши жараёнида иштирок этадиган қарздор ва учинчи шахсларнинг ҳам манфаатлари

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 3-сон /<https://lex.uz/docs/97664>.

<sup>2</sup> Meyer D.I. Russian civil law. –Moscow, Statute, - 2000. - P.523 - 524.

<sup>3</sup> Braginsky M.I., Vitryansky V.V. Contract law. Book One: General Provisions. 3rd ed. –Moscow, Statute, 2001. –P. 478 - 479.

муштаракликда таъминланиши лозим (“манфаатлар муштараклиги” принципи).

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 296-моддасига мувофиқ, кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажарган қарздор бу ҳақда кафилни дарҳол хабардор қилиши шарт. Акс ҳолда ўз навбатида мажбуриятни бажарган кафил асоссиз олинганни кредитордан ундириб олишга ёки қарздорга регресс талаб қўйишга ҳақли. Регресс талаб қўйилган тақдирда қарздор асоссиз олинганнигина кредитордан ундириб олишга ҳақли.

Таъкидлаш жоизки, мажбуриятларда манфаатлари ҳимояланмаган томонлар заиф томонларга айланади. Бунинг олдини олиш учун мажбуриятда иштирок этувчи барча томонларнинг манфаатлари кафолатланиши шарт. Шундагина мажбуриятларни бажариш жараёнининг барча иштирокчилари манфаатлари ҳимоя қилинади. Бу эса ўз навбатида мажбуриятда иштирок этувчи шахсларнинг манфаатлари муштараклигини юзага келтиради.

Баъзи муаллифлар мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш жараёнидаги манфаатлар ва рағбатлантиришлар ҳақида сўз юритиб, уларни асосий ва қўшимча сифатида баҳолашга ҳаракат қилишади. Хусусан, А.Покачалова<sup>1</sup> кредиторнинг мулкӣ манфаатларини таъминлашнинг асосий тамойили қарздорни ўз мажбуриятини бажаришга ундаш эканлиги, бу эса мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллариининг қўшимча функцияси ҳисобланишини эътироф этади.

А.Покачалованинг фикри билан тўлиқ келишиб бўлмайди. Назаримизда, уларни асосий ёки қўшимча деб баҳолаш ўринли эмас, чунки улар бирликда юзага келган мавжудлиги самаралидир.

О.Свириденко<sup>2</sup> масала қарздорни ўз мажбуриятини бажаришига ундашда эмас, балки мажбуриятни бажармаслик хавфидан ҳимоя яратишда эканлигини, К.Қодиров ва Р.Мамаджоновалар<sup>3</sup> булар

<sup>1</sup> Pokachalova A. Understand that the legal nature of zobovyazan zabucheniya // Law of Ukraine. - 2010. - N10. –p.85.

<sup>2</sup> Sviridenko O.M. Secured loan commitments. –Moscow .: Filin, 1999. –p.12.

<sup>3</sup> Kodirov K. Economic agreement: order of execution, methods and practice of ensuring execution. –Tashkent, New century generation, 2003. - p.61., Mamajanova R. A Reliable means of



қарздорга юклатилган вазифалар бажарилиши учун мажбурлов чоралари эканлигини таъкидлайдилар.

Бундай қарашлар мажбуриятларнинг бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш тушунчасини тўлиқ акс эттира олмайди. Бунинг сабаби, бу чоралар Фуқаролик кодексининг тегишли моддалари доирасидан ташқарига чиқилмаганлигидадир.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 259-моддасида қайд қилинган мажбуриятнинг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкни ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закат билан таъминланади деган қоидалар билан чегараланиб, “қонунчилик ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин” деган қоида эътибордан четда қолган.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”, “Лизинг тўғрисида”, “Ипотека тўғрисида”, “Истеъмол кредити тўғрисида”ги ва “Микромолиялаштириш тўғрисида”ги қонунларида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашга оид қоидаларига эътибор берилмаган.

Фикримизча, қайд қилинган норма ва қоидалар мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга тушунча беришда инобатга олиниши керак.

Мамлакатда замонавий иқтисодий ривожланиши турли ҳуқуқий мажбуриятларни келтириб чиқаради. Бу эса ўз навбатида ушбу мажбуриятларни ҳуқуқий тартибга солиш заруриятини юзага келтиради.

Бугунги кунда мазкур институт билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 23 ноябрь куни “Кредиторларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмларини

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4026-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорининг 3-бандида, мол-мулк билан таъминланадиган мажбуриятни шу мол-мулк қийматидан қопланишини мумкин бўлган мажбуриятнинг максимал суммасини кўрсатиш йўли билан аниқлашга рухсат этилиши; мажбуриятлар бажарилишини мол-мулк билан таъминлашни назарда тутадиган битимлар, шу жумладан гаров шартномаси мажбуриятлар бажарилишининг мулкый таъминоти предметини батафсил баён қилмасдан, уни умумий тавсифлаш орқали, жумладан алоҳида тоифа бўйича тузилиши мумкинлиги; гаровга олувчилар ва бошқа кредиторларнинг талаб қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун гаровга қўйилган ҳамда уларнинг талаблари бўйича ундирув қаратилган мол-мулк кредитга, бўлиб-бўлиб тўлашга, лизингга ёки қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа битимлар орқали реализация қилиниши, ижарага берилиши мумкин, суд қарорлари ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мол-мулкни мажбурий реализация қилиш ҳоллари бундан мустасно қилувчи тартиблар белгиланди.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкинки, мажбуриятларнинг бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш самарадор бўлиши учун доимий равишда такомиллаштириб борилиши ва қарздорни олган мажбуриятларини бажаришига рағбатлантирилиши ҳамда томонларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилиши лозим.

**НАСУЛЛАЕВ МУБИН**

Ўзбекистон Республикаси Адлия  
вазирлиги қошидаги Юристар  
малакасини ошириш маркази доценти,  
юридик фанлари номзоди

## **ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ҲАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА ПРОФЕССИОНАЛ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИ**

***Аннотация:** Ушбу мақолада юридик таълим соҳасидаги ўқув-педагогик жараёнга инновацион илғор ва халқаро таълим стандартларини жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал қайта тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантириш тизими ёритиб берилган.*

***Калит сўзлар:** юридик таълим, юридик кадр, моддий-техник база, халқаро стандартлар, IT-ҳуқуқ, тизимли таҳлил, узлуксиз касбий ривожлантириш тизими, ноюридик маълумот.*

Мамлакатимизда юридик таълимда ўқув-педагогик жараёнга инновацион илғор ва халқаро таълим стандартларини жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва профессор-ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, шунингдек таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашни назарда тутадиган юридик таълим тизимини такомиллаштириш бўйича бир қатор аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Юридик таълим ва фан тизимини тубдан такомиллаштириш, уларнинг халқаро таълим майдонидаги рақобатбардошлигини таъминлаш, юридик кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш

бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 29.04.2020 йил ПФ-5987-сонли Фармони<sup>1</sup> билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси, Нотариал палата ва бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда адвокатлар, нотариуслар, ФХДЁ органлари ходимлари, юрисконсултлар ва бошқа ходимлар малакасини ошириш тизимини замонавий талаблар ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш белгиланмоқда.

Бу борада янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмалари туркумини амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларни инобатга олиб, хорижий олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда тайёрлаш, шунингдек, мамлакатдаги ислохотларнинг замонавий босқичи эҳтиёжлари ва илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва дастурларини янгилаш ва қайта кўриб чиқиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатни амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 19.05.2020 йил ПФ-5997-сонли Фармонига илова қилинган “2020-2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш”<sup>2</sup> Концепциясида юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш долзарб вазифа қилиб белгиланган.

Бунда, Юридик кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш, чет эллик мутахассисларни жалб қилган ҳолда юқори малакали ҳуқуқшуносларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш ҳамда тажриба алмашиш мақсадида хорижий давлатлар билан келгусидаги ҳамкорлик йўлга қўйилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 29.04.2020 йилдаги ПФ-5987-сон // <https://lex.uz/docs/4802181>

<sup>2</sup> Давлат ҳуқуқий сиёсатни амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 19.05.2020 йилдаги ПФ-5997-сон. // <https://lex.uz/docs/4820060>

Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда (IT-ҳуқуқ, юристларга бухгалтерия ҳисоби ва ҳ.к.) ҳуқуқий муаммоли саволларни аниқлашга қаратилган ҳар йили ўтказиладиган тизимли таҳлил асосида ҳуқуқшуносларни амалиётга йўналтириш ҳамда малакасини оширишнинг янги дастурларни, шу жумладан, масофавий ўқитишнинг жорий этилишини таъминланади.

Адлия вазирлик тизимидаги ходимлар, адвокатлар ва юридик хизмат ходимлари учун ўқув дастурларини қонунчиликдаги янгиликлар ҳамда мавзуларни долзарблигини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгилаб борилмоқда.

Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини ўқитишнинг замонавий шакллари ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, юридик таълим олишга янада кенг имконият яратиш ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги ходимларни касбий малакасини, илмий ва амалий салоҳиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>1</sup> 8.04.2021 йил 189-сонли Қарори қабул қилинди.

Бунга кўра халқ таълими, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида юридик фанлардан дарс берадиган, олий ноюридик маълумотга эга педагог кадрларни қайта тайёрлаш курслари тўғрисида низом тасдиқланди.

Ушбу низом асосида халқ таълими, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида юридик фанлардан дарс берадиган, олий ноюридик маълумотга эга педагог кадрларни қайта тайёрлаш, низоларни судгача муқобил ҳал қилиш механизми сифатида медиация институтида самарали фаолият юритадиган медиаторларни тайёрлаш, тингловчиларнинг интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасига оид касбий билим ва кўникмаларни ошириш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этиш вазифалари белгиланиб

<sup>1</sup> Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 06.04.2021 йилдаги 189-сон. // <https://lex.uz/docs/5358249>

олинди. Юридик фанлардан дарс берадиган, олий ноюридик маълумотга эга педагог кадрларни қайта тайёрлаш курслари халқ таълими, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида юридик фанлар бўйича юқори савияда педагогик фаолиятни олиб бориш учун етарли даражадаги билим олиш ва кўникма шакллантиришни назарда тутадиган ўқитиш шакллантирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup> 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4963-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”<sup>2</sup> 18.01.2022 йил 25-сонли Қарори қабул қилинди. Бу низомда халқ таълими тизимидаги раҳбар, педагог ва мутахассис ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнига тингловчининг алоҳида ўқув модуллари бўйича ўқиши ва балларда ифодаланадиган ўзлаштиришини ўз ичига олган таълимнинг кредит-модуль тизимини жорий қилиш тартиби, халқ таълими ходимларининг шахсий касбий салоҳиятининг индивидуал ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ҳаёт давомида ўсиши жараёнини қамраб олган “Узлуксиз касбий таълим” махсус электрон платформаси орқали компетентлик даражасини ошириш ва касбий маҳоратини такомиллаштириш механизми, узлуксиз касбий ривожлантириш тизимида тингловчиларнинг анъанавий малака ошириш билан бир қаторда касбий ўқитишнинг уйғунлашган, иш жараёни билан биргаликда олиб бориладиган, масофавий ва бошқа турларини жорий этиш тартиби ўрнатилади.

<sup>1</sup> Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 25.01.2021 йилдаги ПҚ-4963-сон. // <https://lex.uz/docs/5239538>

<sup>2</sup> Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 17.01.2022 йилдаги 25-сон. // <https://lex.uz/uz/docs/5828765>

**ИШАНХОДЖАЕВ  
САИДАХМАД АКРАМОВИЧ**

Тошкент давлат юридик университетининг Иختисослаштирилган филилали катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди  
E-mail: Saidaxmadxon 76 @ mail.ru

**ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ СОҲАСИДАГИ МАВЖУД  
МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ  
НАЗОРАТ ИНСТИТУТИ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
МАСАЛАЛАРИ**

***Аннотация:** Мақолада ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги муаммоларнинг олдини олиш мақсадида юборилган парламент сўрови институтини такомиллаштириш хусусиятлари кўриб чиқилган. Парламент назорати субъектлари томонидан ахборотни олиш ва ўрганиш ҳамда муҳокама қилишнинг амалдаги тартиби шунингдек, парламент сўровида қўйилган саволларнинг сифати ва асослилиги ҳамда аниқлигини ошириш бўйича таклифлар келтириб ўтилган.*

***Калит сўзлар:** Парламент назорати, парламент сўрови, ҳукуматлараро битим, қарор, меҳнат мигрантлари.*

Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг ҳисоботига кўра 2022 йил 1 январь ҳолатига доимий аҳоли **34,9 млн** кишини, шундан эркаклар **17,6 млн (50,3 фоиз)** кишини, хотин-қизлар **17,3 млн (49,7 фоиз)** кишини ташкил қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий марказининг ижтимоий сўров натижаларига кўра, **меҳнат ресурслари** сони ўртача **19,3 млн**, иқтисодиёт тармоқларида **банд бўлганлар 13,5 млн**, **расмий секторда банд аҳоли 6,2 млн** ҳамда **норасмий секторда банд бўлганлар 5,9 млн** кишини ташкил қилиши аниқланган.

Унга кўра, ишга муҳтож бўлганлар **1,4** млн кишини, ишсизлик даражаси ўртача **9,6** фоизни (ўтган ҳисобот даврига (10,5%) нисбатан 0,9% га пасайган) **16-30** ёшгача бўлганлар ўртасида ишсизлик – **17,1%**, хотин-қизлар ўртасида **14,7%** ни ташкил этмоқда.

Давлат персоналлаштириш маркази маълумотларига асосан, хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширган меҳнат мигрантлари сони ўртача **2,4** млн (2.356.954) кишини уларнинг **568,5** минг (24,1%) нафарини хотин-қизлар, **827,1** минг (35,1%) нафарини ёшлар ташкил этиши келтириб ўтилган. Улар, хусусан, **1,5** млн – Россия Федерациясида, **366,3** минг – Қозоғистон Республикасида, **47,4** минг – Жанубий Кореяда, **144,7** минг – Туркия ва **348,1** минг – бошқа давлатлар ҳисобига тўғри келади. **Хориждаги меҳнат мигрантлари қуйидаги соҳаларда меҳнат қилишмоқда:**

**Россия Федерацияси** ҳудудида – қурилиш, транспорт ва логистика (фуқаролик/юк ташиш), қишлоқ хўжалиги, савдо, умумий овқатланиш, коммунал ва маиший хизматлар;

**Қозоғистон** – қурилиш, қишлоқ хўжалиги, **Жанубий Корея** – оғир ва енгил саноат;

**Туркия ва Бирлашган Араб амирликлари** – савдо, умумий овқатланиш, ижтимоий таъминот (ёлғиз яшаётган ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган кекса, ногирон ва ёш болаларга яқка тартибда қараш ва парваришlash);

**АҚШ ва Европа мамлакатлари** – саноат, қурилиш, савдо, умумий овқатланиш, транспорт ва логистика, ижтимоий таъминот (ёлғиз яшаётган ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган кекса, ногирон ва болаларга яқка тартибда қараш ва парваришlash). Мазкур соҳаларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, жами **51%** – қурилиш, **10%** – савдо ва хизмат кўрсатиш, **10%** – қишлоқ хўжалиги, **9%** – саноат ва **20%** – бошқа соҳаларга тўғри келмоқда<sup>1</sup>.

Юқорида келтириб ўтилган маълумотлар ушбу соҳада кенг кўламли ишлар амалга оширилганлиги ҳақида тассавур ҳосил бўлишга етарли асос бўлсада, аммо мазкур соҳада ечимини кутиб

<sup>1</sup> 2022 йил I чорак якуни бўйича Ташқи меҳнат миграцияси ҳолати, меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилган ишлар ҳақида йиғма-таҳлилий маълумот.



турган турли масалалар мавжудлигини инобатга олган ҳолда парламент назорати интитутидан самарали фойдаланиш, мазкур соҳада муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда таъсирчан чоралар кўриш бўйича тегишли вазифалар ишлаб чиқилишига олиб келади.

Парламент назорати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Парламент назоратининг объекти бўлиб, давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг Қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуни 14-моддасининг биринчи қисмида, Қонунчилик палатаси, Сенат давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси масалалари ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Қонунчилик палатасининг 2021 йил 21 мартда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига йўллаган 02/3-339 сонли хатида “Фуқароларни хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда бу соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисида”ги 810-IV-сонли Қарори асосида сўров<sup>1</sup> юборилган.

---

<sup>1</sup> Қонунчилик палатасининг 2021 йил 21 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига йўллаган 02/3-339 сонли хатида “Фуқароларни хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда бу соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисида”ги 810-IV-сонли Қарори асосида сўрови.

Қонунчилик палатаси томонидан юборилган мазкур сўровда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги ПҚ-4829-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан қатор саволлар мавжуд.

Ушбу сўров юзасидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ташқи меҳнат миграцияси тизимини йўлга қўйиш мақсадида ташқи меҳнат бозорини ўрганиш ва хорижда салоҳиятли иш берувчиларни қидириб топиш ва ваколатли органлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича амалга оширилаётган чоралар бўйича 2021 йилнинг биринчи чорагида хорижий иш берувчилар билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкилий танлов асосида вақтинчалик меҳнат фаолиятига жалб қилиш имзоланган шартномалар сони 41 тани ташкил этиб (Россия Федерацияси 26 та, Қозоғистон Республикаси 14 та, Бирлашган Араб Амирликлари 1 та, Чехия Республикасининг 1 та) иш берувчи корхоналар билан ҳамкорлик келишуви имзоланганлиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4829-сонли қарори доирасида 2021 йилда жами 115 минг фуқаро ишга жойлаштирилиши белгиланган бўлиб, шундан жорий йилнинг биринчи чорагида 16 минг фуқаро ишга жойлаштирилиши белгиланган. Бироқ ушбу вазифа Агентлик томонидан тўлиқ бажарилмаган, яъни 1 чоракда 9465 нафар фуқаро Республика ташқарисига ишга жойлаштирилган.

Хорижга ташкилий тарзда кетаётган фуқароларга йилига икки миллион сўмлик ва субсидия асосида ўн миллион сўмлик микроқарзлар ажратилган бўлсада, аслида бор йўғи 60 нафар фуқаро микроқарз олган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4829-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/4997972>

Шунингдек, ахборотда ҳукуматлараро битимлар географияси сонининг ҳам камлигини кўришимиз мумкин (Россия Федерацияси билан 3 та, Жанубий Корея Республикаси билан 2 та, Бирлашган Араб Амирликлари билан 1 та).

**Мазкур ахборотда** Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва хорижий ваколатхоналарга жами **31,0 минг нафар** фуқаро турли масалалар юзасидан мурожаат қилганлиги ва **69 минг нафар** хорижда бўлиб турган, турли вазиятларга тушган меҳнат мигрантларига маслаҳат-ахборот хизматлари, **1240 нафарига (690 нафарига** Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, **550 нафарига** консуллик хизматлари орқали) ҳуқуқий ёрдам кўрсатилганлиги баён этилган.

Шунингдек, **3120 нафар** меҳнат мигрантларига турли даражадаги ижтимоий ёрдамлар кўрсатилган, жумладан вақтинча ишсиз қолган **57 нафар** фуқарога иш топишда кўмаклашилган, хорижда мураккаб ижтимоий вазиятга тушиб қолган **4 нафар** фуқаро кийим-кечак билан, **469 нафар** фуқаро СИМ карталар билан таъминланган, **2227 нафари** маданий-профилактик ва саховат тадбирларига жалб қилинган, **363 нафарига** эса бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатилган. Қийин вазиятга тушган фуқароларнинг [birgamiz.com](http://birgamiz.com) электрон портали орқали тушган мурожаатлари бўйича **651 нафар** фуқаро вақтинчалик сақлаш муассасаларидан озод этилган, **34 нафар** фуқаро оғир вазиятга тушиб қолганлиги сабабли ватанга қайтарилган, **55 нафар** фуқарога моддий ёрдам (*2 нафарига ХМТ ташкилоти томонидан*) ажратилган, **12 нафар** фуқаро вақтинчалик яшаш жойи билан таъминланган, 6 нафар тан жароҳати олган меҳнат мигрантларига тиббий ташиш хизматлари кўрсатилган.

Россия Федерацияси ИИВнинг маълум қилишича, ҳисобот даврида Хорижий фуқароларни вақтинчалик сақлаш марказларида сақланаётган **34 нафар**, оғир вазиятга тушган **55 нафар** меҳнат мигранти, вафот этган **66 нафар** фуқаронинг жасади ватанга қайтарилган.

Ушбу ахборот юзасидан “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига мувофиқ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан:

- Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан фуқароларни хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш, касб-ҳунарга ва хорижий тилларга ўқитиш, меҳнат мигрантларини ҳуқуқий, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шунингдек меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни реинтеграция қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар етарли эмаслиги;

- фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш вақтида уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек меҳнат миграцияси соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш масалалари бўйича 2021 йил 19 апрелда 883–IV сонли **қарор** қабул қилинди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, парламент сўрови институтини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифлар баён этилади:

Биринчидан, мазкур ахборот юзасидан Қонунчилик палатаси меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни реинтеграция қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар етарли эмаслигини таъкидланган, аммо ушбу механизмни такомиллаштиришга оид амалий таклиф ва тавсиялар мавжуд эмас.

Иккинчидан, фикримизча фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш ва меҳнат миграцияси соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги йўл қўйган камчиликларни бартараф этишда уларга халқаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан хорижлик иш берувчилар ва халқаро рейтингга эга бўлган рекрутинг компаниялари иштирокида халқаро конференцияларни ташкил этиш юзасидан халқаро ташаббусларни илгари суриш вазифаси юклатилмаган.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4829-сонли қарори доирасида 2021 йилнинг биринчи чорагида **16 минг** фуқаро

ишга жойлаштирилиши белгиланганлиги ва **биринчи чоракда бор йўғи 9465 нафар, яъни 45%** фуқаро республика ташқарисига ишга жойлаштирилганлиги мазкур ташкилот томонидан ишлар сўст олиб борилаётганлиги юзасидан мазкур Вазирликнинг масъул мансабдор шахсига нисбатан таъсир чоралари (огоҳлантириш)ни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, парламент сўровини шакллантиришда мазкур соҳада илмий фаолият билан шуғулланаётган олимлар, эксперт ва мутахассислар нодавлат ташкилотлари, хусусий бандлик агентликлар вакиллари жалб қилган ҳолда шакллантиришни тавсия этамиз.

Бешинчидан, парламент сўрови натижалари бўйича қабул қилинган халқчил қарорларни телеграмм, фейсбук ва инстаграмм каналларида кенг ёритиб борилиши ва бунга фуқароларнинг муносабатини билиш мақсадида қайта алоқа (feed back) тизимини йўлга қўйиш зарур.

**ДАВЛЕТОВ ЎТКИРБЕК  
МАТМУРОТОВИЧ**

Ўзбекистон Республикаси  
Жамоат хавфсизлиги университети  
бошлиғининг ўринбосари, юридик  
фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

## **ЮРИДИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада мамлакатимизда юридик кадрлар тайёрлашга, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга доир ишлар ҳамда истиқболда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ўрганилиб, юридик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** юридик таълим, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, қонун устуворлиги, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва хорижий тажриба.

Юридик таълим сифатини яхшилаш, ҳуқуқшуносларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бутун дунёда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу бежиз эмас. Зеро, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ушбу соҳа вакилларининг ҳам зиммасидадир. Бунинг учун улар нафақат зарур билимларни эгаллашлари, қолаверса шу билимларни амалиётда қўллай олишлари ҳам шарт. Шу маънода юридик таълим амалиёт билан узвий боғлиқликни тақозо этади. Масалан, Япония таълим тизимида “ҳуқуқ мактаби”ни янада ислоҳ қилишга эҳтиёж сезган эди. Шу боис бошқа мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаси чуқур ўрганилиб, соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган хато-камчиликлар аниқланган ва 2001 йили Одил судлов тизими ислоҳотлари бўйича кенгаш томонидан Япония ҳукумати учун тавсиялар ишлаб чиқилган<sup>1</sup>. Уларни амалга ошириш натижасида 2004 йили юрист кадрлар тайёрлашнинг янги тизимига ўтилган. Таълим дастурларини

<sup>1</sup> <http://cyberleninra.ru/article/n/reforma-sistemy-pravosudya-v-yapjnii>.

амалиётга яқинлаштиришга қаратилган ислоҳотлар олиб борилган<sup>1</sup>. Янги тизимга кўра, юридик олий таълим муассасаларининг барча битирувчиларидан малакавий имтиҳонлар олинган. Талабалар ўртасида бу ҳуқуқни қўлга киритиш учун ҳам муросасиз рақобат юзага келади. Битирувчиларнинг фақатгина ярми синовларда қатнашиш имкониятига эга бўлишган. Улардан муваффақиятли ўтганлар Юристар ассоциациясига қабул қилиниб, ўта олмаганлар ўз-ўзидан меҳнат бозоридан чиқиб кетган. Ваҳоланки, Японияда 74 та олий таълим муассасасида ҳар йили салкам 4500 нафар ҳуқуқшунос кадрлар тайёрланган.

Россияда ўтган асрнинг 80-йилларида юристар етишмаслиги кўпчиликни ташвишга солган бўлса, айти пайтга келиб, ҳуқуқшунослик дипломига эга бўлганларнинг сони ҳаддан зиёд ортиб кетгани, аммо уларнинг даражаси кўнгилдагидек эмаслиги анчайин муаммога айланган<sup>2</sup>. Россия юристар ассоциациясининг маълумотларига кўра, мамлакатдаги 1200 га яқин олий таълим муассасаси ва уларнинг филиалларида соҳа бўйича йилига 150 минг нафардан зиёд мутахассис тайёрланади. Ажабланарлиси шундаки, юридик таълим муассасалари ва уларнинг битирувчилари жуда кўп, меҳнат бозори ёш ҳуқуқшунослар билан тўла бўлишига қарамай, юқори малакали, профессионал кадрларга бўлган эҳтиёж юқориликча қолмоқда. Кўплаб мутахассислар, жумладан, Москва давлат университети юридик факультети кафедра мудири, профессор Леонид Головки бунинг сабабини мамлакатда юридик таълим муассасалари, айтиқса, нодавлат олий ўқув юртлари етказиб бераётган кадрларнинг салоҳияти меҳнат бозори талабларига жавоб бермаётгани, ўқув дастурлари замон талабларидан ортда қолаётгани билан изоҳлайди<sup>3</sup>. Шунга ўхшаш тенденцияни бошқа давлатларда ҳам кузатиш мумкин.

Шу ўринда профессионал ҳуқуқшуносларни тайёрлашда нималарга эътибор бериш керак, юридик таълимнинг синовдан ўтган стандартлари мавжудми, юртимизда соҳа ривожини йўлида

<sup>1</sup> <http://search.japantimes.co.jp/cgi-bin/nn20090522a9.html>.

<sup>2</sup> <http://op.raj.ru/index.php/serijnye-izdaniya/103-monografii/863-istoriya-suda-i-pravosudya>.

<sup>3</sup> <http://lawinfo.ru/catalog/council-and-board/12537/12540/>

қандай ишлар амалга оширилмоқда, деган саволлар туғилиши табиий ҳол.

Таъкидлаш керакки, жамиятнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги бевосита давлатнинг юридик корпуси малакасига қайсидир маънода боғлиқ. Айни пайтда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек иқтисодиёт ва бизнес соҳаларида малакали юридик кадрларга эҳтиёж катта. Шундай экан, ушбу соҳа бўйича мутахассисларни тайёрлаш модели профессионалик талабларига жавоб бериши, бунинг учун эса малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашга оид ўқув дастурлари сифати, юридик адабиётларни нашр қилиш ишлари жамиятимизда юз бераётган демократик жараёнлардан ортда қолмаслиги; амалдаги қонунчиликка киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар юридик адабиётларга доимий равишда, ўз вақтида киритилиб, фан билан ҳуқуқни қўллаш амалиётини узвий боғлиқлигини таъминлаш; юристларни бирлаштириб турувчи нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

**Хулоса қилиб айтганда**, мамлакатимизда юридик кадрлар тайёрлашга, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга доир ишларни мувофиқлаштириш, истиқболда ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни ўрганиш, таҳлил этиб, юридик таълим сифатини такомиллаштиришга қаратилган асослантирилган таклиф ва тавсиялар билан соҳани янада ривожлантириш жуда муҳим. Бўлажак юридик кадрлар учун қонунларни пухта билиш, уларни амалда қўллаш, муаммовий-ҳуқуқий масалаларни таҳлил қилиш, чет тилларда эркин иш юритиш кўникмаларни шакллантириш билан бир қаторда Олий таълим муассасаларида ўқитилаётган юридик фанлар тақсимотини тизимли таҳлил асосида қайта кўриб чиқиш лозим.



**МАДРИМОВ ХУШНУД  
КУВАНДИКОВИЧ**

Тошкент давлат юридик университети  
мустақил изланувчиси  
Email: [kh.madrimov@gmail.com](mailto:kh.madrimov@gmail.com)

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАЪМУРИЙ ЮСТИЦИЯ ТИЗИМИ УЧУН МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ – ЮРИДИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА**

***Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистонда маъмурий юстиция тизими жорий этилиши муносабати билан юридик кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг айрим масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ маъмурий низоларнинг турлари илмий-назарий тадқиқ этилган. Бундан ташқари, маъмурий низоларнинг турларини илмий-назарий ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.*

***Калит сўзлар:** юридик кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, маъмурий низо, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ маъмурий низо, маъмурий низолар турлари, маъмурий ҳуқуқбузарлик, маъмурий суд иш юритуви, маъмурий юстиция.*

Маълумки, 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистонда маъмурий судлар ташкил этилиб, замонавий маъмурий юстиция тизими изчил тарзда жорий этилмоқда.

Маъмурий юстиция тизими бўйича ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турли хил фикр-мулоҳазалар бўлсада, фанда бу тизимнинг умумий жиҳатлари ишлаб чиқилган. Унга кўра, хусусий шахсларнинг маъмурий органлардан норозилиги ҳақидаги шикоятларини судда ва суддан ташқари тартибда кўриб ҳал қилиши маъмурий юстициянинг мазмунини ташкил этади.

Ҳеч шубҳасиз, маъмурий судлар иш бошлагунга қадар ҳам Ўзбекистонда маъмурий органлар устидан шикоятларни кўриб чиқиш тартиби бўлган. Лекин, бу масала фуқаролик ва хўжалик процессуал қонунчилик доирасида тенг субъектлар ўртасидаги қоидалар ва ёндашувлар асосида ҳал қилинган. Маъмурий суд судьялари ўртасида ҳам маъмурий низоларга фуқаролик ва иқтисодий низоларнинг бир тури сифатида қараш шаклланган.

Шунингдек, олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш тизими ҳам маъмурий юстиция бўйича совет моделига асосланган. Яъни, совет ҳуқуқига кўра, маъмурий ишлар деганда хусусий шахслар ва давлат органлари ўртасидаги маъмурий низо эмас, кўпроқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тушунилган ва талабалар ҳам ушбу тушунчалар асосида ўқитилган.

Замонавий маъмурий юстиция моделига кўра, маъмурий ишлар деган хусусий шахс ва давлат ҳокимияти ўртасидаги оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар тушунилади. Унга кўра, маъмурий юстиция маъмурий ҳуқуқнинг асосий институтларидан бири ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларни ўрганиш эса маъмурий жавобгарлик ҳуқуқининг предмети бўлиб, уларни, содда қилиб тушунтирсак, “майда жиноятлар” дейиш мумкин.

Маъмурий низо ва маъмурий ҳуқуқбузарликни бирлаштириб турадиган бир жиҳат мавжуд, яъни уларнинг ҳар иккаласи жамиятдаги конфликтли ҳолатларнинг шакллари ҳисобланади. Айнан ушбу жиҳат ва ҳар иккала тушунчада ҳам “маъмурий” сўзининг мавжудлиги кўпчилик талабалар ва амалиётчи ҳуқуқшуносларни чалғитиб, маъмурий судларнинг мазмунини тўлиқ тушунмасликка олиб келади.

Шу сабабли, олий таълим муассасалари ва малака ошириш курсларида маъмурий низолар маъмурий ҳуқуқ кафедраси томонидан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар эса жиноят ҳуқуқи кафедраси томонидан ўқитилиши керак.

Юқорида кўрсатилган масалалар Ўзбекистонда юридик кадрларни тайёрлашда ҳам, судьялар ва бошқа юристлар малакасини оширишда ҳам алоҳида инobatга олиниши лозим.

Шу сабабли, мазкур мақолада маъмурий юстиция бўйича тўғри тушунчаларни шакллантириш учун тадбиркорлар иштирокидаги маъмурий низолар турларини ҳамда уларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар, фуқаролик ва иқтисодий низолардан фарқларини батафсил очиқ бериш мақсад қилинди.

Фикримизга кўра, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид маъмурий низо деганда ўзаро тенг бўлмаган иштирокчилар, яъни тадбиркорлар ва маъмурий органлар ўртасида ушбу идораларнинг қарори (мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати) ва ўз ҳокимият ваколатларини бошқача шаклда амалга ошириши оқибатида юзага келадиган, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳамда алоҳида процессуал тартибда кўриб чиқиладиган низо тушунилади.

Маъмурий низоларни турларга ажратиш бўйича ҳам олимлар ўртасида турли хил фикр-мулоҳазалар мавжуд.

Жумладан, Е.Б.Лупарев Россия Федерацияси қонунчилигига асосланган ҳолда, давлат-ҳокимият ваколати берилган органлар ва ташкилотлар ўртасидаги тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлган маъмурий низолар қаторига қуйидаги низоларни киритади:

– ижро ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бўйича низолашиш ҳақидаги ишлар;

– ижро ҳокимияти органларининг қонунчиликни тушунтиришга қаратилган ва норматив хусусиятга эга бўлган ҳужжатлари бўйича низолашиш ҳақидаги ишлар;

– давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат-ҳокимияти ваколати берилган бошқа идораларнинг тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият соҳасидаги аризачининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини дахл қилувчи норматив хусусиятга эга бўлмаган ҳуқуқий ҳужжатлари, қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) бўйича низолаш ҳақидаги ишлар;

– маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар;

– тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолиятни амалга оширадиган фуқаролар ва ташкилотлардан мажбурий тўловларни

ундириш, уларга нисбатан жазо чораларини қўллаш ҳақидаги ишлар;

– маъмурий-ҳуқуқий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган бошқа ишлар<sup>1</sup>.

Шунингдек, О.В.Чумакова ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар бўйича шикоятлар кўриб чиқиладиган низоларни маъмурий-ҳуқуқий низоларнинг бир тури сифатида кўрсатиб ўтган<sup>2</sup>.

Бу ўринда, Е.Б.Лупарев ва О.В.Чумакованинг маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни маъмурий-ҳуқуқий низоларга киритганлиги ҳақидаги фикрига қўшилиб бўлмайди.

Чунки, маъмурий ҳуқуқбузарликлар давлат томонидан олдиндан алоҳида қонунлар, одатда кодексларда белгилаб қўйилган ҳуқуқбузарликлар рўйхати, аниқ диспозиция ва санкциялар бўйича хусусий шахсга нисбатан жазо қўллашни назарда тутди. Бу жинойт ҳуқуқига яқин соҳа ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда маъмурий судлар ташкил этилган дастлабки йилларда (2017-2020 йиллар) маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларнинг маъмурий судларда кўрилгани нотўғрилиги ҳақида хулосага келиниб, 2021 йилдан жинойт ишлари бўйича судлар ваколатига ўтказилди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларда ҳам давлат органи ва хусусий шахснинг (бизнинг тадқиқотда тадбиркорлик субъекти) иштирок этаётганлиги уни маъмурий низога яқинлаштириб, чалғитувчи жиҳат бўлиб кўринмоқда.

Лекин, маъмурий жавобгарлик ҳуқуқида муайян давлат органи томонидан тадбиркорлик субъектига нисбатан маъмурий жавобгарликка алоқаси бўлмаган қандайдир қарор қабул қилиниши ёки бошқа ҳаракат амалга оширилиши оқибатида хусусий шахснинг ҳуқуқи бузилиши ҳамда шундай кейин низо келиб чиқиши ҳолати мавжуд бўлмайди.

Умуман олганда, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий суд иш юритuvi (маъмурий юстиция) ўртасидаги боғлиқликни ва ўзаро

<sup>1</sup> Лупарев Е.Б. Административно-правовые споры: Дис. ... д-ра юрид. наук. Воронеж, 2003. С. 208.

<sup>2</sup> Чумакова О.В. Административно-правовые споры с сфере регистрации юридических лиц: Дис. ... кандидат юрид. наук. М., 2008. С. 40-41.

фарқли жиҳатларни тўғри тушуниб олиш учун жамиятда давлат органлари ва хусусий шахслар ўртасида юзага келадиган низолар, қарама-қаршилиқлар, бошқача қилиб айтганда, конфликт мавжуд ҳолатларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиб кўриш керак.

Жумладан, биринчи туркум ҳолатларда – давлат органи муайян қилмишларни хусусий шахсларга нисбатан қонунга зид, айбли ва ижтимоий хавфли (ижтимоий хавфлилик фақат жиноятлар бўйича) деб ҳисоблаб, уларнинг рўйхатини, нимадан иборат эканлигини акс эттирадиган қоидаларни (диспозиция) ва бунинг учун қўлланадиган жазо чораларини (санкция) олдиндан эълон қилади. Мазкур қилмишларни содир этиш оқибатида давлат органи томонидан хусусий шахсга нисбатан норозилик сифатида маъмурий ёки жиноий жазо қўлланади. Бу муносабатлар деликт ҳуқуқининг предмети ҳисобланади.

Иккинчи туркум ҳолатларда эса – давлат органининг қарори ёки мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати (маъмурий ва жиноий жазо билан боғлиқ бўлмаган барча қарор ва хатти-ҳаракатлар) фуқаро ёки тадбиркорнинг ҳуқуқларини бузса ёки давлат органи уларга нисбатан маъмурий ва жиноий жазо бўлмаган бошқа чора қўллаш зарур деб ҳисобласа, хусусий шахс ёки давлат органининг норозилиги сифатида маъмурий низо (маъмурий иш) қўзғатилади. Бу муносабатлар маъмурий ҳуқуқининг предмети ҳисобланади.

Юқоридаги икки туркумдан субъектлар таркибига кўра фарқ қилувчи учинчи ҳолатларда эса – фуқаро ва тадбиркор бўлган хусусий шахслар ўртасидаги ўзаро низолар кенг маънодаги фуқаролик низолари, жумладан иқтисодий низолар сифатида кўриб чиқилади. Бу муносабатлар фуқаролик ҳуқуқининг, жумладан тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқининг предмети ҳисобланади.

Бунда эътиборли жиҳати шундаки, нодемократик тузумларда бошқа ҳуқуқ соҳаларига нисбатан деликт ҳуқуқи хусусий шахслар ҳуқуқларини чеклаш нуқтаи назаридан кўпроқ тадқиқ этилган бўлса, демократик давлатларда деликт ҳуқуқи бундай чеклашнинг қонунийлигини таъминлаш мақсадида яхши ўрганилган.

Шу билан бирга, оммавий муносабатлар вертикал бўлганлиги ва унда давлат органига нисбатан хусусий шахснинг мақоми пастлиги

сабабли, фуқаролар ва тадбиркорларга кўпроқ ҳуқуқий кафолатлар яратиш мақсадида маъмурий ҳуқуқ ҳам айнан демократик давлатларда чуқур тадқиқ этиб бошланган.

Нодемократик тузумларда эса аҳоли ва бошқа хусусий шахсларни бошқаришни давлат ўзининг асосий вазифаси сифатида тушунганлиги сабабли, давлат органи ва хусусий шахс ўртасидаги низолар бўйича чуқур тадқиқотлар қилинмаган.

Бундан ташқари, демократик давлатларда барча фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, айниқса бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорларнинг алоқалари нормал ва тенг мақомда тараққий этиши учун фуқаролик ҳуқуқи, жумладан бизнес ҳуқуқи ҳар томонлама ривожланган.

А.Б.Зеленцов ҳам ҳуқуқбузарлик конфликтнинг шакли сифатида, асосан негатив ва деструктив характерга, ҳуқуқий низо эса аксарият ҳолларда позитив ва конструктив характерга эга эканлигини эътироф этиб<sup>1</sup>, конфликтлар табиатига кўра ўзаро фарқ қилишини тўғри таснифлаб берган.

Юқорида кўрсатилган биринчи туркум ҳолатларда кенг маънодаги ҳуқуқбузарлик (жумладан, жиноят ҳам) ҳақида сўз юритилган бўлса, иккинчи ва учинчи туркум ҳолатлар маъмурий, иқтисодий ва фуқаролик муносабатларидан келиб чиқадиган ҳуқуқий низолар ҳисобланади.

О.В.Чумакованинг фикрига кўра, тадбиркорлар иштирокидаги маъмурий низоларга солиқ низолари, лицензиялаш соҳасидаги низолар, стандартлаш, сертификатлаш, савдо ва бошқа шу каби қоидаларга риоя этиш билан боғлиқ низолар киради<sup>2</sup>.

Ўзбекистон қонунчилигида тадбиркорлар иштирокидаги маъмурий низоларнинг турларини таҳлил қилганда, энг аввало, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс ва Иқтисодий процессуал кодекс нормаларини ҳам ўрганиш зарур.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (кейинги ўринларда –

<sup>1</sup> Зеленцов А.Б. Теоретические основы правового спора: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. М., 2005.

<sup>2</sup> Чумакова О.В. Административно-правовые споры с сфере регистрации юридических лиц: Дис. ... кандидат юрид. наук. М., 2008. С. 44.

МСИЮТК деб юритилади) 27-моддасига кўра, маъмурий судлар томонидан қуйидаги турдаги низолар ҳал қилинади:

1) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар;

2) маъмурий органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунчиликка мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар;

3) сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар;

4) нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар;

5) давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд муддатида рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлash устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар;

6) ушбу кодексда кўрсатилган инвестиция низолари бўйича ишлар;

7) ушбу кодексда кўрсатилган рақобат тўғрисидаги ишлар<sup>1</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 25-моддасига кўра, иқтисодий судлар томонидан қуйидаги турдаги низолар ҳал қилинади:

1) иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган якка тартибдаги тадбиркорлар, корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилатганда тарафлар бўлган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар;

2) иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ўртасидаги юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар;

3) банкротлик тўғрисидаги ишлар;

4) ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишлар;

4<sup>1</sup>) арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишлар;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. // <https://lex.uz/docs/3527353>

5) ушбу кодексда кўрсатилган корпоратив низолар бўйича ишлар, бундан меҳнатга оид низолар мустасно;

5<sup>1</sup>) ушбу кодексда кўрсатилган инвестициявий низолар бўйича ишлар;

5<sup>2</sup>) ушбу кодексда кўрсатилган рақобатга оид ишлар;

6) чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишга қаратиш тўғрисидаги ишлар.<sup>1</sup>

Юқоридаги нормаларни таҳлил қилган ҳолда, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид маъмурий низоларни қўйидаги турларга ажратиш мумкин:

– маъмурий органларнинг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларига дахл қилувчи индивидуал қарорлари (хатти-ҳаракатлари) юзасидан келиб чиқадиган низолар;

– вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ваколатига эга бошқа маъмурий органларнинг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларига дахл қилувчи қарорлари юзасидан келиб чиқадиган низолар;

– маъмурий орган ва тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги, мансабдор шахсларнинг инвестиция шартномасига риоя қилиш билан боғлиқ қарорларига, ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) доир инвестиция низолари;

– маъмурий орган ва тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги, товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган ҳамда оммавий ҳуқуқий характерга эга бўлган низолар;

– маъмурий орган ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ушбу органларнинг қарори ва ҳокимият ваколатларини бошқача шаклда амалга ошириши оқибатида юзага келадиган, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган бошқа низолар.

Бундан ташқари, солиқ, божхона, стандартлаштириш, интеллектуал мулк, ер, экология, инвестиция, рақобат ва монополияга қарши кураш соҳасида маъмурий органлар билан бўладиган низоларни тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/3523891>



ҳимоя қилишга оид маъмурий низоларнинг алоҳида турлари сифатида кўрсатиш мумкин.

Маъмурий низоларнинг турлари бўйича юқорида келтирилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан қатор таклифлар ишлаб чиқилди.

Биринчидан, Иқтисодий процессуал кодекснинг 25-моддасида якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган фуқаролар иштирокидаги низоларга доир ишлар ҳам, агар тегишли талаблар уларнинг аввалги тадбиркорлик фаолиятдан келиб чиқса, иқтисодий судга тааллуқли эканлиги белгиланган.

Агар низо иқтисодиёт соҳасида маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқмаса, улар иқтисодий судларда кўриб чиқилиши керак.

Лекин, тегишли талаблар **фуқаронинг аввалги тадбиркорлик фаолиятдан келиб чиқиб, низо якка тадбиркор ва давлат органининг ўзаро муносабатларидан юзага келган ҳолларда ишнинг маъмурий судга тааллуқли бўлиши** МСИЮТҚда кўзда тутилмаган. Шунинг учун, тарафлар ўртасидаги муносабатлар **вертикал характерга эга бўлган бундай низоларнинг маъмурий судлар судловига тегишли** эканлигини МСИЮТҚга киритиш зарур,

Иккинчидан, Ўзбекистонда нотариат замонавий сервис хизматига айлантирилиб, хусусий секторга ўтказилганлиги – **нотариал ҳаракатга оид низоларнинг маъмурий низо эканлиги ҳақидаги нормани бекор қилиб, уни тўлиқ фуқаролик судларига ўтказишни талаб қилади.**

Жумладан, ўзбек ҳуқуқшунослигида маъмурий юстиция институтини чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этган олим Ж.Нематов ҳақли равишда таъкидлаганидек, нотариус (нодавлат нотариал идоралар ҳам) маъмурий орган бўлмайди ва нотариус маъмурий ҳуқуқий фаолиятни амалга оширмайди.<sup>1</sup>

Айниқса, нотариал идоралар хусусий секторга ўтказилгандан кейин, унинг маъмурий орган эканлиги ҳақидаги фикрнинг нотўғрилиги янада ёрқинроқ намоён бўлди. Чунки, нотариус тенг

<sup>1</sup> Нематов Ж. Маъмурий суд иш юритуви (1). Монография./Ж.Нематов. – Т.: Top Image Media, 2022. – Б. 91-92.

ҳуқуқли бўлган тарафлар, яъни фуқаролар ва юридик шахслар ўртасидаги шартнома бўйича уларнинг хоҳиш-иродасини фақат тасдиқлаб беради ҳамда ушбу **тарафларга нисбатан маъмурий жиҳатдан ҳокимият ваколатига эга бўлган субъект ҳисобланмайди.**

Фикримизга кўра, ушбу масала маъмурий низо эканлиги ҳақидаги нотўғри фикрнинг келиб чиқиш сабаби шундаки, совет ҳуқуқида нотариал институт сервис хизмати кўрсатувчи субъект деб эмас, балки давлат идораси сифатида талқин қилинган.

Учинчидан, маъмурий низоларнинг турлари бўйича юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, тегишли соҳаларда давлат органига хос ваколатлар берилган **давлат корхоналари ва давлат иштирокидаги хўжалик жамиятларининг маъмурий низо субъекти сифатидаги ролини аниқлаштириш** керак.

МСИЮТК 27-моддаси ва “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида” ги Қонуннинг 4-моддаси мазмунига кўра, **давлат корхоналари ва давлат иштирокидаги хўжалик жамиятларини** маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилот сифатида маъмурий органлар қаторига киритиш мумкин. Хусусан, **давлат корхоналари ва давлат иштирокидаги хўжалик жамиятлари** тадбиркорлик субъектига нисбатан қарама-қарши тараф сифатида бошқарув ваколатига эга бўлиб ҳаракат қилган ҳолларда, маъмурий низо субъекти бўлади.

Лекин, уларнинг ўзи тадбиркорлик субъекти сифатида бошқа тадбиркор билан бошқарув ваколатига боғлиқ бўлмаган низода иштирок этаётган бўлса, бу тенг тарафлар ўртасидаги иқтисодий судда кўриладиган низо ҳисобланади.

**ОДИНАЕВ АДҲАМ  
САЪДУЛЛОЕВИЧ**

Бош прокуратура Академияси бўлим бошлиғи, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

## **ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ИЛМИЙ ВА КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

***Аннотация:** Мақолада юридик таълимнинг самарадорлигини ошириш, юқори малакали мутахассис-ҳуқуқшуносларни тайёрлаш ва мамлакатда юридик илм-фанни ривожлантириш, жумладан, юридик илмий тадқиқот ишларини ҳар томонлама кучайтиришга қаратилган бир қатор таклиф ҳамда тавсиялар билдирилган.*

***Калит сўзлар:** таълим, илм-фан, юридик таълим, замонавий таълим, малакали кадр, таълим-тарбия, стратегия, илмий тадқиқот, илмий ихтисослик, номенклатура, илмий раҳбар, ёш олим, этика.*

Сўнги йилларда мамлакатимизда ўқув-педагогик жараёнга инновацион илғор ва халқаро таълим стандартларини жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва профессор-ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, шунингдек таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашни назарда тутадиган юридик таълим тизимини такомиллаштириш бўйича бир қатор аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислоҳотлар муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасига бевосита боғлиқдир. Уни юксалтириш учун эса халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнига масъулият билан ёндашиш талаб этилади.

Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш ва мунтазам ислоҳ қилиб бориш, илмий-интеллектуал ҳамда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш,

илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида, Президентимиз томонидан 2020 йил **“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”** деб номланди ва соҳани ривожлантиришга оид қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, 2020 йил 29 октябрда қабул қилинган **“Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”**да қуйидагилар назарда тутилди:

илмий ташкилотларнинг илмий-инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган миллий рейтинг тизимини жорий этиш;

илм-фанда ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантириш орқали давлат ва илмий ташкилотлар ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш ҳамда унинг доирасида лойиҳаларни амалга ошириш;

2025 йилга қадар илм-фанга йўналтириладиган жами маблағларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улушини 6 бараварга, 2030 йилгача эса 10 бараварга ошириш;

2025 йилга қадар илм-фанни умумий молиялаштириш ҳажмида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига хусусий сектор томонидан ажратиладиган маблағлар улушини амалдаги 8 фоиздан 20 фоизга, 2030 йилгача эса 30 фоизга етказиш;

инновацион ишланмалар ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида хорижий етакчи инвестиция компаниялари билан ҳамкорликда 2021 йилда 2 та, 2025 йилда 10 та венчур жамғармаларини ташкил қилиш;

илмий ташкилотлар тадқиқотчиларининг ўртача ёшини 2025 йилга қадар 45 га, 2030 йилгача эса 39 га етказиш.

Шунингдек, 2020 йилга мўлжалланган давлат дастури ижроси бўйича илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш, нуфузли хорижий чет эл университетлари билан ҳамкорликда олиб бориладиган илмий-тадқиқот ва илмий ишланмалар сонини оширишга қаратилган амалий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бундан ташқари, 2021 йилда мамлакатимиз таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини такомиллаштириш, жамиятимизда ўқитувчи ва педагог ходимлар, илмий ва ижодкор зиёлиларга бўлган ҳурмат-эътиборни янада ошириш, ўқувчиларнинг касбий маҳоратини ривожлантириш, тизимда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрда **“Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги 6108-сон Фармони қабул қилиниб, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

мамлакат тараққиёти учун янги ташаббус ва ғоялар билан майдонга чиқиб, уларни амалга оширишга қодир бўлган, интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларини тайёрлаш, таълим ташкилотлари битирувчилари замонавий касб эгалари бўлишлари учун уларда зарур кўникма ва билимларни шакллантириш;

дунё миқёсидаги бугунги кескин рақобатга бардош бера оладиган миллий таълим тизимини йўлга қўйиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини замон талаблари асосида такомиллаштириш, уларнинг янги авлодини яратиш, ўқув дастурлари ва стандартларини оптималлаштириш;

таълим-тарбия муассасаларининг раҳбар ходимлари, педагог ва мураббийлари, профессор-ўқитувчилари ва илм-фан соҳалари вакиллариининг жамиятимиздаги ўрни ва мақомини ошириш, уларнинг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш ва фаолият самарадорлигига қараб моддий рағбатлантириш;

педагог ходимларнинг касбий маҳорати ва фаолият самарадорлигини мунтазам ошириб бориш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, малака ошириш тизимини “ҳаёт давомида ўқиш” тамойили асосида такомиллаштириб бориш; илмий-тадқиқот ва таълим хизматларини кўрсатиш бўйича хусусий секторнинг салмоғини кенгайтириш, ҳудудларда нодавлат таълим ташкилотларини ташкил этиш орқали рақобат муҳитини

шакллантириш, таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда таълимни бошқаришни автоматлаштириш ва ҳар томонлама таҳлил қилиб бориш тизимини яратиш, электрон ресурслар ва масофавий таълимни янада ривожлантириш, таълим олувчилар ўртасида IT-соҳасидаги касбларни оммалаштириш;

илм-фанни иқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш, илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, иқтидорли ёш олимларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш, мавжуд илмий ташкилотлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

таълим тизимига юқори самарали халқаро амалиётни жорий этиш, республика таълим ташкилотларини нуфузли халқаро рейтингларга киритиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш.

Бунинг мантиқий ва узвий, оддий қилиб айтганда туганмас давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги **“2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”**ги ПФ-60-сон Фармони ва ушбу фармон билан тасдиқланган **“2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”** да ҳам илм-фанни ривожлантириш, бир қатор соҳалар бўйича тадқиқот ишлари сифати ва кўламини ошириш белгиланди.

**Хусусан, 7 та йўналишда 100 та мақсадни қамраб олган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси” да:**

– замонавий таълим стандартларини кенг жорий этган ҳолда малакали кадрларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ҳамда илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш;

– инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун барча йўналишларда кенг имкониятларни яратиш, тадқиқотларни ва инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий қилиш;

– Олий таълим муассасаларида олиб борилаётган илмий изланишларни амалиёт билан уйғунлаштириш.

ИХТ, ИРСИКА, АЙСЕЕСКО, ЮНЕСКО каби дунёнинг нуфузли халқаро ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари ва университетлари билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва бошқалар.

Стратегиянинг **“Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”** номли 2022 йилда амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш кўрсатиб ўтилган.

**Жумладан, 2022 йилда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш белгиланган:**

– талабаларга амалиёт ўташ, илмий-тадқиқот ва инновация марказларини ташкил этиш, илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ишларни тизимлаштириш, илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишларини ривожлантириш;

– республика ҳудудида клиник тадқиқотларни ривожлантириш ҳамда клиник базаларни жаҳон стандартлари асосида модернизация қилиш;

– геология соҳасида замонавий таълим стандартларини кенг жорий этган ҳолда малакали кадрларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ҳамда илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш;

– водород энергетикаси технологиялари соҳасида умумий қиймати 10 млрд сўмлик илмий-тадқиқотларни ташкил этиш;

– археология объектларини муҳофаза қилишни ва илмий тадқиқот ўтказишни кучайтириш бошқалар.

Миллий юридик таълимнинг самарадорлигини ошириш, юқори малакали мутахассис-ҳуқуқшуносларни тайёрлаш ва мамлакатда юридик илм-фанни ривожлантириш, жумладан, юридик илмий тадқиқот ишларини ҳар томонлама кучайтириш учун бир қатор таклиф ҳамда тавсияларни билдириб ўтмоқчимиз.

**Биринчидан,** юридик фанда илмий ихтисосликларни умумлаштириш ва кенгайтириш масаласи бўлиб, бунини Бош прокуратура Академияси бошлиғи ўринбосари, ю.ф.д. профессор

М.М.Мамасиддиқов анча вақтдан буён бонг уриб таъкидлаб келмоқдалар<sup>1</sup>.

Хусусан, айна вақтда жамиятдаги ижтимоий муносабатлар тез ва шиддат билан ривожланмоқдаки, ушбу муаммоларни илмий тадқиқот нуқтаи назаридан тор ихтисосликлар доирасида кўриб чиқиш ва муносиб позицияни шакллантириш, қонунчиликни такомиллаштиришга ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига оид таклифларни ишлаб чиқиш имконсиз бўлиб қолмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда биргина юридик фан тармоғининг ўзида 14 та ихтисослик мавжуд бўлиб, ихтисосликларнинг кўплиги диссертация тадқиқоти мавзуларининг тор доирада бўлишига, соҳалараро, тармоқлараро ёндашувлар мавжуд бўлмаслигига, ҳуқуқ соҳалари ўртасида “тўсиқ” пайдо бўлишига ва уларни бир-биридан чегаралаб қўйишга, диссертация мавзуси комплекс бўлганда эса иккита ихтисослик бўйича ҳимояни ташкил этишга олиб келади. Бу каби “тор” ёндашув, таҳлил қилинаётган масалаларни, уларнинг ўзаро боғлиқлигини инобатга олмаган ҳолда бир тарафлама, хато англашга олиб келиб, оқибатда эса, тадқиқот ишида ижтимоий ҳодисаларнинг моҳиятига нафақат нотўғри баҳо берилиши, балки қонунчиликни такомиллаштиришга оид хато таклифларни илгари сурилишига сабаб бўлади.

Шундай экан, профессор М.М.Мамасиддиқовнинг фикрларини тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда, Олий аттестация комиссияси ҳузуридаги Эксперт кенгаши ҳамда бутун илмий жамоатчилик олдида янги илмий ихтисосликларнинг номенклатурасини ишлаб чиқиш масаласи долзарб ҳисобланади.

Шу мақсадда, масалан, юридик фанда илмий ихтисосликларни умумлаштириш ва уларни қўйидаги бешта муҳим йўналишга ажратиш таклиф қилинади:

- Назарий-тарихий юридик фанлар;
- Оммавий-ҳуқуқий (давлат-ҳуқуқий) фанлар;
- Хусусий-ҳуқуқий (цивилистик) фанлар;

<sup>1</sup> Мамасиддиқов М.М. Юридик илмий кадрларни тайёрлаш ҳамда фанни ривожлантириш (Бош прокуратура Академияси мисолида). “Нуқуқ ва Вирч” журнали. 2021 йил, 10-сон, 8-11-бетлар.



**- Жиноий-ҳуқуқий фанлар;**

**- Халқаро-ҳуқуқий фанлар йўналиши.**

Худди шу каби бошқа илмий ихтисосликларни ҳам мазмун ва қамровини инобатга олган ҳолда умумлаштириш масаласини кўриб чиқиш зарур.

Ўз навбатида муайян фан тармоғининг (тармоқларининг) тегишли ихтисосликларини умумлаштириш ва кенгайтириш тадқиқотчиларга қўшимча имкониятлар эшигини очади, ихтисослик доирасида чегараланиб қолмай, масалани комплекс, ҳар томонлама тадқиқ этиши учун “тадқиқот майдони” яратилади.

Шунда аксарият диссертациялар ҳимояси пайтида айтиладиган “иш қизиқарли, лекин ихтисослик шифрига мос келмайди” деган эътирозларга ўрин қолмайди.

**Иккинчидан**, илмий ишлар олиб борилаётган ихтисосликларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилган ҳолда умумий ҳисобда сон жиҳатидан умумий ўрта ҳисобдан кам кўрсаткичда бўлган ихтисосликлар бўйича илмий ишларнинг ҳимоя қилиш жараёнини тизимли қадам-бақадам ўрганиб, паст кўрсаткич бўлишига олиб келган аниқ сабабларни аниқлаш ҳамда мавжуд муаммоларни тезлик билан бартараф этиш лозим.

Масалан, бизда юридик ихтисосликдаги **“Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи”**, **“Коррупция муаммолари”** ихтисосликлари бўйича диссертация ҳимоялари ихтисослашган кенгашлар йўқлиги сабабли камлиги аниқланиб, аниқ режа асосида уларни кўпайтириш белгилаб олинди.

2021 йилда Бош прокуратура Академияси докторантлари томонидан юқоридаги соҳалар бўйича бир қанча диссертациялар ҳимоя қилинди, бу йил ҳам ҳимояга чиқувчилар сезиларли даражада ошиб бормоқда.

**Учинчидан**, талабга жавоб бермайдиган диссертациялар бўйича унинг талабга жавоб бериши ҳақида хулоса берган илмий раҳбарнинг, шунингдек расмий оппонент ва етакчи ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, шунингдек, диссертация ва аттестация ишларини эксперт кенгашларида кўриб чиқиш жараёнида

аниқланган камчиликлар ҳақида илмий кенгашларни хабардор қилиб бориш тартиби жорий этилиши керак.

ОАК ҳузуридаги эксперт кенгашлари томонидан билдирган хулосалар, тавсияларни умумлаштириш ва диссертантларга ОАКнинг расмий сайти орқали мунтазам маълум қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш зарур.

**Тўртинчидан,** фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишга шароит яратиш мақсадида республикамиздаги олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари билан ишлаб чиқариш ташкилотлари, давлат органлари ўртасидаги алоқаларни кучайтириш, бир сўз билан айтганда, ёш олимларга меҳнат бозорига кириш учун қулай шароит яратиш лозим.

**Бешинчидан,** диссертация ва бошқа тадқиқотларини амалга ошириш жараёнида ўзаро ҳурмат, масъулиятни ҳис қилиш, ишончлилик ва ҳалоллик тамойилларини рўёбга чиқариш мақсадида, **“Илмий тадқиқотларнинг этика қоидалари”**ни ишлаб чиқиш вақти келди. Ушбу қоидалар кўчирмакашлик, уйдирма ва қалбакилаштириш каби салбий ҳолатларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутди.

Юқорида келтириб ўтилган таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши илмий тадқиқотларнинг сон ва сифат жиҳатидан янада ошишига ҳамда мамлакатимизда илмий салоҳиятли кадрлар тайёрлаш ишларининг янада такомиллашишига хизмат қилади.

**ARIPOVA AZIZA  
XASANOVNA**

Toshkent davlat yuridik universitetining Ixtisoslashtirilgan filiali Umumta’lim fanlar kafedrasini mudiri, filologiya fanlar nomzodi

## **YURIDIK KADRLARNING UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANTIRISH TIZIMIDAGI MASALALAR MOHIYATI**

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada yuridik kadrlarning uzluksiz kasbiy rivojlantirish tizimidagi masalalar mohiyati ko’lami, o’ziga xos xususiyatlari ochib berilgan. O’zbekistonda va xorijdagi yuridik kadrlarni tayyorlashning institutsional xususiyatlari yoritilgan.

**Kalit so’zlar:** yuridik kadrlar, tayyorlash bo’yicha milliy tizimlar, tahlil, kasbiy yondashuv, turli usullar, kasbiy bilimlar, kasb egalarining to’liq avtonomiyasi, huquqiy ta’lim, yuridik soha.

Bugungi kunda oliy ta’limning e’tiborini jalb qiladigan muhim masalalaridan biri – bu yuridik sohada kadrlarni tayyorlash muammosi sanaladi. Mazkur mavzuga qiziqish nafaqat sohaning ta’sir doirasidagi professional yoki akademik hamjamiyat vakillari tomonidan namoyon bo’lmoqda, balki bevosita davlat va fuqarolik jamiyatining eng muhim obyekti hisoblanmoqda. Bu, birinchi navbatda, mamlakatimizda bugungi kunda yuridik sohani isloh qilish bo’yicha rejalashtirilgan va amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar tufaylidir. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 29-apreldagi PF-5987-sonli “O’zbekiston Respublikasida yuridik ta’lim va fanni tubdan takomillashtirish bo’yicha qo’shimcha chora-tadbirlar to’g’risida”gi Farmonida<sup>1</sup> qayd etilganidek, mamlakatda o’quv-pedagogik jarayonga innovatsion ilg’or va xalqaro ta’lim standartlarini joriy etish, kadrlar salohiyatini oshirish, shuningdek yuridik ta’lim tizimini takomillashtirish bo’yicha bir qator aniq chora-tadbirlar amalga oshirildi. Shu bilan birga, milliy yuridik ta’limning

<sup>1</sup> O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 29-apreldagi PF-5987-sonli “O’zbekiston Respublikasida yuridik ta’lim va fanni tubdan takomillashtirish bo’yicha qo’shimcha chora-tadbirlar to’g’risida”gi Farmoni <https://lex.uz/docs/-4802181>

samaradorligi yuzasidan yuqori malakali mutaxassis-huquqshunoslarni tayyorlash va mamlakatda yuridik fanni rivojlantirishga intilish, huquq sohasidagi ilmiy tadqiqotlar natijalarini amaliy jihatdan joriy etish, o‘qitishning ilg‘or uslublaridan keng foydalanish, shuningdek, zamonaviy talablarni inobatga olgan holda ta‘lim standartlarini modernizatsiyalash va o‘quv dasturlarini qayta ko‘rib chiqish muhim masalalar sirasiga kiritilgan.

Bugungi kunda yuridik xodimlarning kasbiy mahorati, professional kompetensiyasi uchun yuridik yo‘nalishdagi oliy ta‘lim muassasalaridagi ta‘lim zaruratida yaqqol ko‘rinadi. Masalan, Angliyada yurist uchun universitetdagi bilimlar doirasi ish faoliyatiga yetarli hisoblansa, mamlakatimizdagi ta‘lim tizimida va hatto, qayta tayyorlash tizimidan so‘ng yuridik mutaxassislik doirasi mukammal hisoblanmaydi. Sababi, yuridik kompetensiyasi hali to‘liq mavjud bo‘lmaydi va kasbiylikni tavsiflash uchun umumiy olgan bilimlari yetarli sanalmaydi. Chunki OTM faqat nazariy bilimlarga asoslanib, amaliyotdan ancha yiroq bo‘ladi<sup>1</sup>.

So‘nggi yillarda O‘zbekistonda yuridik kadrlarni tayyorlash masalasi dolzarb sanalib, muhokamalarga sabab bo‘lmoqda. Zamonaviy tadqiqotchilarning fikricha, yuridik yo‘nalishdagi institutsional kasblarning ahamiyati pasayib, ko‘p hollarda tashkilotlardagi faoliyati oldinga chiqqan. Ayniqsa, huquqiy doirada emas, balki jismoniy shaxslar bilan bog‘liq sohalarda amaliyotchi huquqshunoslar “professionallik” bo‘yicha ajralib turishadi.

Huquqiy ta‘limning rivojlanishi davlatlarning institutsional va tarixiy sharoitlari bilan ham mustahkam bog‘langan.

O‘zbekistonda yuridik ta‘lim oliy ta‘lim islohotlarini amalga oshirishda muhim rol o‘ynaydi va shuning uchun bu tizim dolzarbligi doirasida aktualdir.

Yuridik kadrlarni tayyorlash bo‘yicha milliy tizimlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, universitetlarda kasbiy yondashuvning turli usullari mavjud. Masalan, kasbiy bilimlarni qanday, qayerda va kimga o‘rgatishda – kasb egalarining to‘liq avtonomiyasini ko‘rish mumkin. Unda huquqiy ta‘lim

---

<sup>1</sup> Т.Бочаров, А.Дмитриева Юридическое образование в России и за рубежом: между университетом, профессией, государством и рынком. М., Норм, 2021, с.112 // Т.Bocharov, A.Dmitriyeva Rossiya va xorijda yuridik ta‘lim: universitetlararo, kasblararo, davlatlararo bozor talabi. М., Norm, 2021, 112 b.

mazmunini o‘zlari belgilaydigan kasbiy tashkilotlarga qarashli maktablarda olib boriladi va ta’lim, dars beradiganlarning xususiyatlariga qarab yo‘naltiriladi<sup>1</sup>.

Kirish testlari doirasi ham yuridik sohadan yiroq bo‘lib, bu holat hatto yakuniy imtihonda ham kuzatiladi. Amaliyotga daxldorlik negadir uzilib qoladi – hatto fanlar doirasida. Bir tomondan, bu holat kasbiy ta’limni qanday tashkil etish bo‘yicha universitetlarning avtonomligini ochib bersa, boshqa tomondan yuridik sohada kadrlarni tayyorlash muammosi har bir OTMda ikki qutb o‘rtasidagi turli gibridd variantlarni namoyish etadi. Albatta, har bir yuridik sohada universitetlarda ta’lim yurisprudensiyaga yo‘naltirilgan bo‘lishi mumkin, lekin amaliyotda bir xil standartlar qabul qilinmagani va sohaviy tayyorgarlikda yo‘nalish bir xil bo‘lmagani sababli – nazariy bilim bir xil bo‘lgani bilan ko‘nikma farqlanadi.

Keling, yuridik sohani rivojlantirish bo‘yicha muvaffaqiyatli loyihalarning klassik variantlarini ko‘rib chiqamiz. Masalan, Angliya, Frantsiya, Germaniya va AQShda uch asosiy mezon – amaliyotga yo‘naltirilgan kasbiy kompetensiya, universitetlarning huquqiy ta’limni nazorat qilishdagi ishtiroki va tom ma’nodagi tayyor mutaxassis. Bu uch mezon sohaviy barcha OTMlar uchun umumiy va universitetlarda 2002-yilda umumiy qonun qabul qilingan. OTMlararo huquqiy ta’lim chegaralarini biroz kengaytirdi, masalan, ixtisoslashtirilgan yuridik ta’limga ruxsat berildi. Ammo bu qonun tub islohotlar olib kelmadi.

Germaniya Boloniya jarayonida ta’limning xalqarolashuvi va turli ta’lim tizimlari va ayniqsa erkin mehnat bozori talablari o‘rtasida murosaga kelish zarurati bilan ajralib turadi. Nihoyat, huquqiy tizimga Germaniyadagi ta’limning xususiylashuvi ta’sir qilishi mumkin, ammo hozirgacha bu jarayonlarning ta’sirini baholash qiyin. Shunday qilib, hozirgi kunda Germaniyada professional yurist bo‘lish jarayoni 8-10 yilni o‘z ichiga oladi<sup>2</sup>.

Shults ta’kidlaganidek, “butun yuridik hamjamiyatda kuchli soha vakili bo‘lish uchun bir yo‘nalishdagi OTMlar ta’limi birlashtiruvchi

<sup>1</sup> O‘zbekistonni rivojlantirish strategiyasi. Fuqarolik jamiyati. Majmua. TMI, 2018, 77b.

<sup>2</sup> Шепелева О. (2019) Юридическое образование и подготовка юристов: что может подсказать зарубежный опыт? // Закон. 9: 65—74. // Shepeleva O. (2019) Yuridik ta’lim va huquqshunoslarni tayyorlash: xorijiy tajriba nimadan dalolat berishi mumkin? Qonun.9: 65 - 74.

ta'sirga ega bo'lishi kerak. Jamiyatda soha ta'limini bir xil yo'nalishda tizimlashtirishning yana bir omili shundaki, faqat bir dastur kuchli mutaxassis tayyorlashda yaxshi natija ko'rsatishi mumkin”.

Shuning uchun, Yevropada qiyosiy tahlil huquqiy ta'lim bilan bog'liq. Hatto, Sharqiy Yevropada huquqiy ta'lim G'arbiy Yevropadan farqlanadi. Chunki, Sharqiy Yevropada haddan tashqari dogmatizm va formalizm sotsializm davridan meros bo'lib qolgan. Ushbu mamlakatlarda yangi o'qitish texnologiyalari ildiz otgan bo'lsa-da, asosiy o'qitish usullari, islohotdan oldingi davrdagi ma'ruzalar va o'qitiladigan fanlar kesimida. Ayrim universitetlar hanuzgacha haqiqiy hayotdan yiroq. Masalan, Chexiyada yuridik ta'lim sohasidagi vaziyat o'ta keskin farqlanadi. Kontinental Yevropa institutsional muhiti muqarrar ravishda kirib kelgan bo'lsa ham, sotsiologik tafakkur bo'rttirilgan huquqiy pozitivizmidan iborat.

Hozirgi kunda huquq fani va huquqiy ta'lim juda katta qat'iylikni talab qilmoqda. Islohotlar boshida G'arbiy Yevropa mamlakatlari uchun umumiy sanalgan standartlarni qabul qilish jarayoni asos qilib olinib, universitetlarda yangi dasturiy kompetensiyalar joriy qilinmoqda.

Yevropa integratsiyasi natijasida, muqarrar ravishda mamlakatlarda ta'lim o'zgardi. Yevropa Ittifoqiga kirish yuridik sohaga qo'yiladigan talablarga sezilarli ta'sir ko'rsatdi: qonunlar isloh qilindi.

Asosiy huquqiy qadriyatlar va tamoyillarni tushunish yanada muhimroq bo'ldi.

Shunday qilib, islohotning beshta asosiy yo'nalishi belgilab o'tildi:

- 1) mustaqil yurisprudensiyani yaratish;
- 2) ta'lim standartlari orqali yuridik kadrlarni to'liq professionallashtirish;
- 3) huquq o'qituvchisining mustaqil mutaxassis sifatidagi mavqeini mustahkamlash;
- 4) sof yuridik fanlarni o'qitish va qonun ustuvorligi tamoyillari;
- 5) yuridik fakultetlarning yuristlarning malakasini oshirish bo'yicha jamiyat so'rovlarini hisobga olish.

Biroq, barcha huquqiy sohada islohotning ushbu yo'nalishlarini amalga oshirishda Yevropa modellarini osongina o'zlashtirmadilar. Misol uchun, Boloniya tizimiga ko'ra, sohaviy bakalavr va magistr tayyorlanadi.

Tadqiqot vaqtida ba’zi universitetlar kechki yuridik ta’lim modelini ham qabul qilib, mutaxassis tayyorlashga o’tdi.

Polsha Boloniya jarayoniga moslashishi va o’quv dasturlarini modernizatsiya qilishida biroz muvaffaqiyatga erishdi. Milliy tizimni yaratishda malaka va “ta’lim natijalari” ga yo’naltirilgan ta’limga yondashuv - Polsha yuridik ta’limini boshqa Yevropa ta’lim tizimlari bilan tezroq birlashishiga imkon berdi.

Polsha huquqiy ta’limining muhim “bloklari” quyidagilardir:

1) dars beruvchilar: bilimlarni uzatish bilan shug’ullanadigan kafedralar va o’qituvchilar;

2) o’qitiladigan narsalar: o’quv dasturlari va o’qitish texnologiyalari;

3) nimalarni tadqiq qilmoqdalar: ilmiy faoliyat va huquqshunoslikning bilim sohasi sifatida rivojlanishi.

Umuman olganda, har bir soha rivoji uchun - dunyoda oliy ta’limining akademik harakatchanligiga ko’proq e’tibor qaratish lozim.

Akademik harakatchanlik deganda sohaviy yo’nalishdagi har qanday o’zgarish tushuniladi: bir universitetdan boshqasiga o’tish, ilmiy faoliyat yo’nalishini o’zgartirish, sohada kadr almashinuvi va ilmiy faoliyatda birgalikdagi tadqiqotlarni amalga oshirish<sup>1</sup>.

Oliy ta’limida akademik harakatchanlikni rivojlantirish sohaviy o’sishga xizmat qiladi.

Zamonaviy davlatchilikda ta’lim standartlari kompetentsiyaga asoslangan yondashuvni hisobga olgan holda ishlab chiqiladi. Yuridik mutaxassis kasbiy faoliyatning turli darajalarida malakali mutaxassis qiyofasida shakllanadi.

Kompetentsiyaga asoslangan yondashuv o’qitish amaliyotini o’zgartirishni talab qiladi. Ko’p fanlar o’zgardi va amaliy mashg’ulotlar foydasiga auditoriya vaqtining nisbati va ma’ruza soatlari qisqaradi. Sababi – yuridik kadr amaliyotda tajriba orttiradi.

Masalan, standart asosida huquqshunoslik mutaxassisligi bo’yicha bakalavriat bitiruvchisi ega bo’lishi kerak bo’lgan umumiy kasbiy kompetentsiyalarning quyidagi toifalarini belgilash mumkin:

---

<sup>1</sup> Хьюз Э. Ч. (2012). Профессии // П. Романов, Е. Ярская-Смирнова (ред.). Антропология профессий: границы занятости. М.: ЦСПГИ. 31—46. // Хузуз Е.С. (2012) Касблар // Р. Романов, Е. Ярская-Смирнова (таҳр.). Касблар антропологияси: бандлик chegarasi. М.: SSPGI. 31-46.

- huquqiy tahlil;
- huquqiy muammolarni hal qilish;
- ekspertiza;
- huquqni talqin qilish;
- huquqiy asoslash;
- yuridik xat;
- kasbiy etika;
- axborot texnologiyalari.

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash lozimki, bugungi islohotlar – sohaviy asosda kelgusida o‘z samarasini beradi. Yuridik ta’lim va fan tizimini tubdan takomillashtirish, ularning xalqaro ta’lim maydonidagi raqobatbardoshligini ta’minlash, yuridik kadrlar tayyorlash sifatini oshirish, shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasida belgilangan vazifalar ijrosini ta’minlaydi.



<b>ХОМИДОВ ЭЛДОР ОЛИМОВИЧ</b>	Ўзбекистон хавфсизлиги бошлиғининг фанлари бўйича	Республикаси университети ўринбосари, фалсафа доктори	Жамоат кафедра юридик (PhD)
<b>ОЛИМЖОНОВ ХУШНУДБЕК МАХАМАДСАЛИМ ЎҒЛИ</b>	Ўзбекистон хавфсизлиги доценти, фалсафа доктори	Республикаси университети юридик фанлари (PhD)	Жамоат кафедра бўйича

### **ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИК ВА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИНИНГ АМАЛИЁТГА ТАДБИҒИ САМАРАДОРЛИГИ МУАММОЛАРИ**

***Аннотация:** Мақолада ҳуқуқшуносликка ихтисослашган олий таълим ва илмий муассасалар олимлари томонидан инновацион ҳамкорлик ва илмий тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши самарадорлигини ошириш муаммолари хусусида фикр юритилган.*

***Калит сўзлар:** инновация, илмий тадқиқот, олий таълим, илмий муассасалар, юридик фанлар, инновацион ҳамкорлик, номзодлик диссертацияси, докторлик диссертацияси, илмий кенгаш, эксперт кенгаши.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги<sup>1</sup> фармонида мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш; жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон; // <https://lex.uz/docs/5841063>

манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш; фуқароларнинг қадр-қиммати ва эркинлигини самарали ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш каби вазифалар белгилаб берилди.

Қўйилган мақсадга эришиш учун Юртбошимиз асарларидаги жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш каби вазифаларнинг ижросини таъминлаш ва амалиётга татбиқ этиш юридик фанлар бўйича илмий-тадқиқотларни самарали олиб бориш ва ривожлантиришни, етук малакали юридик кадрлар тайёрлашни сифат томонга такомиллаштиришни тақозо этади. Ҳуқуқ соҳасидаги илмий тадқиқотлар инновацион корпоратив ҳамкорликда олиб борилса, кўзланган пировард мақсадларга эришиш самарадорлиги янада юқори бўлади.

Мамлакатимизда бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>1</sup> Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қарорларида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан мониторингни йўлга қўйиш ҳамда инновацион ҳамкорликни ривожлантириш, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион корпоратив ҳамкорлигини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар изчил тарзда амалга ошириб келинмоқда.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси билан биргаликда ишланган қонунчиликни ривожлантиришга қаратилган истиқбол чора-тадбирлар режасига кўра Ўзбекистон Республикаси Кодекслари, амалдаги қонунлари, Олий суд Пленуми қарорларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ва

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарори //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2018 й., 06/18/5399/1018-сон; 19.06.2020 й., 06/20/6011/0780-сон, 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон; // <https://lex.uz/ru/docs/1372342>

янги қонун лойиҳалари тайёрлаш ишлари тизимли равишда олиб борилмоқда.

Мамлакатимизнинг ҳуқуқшуносликка ихтисослашган олий таълим муассасаларида мутахассислик кафедраларининг етук профессор-ўқитувчилари, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилари, катта илмий ходим-изланувчиларидан иборат инновацион гуруҳлар ташкил этилган бўлиб, улар томонидан мунтазам равишда ўқув дарсликлари ва қўлланмалари, амалдаги қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича қонун лойиҳалари, амалдаги Кодекс ва қонунларга шарҳлар тайёрланмоқда.

Кўпгина ҳуқуқшуносликка ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари кафедраларида инновацион гуруҳлар томонидан шакллантирилган ягона ахборот базаси асосида магистрлик, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори ва докторлик диссертациялари мавзулари базаси шакллантирилган, шунингдек, давлат идоралари, корхоналар манфаатларидан келиб чиқиб, улар билан шартнома асосида амалдаги қонунларга шарҳлар тайёрлаб бериш амалиёти йўлга қўйилган. Масалан, шундай гуруҳлар томонидан сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан шартнома асосида Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги, “Табиий монополиялар тўғрисида”ги ва “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларига шарҳлар тайёрлаб берилди.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази билан тузилган шартнома асосида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 70 йиллигига бағишланган туркум рисоалар чоп этилди. Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига биноан юридик йўналишдаги коллежлар учун дарслик ва Марказий сайлов комиссиясининг буюртмаси асосида сайлов қонунчилигини кенг аҳоли ўртасида тарғиб этишга бағишланган рисоалар тайёрланди ва кўплаб қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва бошқа давлат органларига юборилган таклифларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан инобатга олинмоқда.

Бугунги кунда ҳуқуқшуносликка ихтисослашган олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Конституциявий суди, Адлия вазирлиги қошидаги илмий, эксперт ва маслаҳат кенгашлари аъзоси ҳисобланади. Ушбу муассасаларнинг етук олимлари ҳозирда тайёрланаётган Жиноят Кодекси, Фуқаролик Кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексларни ишлаб чиқишда ва Жиноят-процессуал Кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қонун лойиҳасини тайёрлашда фаол қатнашмоқдалар. Мамлакатимизнинг ҳуқуқшуносликка ихтисослашган олий ўқув юртларининг етук малакали мутахассислари илмий, ўқув муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари учун малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Ушбу давлат муассасалари вакиллари стажёр-тадқиқотчи-изланувчи ва катта илмий ходим-изланувчи сифатида фаолият кўрсатиб, илмий изланишлар устида тадқиқотлар олиб бормоқда. Ушбу ўқув муассасаларида стажёр-тадқиқотчи-изланувчи, иқтидорли талабалар ва ҳамкор корхона вакиллари таркибидан иборат инновацион гуруҳлар шакллантирилиб, улар инновацион ғоялар устида иш олиб бормоқдалар.

Инновацион гуруҳлар томонидан нуфузли олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейлар билан шартномалар тузилиб, тайёрланган адабиётлар ушбу ўқув юртларига етказиб берилмоқда. Кафедраларда турдош корхона ва ташкилотлар муаммолари асосида намунавий мавзулар базаси амалиёт талабларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган, бу мавзулар мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, улар асосида магистрлик ва докторлик диссертациялари даражасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мутахассислик кафедраларида намунавий мавзулар асосида магистрлик ва докторлик диссертацияларининг мавзулари шакллантирилган ва ҳимоя қилинган диссертациялар натижалари амалиётга татбиқ этиб келинмоқда. Докторлик диссертациялари-

нинг долзарб мавзулари сирасига: мамлакатимизда демократик-ҳуқуқий давлат ҳамда эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларини ривожлантиришни ҳуқуқий таъминлаш, Ўзбекистонда парламентаризмни ривожланиш истиқболлари, Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, қонунларни либераллаштириш, жазо тизими ва уни такомиллаштириш, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга қарши курашнинг самарали ҳуқуқий воситаларини вужудга келтириш, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни халқаро стандартлар даражасига кўтаришнинг илмий асослари киритилган бўлиб, юқоридаги долзарб муаммолар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, ҳуқуқнинг янги тармоқлари – тадбиркорлик, ижтимоий ҳимоя, солиқ, меҳнат, хўжалик, божхона ҳуқуқи ҳамда халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида илмий-тадқиқотларни жонлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда кўплаб олий таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Инновация вазирлиги томонидан эълон қилинган фундаментал, амалий ҳамда ёш олимлар давлат гранти бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида давлат ва ҳуқуқнинг долзарб муаммоларига бағишланган монографиялар, рисоалар, конференция материаллари тўпламлари чоп этилиб, уларда суд-ҳуқуқий ҳамда қонунчилик тизимини такомиллаштиришга доир қатор таклифлар ишлаб чиқилмоқда ва давлат ҳокимияти олий органларига юборилмоқда.

Эътиборли томони шундаки, ушбу олий таълим муассасалари кафедраларининг ихтисослашувига мос замонавий корхоналар тўғрисида маълумотлар банки шакллантирилган бўлиб, у ҳар академик семестр бошланишида янгиланиб борилмоқда. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот Маркази, Ўзбекистон

Республикаси Савдо-саноат палатаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, Ўзбекистон Республикаси Банк ва молия академияси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бошқалар билан инновацион ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Мамлакатимизнинг ҳуқуқшуносликка ихтисослашган олий таълим муассасаларида иқтидорли талабалар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилиб, уларга тажрибали профессор-ўқитувчилар бириктирилган. Иқтидорли талабалар инновацион гуруҳ аъзолари ҳисобланиб, улар томонидан рисоалар, мақолалар чоп этилиб, инновацион ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда илмий-назарий конференциялар ўтказиб келинмоқда. Ушбу инновацион гуруҳ аъзолари учун барча шароитлар яратилган бўлиб, улар техника воситалари ва электрон ахборот ресурслари билан таъминланган.

Маълумки, илмий тадқиқотларнинг бугунги кундаги аҳамияти ва долзарблиги тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши билан белгиланади. Жумладан, докторлик ва фалсафа доктори диссертациялари асосида илмий монография, рисола, илмий мақолалар нашр қилиш амалиёти жорий қилинган бўлиб, олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида ўқув жараёнида фойдаланишга хизмат қиладиган дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуалар тайёрланмоқда ва улар ўқув жараёнига тадбиқ этилмоқда.

Амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар салмоғи эътиборга лойиқ, аммо ҳали қилинадиган, бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳам талайгина. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5847-сон Фармони<sup>1</sup>, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида”ги 967-сон Қарор<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5847-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4545884>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>1</sup> қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда биринчидан, докторлик диссертациялари мавзулари базасини бугунги кун янги ислохотлар талаблари асосида шакллантириш; иккинчидан, шакллантирилган мавзулар доирасида илмий тадқиқот ишлари олиб боришни йўлга қўйиш; учинчидан, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ва демократик ислохотларни, илфोर жаҳон тажрибаси ва илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг халқаро стандартларини ҳисобга олган ҳолда олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислох қилиш, шунингдек диссертация тадқиқотларининг сифати, илмий ва амалий аҳамиятини ошириш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этишига шароит яратиш мақсадида олий маълумотга эга бўлган, катта илмий ходим-изланувчилар институтида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган шахсларга тегишли фан йўналиши бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи ихтисослашган кенгашлар томонидан бериш; ҳамда ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчи сифатида расмийлаштирилган, «бакалавр» ёки «магистр» даражаси билан олий маълумотга, 3 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган, илмий изланишларга лаёқати мавжуд, белгиланган талабларга мос келадиган маълум бир илмий ютуқларга (ихтиро учун патентлар, илмий мақолалар, илмий-технологик ишланмаларда қатнашиш ва бошқалар) эга бўлган шахсларга ҳам юридик фанлар бўйича фалсафа доктори диссертациясини ҳимоя қилишга рухсат бериш амалиётини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

---

муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида”ги 967-сон Қарор // <https://lex.uz/docs/4628440>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 1-сон, 5-модда; 2017 й., 21-сон, 396-модда; 07.11.2020 й., 09/20/696/1481-сон. // <https://lex.uz/docs/2111824>

**ЮЛДАШОВ СОДИҚ  
ОҚБАЕВИЧ**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессори, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

## **БУГУНГИ КУНДА ПРОФЕССИОНАЛЛАШТИРИШГА ЭРИШИШ БЎЙИЧА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада Миллий гвардия бўлажак ходимларининг касбий маҳоратини шакллантириш йўллари, уларни шахсий йўналтирилган таълимини ташкил этиш, шунингдек ўқитиш талабларини қондириш борасида замонавий технологиялардан фойдаланиш усуллари таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** гвардия, миллий гвардия, профессионаллаштириш, модел, стереотип, технология, диалогик, дидактив, роликли, имитатсивий, рефлексли, коммуникатив, репродуктив, продуктив, муаммоли ўқиш, инвариант.

Профессионаллаштиришга эришиш муаммоси нафақат касбий маҳоратни эгаллаш, балки муҳим шахсий-касбий сифатларни (мақсад йўлида интилиш, тиришқоқлик, ташкилотчилик), интеллектуаль сифатларни ривожлантириш, шахсинг ижодий имкониятлари ва унинг маънавий такомиллашувининг очилишидир<sup>1</sup>.

Бошқача айтганда, ҳозирги глобаллашув шароитида Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг юқори ноаниқлик ва хавф-хатарга қарши тура оладиган, таваккалчилик қилишга қобилиятли, фикрлаш ва ҳаракат қилишга қодир битирувчисига талаб жуда катта. Нафақат фаолиятини тегишли нормативларга қатъий риоя қилган ҳолда ижро қилувчи мутахассис-бажарувчи, балки нормативда маъқулланган фаолият усули

<sup>1</sup>Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги //Постда, 2018 йил 13 январь, 3-сон;



доирасидан чиқишга қобилиятли, қўйилган мақсадга эришишнинг воситаларини мустақил ишлаб чиқадиган ва ўзида касбий воситаларни ривожлантиришга қобилиятли мутахассис-профессионал зарур<sup>1</sup>.

Буларнинг барчаси бир вақтда таълим муассасалари ўқитувчи ва инструкторлар таркибига алоҳида юқори талабларни қўяди. Улар “юқори касбий билимлар ва кўникмаларга эга бўлишлари, ҳозирги замон ўқув тарбиявий ишлар шакллари ва усулларини астойдил эгаллашлари, доимо ўзларининг педагогик ва касбий маҳоратларини оширишлари, илғор хорижий тажрибани эгаллашлари, хизмат бурчини сўзсиз бажаришда, интизомлиликда, юқори маданият ва маънавиятда наъмуна бўлишлари керак”<sup>2</sup>.

Адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида мутахассисларни касбий тайёрлаш босқичида шахсий-касбий ривожлантириш муаммоси етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Мавжуд адабиётларда сўз шахс ва субъект фаолиятини ривожлантиришнинг бутун жараёни тўғрисида эмас, балки махсус билим ва кўникмаларнинг шаклланиши ҳақида боради<sup>3</sup>.

Миллий гвардия бўлажак ходимларининг касбий моҳоратини шакллантириш масаласида изланувчилар ўртасида муаммонинг муҳимлигини эътиборга олиб, унинг модели асосий функционал белгиларини қуйидагича шакллантириш мумкин:

- аввало, у ўқувчининг шахсини ривожлантириши зарур, шунингдек унинг касбий фаолиятида зарур бўладиган билим, кўникма шаклланган бўлиши керак;

- таълим берадиган муҳит жамоавий муносабатларга касбий асосда қўшиладиган бўлажак мутахассисни тайёрлаши зарур (бу

<sup>1</sup> Ташматов Б. Янги нашрга оқ йўл //Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти ахборотномаси, 2018, 1- сон. - Б. 3;

<sup>2</sup> Раҳманов Ф.Э. Олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳарбий кадрлар тайёрлаш самарадорлиги ошириш йўллари //Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий-техник институти ахборотномаси, 2018, 1- сон. - Б. 108;

<sup>3</sup> Пулатов Ю.С. Професионал как целевая основа личностно-профессионального развития //Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маънавий-ахлоқий мероснинг ўрни: Республика илмий-амалий конференция материаллари (28 апрель 2015 йил). – Т.: ТОҲТБЮ, 2015. – Б.185-192;

вазифани ижрочиларидан бири ўзаро ҳамкорликнинг наъмунасини намоён қиладиган ўқитувчи (мутахассис) бўлиши керак);

- курсантнинг (тингловчи) ўқув фаолиятини тартибга солувчи ташкилий шакллар орқали таълим берадиган муҳит ҳулқ-атворнинг муҳим касбий стереотипларини ривожлантириши, касбий фаолият учун йўналиш яратиши керак;

- санаб кўрсатилган вазифаларни ҳал этишни олий таълимнинг фақат ўқитишнинг анъанавий ахборот усуллари билан амалга ошириб бўлмайди.

Ўқув амалиётига ўқитишнинг фаол усуллари ва шаклларини жорий қилиш ўқитувчидан курсантларнинг ўзлаштириш фаолиятини бошқариш ва ташкил этиш, нафақат ўқитиладиган фанни эркин ўзлаштириши, балки ўқиш натижаларига максимал эришиш мақсадида курсантларнинг ўзларининг руҳиятини билиши, муносабатларда зарур руҳий ишончни вужудга келтириши талаб этади.

Таълим муҳитида айтилган функционал белгилар табиий тарзда ўқув фанларини мазмунини қайта кўриб чиқиш ва йўналишларини ўзгартиришга олиб келади. Бу фанлар маълум даражада ривожланаётган касбий фаолият моделига қайта йўналтирилиши керак. Бу моделнинг мазмуни у ёки бу фанни ўрганишнинг ҳажми ва чуқурлигини тўла асослаб бериши зарур. Шу муносабат билан ўқитиш ва тарбиялаш технологияларини танлаш муҳим ҳисобланади.

Технология – бу қандайдир жараёнларни ўтказиш усули ва воситалари, шунингдек қайси бир объектда сифатли ўзгаришлар содир бўладиган бу жараёнларнинг ўзи ҳақидаги билимлар йиғиндисидир.

Шахсий йўналтирилган таълимни ташкил этиш билим, кўникма тўплаш мақсадида бўлмаган янги технологияларни эмас, балки ижодкорлик тажрибасини доимо бойитишни; ҳар бир ўқувчи шахсини ўзини ўзи ташкил қилиш ва ўзини ўзи амалга оширишни талаб этади.

Шахсий касбий таълимга йўналтирилган технология – бу шахсни ривожлантиришга қаратилган, касбий педагогик вазиятлар

натижаларини ташхислаш ва башорат қилишга эришишни асбобий таъминловчи, индивидуал фаолият стилини ривожлантириш жараёнида ўқувчилар ва педагоглар ўзаро ҳамкорлигида ўқитишнинг ягона шакли ва усулларини мувофиқлаштиришни ташкил қилувчи ҳаракатлар ва жараёнлар йиғиндисидир<sup>1</sup>.

Ушбу тушунчада:

- шахсни ривожлантиришнинг мақсадли кўрсатмалари;
- таълим мазмунининг бўлажак касбий фаолиятга мослиги;
- ўқувчиларнинг субъектив тажрибага таяниши;
- ўқитишнинг ягона шакли, усули ва воситаларини мувофиқлаштириш;
- ўқувчилар ва педагогларнинг ўзаро ҳамкорлиги;
- педагогик фаолиятнинг индивидуал стили таъкидланяпти.

Шахсий йўналтирилган ўқитиш талабларини қондиришнинг каттагина даражасига тегишли технологияларга ўқитишнинг диалогик усули: гуруҳли суҳбатлар, ижтимоий-касбий вазиятларни таҳлил этиш, диалогик маърузалар тегишли бўлади.

Сўнги йилларда шунингдек шахсий йўналтирилган ўйинли технологиялар: дидактик, ўйинли, роликли, имитациявий ва бошқа ўйинлар кенг тарқалди. Шахсий йўналтирилган таълимнинг мақсади шунингдек турли хилдаги тренинглар: рефлексли, коммуникатив кўникмаларни ривожлантириш, касбий ўзини тутиш ва бошқаларга жавоб беради. Умуман, шахсий йўналтирилган таълимнинг технологиялари таълим муҳитини яратишга қаратилган бўлиши керак.

Бўлажак касбли шахсни ривожлантиришда ўқитишнинг фаол усуллари асосий роль ўйнайди. Ўқитишнинг фаол усулларига ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини рағбатлантирувчи, уларнинг билимларини кўпайтириш ва амалий кўникмаларни эгаллаш жараёнида мустақил изланадиган барча воситаларни киритиш мумкин. Шунинг учун ўқитишни фаол ва пассив усулларга бўлишнинг

---

<sup>1</sup> Зеер Э.Ф. Психология профессионального образования: Учебное пособие. - 2-е изд., перераб. -М.:Изд-во Московского психолого-социального института; Воронеж: Издательство НПО «МОДЭК», 2003. - Б. 299;

асосида тафаккурнинг икки усули: репродуктив (яратувчилик) ва продуктив (ижодкорлик) усуллари намоён бўлади<sup>1</sup>.

Тушунарлики, ҳар қандай ижодий фаолият – бу фаол жараён бўлиб, лекин у ёки бу усулларни қўллаш жараёнида билим ва кўникмани кўпайтиришда унинг иштироки фаоллигининг даражаси турли хилдир. Таълимнинг ахборот усули деб номланадиган тури репродуктив билимларни туғдиради. Улар шахснинг ижодий кудратини шакллантиришга қаратилмаган.

Жамоат хавфсизлиги университети амалиётида қўлланиладиган курсантларнинг (тингловчилар) ижодий фаоллигини ривожлантириш усулларида баъзиларини батафсилроқ кўриб чиқамиз. Ўқишнинг бу фаол усуллари фундаменталь таълим ҳисобланган олий таълимнинг зарурий тамойилларига асосланади. Фақат ушбу тамойилни таъминлаш орқали таълим ва иқтисодиётда рўй бераётган ўзгаришларга ёш мутахассисларни қизиқтиришнинг энг яхши кафолати бўлган ва ўзгараётган илмий-техника тараққиётини тезлаштириш талабларига мослашишга қобилиятли кенг доирадаги мутахассисларни тайёрлашни амалга ошириш мумкин.

Тизимли-фаолиятли ёндошувда фундаментлаштириш фаолиятнинг предмети жиҳатларини очишда амалга оширилади. Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари (ходимлари) дуч келадиган борлиқни кенгайтириш ва мураккаблаштириш таълимни умумий методологияси ва усулларига мажбурий таяниш, объектлар ва бўлажак касбидаги ҳодисалар ҳақида умумлашган тасаввурлар вужудга келишига олиб келади.

Бошқа томондан касбий таълим касбий ўқишсиз мумкин эмас, яъни ўқитишнинг йўналиши бўлажак касбий фаолият ва унинг барча даражадаги ўқув фанларига бўйсинуви орқали мутахассисларни тайёрлашни кучайтириш мумкин.

Айнан мақсадли йўналиш атрофлича тайёрлашни таъминлаш ва мустақил ижодий фаоллик даражасини ошириш ҳолати сифатида ўқишни фундаментлаштириш ва ихтисослаштиришни бирлаштириш

---

<sup>1</sup> Андреева Л.В. Формирование профессионального самосознания юристов в условиях деятельностной образовательной среды: Дисс. ... канд. псих. наук. – Казань: КГУ, 2000;

олий ўқув юртларидаги ўқиш босқичида бўлажак мутахассисларни мақбуллашган касбий ривожланишини таъминлайди.

Ўқишни фундаментлаштириш ва ихтисослаштириш муаммоси ўзаро боғлиқ бўлади: агар мутахассисликни ихтисослаштириш ўқитишда курсантларнинг ўзларини фаолият кўрсатишга жалб қилиб материалларни предметли баён қилишга эътибор қаратишни назарда тутса, фундаментлаштиришда эса предмет соҳасининг ўзини қайта қуриш – ўрганилаётган объектлар ва жараёнлар ҳақида хусусий маълумотлар очишни чуқурлаштиришни назарда тутати.

Муаммоли ўқиш – бу ўқиш предмети моҳиятини ўқувчиларнинг ўзлари томонидан очиш имконияти тақдим этилгандаги таълим олиш жараёнида фаолиятли ёндошувнинг намоён бўлишидир. Олий таълим муассасаларида муаммоли ўқишнинг ўзига хос хусусияти ўқувчиларнинг ўқув ишларининг барча турлари ва бўғинларига муаммоли усулларни, ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолияти жараёнларининг моҳиятини тўла ва бир хилда бериш, уларнинг “субъект-субъектлик” муносабатлар доирасидаги ўзаро фаоллиги сифатида диалогик муаммоли ўқиш тушунчасига киришни киритиш зарурлигини вужудга келтиради.

Муаммоли ўқишда ўзи учун воқеалар, жараёнларга бориш бўйича йўл очишга имкон берадиган фикрлашнинг анъанавий, репродуктивлик характерини ўрнини махсулот бериш эгаллайди. Муаммоли ўқиш ўқувчилар олдида ечилмаган масалалар, мустақил ҳал қилиш учун муаммоларни қўйиш мақсадида ташкил этилади.

Ўқитишнинг асосий муаммоси муаммоли вазиятларни, инсонда ўзлаштиришга, янги билим ёки фаолият услубини очишга эҳтиёж туғилиши мумкин бўлган қийинчилик вазиятини яратиш ҳисобланади. Муаммоли вазиятни яратиш учун ўқитувчи курсантларда (тингловчиларда) ўзига хос психологик қийинчиликлар келтириб чиқарадиган ва фикрлаш фаолиятини уйғотадиган илгари ўзлаштирилган билим ва вазифалар ўртасидаги қарама-қаршилиқдан фойдаланади.

Қарама-қаршилиқлар қуйидагилар ўртасида бўлиши мумкин:

1) янги вазифаларни ҳал этиш жараёнида, яъни иски билимлар ва янги фактлар ўртасида вужудга келадиган мавжуд билимлар тизими ва янги талаблар ўртасида;

2) вазифаларни назарий йўл билан ҳал этиш ва амалиётда амалга ошириш имконияти ўртасида;

3) вазифаларни бажариш натижаларига амалда эришиш ва ўқувчиларда назарий асосларнинг йўқлиги ўртасида;

4) мавжуд билимлар ва улардан воқеликларни таҳлил қилишда фойдаланиш қобилияти ўртасида;

5) қарорни танлашда умумий ёндошув ва шаклланган шароитларни ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда аниқ ягона тўғри қарор чиқариш имкони ўртасида ва бошқалар.

Муаммоли ўқиш билан бирга курсантларнинг (тингловчилар) ўзлаштириш қобилиятларини ривожлантиришда алоҳида ўринни дастурий ўқитиш ташкил этади. У ўқитиш жараёни самарадорлигини оширади, ўқувчиларда мустақил тайёргарлик ишлари ва уларнинг ўзлаштириш қобилиятларидан маълум даражада фойдаланишнинг ўсишига ёрдам беради. Техник воситаларни қўллаган ҳолда дастурий ўқитиш ёрдамида фикрлаш жараёнларини рағбатлантириш ва тезлатиш мумкинки, бу ўқитиш сифатини оширади, фикрлашнинг ўзлаштириш фаоллигини шаклланишига ёрдам беради<sup>1</sup>.

У курсантларда (тингловчилар) нафақат бир қатор интеллектуал сифатларни тарбиялаш имконини, балки инсоннинг ижодий фаоллигини ривожлантиришни рағбатлантирадиган кенг даражада ўзи ўқиш самарасига эришишга, яъни курсантда янги билимларни мустақил кўпайтиришга қобилиятини ва уларни амалий вазифаларни ҳал этишда қўллашга ёрдам беради. Бундан ташқари, дастурий ўқитиш жараёнида курсантларда (тингловчилар) интизомлилик, эътиборлилик, сарамжомлик, ташаббускорлик ва бошқа характерли белгиларни тарбиялаш имконияти рўёбга чиқади.

---

<sup>1</sup> Пулатов Ю.С., Базарова Д.Б. Некоторые вопросы совершенствования профессиональной подготовки кадров для правоохранительных органов в целях интеграции в систему правоохранительных органов зарубежных стран //Тергов жараёнида экспертиза тадқиқотларидан фойдаланишнинг назарий ва амалий муаммолари: Илмий-амалий семинар материаллари тўплами. –Т.:ТГЮУ, 2014. – Б. 25-30.

Масалан, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари (ходимлари) касбий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири чегараланган муддатлар билан боғлиқ вақтнинг етишмаслиги ҳисобланади. Бу Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларига (ходимларига) зарур бўлган “ақлнинг теранлиги” деб аталадиган сифатларни ривожлантириш, тез йўл топиш ва зарур ақлий ва жисмоний ҳаракатларни тез бажариш имконини беради.

Бундан ташқари, махсус техника воситаларини қўллаб, курсантларда (тингловчиларда) тез ва аниқ ишлаш қобилиятини ривожлантириш, тез ўзгарадиган шароитга йўл топиш қобилиятини ўстириш, муаммоларни мустақил ҳал этишни тарбиялаш, яъни касбий фаолиятда шубҳасиз муҳим роль ўйнайдиган сифатларни шакллантириш мумкин.

Инвариантлар тизими ҳам ўқитишнинг фаол усулига тегишлидир. Ушбу ҳолатда инвариантлар деганда, воқеалар ва жараёнларга тегишли топшириқларни бажаришга ягона ёндошув тушунилади. Кўпчилик ҳолатларда инвариант топшириқни ҳал этиш ягона умумлашган усули сифатида ҳаракат қилади. Усулларни ҳал этишнинг аҳамияти вазифаларни топишнинг ягона йўлининг ташқи фарқларидан қатъий назар уларнинг таҳлил этиш ва ҳал қилиш имконини беради. Бу ҳолатда ўқишнинг предмети уларнинг имкони бор усулларга мослиги нуқтаи-назаридан кўриб чиқилади ва у курсантларда ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги турли қонунийлик, ташқа ноўхшашликларни топиш дунёқарашини шакллантиради.

Инвариантларнинг тизимини ишлаб чиқиш аниқ битта ёки турли фанлар ўқув материалларининг ўзига хос хусусиятларидан қатъий назар турли ҳодисаларга тегишли жараёнлар, объектлар, кенг доирадаги масалаларни ҳал этишни кўриб чиқувчи ягона усулини қўллаш имконини беради. Ўқитувчи инвариантларни ишлаб чиқишда ўқитишнинг фаолиятли ёндошувини амалга оширишдан келиб чиқади, курсант инвариантлар базасида турли масалаларни ҳал этишда уларни қўллашни мустақил топиши мумкин.

Инвариантлар фақат амалда бўлади, қачонки улар қўллаш ва фойдаланишда ўқитишнинг қарама-қарши (вертикал бўйича) тамойилига ва у ёки бу усулни алгоритмлаш имкониятига жавоб

берса, алгоритмга биноан курсдан курсга курсантларнинг (тингловчиларнинг) янада кўпроқ мураккаб масалаларни ҳал этишда инвариантларни мустақил қўллаш қобилиятини кучайтириш имконини беради.

Иш ўйинлари ҳозирги вақтда бўлажак Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларига (ходимларига) зарур бўлган курсантларнинг ўзлаштириш фаоллигини оширадиган, уларда кўникма ва билимлар тизимини оширадиган универсал усул ҳисобланади. Бу усул касбий вазиятларда иккинчи даражалилардан муҳимларини ажратиш, муаммоларни шакллантириш, ҳар бир иштирокчида максимум шахсий ташаббусни ривожлантириш, психологик алоқа ўрнатишни билишни ўрганиш, шунингдек шахслараро муносабатлар тизимида ўз ўрнини англашни таҳлил қилишга ёрдам беради.

Ўйин мазмунининг асосий предметини ўйинчиларни вазиятга кириши ва уларнинг касбий ролини ўзлаштиришни таъминловчи аниқ шарт-шароитлар ва касбий фаолиятининг ўсишини белгиловчи муаммоли вазият ҳисобланади.

Касбий вазиятга назар қилиш қобилияти ва мулоқатларда ўзига рақибининг кўзи билан қараши Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси таълим муассасалари курсантларининг психологик маданиятининг зарурий эълементи ҳисобланади. Бегона башоратни ва у орқали бегона хулқ-атворнинг мақсадини олдиндан топиш қобилияти ўзаро тушунишнинг зарурий шартидир.



**РАДЖАПОВ АЗАМАТ  
ХУДАЙНАЗАРОВИЧ**

Тошкент давлат юридик университет  
мустақил изланувчиси

## **ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ**

***Аннотация:** Мазкур мақолада давлат органлари фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари таҳлиллар асосида ёритилиб, ушбу жараёнларни, шунингдек қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари сурилган.*

***Калит сўзлар:** очиқлик, шаффофлик, ахборот эркинлиги, очиқ маълумотлар, ҳисобдорлик, жамоатчилик назорати, электрон ҳукумат, расмий веб-сайт*

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари янада қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди, шунингдек, мазкур соҳани ривожлантиришни таъминловчи норматив-ҳуқуқий база яратилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборот олиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш, дунёда кечаётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни ривожлантириш демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шакллантириш жараёнларида нақадар аҳамиятли эканлигини англаган ҳолда, қуйидаги йўналишларни давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг муҳим устувор вазифалари сифатида кўрсатиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

**I. Давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш.**

**Биринчи.** Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатларини ҳамда давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга хизмат қилувчи бир қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Эндиги боқичда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги, «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги, «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги қонунларнинг, шунингдек, жамиятни ахборот билан таъминлашга тааллуқли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг меъёрларини унификациялаштирган ҳолда **Ўзбекистон Республикаси Ахборот кодексини қабул қилиш мақсадга мувофиқ.** Мазкур Ахборот кодексининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш мақсадида қўйидаги масалаларнинг қамраб олинишига эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

– Кодекснинг кўлланиш соҳаси сифатида нафақат давлат органлари ва ташкилотларининг марказий аппаратлари, балки уларнинг энг қўйи тузилмаларигача **татбиқ этилиши**, шунингдек, унинг шахсга доир маълумотлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашга доир ахборот турларига нисбатан **татбиқ этилмаслигини инобатга олиш;**

– Кодексда «давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги», «давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот», «очиқ маълумотлар», «Очиқ маълумотлар портали», «фойдаланиш чекланган ахборот», «расмий веб-сайт», «ахборот хизмати», «ахборотдан фойдаланувчи», «ахборот», «ахборот ресурси», «ахборот олиш ҳуқуқи», «ахборотнинг ҳуқуқий режими», «сўров», «машина ўқиладиган маълумотлар» каби муҳим **тушунчаларнинг мазмунини алоҳида моддада ифодалаш;**

– очиқлик ва шаффофлик (*Government should be transparent*), фуқаролик жамияти институтларининг иштироки (*Government should*

*be participatory*), длат органларнинг ўзаро ҳамкорлиги (*Government should be collaborative*) каби **халқаро тамойилларни акс эттириш;**

– **давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларининг ҳисобот ва ахборотини эшитиш**, унга кўра мансабдор шахслар давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан оммавий ахборот воситалари орқали, шу жумладан, матбуот анжуманлари, брифинглар ўтказиш йўли билан халқ олдида ахборот бериш, шунингдек, ўз фаолияти тўғрисида ўтказиш санаси ва вақти тўғрисида олдиндан хабардор қилган ҳолда савол-жавоб шаклида **жамоатчилик олдида ҳисобот бериш;**

– **очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини тасдиқлаш** ҳамда уларни янгилаб бориш тартиби ва муддатларини, масъул давлат органларини белгилаш;

– давлат органлари ва ташкилотларида очиқликни таъминлаш бўйича мониторинг ўтказиш, амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини ва натижадорлигини баҳолаш асосида **Очиқлик индекси юритилиши** ҳамда **эълон қилинишини ҳисобга олиш;**

– Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши **сессияларини жонли эфирга узатиш** (Буюк Британия, АҚШ, Россия ва бошқа давлатларда парламент ва ҳукумат йиғилишлари жонли эфирда узатилиши доимий равишда йўлга қўйилган<sup>1</sup>);

– давлат органлари ва ташкилотлари, улар **мансабдор шахсларининг** очиқликни таъминлаш соҳасидаги **мажбуриятларини ўрнатиш**, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги давлат органлари ва ташкилотлари **очиқ маълумотлар порталидаги маълумотларнинг** тегишли давлат органи ва ташкилоти фаолияти тўғрисидаги ахборот манбаси ҳамда **расмий маълумоти ҳисобланишини белгилаш;**

– чеклаб қўйилган ахборотлар, уларнинг рўйхати, шу жумладан, «хизмат доирасида фойдаланиш учун», «эълон қилинмасин» грифли ҳужжатлар, улардан фойдаланиш ва маълумотларни бундай

<sup>1</sup> <http://online-television.net/3338-bbc-parliament.html>.

ахборотлар жумласига киритиш ҳамда чиқариш асослари, муддатлари ва тартиби;

– Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг ҳамда бошқа ушбу соҳада иштирок этувчи идораларнинг **ваколатлари доирасини аниқ белгилаб бериш**, шунингдек, **фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини** назарда тутиш;

– ахборотни эълон қилиш ва махсус порталга жойлаштириш устидан назорат, фаолияти очиқлигини таъминлашда юқори кўрсаткичларга эришган давлат органлари ахборот хизматлари раҳбарларини **рағбатлантириш**, фаолияти қониқарсиз деб топилганларини тегишли **жавобгарликка тортиш**, ахборотдан фойдаланувчиларнинг **ҳуқуқларини ҳимоя қилиш**, ҳуқуқлари бузилган тақдирда судга **шикоят қилиш тартиби** ҳамда ушбу ҳуқуқларни бузганлик учун **жавобгарлик масалаларини** ўз ичига олувчи алоҳида боб киритиш.

Бу соҳадаги қонунчилик ҳужжатларини кодекслаштириш борасида Россия Федерацияси<sup>1</sup> ва Тожикистон Республикасида<sup>2</sup> амалга оширилган ишларга эътибор қаратиш ўринлидир.

Ушбу Кодекснинг қабул қилиниши натижасида Ўзбекистоннинг бир қатор халқаро индекслар Жаҳон банкининг (*The World bank*) «Бошқарув сифати индикатори», «Статистик салоҳият индикатори», «The Economist Intelligence Unit»нинг «Демократия индекси», «Transparency international» ташкилотининг «Коррупцияни қабул қилиш индекси», «Жаҳон иқтисодий форуми»нинг (*The World Economic Forum*) «Иқтисодий эркинлик индекси» ва бошқлар) бўйича ўрнининг яхшиланишига эришиш имконияти яратилади.

<sup>1</sup> Концепция Информационного кодекса Российской Федерации / Под ред. И.Л. Бачило – М.: ИГП РАН – Изд-во «Канон+» РООИ «Реабилитация», 2014. – С.192 // Электрон манба: [http://www.igpran.ru/public/publiconsite/Conception\\_IC\\_compress.pdf](http://www.igpran.ru/public/publiconsite/Conception_IC_compress.pdf).

<sup>2</sup> <https://www.osce.org/ru/programme-office-in-dushanbe/501775>

**Иккинчи.** Таъкидлаш лозимки, 2020 йил 5 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–6079-сон Фармони билан «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси қабул қилиниб, унда давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Бироқ, бугунги кунга қадар давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга қаратилган махсус давлат дастурлари қабул қилинмаган.

Шуни инобатга олган ҳолда давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича Буюк Британия, АҚШ, Сингапур ва Европа Иттифоқи давлатларининг тажрибасини пухта ўрганган ҳолда алоҳида **«Давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш концепцияси»**ни қабул қилиш, унда аниқ муддатлар, мақсадлар ва вазифалар, халқаро рейтинг ҳамда индикаторлар бўйича эришилиши лозим бўлган аниқ мақсадли кўрсаткичларни ва уларга эришиш йўллари юзасидан вазирликлар ва идоралар томонидан амалга ошириладиган ишларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

**Учинчи.** Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлашга масъул бўлган ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузишда фойдаланиш учун тавсиявий характерга эга бўлган очиқликни таъминлаш соҳасида қонунчилик талабларини бузганлик учун интизомий ва бошқа жавобгарликни белгиловчи намунавий шартларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Зеро, ушбу талаб ходим билан иш берувчи ўртасида тузиладиган меҳнат шартномасида алоҳида банд сифатида назарда тутилса давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш учун бевосита масъул бўлган мансабдор шахсларнинг масъулияти янада ошиши мумкин.

**Тўртинчи.** Давлатимиз Раҳбарининг 2021 йил 16 июндаги ПФ–6247-сон Фармони билан Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати тасдиқланган.

Шунингдек, ушбу Фармоннинг 1-бандида Коррупцияга қарши курашиш агентлигига Адлия вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда таҳлиллар асосида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини янада кенгайтириш бўйича доимий равишда таклифлар киритиб бориш вазифаси юклатилган.

Шунга кўра, хорижий давлатлар, хусусан, АҚШ тажрибаси<sup>1</sup> асосида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбариятининг даромадлари, тегишли давлат органига республика бюджетидан ажратилган ва ўзининг бюджетдан ташқари жамғармасидаги маблағлар, шу жумладан, уларнинг сарфланиши тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг таркибий ҳамда ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, раҳбарлар ва ходимларнинг функционал вазифаларини **Очиқ маълумотлар портали ва расмий веб-сайтлар орқали эълон қилиб бориш** мақсадга мувофиқ.

**II. Давлат органлари фаолиятининг очиқлигини тامينлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларини янада ривожлантириш.**

Давлат органлари фаолиятининг очиқлигини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантириш, ушбу органлар фаолиятига холис баҳо бериш имкониятларини яратиш ва фаолиятининг очиқлигини кузатиб, мониторинг қилиб боришни таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг ривожланишига таъсир қилувчи омиллардан ҳисобланади. Шу боисдан қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда:

**Биринчи.** Тарафларнинг розилиги бўлган тақдирда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ, жамоат тартибини сақлаш, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, экология, йўл транспорт ҳодисалари, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, коррупция соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга оид ишлар бўйича **очиқ суд мажлисларини жонли эфирга узатиш** амалиётини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

<sup>1</sup> <https://www.whitehouse.gov/wp-content/uploads/2022/07/July-1-2022-Report-Final.pdf>.

Хусусан, АҚШда фақатгина суд мажлисларини тўғридан-тўғри жонли трансляция қилувчи бир қанча махсус телеканаллар мавжуд бўлиб, улар кун давомида энг баҳсли суд жараёнларини телевидение орқали ёритиб боради. (Бу борада АҚШнинг Провиденс шаҳри (Род-Айленд штати) судяси Фрэнк Каприо<sup>1</sup> кўпчиликка таниш). Ушбу тизимнинг йўлга қўйилиши бир тарафдан судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлашга хизмат қилса, иккинчи тарафдан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга ва жамиятда юриш-туриш қоидаларига бўлган ҳурматнинг ортишига хизмат қилади.

**Иккинчи.** Давлат органларида ходимларнинг ахборот билан ишлаш кўникмасини ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот хуружлари ҳамда зиддиятли вазиятларга тайёргарлик, медиасаводхонлик, очиқликни таъминлаш, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш маданиятини ошириш, ижтимоий тармоқлар билан тизимли ишлашни жорий этиш мақсадида ҳар бир идоранинг **PR-стратегиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш** таклиф этилади.

**Учинчи.** Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчилик талабларини ҳамда ахборотдан фойдаланувчи жисмоний ва юридик шахсларни доимий равишда ахборот билан таъминлаб бориш жараёнларида замонавий ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш, шунингдек, соҳага етук малакага эга бўлган кадрларни жалб этиш зарур ҳисобланади.

Мазкур чора-тағбирлар айрим ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан суст амалга оширилмоқда. Хусусан, аксарият маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларидаги маълумотларни шакллантириш, уларни сайтга жойлаштириш ва янгилаб бориш ҳолатлари талаб даражасида эмас.

Шунингдек, айрим маҳаллий давлат ҳокимияти органларида расмий веб-сайтлар ишламайди ёки ахборот хизматлари ташкил этилмаган ёхуд ахборот хизмати лавозимида битта ходим фаолият юритмоқда. Фикримизча, қайд этилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида *биринчидан*, **«Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби**

<sup>1</sup> <https://www.caughtinprovidence.com/about>.

тўғрисидаги намунавий низом»ни; иккинчидан, «Ахборот хизмати офисида мавжуд бўлиши мажбурий ҳисобланадиган техник воситалар, аксессуарлар ва дастурий таъминотлар рўйхати»ни тасдиқлаш мақсадга мувофиқдир.

**Тўртинчи.** Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базасида ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)) ёки мобил илова кўринишида давлат органлари ходимлари, шу жумладан, ахборот хизматлари ва кенг жамоатчиликнинг фойдаланишига қулай бўлиши учун **«давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш новигатори»**ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ушбу новигатор орқали очиқликни таъминлаш соҳасидаги барча қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг нормалари, схемалар, жадваллар ва бошқаларни топиш ҳамда фойдаланишда қулайликлар яратилади.

**Бешинчи.** Давлат органлари томонидан ҳар йили қабул қилинадиган Давлат дастурларининг ижроси юзасидан маълумотлар уларнинг расмий веб-сайтларида алоҳида-алоҳида эълон қилиб борилади, яъни улар ахборотдан фойдаланувчилар учун тарқоқ ҳисобланади.

Шуни инобатга олган ҳолда ҳамда ахборотдан фойдаланувчиларга қулайлик яратиш, Давлат дастурининг ҳар бир банди ижроси бўйича ягона жадвал кўринишида тўлиқ маълумот олишларига шароит яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан **Давлат дастури ижроси бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги умумлашган маълумотни (жадвални) Очиқ маълумотлар порталига жойлаштириб бориш** амалиётини йўлга қўйиш таклиф этилади.

**Олтинчи.** Фуқароларнинг туман ва шаҳар бюджетлари маблағларини шакллантириш жараёнларида фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадида «Ташаббусли бюджет» дастури жорий этилди. 2022 йил биринчи чорақда ўтказилган ташаббусли бюджетлаштириш жараёни натижалари бўйича фуқароларнинг 2 215 та таклифи ғолиб деб топилиб, ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун 1,1 триллион сўм маблағ йўналтирилди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 апрелдаги «Туман ва шаҳар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга



Ушбу лойиҳа бўйича овоз бериш жараёнларида эса 6,7 млн кишидан кўпроқ аҳоли иштирок этди. Ҳолиб деб топилган ташаббусларнинг 34 фоизи умумтаълим мактабларини таъмирлаш лойиҳалари бўлди<sup>1</sup>.

Ушбу жараёнларда фуқароларнинг иштирокини янада соддалаштириш ва уларнинг фаоллигини янада ошириш мақсадида «ochiqbudget.uz» порталида махсус «**Фуқаролар суҳбати**» ҳамда республика ва маҳаллий бюджет маблағларини тақсимлаш бўйича тавсия бериш учун «**OpenSpending**» саҳифаларини ташкил этиш таклиф этилади. Ушбу бўлимлар орқали аҳоли орасида долзарб ва кўп муҳокамаларга сабаб бўлаётган ҳамда молиялаштиришга муҳтожлиги юқори бўлган масалалар тўғрисида ахборот олиш орақли жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш ва бюджет маблағларини тақсимлашда эътиборга олиш имконияти яратилади.

Бундан ташқари, давлат органлари томонидан эълон қилинган ҳамда Очиқ маълумотлар порталига жойлаштирилган маълумотлар бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш, шунингдек, очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини кенгайтириш юзасидан таклифлар билдиришни жорий этиш мақсадида Очиқ маълумотлар порталида «**Фуқаролар суҳбати**»ни ўтказиш ҳамда «**Маълумотларни мустақил равишда тўлдириш**» имконини берувчи алоҳида саҳифа ташкил этиш зарур.

**Еттинчи.** Давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинган маълумотларнинг сифати, фойдалилиги ва долзарблигини **баҳолаш тизимини йўлга қўйиш** мақсадга мувофиқ. Ушбу тизимнинг йўлга қўйилиши давлат органлари мансабдор шахслари томонидан эълон қилинаётган маълумотлар бўйича жавобгарлиги ва масъулиятининг кучайтирилишига хизмат қилади.

**Саккизинчи.** Давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг янги амалий механизмларини жорий этишга қаратилган инновацион ғоялар ва дастурларни қўллаб-қувватлаш

---

йўналтириш жараёнларида фуқароларнинг иштирокини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПҚ–197-сон қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.04.2022 й., 07/22/197/0281-сон. // <https://lex.uz/docs/5945298>

<sup>1</sup> //www.gazeta.uz/uz/2022/04/04/initiative-budget/.

мақсадида ҳар йили «**Smart Government**» хакатон кўрик-танловларини ўтказиш ва «**Start-Up**»ларни кўпроқ ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, юртимизда давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишларни танқидий баҳолаш ва келгусидаги вазифалар бўйича фикр алмашиш мақсадида ушбу соҳада юқори тажрибага эга бўлган халқаро экспертлар (масалан, Эндрю Стотт – Буюк Британия Ҳукумати ҳузуридаги Жамоат ҳаёти стандартлари қўмитаси аъзоси, Джефф Каплан – Жаҳон Банки АКТ бўлими катта маслаҳатчиси, Ампаро Балливиан – Жаҳон банки Очиқ ҳукумат маълумотлари бўйича ишчи гуруҳ раҳбари<sup>1</sup>, Женнифер Шкабатур – очиқ маълумотлар бўйича Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки мутахассиси<sup>2</sup>) иштирокида **халқаро семинарлар ўтказиб бориш** таклиф этилади.

**III. Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш орқали давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш жараёнларини янада ривожлантириш.**

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги муҳим вазифалардан бири, бу – фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш орқали ҳар бир шахснинг ўз фуқаролик позициясини, жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуларини шакллантиришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш лозим.

Қайд этиш керакки, бугунги кунда қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи фуқароларнинг мамлакатда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан бефарқлиги сезилмоқда. Шу муносабат билан қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

**Биринчи.** Давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ҳамда ушбу органлар фаолияти бўйича кенг

<sup>1</sup> Жаҳон Банки расмий веб-сайти // <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2013/04/10/ulyanovsk-oblast-regional-government-launches-open-data-initiative-in-russia>.

<sup>2</sup> «Harvard» университетининг расмий веб-сайти // <https://ethics.harvard.edu/people/jennifer-shkabatur>.

жамоатчиликка ахборот етказиш мақсадида турли хил дастурлар, кўрсатувлар, роликлар, эшиттиришлар тайёрлаш ва уларни электрон оммавий ахборот воситалари (телевидения, радио, интернет) орқали эълон қилиб бориш керак. Бунда айниқса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги юзасидан статистик маълумотларни шу жумладан, келиб тушган сўровлар сони, ушбу органлар фаолияти очиқлигини таъминлашда йўл қўйилаётган камчиликлар хусусидаги маълумотларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бу орқали ахборотдан фойдаланувчилар давлат органлари фаолияти тўғрисида ахборот олиши ва ушбу органларга ахборот олишга доир сўров билан мурожаат этиш юзасидан тушунчаларга эга бўлишлари мумкин.

**Иккинчи.** Давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш юзасидан турли хил ўқув қўлланмалар, монографиялар, кўргазмали ва тарқатма материаллар, газета ва журналлар тайёрлаш ҳамда давлат органлари фаолияти очиқлигининг таъминланганлик даражасини шундай воситалар орқали мунтазам ёритиб бориш ишларини йўлга қўйиш даркор. Бу ҳам ўз навбатида аҳолининг очиқлик институти хусусидаги фикр ва мулоҳазаларининг шаклланишига хизмат қилади.

**Учинчи.** Давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича мамлакатимизда амалга оширилган демократик ислохотлар, ахборот олувчиларга яратиб берилган имкониятлар ва бу борадаги қонунчилик хусусида, шунингдек ахборот олувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат органларида ўтказиладиган очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш ва ушбу органларга сўров билан мурожаат қилиш тартиби тўғрисида жамоатчиликка маълумот беришга қаратилган тарфибот-ташвиқот ҳамда тушунтириш ишларини, шу жумладан, турли давра суҳбатларини ташкил этиш лозим. Бунда айниқса, давлат органлари вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ОАВнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш кутилган натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

**Тўртинчи.** Давлат органлари ва ташкилотлари учун ўз расмий веб-сайтида жойлаштирилиши мажбурий бўлган ижтимоий аҳамиятга эга маълумотларнинг намунавий шакллари ишлаб чиқиш ўринлидир. Бу давлат органлари ва ташкилотларида ўз расмий веб-сайтига ижтимоий аҳамиятга эга маълумотлар жойлаштиришда турли хил ёндашувларнинг олди олинишига хизмат қилади.

Юқорида қайд этилганларнинг барчасини умумлаштириб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини, ошкоралигини таъминлаш ҳамда жамиятни ахборотлаштиришнинг самарали механизмларини яратиш давлатимиз олдида қўйган улуғвор мақсадга эришишда ва амалга оширилаётган демократик ислохотларни муваффақиятини таъминлашда мустаҳкам омил бўлиб хизмат қилади.

**РАХМАНОВ АБДУМУХТОР  
РЕЖЖАББАЕВИЧ**

Тошкент давлат юридик университети  
Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари  
кафедраси доценти, юридик фанлар  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

## **ИСЛОМ ҲУҚУҚШУНОСЛИГИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ**

**Аннотация:** Ушбу тадқиқот инсон ҳуқуқлари ҳақидаги ҳозирги замон концепциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир ислом таълимотини уларнинг тушунчаси, моҳияти, манбалари ҳамда турлари нуқтаи назаридан ўрганиш ва тадқиқ этиш қайси ҳуқуқлар ва эркинликлар универсал эканлигини, қайсилари эса у ёки бу жамиятнинг хусусиятларини анъана, маданият, дин ва одатлар нуқтаи назаридан инобатга олиши мумкинлигини аниқлаш имконини беради. Мазкур анъана ва одатларнинг инсон ҳуқуқларини ҳам миллий, ҳам минтақавий даражаларда ҳимоя қилиш жараёнига таъсирини ҳам аниқлаш имкони мавжуд деган хулосага келиш мумкин.

**Калит сўзлар:** ислом ҳуқуқи, шариат, декларация, инсон ҳуқуқи, халифа, жабр-зулм, манфаат, имплементация, трансформация.

*“Азалий қадриятларимиз ва ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган муқаддас динимизни асраш ва қадрлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир. Ислому – ҳақиқатни англаш демакдир, у одамзотни эзгу амалларни бажаришга ундайди, ҳар биримизни яхшилик ва тинчликка чорлайди, ҳақиқий инсон бўлишни ўргатади”.*

**Ш. Мирзиёев**

Ислому таълимотига кўра, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари манбаи илоҳий манбадир. Инсон Оллоҳ томонидан яратилган мавжудотларнинг одамлар эса унга ва унинг талабларига

бўйсунилари шарт<sup>1</sup>. Ушбу қоида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқларига ёндашув билан Исломда инсон ҳуқуқларини тушуниш ўртасидаги асосий фарқлардан биридир.

Исломда инсон ҳуқуқлари, айниқса, шахс мақоми юридик фан соҳасида хорижий ва Ўзбекистон ҳуқуқшунос олимларини қизиқтириб келган ва ўрганилиб келаётган масалаларидан биридир.

Авваламбор, шуни таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқларининг умумназарий муаммоларига бағишланган илгари ўрганилган назарий тадқиқотлар халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликдаги масалаларнинг амалдаги ҳолати билан боғлиқ бўлган.<sup>2</sup> Ҳозирги вақтда ислом маърифатчилари илгари сурган қўйидаги ғоя устувор аҳамият касб этмоқда: инсон, агар у саводсиз ва билимсиз бўлса, эркин ҳам, масъул ҳам бўла олмайди. Эҳсон ва ихлос каби фазилатларга эга бўлиш билан бир қаторда, ҳақиқий мусулмон берган аҳдига вафодор бўлиши, вақтни қадрлаши, ҳаёт ва меҳнатда муайян ютуқларга эришиш учун зарур билим ва кўникмаларни ўзлаштириши лозим.

Ислом таълимотига кўра бурч ва ҳақ масаласида Қуръон ва суннадан асосан қўйидаги хулосалар келиб чиқади:

1) меҳнат қилиш жамият аъзосининг бурчидир;

2) ислом давлати меҳнат қобилиятига эга ҳар бир фуқарога мос келадиган иш бериши лозим;

3) меҳнаткашлар ўз меҳнатига муносиб ҳақ тўланишини ва нормал иш шароитини таъминлашни талаб қилишга ҳақлидирлар.

Шу билан бирга исломда инсон ҳуқуқлари бирдан-бир мақсад ҳисобланмайди, лекин ҳаётдаги муайян вазифаларни бажариш воситаси бўлиб хизмат қилади. Инсон ўзининг маънавий мавжудот эканлигини англаши ва жамият равнақи йўлида бунёдкорона меҳнат қилиши билан ҳайвондан фарқ қилади. Инсон Аллоҳнинг иродасига кўра унинг ердаги халифалари (ноиблари) ҳисобланади.

Инсонга яшаш ҳуқуқи у бундан бутун инсоният фойдаси ва

<sup>1</sup>Инсон ҳуқуқлари Парламент аъзолари учун қўлланма.-Т. Baktria press, 2019. –Б. 124.

<sup>2</sup>А. Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги, Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари Тошкент 2010 Олий ўқув юртлири учун дарслик – Б. 154.

равнақи йўлида фойдаланиши учун берилган. У ўз ихтиёрича эркин ҳаракат қилиши учун унга эркинлик ҳада этилган. Бироқ инсон Аллоҳ иродасига бўйсуниб йўлини танласа, у онгли равишда ҳаётининг ҳар бир лаҳзаси учун ўзига қўшимча масъулият юклайди.<sup>1</sup>

Ислом ҳуқуқида кишиларнинг ҳуқуқлари қуйидагича:

- 1) яшаш ҳуқуқи;
- 2) тенглик ҳуқуқи;
- 3) эркинлик ҳуқуқи;
- 4) эркин фикрлаш ҳуқуқи;
- 5) сиёсий эркинлик ҳуқуқи;
- 6) чет мамлакатларга чиқиш ва улардан бошпана топиш ҳуқуқи;
- 7) муносиб ҳаёт кечиришни таъминловчи меҳнат қилиш ҳуқуқи;
- 8) одил судлов ҳуқуқи;
- 9) қонун олдида тенглик ҳуқуқи;
- 10) ўз шаънини ҳимоя қилиш ҳуқуқи;
- 11) ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи;
- 12) никоҳ тузиш ҳуқуқи;
- 13) шахсий ҳаёт ва хавфсизлик ҳуқуқи;
- 14) ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан ҳимояланиш ҳуқуқи;
- 15) таълим олиш ҳуқуқи;
- 16) жабр-зулмга қарши норозилик билдириш ҳуқуқи;
- 17) сўз эркинлиги ҳуқуқи;
- 18) намойишлар ўтказиш эркинлиги;
- 19) виждон ва эътиқод эркинлиги;
- 20) диний туйғуларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи;
- 21) давлат ишларида иштирок этиш ҳуқуқи;
- 22) муносиб ҳаёт кечириш ҳуқуқи.

Қуръон ва ҳадисларда инсон ҳуқуқлари ҳақида кўплаб тўхталганлигини айтиш жоиз. Масалан: «(Эй мўминлар), сизларга нима бўлдики, Аллоҳ йўлида ва: «Парвардигоро, бизни эгалари золим бўлган бу шаҳардан озод қил ва бизга Ўз ҳузурингдан бир

---

<sup>1</sup>Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. — Т., 2012. — Б. 276.

дўст бергин, бизга Ўз ҳузурингдан бир ёрдамчи қилгин», деяётган эркаклар, аёллар ҳамда болалардан иборат бўлган бечоралар (ни озод қилиш) йўлида жанг қилмаяпсизлар?!» (Қуръон, Нисо сураси, 75-оят).<sup>1</sup>

Қуръон одамлар қалбини тўғри йўлга бошлаш учун нозил қилинган. Мулк, бойлик одамларга уларни синовдан ўтказиш учун берилган. Улар яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам хизмат қилиши мумкин. Аллоҳ марҳаматига сазовор бўлган одамлар тўплаган бойлигидан тўғри, яъни эзгу мақсадларда фойдаланишлари лозим. Шунини таъкидлаш лозимки, исломда шахснинг шаклланиши ва ўз қобилиятини намоён этишига монелик қилувчи жиҳатлар ва хусусиятлар, аввало, яшашдан мақсаднинг йўқлиги, ташаббуссизлик, ўз кучи ва имкониятларига ишонмаслик қораланади.

Шахс ҳақидаги исломий концепцияни ишлаб чиқишда инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, эркинликлари ва масъулияти муаммолари борган сари кўпроқ ўрин эгаллаб бормоқда.

“Агар инсон ҳаётига, шаъни ва мулкига ҳурмат сингари қадриятлар муқаддас ва бузилмас қадриятлар сифатида қаралмаса, – деб таъкидланади Эроннинг “Ислом садоси” журналида, – ҳеч қандай жамият маданий жамият деб ҳисобланиши мумкин эмас”.

Инсон ва бошқа тирик мавжудотлар ҳуқуқларига адолатли ва универсал исломий қарашнинг мавжудлиги ҳақидаги кейинги хулоса, хусусан, Қуръондан келтирилган қўйидаги оятни ўз ичига олган:

“Биз ўз пайғамбарларимизни ҳужжатлар билан юбордик ва улар билан бирга Китоб ҳамда одамлар адолатни барпо қилишлари учун мезон туширдик. Яна Биз темирни туширдик. Унда қувват ва одамлар учун манфаатлар бордир. Оллоҳ ўзига ва пайғамбарларига ғойибона ёрдам берадиган кишиларни билиш учун ҳам (темирни яратди). Албатта, Оллоҳ кучли ва қудратлидир” (Қуръон, Ҳадид сураси, 25-оят).

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласида фуқаролик жамиятининг шаклланиши, ҳуқуқий давлат ва бозор

<sup>1</sup> «Ҳикматлар – саодатга етаклар»: Ўн иккинчи китоб. Тузувчи ва таржимон: Анвар Аҳмад, Т.: - 2016й.-Б 164.



иқтисодиётининг барпо этилиши билан у ёки бу тарзда боғлайдиган тадқиқотчи-таҳлилчиларнинг катта фаоллиги сезилиб турибди.<sup>1</sup>

Сўнги ўн йилликлар мобайнида ислом дунёсида динимизнинг асосий қадриятларини умуминсоний ахлоқий идеаллар руҳида англашга ҳаракат кучайиб бормоқда. Масалан, жазоирлик машҳур олим ва публицист Али Малик ислом дунёсини бошқа мамлакатлар учун очиқ бўлишга, мусулмон бўлмаганлар билан фойдали музокара қилишга чақиради.<sup>2</sup> Унинг назарида, ислом принциплари, биринчи навбатда, маданий бирдамлик (ал-ваҳда ал-хадарийа) ва маънавийлик ғоясини, шунингдек, бошқа диндагиларга тоқат қилиш, диний фарқ ва бегоналашувни енгишга интилишни, қувғинга ҳам, камситишга ҳам, миллий кадр-қимматини ва фуқаролик ҳуқуқларини поймол этишга ҳам йўл қўймасликни ўз ичига олади.

Бундай қараш мусулмонлар орасида бутун дунё тарихий тараққиёти хилма-хиллигини, нотекислигини англаш ўзига йўл очиб боргани сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Энг асосийси, унинг ҳар бир оқими, жумладан ислом маданиятида намоён бўлган оқими ичидан боғлиқ бўлиб қолганлари билан ўзаро таъсир этиб туришини ва ўзининг маънавий меросига таянишини, унинг бирламчи принципларини дунёвий цивилизациянинг гуманистик, умуминсоний мазмуни билан мувофиқлаштираётганлигини тушуниш ўсиб бормоқда.

Кўпгина араб мамлакатлари конституцияларига биноан, ислом шариати – қонунчиликнинг асосий манбаидир. Бошқа конституцияларда улар қонунчилигининг манбаи исломнинг асосий принциплари эканлиги мустаҳкамланган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, араб давлатлари конституцияларига инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро битимларнинг нормаларини киритиш ҳақидаги масалани, назаримизда, инсон ҳуқуқларига доир халқаро стандартлар билан араб мамлакатларида амал қилаётган асосий қонунлар нормалари ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш

<sup>1</sup> Фуқаролик жамияти асослари: ўқув қўлланма/ А. Жалилов, У. Муҳаммадиев, Қ. Жўраев ва бошқ. — Тошкент, 2015, Б. 204.

<sup>2</sup> Янгиланаётган жамиятда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги: муаммо ва ечимлар мавзуидаги республика илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами – Тошкент: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020. – Б 196.

нуқтаи назаридан қўйиш лозим.

Шарқ мамлакатлари конституцияларининг кўпчилигида ушбу давлатлар ратификация қилган халқаро битимлар нормаларининг миллий ҳуқуқ нормаларидан устунлиги тўғрисидаги моддалар бор. Шарқ давлатларининг конституциявий ҳуқуқи миллий ҳуқуқда инсон ҳуқуқлари халқаро стандартларининг амал қилиш тартибини турлича белгилайди: бунда халқаро ҳуқуқнинг устунлигидан тортиб амал қилаётган инсон ҳуқуқларига оид битимларни уларнинг шариатга мувофиқлиги нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишгача бўлган фикрларни учратиш мумкин.

Буларнинг барчаси қуйидагиларни кўрсатади:

1) қарор топиб бўлган инсон ҳуқуқларига доир нормалар эътироф этилиши учун универсал битимларни кенгроқ ратификация қилиш лозим;

2) инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий битимларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

Аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги муаммосига алоҳида тўхтатиш жоиз. Ислом фикрида аёлларнинг оилавий муносабатлардаги ҳуқуқларини, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокини жиддий чеклаш назарда тутилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар шариатнинг эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқлилиги борасидаги қоидалари ўртасидаги фарқни Инсон ҳуқуқлари бўйича бир қатор конвенцияларни ратификация қилишдан бош тортилаётганлигининг сабаби қилиб кўрсатадилар.

Барча араб давлатларида ислом ҳуқуқшунослигининг аёллар ҳуқуқий ҳолатига доир нормалари амал қилади. Ушбу нормалар уларнинг конституцияларида ва аёлларнинг ҳуқуқлигига доир халқаро битимларни ратификация қилишга муносабатларида ўз ифодасини топди. Айнан шу жиҳатдан инсон ҳуқуқлари халқаро стандартларига риоя этиш, бир томондан, араб давлатларининг универсал ҳужжатларида иштирок этиши, бошқа томондан эса, минтақавий ҳамкорликнинг ривожланиши билан жиддий таъминланиши мумкин.

Шарқ давлатларининг конституцияларида яшаш, эркинликка ва шахсий дахлсизликка эга бўлиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш муаммоси

инсон ҳуқуқлари халқаро стандартларига мувофиқ ҳал этилган. Бунинг боиси кўп жиҳатдан шариат нормаларининг ушбу соҳадаги умум эътироф этган халқаро ҳуқуқий нормалар билан мос келишидадир.<sup>1</sup>

Умуман, араб давлатлари конституцияларида шахснинг энг оддий фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари анча даражада мустаҳкамланганлигини таъкидлаш лозим. Масалан, Сурияда 1953 йилда қабул қилинган “шахснинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги 59-сон қонун (1975 йилдаги 34-сон қонунда киритилган ўзгартишлар билан амал қилмоқда. Ҳозирги шароитда араб давлатларининг инсон ҳуқуқлари бўйича универсал битимларда кенгроқ иштирок этиши ва инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий ҳамкорлиги катта аҳамият касб этмоқда.

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларда инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш ҳамда уларни кафолатлаш бевосита кўрсатилган бўлишига қарамай, араб ҳукмрон доиралари иқтисодий, диний ва бошқа сабабларга кўра, араб юридик адабиётида таъкидланганидек, ушбу масалада етарли чоралар кўрмаяптилар ва бугунги кунгача аҳоли кўпчилигининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузиш ҳоллари юз бераётганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг фаолияти ҳам ана шу мақсадга хизмат қилиши керак.

Юқорида баён этилганлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Биринчидан, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро нормаларни имплементация қилиш учун энг муҳим чора – БМТ органлари ва конвенциявий органларнинг БМТ аъзолари бўлган, бинобарин, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига риоя этиш тўғрисидаги конвенция иштирокчиси бўлган давлатларда инсон ҳуқуқлари масаласини янада такомиллаштириш масаласини кўриб чиқиш лозим.

---

<sup>1</sup>Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. I жилд / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. –Т.: “Lesson press”. 2020. –Б. 250 .

Имплементация қилишнинг иккинчи халқаро чораси – БМТ органлари ва конвенциявий органларнинг жисмоний шахслар ва ноҳукумат ташкилотлар инсон ҳуқуқларининг бузилаётганлиги ҳақида берган шикоятларини кўриб чиқиш ва ушбу шикоятлар бўйича умумий тавсиялар қабул қилишдир.<sup>1</sup>

Иккинчидан, халқаро ва миллий ҳуқуқ – ўзаро боғлиқ бўлган ва ўзаро таъсир этадиган икки хил ҳуқуқий тизимлардир. Халқаро ҳуқуқ нормаларини давлат ички ҳуқуқига имплементация қилиш учун амалдаги миллий ҳуқуқга боғлиқ трансформация жараёни зарур. Имплементациянинг давлат ички нормалари инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳуқуқий нормаларни амалга оширишда ҳал қилувчи ўрин тутди.

Хулосаларимизга қўшимча сифатида айтиш мумкинки, замонавий ислом ҳуқуқи ўз аҳамиятини йўқотмаган ва ривожланишда давом этаётнагига гувоҳ бўламиз. Инсон ҳуқуқлари масалалари ислом ҳуқуқида асосий ўринлардан бирини эгаллайди ва албатта ушбу масалада ҳамкорлик қилиш ҳамда ривожлантириш масалаларини изчил давом эттириш даркор.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан халқаро конвенциялар нормаларининг қўлланилиши Амалий семинар материаллари тўплами. Александр Вашкевич ю.ф.н., Европа ижтимоий университет профессори Георгий Тугуши Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро эксперт Азамат Салаев “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” лойиҳаси раҳбари.- Тошкент – 2020-146 б.

**АТАНИЯЗОВ ЖАСУРБЕК  
КУРБАНБАЕВИЧ**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат  
хавфсизлиги университети Олий  
таълимдан кейинги таълим факультети  
докторанти

## **ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ ВА УНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада жаҳоннинг илғор мамлакатларида жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг жиноий-ҳуқуқий ва процессуал асосларини тартибга солишнинг амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Шунингдек мақолада хорижий давлатларнинг жиноий жавобгарликдан озод этишнинг миллий қонунчилигимизда назарда тутилмаган жиҳатлари комплекс равишда қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Тадқиқотда анализ, синтез, индукция, дедукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил каби методлар қўлланилган. Тадқиқот ишида илғор хорижий тажриба, илмий-назарий қарашлар ва тергов ҳамда суд амалиёти ўрганилган бўлиб, бунинг натижаси ўлароқ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** хусусий айблов, хусусий-оммавий айблов, жавобгарликдан озод этиш, жиноят иши қўзғатишни рад этиш, жиноят ишини тугатиш, иш юритишни истисно қилувчи ҳолатлар.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, ҳусусан ишни судга қадар юритув босқичида айблилик масаласини ҳал этмай туриб ишни тугатиш шу жумладан, ярашув муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини кенгайтириш зарурати ушбу ислоҳотларда алоҳида ўрин эгаллаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонга оид давлат дастурининг еттита устувор йўналишидан бири бўлган, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш йўналишида айнан 14-мақсад “Қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш” кўрсатиб ўтилган<sup>1</sup>.

Ҳуқуқ ижодкорлигида нисбатан ўхшаш қўшни давлатларнинг қонунчилигига мурожаат қилсак, **Тожикистон Республикаси** ЖКнинг 11-боби жавобгарликдан озод этувчи нормаларни ўз ичига олган бўлиб, унда миллий жинойт қонунчилигимизга ўхшаш бўлган жавобгарликдан озод қилувчи асосларни кузатишимиз мумкин. Фарқли жиҳатларидан ярашув тўғрисидаги ишларда, вазият ўзгариши оқибатида қилмиш ёки шахснинг ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишда фақатгина ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жинойтлар тоифаси учун қўлланилиши ва жавобгарликка тортиш муддатлари бўйича муддатларни белгиланишида тафовутлар мавжуд<sup>2</sup>.

**Тожикистон Республикаси** ЖПКнинг 3-боби жинойт ишлари бўйича иш юритишни рад этиш ва тугатиш учун асослар деб номланган бўлиб, тафовутлардан дастлабкиси бу – бобнинг номланиши ҳисобланади. Шунингдек, ушбу процессуал қонунчиликка кўра айблов ҳусусий, ҳусусий-оммавий ва оммавий турларга бўлинади, ҳамда айбловнинг ҳусусий ва ҳусусий-оммавий турларига кирувчи жинойт бўйича фақатгина жабрланувчи ёки унинг қонуний вакили томонидан берилган ариза асосида жинойт иши қўзғатилиши мумкин. ЖПКнинг жинойт иши юритилишини истисно

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. // <https://lex.uz/docs/5841063>

<sup>2</sup> Уголовный Кодекс Республики Таджикистан. Общая часть раздел IV. Освобождение от уголовной ответственности и наказания. Глава 11. Освобождение от уголовной ответственности. Статья 72-75. URL: [http://ncz.tj/system/files/Legislation/574\\_ru\\_0.pdf](http://ncz.tj/system/files/Legislation/574_ru_0.pdf)

қилувчи ҳолатларида – вафот этган шахснинг бирор-бир мақомда бўлишидан қатъий назар унга нисбатан юритилаётган иш тугатилиши лозимлиги, **гумон қилинувчи** ва айбланувчининг унга нисбатан ушбу асосларга кўра иш юритилиши рад этилиши ёки тугатилишига қаршилик қилган ҳолларда иш умумий тартибда олиб борилиши, иш юритилиши рад этилиши ёки тугатилишидан олдин мазкур шахсга қабул қилинаётган қарор асоси ва қарордан норози бўлган ҳолларда шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилиши, жавобгарликдан озод қилувчи асосларни (ҳатто ярашувни ҳам) нафақат суд, судья ва прокурор балки прокурорнинг розилиги билан суриштирувчи ва терговчилар ҳам қўллаши мумкинлиги миллий процессуал қонунчилигимиз билан асосий тафовутлардан саналади<sup>1</sup>.

Кўшни **Қирғизистон Республикаси** жиноят қонунига кўра жавобгарликдан озод этишнинг фақатгина 4 тури мавжуд, улар Қирғизистон ЖКнинг 59-62-моддаларда ўз аксини топган бўлиб, қонунчилигимизда назарда тутилган жавобгарликдан озод этишдан қуйидаги жиҳатлари билан фарқланади. Яъни қилмишнинг декриминаллаштирилиши, ярашув тўғрисидаги ишлар қисман рўйхат асосида ва барча ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар учун қўлланилиши, гуруҳ таркибида жиноят содир этган шахсларнинг ярашув тартибида жавобгарликдан озод этилмаслиги, иммунитетга эга бўлган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса ва у иммунитет мавжудлиги сабабли тўхтатилган бўлса, унда даъво муддати тўхтатилиши каби қоидалар шахсни жавобгарликдан озод қилувчи асосларда мустаҳкамланган<sup>2</sup>.

Қирғизистон Республикаси ЖПКда белгиланган қоидаларга мувофиқ, жиноий таъқибнинг ҳусусий-оммавий ва оммавий айблов турларига бўлиниши, ҳамда ҳусусий-оммавий айблов турларига ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят турлари киритилганлиги, мазкур айблов турида фақатгина жабрланувчи ёки вакилининг аризаси асосида жиноят иши қўзғатилиши, нафақат прокурор, балки терговчи ҳам жабрланувчи

<sup>1</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан от 3 декабря 2009 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 19.07.2022 г.

<sup>2</sup> Уголовный Кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года № 19. URL: <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111527> мурожаат санаси 24.08.2022 йил

ожиз ахволдалиги ёки бошқа сабабга кўра ўз ҳуқуқини химоя қила олмайди деб топса жабрланувчининг аризаси бўлмаган ҳолларда ҳам жиноят иши қўзғатиши мумкинлиги, жабрланувчининг жиноий таъқибда иштирок этиш ҳуқуқи алоҳида норма сифатида қайд этилган ва жиноят ишининг ҳар қандай босқичида айбловдан воз кечиши мумкинлиги, жиноят ишларининг юритувини истисно қилувчи норма яхлит битта моддада келтирилганлиги, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи, декриминализация ва жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган ҳолатларнинг иш юритишни тугатиш асосларида мавжудлиги, прокурорнинг айбловдан воз кечиши натижасида иш тугатилиши, жиноят процесси иштирокчилари ўртасида ўзаро ярашувга эришиш учун медиаторлар ёрдами билан ҳал қилишнинг ихтиёрий тартиби мавжудлиги, нормада айнан қайси асосларнинг реабилитацияга тегишли эканлиги алоҳида қайд этилиши каби жиҳатлари миллий процессуал қонунчилигимиздан фарқланади<sup>1</sup>.

**Қозоғистон Республикаси** жиноят қонунчилигида шахсни жавобгарликдан озод қилишни 65-71-моддалар назарда тутган бўлиб, бир қанча миллий қонунчилигимиз билан тафовутланувчи асослар мавжуд, яъни улар: зарурий мудофаа чегарасидан қўрқув ва аралашув орқали четга чиққан шахсни жавобгарликдан озод қилишни алоҳида тури мавжудлиги (66-модда), процессуал келишув шартларини бажарган шахсни жавобгарликдан озод қилиниши (67-модда), муқаддам ярашув билан жавобгарликдан озод қилинган ҳамда жавобгарликка тортиш муддатларида қайта жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги (68-модда 4-қисми), жавобгарликдан озод этилишнинг “шахсий кафиллик” тури мавжудлиги (69-модда), умумий жавобгарлик муддатлари ҳар бир тоифа жиноятлар учун алоҳида белгиланганлиги Қозоғистон Республикаси жиноят қонунининг ўзига ҳослигидир<sup>2</sup>.

Юқорида назарда тутилган жавобгарликдан озод қилувчи нормаларнинг процессуал тартиби **Қозоғистон Республикаси**

<sup>1</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 28 октября 2021 года № 129.

<sup>2</sup> Уголовный кодекс Республики Казахстан (с [изменениями и дополнениями](https://online.zakon.kz/) по состоянию на 03.09.2022 г.) <https://online.zakon.kz/>



**ЖПКнинг 32-33, 35-36-моддаларида** назарда тутилган бўлиб, унга кўра мамлакатимиз жинойт процессуал қонунчилигида назарда тутилмаган қуйидаги жиҳатлар мавжуд. Жумладан:

– норманинг алоҳида қисмда кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари ўтказиш зарурати туфайли қўзғатилган жинойт ишлар жабрланувчининг аризаси бўлмаган ҳолларда 3 сутка ичида тугатилиши белгиланган;

– жинойт ишларининг юритувини истисно қилувчи норма яхлит битта моддада (иш юритишни истисно қилувчи ҳолатлар) келтирилганлиги;

– қилмишнинг декриминализация қилиниши ёки Конституциявий суд томонидан квалификация таъсир қилувчи жинойт қонунни конституцияга зид деб топилиши иш юритишни тугатиш асосларида мавжудлиги;

– иммунитетга эга бўлган шахсни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги сўровни рад этилганда иш тугатилиши;

– давлат айбловчиси ва суд иш юритишни истисно қилувчи асослардан бири аниқланган ҳар бир ҳолда жинойт ишини тугатиш мажбурияти мавжудлиги;

– жабрланувчи ёки унинг қонуний вакилига жинойт иши тугатилганлиги тўғрисида хабар берилади ва мазкур қарор устидан прокурор ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги;

– айбланувчи ёки жабрланувчи қаршилик билдириши шахсий кафиллик билан жавобгарликдан озод қилишни истисно этиши асосий фарқланувчи жиҳатлар сирасига киради<sup>1</sup>.

**Туркменистон Республикаси** ЖКнинг 10-боб 70-74-моддаларида шахсни жавобгарликдан озод қилувчи нормалар келирилган бўлиб, унга кўра жинойтдан ихтиёрий қайтиш жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида қайд этилган, бунда жинойт гуруҳ таркибида ихтиёрий қайтишда ўзига ҳос жиҳатлар акс этган, шунингдек шахснинг амалда пушаймонлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилинишида жабрланувчининг даъвоси бўлмадлиги лозимлигини тақозо этиши, кодекснинг 72-моддасига кўра,

<sup>1</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 03.09.2022 г.)

фақатгина махсус қисмнинг 3 та моддасида назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган шахс жабрланувчи билан ярашса ярашувга асосан жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги назарда тутилган<sup>1</sup>.

**Туркменистон Республикаси** ЖПКнинг 3-боб 31 ва 33-моддаларида жиноий таъқибни истисно қилувчи ҳолатлар акс этган бўлиб, унга кўра жиноят ҳодисаси юз бермаганлиги, жиноят таркиби мавжуд эмаслиги ва бошқа жавобгарликдан озод қилувчи асослар яхлит битта нормада акс эттирилган. Кодексда вафот этган шахснинг бирор бир мақомда бўлишидан қатъий назар унга нисбатан юритилаётган иш тугатилиши мумкинлиги, бунда вафот этганнинг реабилитация қилиш ва янги ҳолатлар тергов қилиш билан боғлиқ вазиятларда йўл қўйилмаслиги лозимлиги, 33-моддада давлат айбловчиси ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят ишлари бўйича айбловдан воз кечган тақдирда жабрланувчи билан ярашувга эришилган тақдирда мансабдорлар томонидан жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш мажбурияти мавжудлиги Туркменистон жиноят процессуал қоидаларини ўзига ҳослиги ҳисобланади<sup>2</sup>.

**Россия Федерацияси** Жиноят кодекси 75-78-моддаларида шахсни жавобгарликдан озод қилиш асослари белгиланган ва унга кўра Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигидан фарқли равишда ярашувга кўра жавобгарликдан озод қилишда маълум жиноятлар рўйхати эмас, балки ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган барча жиноятлар тоифаси учун қўлланилиши, жавобгарликдан озод қилишнинг “етказилган моддий зарар қопланганлиги муносабати билан ва “суд жаримаси” тарзидаги алоҳида тури мавжудлиги мустаҳкамланган<sup>3</sup>.

**Россия Федерацияси** Жиноят-процессуал кодекси 20-28-моддаларида жавобгарликдан озод этиш тартиби белгиланган бўлиб, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, РФ ЖПКнинг 24-моддаси

<sup>1</sup> Уголовный кодекс Туркменистана от 12 июня 1997 года № 222-I (с изменениями и дополнениями по состоянию на 13.11.2021 г.)

<sup>2</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана от 18 апреля 2009 года (с [изменениями и дополнениями](#) по состоянию на 08.05.2022 г.)

<sup>3</sup> Уголовный кодекс Российской Федерации от 13 июня 1996 г. N 63-ФЗ

“иш юритишни рад этиш ёки тугатиш асослари” деб номланган бўлиб, нормага асосан иш қўзғатишни рад этиш ҳамда тугатиш билан боғлиқ барча муносабатларни қамраб олганлиги кузатишимиз мумкин. Кодексда нафақат жабрланувчининг аризаси бўлмаган ҳолларда балки ҳусусий айбловчи яъни жабрланувчининг судга узрли сабабларсиз келмаган ҳолларда ҳам тугатилиши мумкинлиги қайд этилган.

Шунингдек, гумон қилинувчини ишни тугатиш ҳақидаги қарорга қаршилик билдириши ишни умумий тартибда давом этишига сабаб бўлиши (27-модда), гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига жиноят иши тугатиш қарорининг барча ҳуқуқий оқибатлари ва унга эътироз қилиш ҳуқуқи тушунтириш мажбурияти, шахснинг амалда пушаймонлиги ва зарарни тўлаш билан жавобгарликдан озод қилишда шахс қаршилик билдирган ҳолларда ишни тугатишга йўл қўйилмаслиги (28,28.1-моддалари) мавжудлиги Ўзбекистон Республикаси ЖПКда назарда тутилган қоидалардан кескин фарқланади<sup>1</sup>.

**Озарбайжон Республикаси** ЖКнинг 72-75-моддаларида жавобгарликдан озод этувчи нормалар белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра шахснинг амалда пушаймонлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш фақатгина ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун, қолган ҳолларда фақатгина махсус қисм нормасида назарда тутилган ҳолларда қўлланилиши (72-модда), мулкка қарши жиноятлар учун жавобгарликдан озод этиш тури мавжудлиги унда белгиланган жиноятлар тоифасида жабрланувчига етказилган зарар қопланиши ва мазкур зарардан давлат фойдасига 25% ва 50% миқдорида пул маблағларини ўтказган шахслар жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги (73-1.-модда), иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликдан озод этиш тури мавжудлиги (73-2.-модда) ва гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноий жавобгарликдан озод қилиш (74-1.-модда) каби

<sup>1</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18 декабря 2001 г. N 174-ФЗ

жавобгарликдан озод этиш турлари мавжудлиги мазкур мамлакат жинойт қонунининг ўзига ҳос жиҳатлари ҳисобланади<sup>1</sup>.

**Озарбайжон Республикаси** ЖПКнинг 37-44-моддаларида иш юритилиши рад этилиши ва тугатилиши билан боғлиқ процессуал қоидалар белгиланган бўлиб, бошқа давлатларнинг мазкур қонун соҳасида учрамайдиган қоидалари бу – прокурорнинг алоҳида ҳолларда жинойт иши қўзғатиш ваколати рўйхат асосида келтирилганлиги, айнан қайси асосларнинг реабилитацияга тегишли эканлиги алоҳида қайд этилиши, судга қадар ва суд жараёнида иш юритишни истисно қилувчи ҳолатлар аниқланган ҳолларда иш юритишни тартиби алоҳида нормаларда белгилаб қўйилганлигидир<sup>2</sup>.

**Украина** жинойт қонуни жавобгарликдан озод этиш бўйича бошқа давлатларнинг қонунларига нисбатан бироз қаттиқроқ шаклда белгиланган бўлиб, қоида тариқасида жавобгарликдан озод этиш тартиби алоҳида нормада белгиланиб, унда жавобгарликдан озод этиш фақат суд томонидан амалга оширилиши (44-модда), ҳар қандай жавобгарликдан озод этиш турида шахс биринчи мартаба жинойт ҳуқуқбузарлик ёки эҳтиётсизликдан унча оғир бўлмаган жинойтлар содир этган тақдирдагина қўлланилиши ва бунда коррупцияга оид ва мастлик ҳолатида ЙТХ содир этган шахслар мустасно эканлиги, шахсни амалда пушаймонлиги, ярашувга кўра ва қилмишни ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги ҳолати юқоридаги тоифадаги жинойтни содир этган шахсларгагина қўлланилиши мумкинлиги (45-47-моддалар), жавобгарликдан озод этишнинг шахсий кафиллик шакли мавжудлиги (48-модда), бунда маълум шартларга кўра шахсни жамоага уни қайта тарбиялаш учун бериш шarti билан жавобгарликдан озод этилиши, мазкур шартларни бажарилмаслиги уни қайта жавобгарликка тортилишига

<sup>1</sup> Уголовный кодекс Азербайджанской Республики (утвержден [Законом](#) Азербайджанской Республики от 30 декабря 1999 года № 787-IQ) (с [изменениями и дополнениями](#) по состоянию на 22.06.2022 г.)

<sup>2</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики (утвержден [Законом](#) Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года № 907-IQ) (с [изменениями и дополнениями](#) по состоянию на 15.04.2022 г.)

асос бўлиши мазкур давлат жиноят қонунининг ўзига ҳос жиҳатларидир<sup>1</sup>.

Украина ЖПКнинг 24-боб 1-параграфида 284-моддасида иш юритишни рад этиш ёки тугатиш билан боғлиқ қоидалар белгиланган бўлиб, ярашувга кўра битим тузилиши ва ишнинг ҳар қандай босқичида мазкур битимга кўра жиноий таъқибни тугатиш мумкинлиги, битим тузилишида гувоҳ иштирок этиши мумкинлиги, шунингдек шахснинг жиноят содир этганлиги исботлашни имкони тугаган ҳолларни алоҳида ишни тугатиш асосларида мавжудлиги билан фарқланади<sup>2</sup>.

Германия Федератив Республикаси Жиноят кодекси 1871 йил 15 май куни қабул қилинган бўлиб, бугунги кунга қадар мазкур кодексга 200 дан ортиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган<sup>3</sup>. ГФР жиноят қонунида жавобгарликдан озод этувчи нормалар ўзга давлатларнинг қонунчилигидан фарқли равишда тизимлаштирилмаган ҳолда акс этган. Жумладан, ЖКнинг 33-§га кўра зарурий муҳофаа чегарасидан четга чиқиш мажбурий аралашув ёки қўрқув асосида амалга оширилган бўлса жавобгарликдан озод этилиши назарда тутилган бўлса, 24-§да жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ҳолати, гуруҳ таркибида жиноят содир этишни рад этиш ёки унинг ҳуқуқий оқибатларини олдини олиш 31-§да ва қолган барча жавобгарликдан озод этувчи нормалар махсус қисмининг алоҳида банларида назарда тутилган<sup>4</sup>.

Германия Федератив Республикаси жиноят процессуал қонунчилигида иш юритилиши рад этиши ёки тугатилиши билан боғлиқ бир қанча ҳолатлар кўзда тутилган. Жумладан, Германия Федератив Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигининг “Биринчи инстанция судидаги ишлар” номли иккинчи китобининг “Прокуратура” биринчи бўлими 153-§с.га мувофиқ, қуйидаги

<sup>1</sup> Уголовный кодекс Украины от 5 апреля 2001 года № 2341-III (с изменениями и дополнениями по состоянию на 14.04.2022 г.)

<sup>2</sup> Уголовный процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года № 4651-VI (с изменениями и дополнениями по состоянию на 03.05.2022 г.)

<sup>3</sup> П.В. Головненков Уголовное уложение Федеративной Республики Германия – Strafgesetzbuch (StGB) – Научно-практический комментарий и перевод текста закона. ст 37.

<sup>4</sup> Уголовный кодекс Федеративной Республики Германии в редакции от 13 ноября 1998 г. по состоянию на 15 мая 2003 г.

ҳолларда жиноят иши тугатилиши ва жиноий таъқиб тўхтатилиши мумкин:

– агар жиноят мазкур қонун амал қилиш ҳудудидан ташқарида содир этилган бўлса, шунингдек мазкур жиноятни содир этган шахснинг ҳаракатларининг бир қисми мазкур қонун амал қилаётган ҳудудда содир этилган бўлса;

– чет эл фуқаросининг ГФР ҳудуди ҳаракатланган чет эл хаво ёки денгиз кемасида жиноят содир этганлиги аниқланса;

– жиноий қилмиш ўз аҳамиятини йўқотган бўлса, жиноят содир этган шахснинг чин дилдан пушаймонлиги муносабати билан;

– агар хорижий давлатда ушбу ишга нисбатан жиноий жазо ижро этилган бўлса ва кутилаётган жазо тайинланиши керак бўлган бўлса;

– сиёсий жиноятлар содир этилганда, ушбу жиноят бошқа бир жиноятнинг қисми сифатида содир этилганда ҳамда бунинг учун жазо чораси қўлланилганда;

– томонлар ўртасида келишувга эришилганда ва ҳ.к.

Шу билан бирга 153-§а да белгиланишича, шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлигини қуйидаги шартларни бажарилишида намоён бўлиши мумкин:

1. Жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш учун маълум бир ҳаракатларни амалга оширилиши;

2. Давлат бюджети ёки хайрия ташкилотларидан бирига пул маблағларини ўтказилиши;

3. Бошқа ижтимоий фойдали ҳаракатларни амалга ошириши;

4. Маълум миқдорда алимент тўловларини тўлаши;

5. Жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш чораларини кўриш учун маълум ҳаракатларни амалга оширилиши;

6. ЙТХ билан боғлиқ жиноятни содир этган шахслар йўл ҳаракати қоидалари билан боғлиқ семинарда иштирок этиши.

Ўзига ҳослик шундан иборатки етказилган зарарни иш тергов қилинаётган вақтда тўлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда уни иш

тугатилганидан сўнг 6 ой ёки 1 йил муддатда тўланиши имконияти мустаҳкамланган<sup>1</sup>.

**Грузия** Жиноят-процессуал кодексининг 105-моддасида бошқа мамлакатлар қонунчилигидан фарқли равишда қўйидаги асосларга кўра жиноят иши қўзғатилиши рад этилиши ёки тугатилиши мумкин:

а) агар янги қабул қилинган қонун асосида содир этилган қилмиш жиноий деб топилмаса;

б) агар айблов асос бўлган қонун Конституцияга зид бўлса;

в) агар прокурор айбловни рад этса;

г) жиноят содир этишдан ихтиёрий равишда воз кечилган бўлса;

д) вазият ўзгарганда,

д) бу жиноят қонунчилигининг принципларига зид бўлса.

Шунингдек Грузияда жазони ўташга топширилган шахсга бошқа давлат амнистия акти ёки афв этиш қўлланилган бўлса, агар халқаро шартномаларда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса қўлланилиши мустаҳкамланган<sup>2</sup>.

**Эстония** жиноят-процессуал кодексининг 199-205-моддаларига кўра жиноят ишини тугатишнинг асослари кўрсатилган бўлиб, гумонлануви ёки айбланувчи жиноят жараёнида иштирок этишга ёки жазони ўташга монелик қилувчи тузалмас касалликка чалинганда, ўқ-отар қурол, портловчи воситалар ёки уларнинг қисмини ноқонуний сақлаш билан боғлиқ жиноятларда ўз хохиши билан ХМҚОга топширган ҳолларда, агар жиноят ишларини бирлаштириш учун бошқа давлатларга бериб юборилганда, шахс томонидан процессуал ва бошқа ҳаражатлар тўланганда ва ҳоказолар иш юритилиши рад этилиши ёки тугатилиши мумкин<sup>3</sup>.

**Хитой Халқ Республикаси** Жиноят-процессуал кодексининг 1-қисм умумий қоидаларнинг 15-моддасида қилмишнинг ижтимоий аҳамияти кам бўлса, жиддий зиён келтирмаган бўлса ва шу асосларга кўра жиноят деб топилмаса, жабрланувчини аризаси

<sup>1</sup> Уголовно-процессуальный кодекс ФРГ // перевод Германского фонда международного правового сотрудничества и Организации безопасности и сотрудничества в Европе. – 2016. 230-б.

<sup>2</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Грузии. Принят от 09.10.2009 г. № 1772-Ис.

<sup>3</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Эстонии. Принят 12.02.2003 RT I 2003, 27, 166 Вступил в законную силу 01.07.2004.

билан қўзғатилувчи ишлар бўйича у аризасини **қайтиб олса** (бунда фарқли жиҳати жабрланувчи жиноят ишининг ҳар қандай босқичида бундай шикоятни қайтиб олганлиги ишни тугатишга асос бўлади), **гумон қилинувчи** ёки судланувчи вафот этса, агарда бошқа қонунлар тергов ёки жиноий жавобгарликдан озод қилса иш юритилиши рад этилиши ёки тугатилиши мумкин<sup>1</sup>.

**Япония** ЖПК (Кэйдзи-сошэ-хо)нинг 339-моддасида биз тадқиқ этаётган, иш юритилиши рад этиш ва тугатиш асослари келтирилган бўлиб, айблов қарори билан тугатиладиган ишлар (норма номи диспозиция билан бирлаштирилган) деб юритилади. Япония қонунлари гарчи бироз кучли қоидалар билан эътироф этилсада, бироқ жиноят ишини рад этиш ва тугатишда қуйидаги асослар мавжудилигини кўришимиз мумкин. Жумладан, айблов ҳулосасини тақдим этиш муддати ўтиб у ўз кучини йўқотган деб топилса, айблов ҳулосаси бекор қилинганида, айбланиши лозим бўлган юридик шахс тугатилганида, иш бир неча судларга таалуқли бўлса ва улар ўртасида хакам тайинланмаганда иш юритилиш рад этилади, тайинланган ишлар эса тугатилади<sup>2</sup>.

**Жанубий Корея** жиноят процесси ҳақидаги қонуни (Хёнса-сосон-беоп)да жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ёки тугатиш тўғрисидаги ажрим учун асослар деб номланиши билан қуйидаги фарқли жиҳатларни ўзида мужассам этади. Агар суд судланувчига нисбатан юрисдикцияга эга бўлмаса,

жиноят ишини қўзғатиш тартиби қонунлар қоидаларига зидлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилса, янги очилиши мумкин бўлган ишлар қоидаларига зид жиноят иши қўзғатилган тақдирда, жабрланувчини аризаси билан қўзғатилувчи ишлар бўйича у аризасини **қайтиб олса ва бундай нийяти йўқлигини билдирса** иш юритилиш дархол тугатилиши белгиланган<sup>3</sup>.

**Бирлашган Араб Амирликлари** Жиноят-процессуал ҳуқуқи 2-бўлим 20-21-моддаларда жиноят ишини тугатиш асослари

<sup>1</sup> Уголовно-процессуальный кодекс КНР, Принят на 2-й сессии Всекитайского собрания народных представителей пятого созыва 1 июля 1979 года.

<sup>2</sup> Япония жиноят-процессуал кодекси (Кэйдзи-сошэ-хо). Қонун № 131. 10.07.1948 й.

<sup>3</sup> Уголовно-процессуальный акт Южной Кореи (Хёнса-сосон-беоп) Закон № 341 от 23 сентября 1954 г.



келтириб ўтилган бўлиб, унга кўра гарчи амирликлар шариат қоидаларига кўра жиноий-ҳуқуқий тартиб билан иш кўрсаларда, лекин процессуал-судлов тизимида бир қатор ўзига ҳос жиҳатларни кузатишимиз мумкин. Масалан, жиноят ҳақидаги қонун нормасини бекор бўлиши, жабрланувчини аризасига кўра ишни тугатиш (кўпроқ жиноят нормаларини қамраб олган) асослари диққатга сазовордир<sup>1</sup>.

**Саудия Арабистони** Жиноят-процессуал ҳуқуқи 22-23-моддалари оммавий ва шахсий жиноят ишларини тугатиш асослари деб номланиб, Бирлашган Араб Амирликлари қонунчилиги билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжуд. Фарқли жиҳатлари ва миллий қонунчилигимизда назарда тутилмаган қуйидаги асосларга кўра жиноят ишини тугатиш мумкинлиги белгилаб қўйилган. Ҳусусан, шариат талаблари бўйича тавба қилганда, жабрланувчи ёки унинг бундай ҳуқуқни қўллаш олмаганида меросхўрлари томонидан кечирилганида ишни тугатиш мумкинлиги белгилаб қўйилган<sup>2</sup>.

#### **Хулосалар.**

Юқоридагилардан маълум бўладики, миллий жиноят-процессуал қонунчилигимизда иш юритишни истисно қилувчи ҳолатлар илғор хорижий мамлакатларнинг мазкур процессуал қоидаларидан бир мунча фарқ қилади ва мазкур нормаларни такомиллаштиришни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-84-моддалари иш юритишни истисно қилувчи қоидалар сифатида белгиланган бўлса-да, мазкур нормаларнинг номланиши ва асослар ўзида турли хилдаги ижтимоий муносабатларни акс этаётганлиги билан ҳам мунозарали, ҳам ҳуқуқни қўллаш амалиётида тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси “Реабилитация учун асослар” деб номланиши ва унда келтирилган асосларни мазкур кодекснинг 464-моддасида “Оқлов ҳукмини чиқариш асослари” дея такрор келиши, бундан ташқари кодекснинг еттинчи бўлими “Реабилитация” дея номланиши ва унга оид барча

<sup>1</sup> Уголовно-процессуальное право ОАЭ. Основные положения статья 20-21 Ugolovno-processual'noe pravo OAJe. Osnovnye polozhenija stat'ja 20-21 [Criminal Procedure law of the UAE. Main provisions article 20-21]

<sup>2</sup> Уголовно-процессуальное право - Саудовская Аравия Уголовно-процессуальный закон Королевский указ № (М / 39) 28 Раджаба 1422 г. - 16 октября 2001 г.

қоидалар, сабаблар ва оқибатларни белгиланиши фикримизча тушунарсиздир. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг номланиши аксарият ҳориж давлати жиноят процессуал қонунчилигида учрамайдиган “Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар” деб номланиши ва унда белгиланган асосларнинг айрим жиҳатлари бўйича тадқиқотлар олиб бориш зарурати мавжуд.

Юқоридаги ҳорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилиги ўрганиш ва таҳлиллари асосида иш юритишни рад этиш ва тугатиш борасида миллий жиноят процессуал қонунчилигимизда назарда тутилмаган, бир неча ҳорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини асосида шаклланган мазкур асослар бўйича тадқиқотлар, сўровлар ва тажрибалар олиб бориш ҳамда натижасига кўра апробациядан ўтган асосларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир

**МУҲАММАДИЕВА  
МОҲИНУР ЯХШИБАЕВНА**

Ўзбекистон Республикаси Бош  
прокуратураси Академияси докторанти  
E-mail: [mokhinur91@bk.ru](mailto:mokhinur91@bk.ru)

## **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ АГЕНТЛИГИНИНГ ВАКОЛАТ ДОИРАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ: ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТИ**

**Аннотация:** *Мақолада Шарқий Европа давлатлари коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш учун ўз институтларини ва уларнинг функцияларининг хилма хиллиги асосида яратилган моделлар таҳлил этилган. Ҳамда Коррупция муоммосини ҳал қилишнинг асосий ёндашувлари ва коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича мавжуд институтларнинг функциялари қиёсий таҳлил қилинган.*

*Гонконг ва Сингапур тажрибаси асосида агентликларнинг асосий фаолияти таҳлилий фаолият, техник ёрдам, фуқаролик жамияти билан ўзаро ҳамкорлик, ахборотга очиқ кириш, мониторинг бўлибгина қолмасдан, маъмурий хусусиятларини ҳисобга олиш зарур эканлигини кўрсатади. Хориж амалиётида коррупцияга қарши ихтисослаштирилган институтлар, коррупция даражасини пасайтиришнинг ягона бўлган йўли ўрганилди.*

*Шунингдек Коррупция ва унинг ечимини топишда агентликларнинг фуқаролик жамияти билан ҳамкорлиги, ва уни миллий ҳамда халқаро даражада бартараф этиши мақсадида таклиф ва тавсиялар тақдим этилди.*

**Калит сўзлар:** *коррупция, Шарқий Европа тажрибаси, фуқаролик жамияти, тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги, халқаро амалиёт, фаол иштирокчилик, Гонконг ва Сингапур модели, рағбатлантири, Маъмурий жавобгарлик кодекси.*

Бугунги кунда дунё миқёсида коррупцияга қарши курашиш, жамиятда коррупцияни жиловлash, инсон ҳаётидан батамом чиқариб ташлаш учун, ҳар бир мамлакат ўз тажрибаси ва механизмларини яратилмоқда. Коррупцияга қарши курашиш бўйча дунё тажрибалари ичида мустақил комиссия сифатида Коррупцияга қарши курашиш агентликлари (идоралар, мустақил ихтисослаштирилган комиссиялар) муҳим рол касб этаётганини кўришимиз мумкин.

Коррупцияга қарши курашувчи энг машҳур ихтисослаштирилган институтлардан бири **Коррупцияга қарши мустақил комиссия (ICAC) 1974 йилда Гонконг**да ташкил этилган бўлиб, комиссия ўз фаолияти орқали Гонконгнинг коррупцияни камайтиришдаги муваффиқиятига катта ҳисса қўшган<sup>1</sup>.

Шарқий Европа давлатлари ҳам коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш учун ўз институтларини яратишга қарор қилишган. Бу қадам коррупция даражасини пасайтиришнинг ягона бўлган йўли сифатида қаралди, чунки унга қадар мавжуд институтлар бу вазифани бажара олмади.

Хорижий амалиёт таҳлили шуни кўрсатдики, коррупцияга қарши кўплаб ихтисослаштирилган институтлар мавжуд бўлиб, уларнинг функцияларининг хилма хиллиги асосида яратилган моделлар аллақачон йўлга қўйилган.

Шунингдек, Ихтисослашган муассаса ташкил этишда ҳар бир давлатнинг миллий шароити, маданий-ҳуқуқий ва маъмурий хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Шунга қарамай, муоммони ҳал қилишнинг асосий ёндашувларини ва ҳаракат қилувчи органларнинг асосий моделларини белгилаб олиш лозим. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича мавжуд институтларнинг қиёсий таҳлили қуйидаги турларни ажратиб кўрсатиш имконини беради:

- ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва коррупциянинг олдини олиш функцияларига эга бўлган кўп мақсадли идоралар;

---

<sup>1</sup> Организация экономического сотрудничества и развития Сеть по борьбе с коррупцией для стран Восточной Европы и Центральной Азии.- Специализированные институты по борьбе с коррупцией: обзор моделей 2006г.

• ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тузилмасида коррупцияга қарши курашувчи институтлар;

• Коррупцияни олдини олиш, унга қарши курашиш соҳасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштирувчи агентлик идоралари<sup>1</sup>.

*Кўп мақсадли муассасалар* яратган модел коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича барча асосий функцияларни бир муассасада жамлаш ва комплекс ёндашувнинг ёрқин намунасидир. Кўп мақсадли агентликнинг асосий фаолияти сиёсатни ишлаб чиқиш, таҳлилий фаолият, техник ёрдам, фуқаролик жамияти билан ўзаро ҳамкорлик, ахборотга очиқ кириш, мониторинг, тергов фаолиятidir. Шунини таъкидлаш керакки, аксарият ҳолларда бундай муассасалар доирасида, жиноий ва маъмурий жавобгар қилиш алоҳида функция сифатида белгиланган.

Ушбу модел кўпинча Гонконг коррупцияга қарши мустақил комиссияси ва Сингапурдаги коррупция амалиётини текшириш бюроси билан боғлиқ. Бошқа кўплаб мамлакатлар ҳам шунга ўхшаш ташкилотлар яратишга интилдилар. Улар орасида Литва (Махсус тергов хизмати - STT), Латвия (Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бюроси - KNAB), Янги Жанубий Уэлс, Австралия (Коррупцияга қарши мустақил комиссия), Ботсвана (Коррупция ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш дирекцияси).

Шунингдек бундай модел доирасида ихтисослаштирилган муассасаларнинг кўп турлари мавжуд бўлиб, улар коррупцияни аниқлаш ва тергов қилиш учун маъсул бўлган органларда (тезкор-қидирув органлари) ёки прокуратура органлари тузилиши мумкин.

Бази мамлакатларда ушбу функция битта бўлим кўлида бирлаштирилган бўлади. Ушбу модел Ғарбий Европада энг кенг тарқалган. Мисол тариқасида: Белгия (Коррупцияга қарши курашиш бош бошқармаси - OCRC), Хорватия (Коррупция ва уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш департаменти- UPCOR) ва Венгрия

---

<sup>1</sup> Противодействие коррупции в сфере публичной собственности. Учебник для вузов. Москва Юрайт 2021г.

(Бош тергов бюроси- CIOPPS), Руминия (Коррупцияга қарши курашиш миллий бошқармаси- NAD)<sup>1</sup>.

Коррупцияни олдини олиш, унга қарши курашиш соҳасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштирувчи агентлик идоралари (институтлар). Ушбу модел тадқиқот ва таҳлиллар олиб бориш, коррупцияга қарши сиёсатни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш, коррупция хавфи, унинг олдини олиш бўйича мумкин бўлган чоратadbирлар ва бошқа масалалар бўйича турли бўлимларга ўқитиш ва маслаҳатлар бериш каби бир ёки бир нечта профилактик функцияларни бажарадиган ихтисослаштирилган муассасаларни ўз ичига олади.

Ушбу органлар одатда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тўлиқ ваколатларига эга бўлмайди. Бироқ, улар махсус назорат функцияларини бажаришлари мумкин ва шунинг учун улар махсус ҳуқуқларга эга ҳисобланади. Асосан, мансабдор шахсларнинг даромадлари декларациясини назорат қилувчи идораларнинг махфий маълумотларга кириш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин.

Ушбу моделга мувофиқ ташкил этилган институтлар Францияда (Коррупциянинг олдини олиш марказий хизмати - ССПК), Собиқ Югославия Македония Республикасида (Коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат комиссияси), Албанияда (Коррупцияга қарши мониторинг гуруҳи), Малта (Коррупцияга қарши кураш бўйича доимий комиссия), Сербия ва Черногория (Коррупцияга қарши орган), АҚШда (Ҳукумат этикаси идораси), Ҳиндистонда (Марказий ҳушёрлик хизмати), Филиппинда (Омбудсман идораси) ва Болгарияда (Коррупцияга қарши курашда саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш комиссияси)<sup>2</sup>.

Юқорида келтирилган, коррупцияга қарши ихтисослашган органларнинг мавжудлиги ўз-ўзидан бу ҳодисага қарши муваффақиятли курашнинг кафолати эмас албатта. Гарчи дунёда бундай муассасалар сони ортиб бораётган бўлса-да, уларнинг

<sup>1</sup> Council of Europe, (2001), Anti-Corruption Measures in South- Eastern Europe: SPAI Country reviews and priorities for reform, Council of Europe Publishing, Strasbourg, 2001.

<sup>2</sup> GRECO (2002), First Evaluation Round, Evaluation of Albania, Strasbourg, 13 December 2002.

фаолиятини таҳлил қилиш муваффақиятли мисоллардан кўра аксини ҳам кўрсатади.

Юртимизда ҳам сўнги йилларда барча соҳалар қаторида коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизмларини яратиш хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, жамиятимиз ривожига узоқ йиллар давомида сунъий тўсиқ бўлиб келаётган ҳамда юқоридаги муоммоларни тизимли равишда бартараф этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июнда **“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”**ги Фармони ва **“Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”**ги Қарори қабул қилинди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунадиган ва Олий мажлис палаталари олдида ҳисобдор бўлган коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, *давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари* ва бошқа *нодавлат сектор вакилларининг* биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун маъсул бўлган **“Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги”** ташкил этилди.

Агентликнинг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатлари ва халқаро имиджига зарар етказувчи жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилиш ҳамда натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ахборот бериш. Ушбу орган коррупцияга қарши муросасиз курашишда, унинг оқибатлари, келиб чиқиш омилларини бартараф этиш борасида ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатларини мувофиқлаштириб борадиган ҳамда коррупцияни жиловлашда хизмат қиладиган механизм сифатида муҳим аҳамият касб этади.

*Шунингдек, мамлакатимизда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан амалга оширилиб келинаётган ислохотларни санаб ўтиш муҳим аҳамият касб этади:*

– 5 та устувор йўналишни ўзида жамлаган Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз ҳаётида қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, коррупцияга қарши курашиш тадбирлари самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди, унга кўра: **соҳани тартибга солувчи 25 та норматив-ҳуқуқий ва 30 та идоравий ҳужжатлар таҳлил қилинди, 126 та эҳтимолий коррупцион хавфлар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди;**

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосан, **“Коррупциясиз соҳа” лойиҳасининг** ижроси таъминланмоқда;

– коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларини жалб этилиши учун коррупцияга қарши курашувчи кенгаш жорий этилди ва бунда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари кенгаш аъзолари этиб белгиланиб, уларга очиқликни таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш вазифалари юклатилди. Бу борада, ННТ ва Жамоатчиликни бу жараёнга фаол жалб этиш ва рағбатлантириш учун, Олий Мажлис Фонди билан нодавлат **нотижорат ташкилотлари учун 3 та йўналишда грант танловлари эълон қилинди, ННТлар семинарлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамаси жараёнларига жалб этилди;**

– Агентлик раҳбарияти ва масъуллари томонидан мунтазам равишда ўтказиб келинаётган шахсий қабуллар орқали, мурожаат қилиб келаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳимоя қилиш борасидаги вазифалар ижроси қатъий назоратга олинган;

– Агентлик томонидан коррупция ҳолатлари ҳақида Коррупцияга қарши курашиш Агентлигини хабардор қилиш имконини берувчи **махсус дастурий таъминот** ишлаб чиқилди;

– **“Uzbekistan Anticorruption Digest”** журнали таъсис этилди;



**“комплаенс назорат”** тизимини жорий этиш бўйича қўлланмалар чоп этилди<sup>1</sup>.

Юқорида санаб ўтган кўрсаткичлар, юртимиз миқёсида коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамиятининг фаоллигини шакллантириш, ҳамда бу йўлдаги курашда эришилган энг самарали ютуқлардир.

Мамлакатимизда коррупцияни олдини олишга қаратилган чоратadbирлар амалга оширилаётган бўлса-да, ҳуқуқни қўллаш амалиётида мансабдор шахсларнинг коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этаётганлик ҳолатлари ҳали ҳамон учрамоқда.

Шу сабали, коррупцияга қарши курашишнинг ҳалқаро хамжамият томонидан олиб бораётган сиёсатига бефарқ бўлмаган ҳолда қуйидаги таклифлар тавсия этилади:

Юқорида келтирилган Гонконг ва Сингапур моделида кўришимиз мумкинки, коррупцияга қарши курашишувчи агентликларининг асосий фаолияти сиёсатни ишлаб чиқиш, таҳлилий фаолият, техник ёрдам билан чекланмасдан уларнинг ваколат доирасига жинойий ва маъмурий жавобгар қилиш функцияси юклатилган.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ваколат доирасини кенайтириш мақсадида, агентликка тааллуқлилиги бўйича маъмурий жавобгарлик ваколатини бериш таклиф этилади.

- МЖКнинг 18-бобида Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг қайси давлат органларига тааллуқлилиги белгиланган. Ушбу бобга 264<sup>3</sup>-моддаси киритилиб, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ваколат доирасидаги ишларнинг тааллуқлиги белгилаш, шунингдек МЖКнинг 175<sup>8</sup>-моддаси Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш деб ном олган модданинг 4-қисми янги модда меъёрларида акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлигининг очиқ ҳисоботидан олинди. <https://anticorruption.uz/uzc/item/2022/03/10/agentlikning-2021-jildagi-faoliyatini-natizhalariga-bagishlangan-matbuot-anzhumani-bolib-otdi>

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида “Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 6013-сонли Фармонида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида: юқоридагиларга қўшимча давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкани декларация қилиш, ушбу жараёнда аниқланган коррупция ҳолатларига ўз вақтида таъсир чоралари кўрилишини таъминлаш; коррупцияга оид жиноятлар оқибатида жамият ва давлат манфаатларига етказилган зарар тўлиқ қопланилишига эришиш, очиқликни таъминлаш ҳамда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар агентлик номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида кўриб чиқилиш ва маъмурий жазо қўлланиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Бундан кўзланган мақсад аниқланган коррупция ҳолатларига ўз вақтида таъсир чоралари кўрилишини таъминлаш; коррупцияга оид жиноятлар оқибатида жамият ва давлат манфаатларига етказилган зарар тўлиқ қопланилишига эришиш устидан назоратни амалга ошириш. Шунингдек бюрократияни олдини олиш, агентликнинг ваколат доирасини кенгайтириш ва унинг нуфузини янада кучайтириш.

**АБДУЛЛАЕВА МАФТУНА  
МУРОТ ҚИЗИ**

Тошкент давлат юридик университети  
докторанти, юридик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

## **КОНСТИТУЦИЯВИЙ ШИКОЯТ ИНСТИТУТИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация:** Мақолада конституциявий шикоят институти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилувчи воситаларидан бири сифатида таҳлил қилинади. Ушбу институтнинг муҳим хусусиятлари, конституциявий шикоятнинг моҳияти, унинг турлари ва асосий хусусиятлари бўйича маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг нуқтаи назари ёритилади. Конституциявий шикоят институти миллий қонунчиликда татбиқ этиш масаласи, шунингдек, ушбу институтни хорижий мамлакатларда қўллаш тажрибаси қиёсий жиҳатдан таҳлил қилинади. Ривожланишнинг ҳозирги босқичида Конституциявий суд ваколатларини модернизация қилиш тенденциялари ва имкониятлари алоҳида қайд этилган. Конституциявий суд фаолиятини фаоллаштириш ва самарадорлигини ошириш, айниқса инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш даражасини ошириш мақсадида амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш таклиф қилинди.

**Калит сўзлар:** инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, конституциявий судлов, Конституциявий суд, конституциявий шикоят, конституциявий суд ишларини юритиш.

2022 йил 31-май куни Конституциявий суд ўтган йили қабул қилинган қонундаги нормани Конституцияга зид деб топди.

Фуқаро М.Ҳасанованинг шикояти асосида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонуннинг 55-моддаси 12-бандидаги Фуқаролик кодексининг 83-, 166-, 198-, 199- ва 206-моддаларига тегишли қисми

ҳамда Фуқаролик кодекси 197-моддасининг мулк ҳуқуқи **“... мулк ҳуқуқини бекор қилувчи қонунчиликка асосан бекор бўлади”** деган қисми Конституцияга мувофиқ эмас деб топилди. Бу – бирор қонунни бош қомусга зид деб топиш бўйича Ўзбекистон Конституциявий судининг эҳтимолки бир неча йиллар ичидаги илк қарори бўлди<sup>1</sup>.

Конституциявий шикоят институти Конституциявий суд амалиётида янгилик эмас. Чунки шу вақтга қадар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида Конституциявий суднинг камида уч судьяси ташаббуси билан ҳам масала киритилиши (ёки киритилмаслиги ҳам) мумкинлиги белгиланган эди. Бироқ, таъкидлаш жоизки фуқаролар тўғридан-тўғри мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмас эдилар. “Фуқаро кимга шикоят қилишни ҳам билмасди, шикоят қилиш мумкин бўлган жой Конституциявий суд бўладиган бўлса, у ерга фуқаролар мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмасди<sup>2</sup>”.

Якка тадбиркорнинг Конституциявий судга мурожаати муносабати билан 2001 йил “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 16-моддасининг иккинчи қисмини шарҳлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг тўхтами қабул қилинган. Мурожаатга мувофиқ, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан жисмоний шахслардан қатъий белгиланган миқдорларда олинадиган даромад солиғининг энг кўп ставкаси энг кам ойлик иш ҳақининг 10, сўнгра 20 ва 30 баравари миқдоригача оширилган. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 16-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бир мунча ноқулайроқ шароитларни юзага келтирадиган ўзгартишлар киритилган тақдирда, мазкур

<sup>1</sup> Конституциявий суд ўтган йили қабул қилинган қонундаги нормани Конституцияга зид деб топди. <https://kun.uz/18438591>

<sup>2</sup> Р.Кушербаев. “Конституциявий суд пассив бўлгани учун ҳам фуқаролар қонунлар ишлашига ишонилмайди”. <https://kun.uz/news/2022/08/08/konstitutsiyaviy-sud-passiv-bolgani-uchun-ham-fuqarolar-qonunlar-ishlashiga-ishonishmaydi-rasul-kusherbayev>

субъектлардан кейинги икки йил мобайнида бундай ўзгартишлар кучга киргунга қадар амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ ундирилади.

Юқоридаги Қонуннинг 16-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган имтиёزلардан фойдаланиш кераклигига қарамай, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Давлат солиқ қўмитаси 2001 йил 13 июндаги №ТД/04-01-05/213 №15/3-3987 рақамли биргаликдаги тушунтириш хати билан уни бундай ҳуқуқдан маҳрум этганлар.

Мазкур масала бўйича Конституциявий суд қуйидагича қарор қилган: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Давлат солиқ қўмитасининг 2001 йил 13 июндаги №ТД/04-01-05/213 №15/3-3987 рақамли тушунтириш хати норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмайди. Шу боис ундаги, шунингдек шунга ўхшаш хатлардаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунни 16-моддасининг иккинчи қисмини қўлланишга доир тушунтиришлар Конституцияга хилофдир.

Юқоридаги мисол Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида конституциявий шикоят билан мурожаат этиш тартиб-таомили мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Бироқ мазкур тартиб-таомил жуда мураккаб бўлиб, конституциявий шикоятни икки босқичда дастлаб судьялар томонидан ўрганилиши сўнг суд мажлисида кўриб чиқишни талаб этар эди. Бу эса иш ҳажмининг кўпайиб кетишига ва процесснинг чўзилиб кетишига олиб келган. Бу борада, 1995-2001 йиллар давомида Конституциявий суд фуқаролардан 2000 дан кўпроқ хат ва илтимосномаларни қабул қилди. Мурожаатлар, асосан, ижро ҳоқимияти қарорлари ҳамда ҳужжатларининг конституцияга мувофиқлигини белгилаш билан боғлиқ бўлган<sup>1</sup>.

2021 йилдаги қонун асосида конституциявий шикоят институти жорий этилди. «Ҳозир Конституциявий судга фақат қонун ташаббусларини олға сурувчилар, масалан, депутатлар мурожаат

<sup>1</sup> Ўзбекистон Конституциявий суд судьялари билан интервью. Тошкент (2019 йил апрель) // A.Ismatov. The Constitutional Judiciary and its Role in the Democratization Process in post-Soviet Central Asia. The Constitutional Court in Uzbekistan. <http://cale.law.nagoya-u.ac.jp/>

қилиши мумкин халос. Ҳатто сенаторларда ҳам бундай ваколат йўқ. Энди эса таклифга кўра, ҳар бир фуқаро шу судга шикоят қилиши мумкин бўлади. Сенатор ҳам сенатор эмас, оддий фуқаро сифатида шикоят қилишга ҳақли бўлади», деб қайд этган Акмал Саидов<sup>1</sup>.

Конституциявий шикоят институти Ўзбекистон шароитида назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам тадқиқ этилиши муҳим масала ҳисобланади. Қўйида конституциявий шикоят институти тушунчаси ва Ўзбекистонда мазкур институтни самарали қўллашдаги масалалар таҳлил этилади.

Конституциявий шикоят тушунчасига олимлар томонидан турли таърифлар берилди. Хусусан, Чешейко-Соҳацкий “конституциявий шикоят – Конституциявий судда махсус суд иш юритуви орқали шахсларнинг фундаментал ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун давлат органларига нисбатан бериладиган даъводир<sup>2</sup>” деб қайд этади. Мазкур таъриф Б.Банашакнинг фикрлари билан янада аниқлаштирилади: “Конституциявий шикоят – жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари давлат ҳокимияти органларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида (фуқаролик ва оммавий ҳуқуқда ҳам) бузилган ҳолларда Конституциявий судда махсус суд иш юритуви тартиби орқали ҳимоя қилувчи институт сифатида таърифлайди<sup>3</sup>.

В.С.Кухливский "конституциявий шикоят" – кенг маънода – ваколатли органлар томонидан конституциявий шикоятлар билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича конституциявий суд иш юритувининг бир тури сифатида ва тор маънода – хусусий ҳуқуқ субъектининг конституциявий назорат органига норматив-ҳуқуқий

<sup>1</sup> <https://www.xabar.uz/huquq/har-bir-fuqaroga-konstituciaviy-sudga-shikoyat-qilish>

<sup>2</sup> Czeszejko-Sochacki, Z. (1998). Skarga konstytucyjna w prawie polskim. Przegląd Sejmowy, 1. Häberle, P. (1997). Die Verfassungsbeschwerde im System der Bundesdeutschen Verfassungsgerichtsbarkeit. Jahrbuch für Öffentliches Recht, 45, p. 89–135.

<sup>3</sup> Bojańczyk, A. (1999). Skarga indywidualna do Europejskiego Trybunału Praw Człowieka: przed czy po wyczerpaniu drogi krajowej skargi konstytucyjnej? Palestra, 7–8, p. 76.

ҳужжатнинг конституциявийлигини текшириш талаби билан мурожаат қилиш ҳуқуқи<sup>1</sup> сифатида таърифлайди.

Мазкур фикрга қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, конституциявий шикоят конституциявий судлов органи томонидан конституциявий шикоятлар билан боғлиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича конституциявий суд иш юритувининг бир тури.

Хорижий амалиётда конституциявий шикоятнинг мавҳум ва аниқ назорат турларини таснифлаш кенг тарқалган:

**Мавҳум назоратнинг тури сифатида “actio popularis”.** Рим ҳуқуқида “Actio popularis” сифатида шахснинг жамият манфаатлари учун ҳаракатлари тушунилган. Ҳар бир шахс норматив-ҳуқуқий ҳужжат эълон қилингандан сўнг конституциявий шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, бунда асосий ҳуқуқ ва эркиликлари бузилганлиги факти асосий мезон эмас. Конституциявий шикоят Лихтенштейн (астио популарис аризасини топшириш учун бир нечта шартлар бажарилиши керак), Малта, Перу ва Чили ва Венгрия, “Собиқ Югославия Македония Республикаси” ва Грузияда қонун устуворлигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади<sup>2</sup>. Жанубий Африкада суд жараёнидаги иштирокчи жамоат манфаатларини кўзлаб судга мурожаат қилиши мумкин. Кельзен бу турдаги конституциявий шикоятни ҳар бир шахснинг Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи нуқтаи назаридан конституциявий назоратнинг асосий кафолати сифатида қайд этади ҳамда муқаррар суистеъмолликлар туфайли “actio popularis”ни самарали ечим сифатида кўрсатмайди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> В.С.Кухливский. Конституционная жалоба как элемент правозащитного механизма в Российской Федерации и иных государствах-членах СНГ. автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва – 2016. С.15.

<sup>2</sup>CDL-JU (2001) 22, G. Brunner, “Der Zugang des Einzelnen zur Verfassungsgerichtsbarkeit im europäischen Raum”, report for the CoCoSem seminar in Zakopane, Poland, October 2001, стр. 35f.

CDL-JU (2001) 22, G. Brunner, “Der Zugang des Einzelnen zur Verfassungsgerichtsbarkeit im Europäischen Raum”, report for the CoCoSem seminar in Zakopane, Poland, October 2001.

W. Sadurski; Rights before Courts: A Study of Constitutional Courts in Postcommunist States of Central and Eastern Europe, Springer Netherlands, Dordrecht, 2005, стр.6.

<sup>3</sup> Achour R. Ben. “Le contrôle de la constitutionnalité des lois: quelle procédure?”, Actes du colloque international «L’effectivité des droits fondamentaux dans les pays de la communauté

**Индивидуал таклиф<sup>1</sup>** - бу жисмоний ёки юридик шахс томонидан бериладиган мавҳум назоратнинг бир тури. Бундай ҳолда, жисмоний ёки юридик шахс конституциявий судга норматив ҳужжатнинг конституциявийлигини кўриб чиқиш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин, аммо у суд ишларини бошлашни талаб қила олмайди. Шунга қарамай, Черногория ва Сербияда мурожаатни рад этишдан олдин, дастлабки назорат тартибида кўриб чиқиши ва рад этиш сабаблари асослантирилган бўлиши керак.

**“Quasi actio popularis”** (қонуний манфаатни исботлаш зарурияти). “Quasi actio popularis” институти мавҳум “actio popularis” ва норматив конституциявий шикоятнинг оралиқ шаклидир. “Quasi actio popularis” даъвосини тақдим этишда умумий нормаларни қўллашда арзчининг қонуний манфаатларини исботлаш талаб этилади. Норматив конституциявий шикоятдан асосий фарқи арз қилувига зарар етган бўлиши шарт эмас.

Норматив конституциявий шикоят. Бу турдаги индивидуал конституциявий шикоятда ҳар бир шахс ўзининг субъектив ҳуқуқлари норматив ҳужжат асосида қабул қилинган индивидуал ҳужжат натижасида бузилиши устидан шикоят бериши мумкин. Норматив шикоятлар Арманистон, Белгия, Грузия, Венгрия, Полша, Қирғизистон, Латвия ва Монако ва бошқаларда мавжуд. Эстонияда чекланган шаклижорий этилган. Бу ерда баъзи қарорлар, Парламент ва Президент қарорлари устидан эътироз билдирилиши мумкин.

Норматив конституциявий шикоят қуйидаги турларга бўлинади:

– тўлиқ – бу каби ҳолатда ҳар бир шахс конституциявий судга ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжатнинг конституциявийлигини аниқлаш масаласи бўйича ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг барча имкониятларидан фойдаланиб бўлганидан сўнг мурожаат қилиши мумкин;

– қисман мазкур турдаги шикоятнинг ўзига хос хусусияти конституциявий шикоятнинг объектлари доираси чекланганлигидадир. Бу асосан судлар томонидан қўлланилган муайян қонуннинг

---

francophone», Port-Louis (Île Maurice), 29—30 septembre, 1er octobre 1993. P. 401 // URL: <http://www.bibliotheque.refer.org/livre59/I5905.pdf>.

<sup>1</sup> Хорижий мамлакатларнинг қонун ҳужжатларида individual proposal individual suggestion атамаларидан фойдаланилади.



конституциявийлиги масаласи Конституциявий судда низолашилади. Бу институт Польша, Россия Федерацияси, Латвия, Армения ва бошқа бир қатор давлатлар амалиётида кенг қўлланилади.

Украинада, агар шахс қонунни қўллашдаги зиддиятлар унинг конституциявий ҳуқуқларининг бузилишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлса, мажбурий шарҳлаш талаби билан Конституциявий судга мурожаат қилиши мумкин. Бундай ҳолда, савол индивидуал ҳаракатга эмас, балки норматив ҳужжатнинг талқинига тааллуқлидир. Шундай қилиб, конституциявий мурожаат моҳиятан норматив конституциявий шикоят вазифасини бажаради<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки конституциявий шикоят тушунчаси қонунда фойдаланилмаган. Фақатгина “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–6012-сон Фармони (2020)да конституциявий шикоят атамасидан фойдаланилган. Қонунда “фуқаролар ва юридик шахсларга муайян ишда қўлланган қонун билан уларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилгани юзасидан шикоят” жумласи қўлланилган. Фикримизча конституциявий шикоят тушунчаси мазкур институтга нисбатан кўпроқ мувофиқ бўлиб, Конституциявий суд томонидан кўриладиган махсус конституциявий суд иш юритуви тушунчасини тўлақонли ўзида акс эттиради<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда конституциявий шикоятнинг қисман (яъни фақат қонунлар устидан) тури жорий этилган. Хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратсак, Германияда мурожаатларнинг 95% ини конституциявий шикоятлар ташкил этади, сўнгги йилларда ҳар бир сенатга 2 мингдан 2,5 минггача шикоятлар тақдим этилган<sup>3</sup>. МДҲ мамлакатларида, Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистон Республикалари қонунчилигида конституциявий шикоят институти жорий этилган.

<sup>1</sup> V. Skomorocha, Konstytucyjnyj Sud Ukrainy: dosvid i problemy, Pravo Ukrainy no. 1/1999, cit. in: CDLU (2001)22, G. Brunner, “Der Zugang des Einzelnen zur Verfassungsgerichtsbarkeit im europäischen Raum”, report for the CoCoSem seminar in Zakopane, Poland, October 2001, стр. 34.

<sup>2</sup> Хорижий мамлакатлар қонунчилигида “constitutional complaint”, айрим давлатларда ампаро сингари атамалар қўлланилади.

<sup>3</sup>Benda, Klein. Verfassungsprozessrecht. C. F. Müller Verlag Heidelberg, 2004. S. 147.

Озарбайжон Республикаси Конституциясининг 130-моддаси V қисмига мувофиқ ҳар бир шахс қонунда белгиланган тартибда ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи қонунчилик ва ижро ҳоқимияти органлари норматив ҳужжатлари, суд ва муниципалитларнинг ҳужжатларини юқори юридик кучга эга қонун ҳужжатларига мувофиқлилик масаласи юзасидан Озарбайжон Республикаси Конституциявий судига шикоят қилишлари мумкин<sup>1</sup>. Озарбайжон Республикаси қонунчилигига мувофиқ шикоят предмети барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек суд ҳужжатлари ҳисобланади.<sup>2</sup>

Қирғизистон Республикасида ҳам тўлиқ конституциявий шикоят институти жорий этилган. Қирғизистон Республикаси Конституцияси<sup>3</sup>нинг 97-моддаси 7 қисми ҳамда Қирғизистон Республикасининг “Қирғизистон Республикасининг Олий судининг конституциявий палатаси тўғрисида<sup>4</sup>” ги конституциявий қонунининг 4-20-моддаларига мувофиқ конституциявий шикоятнинг “actio popularis” модели жорий этилган бўлиб, ҳар бир шахс агар уларнинг конституция билан эътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликлари қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан бузилган деб ҳисобласалар низолашишга ҳақлидирлар.

Тожикистонда конституциявий шикоят асослари Тожикистон Республикаси Конституциясида<sup>5</sup> ва “Тожикистон Республикасининг

<sup>1</sup> Конституция Азербайджанской Республики от 12.11.1995г // Справочно-правовая система «Законодательство стран СНГ»: [Электронный ресурс / СоюзПравоИнформ, 2003-2014].

<sup>2</sup> Абдуллаев Ф. Защита конституционных прав и свобод в порядке подачи индивидуальных жалоб в Конституционный Суд Азербайджанской Республики // Конституционное правосудие 2009. №2(44). С. 95.

<sup>3</sup> Конституция Кыргызской Республики от 27.06.2010г. // Справочно-правовая система “Законодательство стран СНГ”: [Электронный ресурс / СоюзПравоИнформ, 2003-2014] – Дата доступа: 03.12.2018.

<sup>4</sup> Конституционный Закон Кыргызской Республики от 13.06.2011г. № 37 “О Конституционной палате Верховного Суда Кыргызской Республики» // Справочно-правовая система «Законодательство стран СНГ”: [Электронный ресурс / СоюзПравоИнформ, 2003-2014] – Дата доступа: 03.12.2018.

<sup>5</sup> Конституция Республики Таджикистан от 06.11.1994г. // Справочно-правовая система “Законодательство стран СНГ”: [Электронный ресурс / СоюзПравоИнформ, 2003-2014]. – Дата доступа: 03.12.2018.

Конституциявий суди тўғрисида<sup>1</sup>”ги конституциявий қонунларида белгиланган. Қайд этилган ҳужжатларда қисман конституциявий шикоят мустаҳкамланган бўлиб, Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан ташқари, Тожикистон Республикасининг Олий суди ва Тожикистон Республикасининг Олий ҳўжалик судининг тушунтиришлари ҳам шикоят предметига киради. Қонуннинг 42-моддасига мувофиқ конституциявий шикоят муддати ваколатли органнинг шикоят қилувчини ҳуқуқларини бузувчи қарори қабул қилинган пайдан бошлаб 6 ойни ташкил этади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш жоизки, конституциявий шикоят институтини тўлиқ татбиқ этмасдан конституция ва қонун устунлигини тизимли таъминлаш мумкин эмас. Европа Кенгашининг Венеция комиссияси “модомики давлат ҳокимиятининг ҳар қандай ҳужжати устидан шикоят қилиш мумкин экан, тўлиқ конституциявий шикоят шубҳасиз, конституциявий одил судловга кенг қамровли индивидуал мурожаат қилиш имконини бериши” да деб баҳолайди<sup>2</sup>.

Шунингдек, қонун билан фуқаролар ва юридик шахсларга конституциявий одил судлов органига бевосита мурожаат қилиш ҳуқуқининг берилиши фуқаролар ва юридик шахсларга конституциявий одил судлов органига бевосита мурожаат қилиш ҳуқуқининг берилиши Конституциявий судда иш ҳажмининг ошишига сабаб бўлиши табиий ҳолат. Аввалги йиллари Конституциявий судга бир йилда ўртача **800-1000** мурожаат келган бўлса, янги қонун қабул қилингандан кейин мурожаатлар сони **1,5 мингга** етди. Шундан Конституциявий суднинг ваколатига тааллуқли мурожаатлар **127 та (16 фоиз)ни ташкил қилади**. Улар Қонунга биноан кўриб чиқилди, қолганлари Конституциявий судга тегишли

<sup>1</sup> Конституционный Закон Республики Таджикистан от 26.07.2014г. №1083 «О конституционном суде Республики Таджикистан» // Справочно-правовая система “Законодательство стран СНГ”: [Электронный ресурс / СоюзПравоИнформ, 2003-2014]. – Дата доступа: 03.12.2018.

<sup>2</sup>О прямом доступе к конституционному правосудию: Исследование Венецианской комиссии N

538/2009. Принято на 85 пленарном заседании (Венеция, 17-18 декабря 2010 года). CDL-AD (2010) 039. С. 30.(<http://concourt.am/armenian/news/doc/CDL-AD-2010-039-ru.pdf>)

бўлмагани учун мурожаатлар муаллифларига асослантирилган тушунтиришлар берилган ёхуд тегишли ташкилотларга юборилган<sup>1</sup>.

Конституциявий шикоят институтини тўлақонли ҳамда самарали ишлаши учун бизнинг фикримизча, истиқболда бир қатор чоратadbирларни амалга ошириш лозим. Хусусан, биринчидан, Ўзбекистонда конституциявий шикоят институтини назарий жиҳатдан тўлиқ тадқиқ этиш, иккинчидан, фуқароларнинг бу тартибдаги мурожаатларни амалга оширишлари борасида ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, тўлиқ конституциявий шикоят институтини жорий этиш, Конституциявий суд томонидан конституциявий шикоятларни кўриб чиқиш тартиби билан боғлиқ йўриқнома ишлаб чиқиш, Конституциявий судда ишларни ҳажми ошиб кетишини олдини олиш ҳамда мурожаатларни ўз вақтида ва самарали кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида “ёзма тартибда иш юритиш” (письменный процесс) тартиб-таомилини қўллаш доирасини кенгайтириш каби масалалар шулар жумласидандир.

---

<sup>1</sup> <https://m.kun.uz/news/2022/06/29/istalgan-fuqaro-huquqi-buzilganda-konstitutsiyaviy-sudga-shikoyat-qilishi-mumkin-boladi>

**YULDASHOV ABDUMUMIN  
ABDUGOPIROVICH**

Toshkent davlat yuridik universiteti  
Intellectual mulk huquqi kafedrası  
dotsenti v.b., yuridik fanlar bo‘yicha  
falsafa doktori (PhD)

## **INTELLEKTUAL MULK HUQUQI SOHASIDAGI TA’LIM JARAYONINING AMALIYOT BILAN UYG‘UNLIGI**

**Annotatsiya:** *Ushbu maqolada O‘zbekiston ta’lim tizimida intellektual mulk huquqi bilan bog‘liq fanlarni joriy etish va o‘qitish mexanizmlari, sohaga doir normativ-huquqiy hujjatlarda ushbu masalalarni aks etish jarayonlari, aynan ushbu jihatlarining respublika oliy ta’lim muassasalarida amalga oshirilayotgan amaliy ifodasi haqida so‘z borgan.*

**Kalit so‘zlar:** *intellektual mulk huquqi, patent huquqi, mualliflik huquqi, oliy ta’lim, amaliyotning nazariya bilan uyg‘unligi, ta’lim tizimi.*

Ma’lumki, hozirda intellektual mulk sohasida bo‘layotgan har bir yangilik va hodisa barcha ommaviy axborot vositalarining eng oldi qatorlarida turibdi. Bu avvalo intellektual mulk bilan bog‘liq jarayonlarning jadallashayotganiga hamda ularga nisbatan nafaqat huquq egalari va mualliflarda mulkiy huquqlarni anglashlik, balki barcha keng jamoatchilik o‘rtasida ham huquqiy va iqtisodiy qarashlarning uyg‘onayotganligi bilan ifodalanadi. So‘zsiz bugungi kunda intellektual mulk sohasini rivojlantirish, intellektual mulkning mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi o‘rnini yaratish va oshirish, intellektual mulk obyektlarini tijoratlashtirish hamda baholash masalalari, muallif va huquq egalarining qonuniy manfaatlarini mustahkam darajada muhofaza va himoya qilishga alohida e’tibor qaratilmoqda.

Intellektual mulk sohasidagi islohotlar, xususan ijodkorlarning mualliflik va turdosh huquqlarini himoya qilish, intellektual mulkni tijoratlashtirish, tadbirkorlik subyektlarining o‘z “brend”lariga egalik qilishi bilan bog‘liq masalalar birinchi navbatda intellektual mulk yo‘nalishidagi ta’limga bevosita daxldordir. Shuni ta’kidlash kerakki,

mamlakatimizda har kimga ilmiy va texnikaviy ijod erkinligi kafolatlanadi. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 42-moddasida mustahkamlangan mazkur modda “Inson huquqlari Umumjahon Deklaratsiyasining 27-moddasi bilan o‘zaro hamohangdir. Unga ko‘ra, har bir inson jamiyatning madaniy hayotida erkin ishtirok etishga, san’atdan bahramand bo‘lishga, ilmiy taraqqiyotda ishtirok etish va uning samaralaridan foydalanish huquqiga ega. Ahamiyatlisi, intellektual mulkni rag‘batlantirish va uni muhofaza qilishga doir normalar ko‘plab rivojlangan mamlakatlarning “asosiy qonun”laridan o‘rin olgan. Xususan, AQShning Konstitutsiyasiga ko‘ra, mamlakat Kongressi ilm-fani rivojlantirish hamda mualliflar va ixtirochilarga ularning ijodiy mahsulotlariga nisbatan mutlaq huquqlarni belgilash bilan bog‘liq vakolatga ega<sup>1</sup>. Rossiya Federatsiyasi Konstitutsiyasining 44-moddasiga ko‘ra, har bir shaxsga adabiy, badiiy, ilmiy, texnik va ijodiyotning boshqa turlari hamda ta‘lim berish kafolatlanishi hamda intellektual mulk qonun bilan himoya qilinishi belgilangan<sup>2</sup>. To‘g‘ri, ijodiy faoliyat har bir shaxsda turli darajada bo‘lishi mumkin, u katta qiymatga ega bo‘lishi yoki faqat uning muallifinigina qanoatlashtirishidan qat‘i nazar u mulk sifatida himoya qilinishi kerak.

So‘nggi yillarda O‘zbekistonda har bir jabhada bo‘lgani kabi intellektual mulk yo‘nalishida ham keng qamrovli islohotlar amalga oshirildi. Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida 2020-yil 12-oktabrda intellektual mulk obyektlarini muhofaza qilish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari yuzasidan o‘tkazilgan yig‘ilishda ham bir qator masalalar qatori tadbirkorlar uchun intellektual mulkni yaratish va himoya qilish bo‘yicha o‘quv-kurslar tashkillashtirish, tadbirkorlar mahsulotlarini brendga aylantirish dasturi va elektron maydonchasini ishlab chiqish kabi muhim vazifalar amalga oshirilishi lozimligi aytib o‘tildi. Mazkur uchrashuvda ko‘tarilgan masalalar yuzasidan 2021-yil 28-yanvar kuni O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Intellektual mulk ob‘ektlarini muhofaza qilish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ–4965-son qarori qabul qilindi<sup>3</sup>. Mazkur qarordan intellektual mulk ob‘ektlari ekspertizasini

<sup>1</sup> <https://www.archives.gov/founding-docs/constitution-transcript>

<sup>2</sup> <http://pravo.gov.ru/>

<sup>3</sup> Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 29.01.2021-y., 07/21/4965/0074-son.

tashkil etishning tezkor usullarini qo'llash, tadbirkorlik sub'ektlari va ixtirochilar uchun zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalangan holda tashkiliy ishlarni amalga oshirish, shuningdek intellektual mulk ob'ektlarini tijoratlash, sohada ta'lim bilan bog'liq islohotlarni amalga oshirish kabi muhim masalalar o'rin olgan.

Ushbu qarorda belgilangan vazifalarni bajarish uchun faqatgina qonunchilik bazasini takomillashtirishning o'zini yetarli deb bo'lmaydi. Muallif va huquq egalari ijodiy faoliyati natijalaridan foydalanilganlik uchun haq olishga bo'lgan intilishlarini oshirish maqsadida ta'lim va huquqiy targ'ibot masalalari muhim ahamiyat kasb etadi. Yuqoridagi qaror bilan quyidagilar:

- intellektual mulk sohasiga oid fanlarni kadrlar tayyorlash tizimiga, jumladan respublika ta'lim tashkilotlari, qayta tayyorlash va malaka oshirish markazlarida bosqichma-bosqich joriy etish;

- intellektual mulk sohasiga oid fanlarni kadrlar tayyorlash tizimiga joriy etishning birinchi bosqichida, 2021-2022 o'quv yilidan boshlab oliy ta'lim tashkilotlarida, xususan, ishlab chiqarish va texnik, qishloq va suv xo'jaligi sohalaridagi ta'lim yo'nalishlarida ilg'or xorijiy tajriba asosida hamda yosh avlod orasida ijodkorlarning mehnatiga bo'lgan hurmat hissini shakllantirishga qaratilgan intellektual mulk fanlari joriy etiladi va ular bo'yicha o'tkaziladigan mashg'ulotlarda sohada faoliyat olib boruvchi amaliyotchilar ishtirok etishi ta'minlanish;

- oliy ta'lim muassasalari, ilmiy tashkilotlar va ishlab chiqaruvchilar o'rtasida uzviy hamkorlikni yo'lga qo'yish;

- oliy ta'lim tizimida “Patentshunoslik” (bakalavr) yo'nalishini tashkil etish hamda Intellektual mulk agentligi, Fanlar akademiyasi, oliy ta'lim muassasalari va ishlab chiqarish korxonalarini uchun bugungi kunda o'ta zarur bo'lgan intellektual mulk sohasidagi kadrlarni tayyorlashni yo'lga qo'yish;

- oliy ta'lim muassasalari va tarmoq tadqiqot institutlarida yaratiladigan ilmiy ishlanmalarni patentlash va tijoratlash ishlarining samaradorligini oshirish;

- hududlarda sohaviy “fan – ta'lim – ishlab chiqarish” integratsiyalashuvini ixtirochilar, innovatorlar, biznes-jamoalar, ta'lim va ilm yoshlariga maxsus axborotlar bazasi, boshqa axborot resurslardan foydalanishni

o'rgatuvchi konferensiyalar, ta'lim seminarlari, trening va davra suhbatlarini o'tkazish xizmatlarini ko'rsatuvchi axborot maydonchalari yaratilishida Texnologiyalar va innovatsiyalarni qo'llab-quvvatlash markazlari rolini oshirish kabi masalalar aniq belgilab berildi.

Shu bilan birga, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 26-apreldagi “Intellectual mulk sohasini yanada rivojlantirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi PQ-221-son qarori bilan tasdiqlangan “2022-2026-yillarda O'zbekiston Respublikasida intellectual mulk sohasini rivojlantirish Strategiyasi”da ta'lim va amaliyot o'rtasidagi uzviy bog'liqlikni ta'minlash maqsadida oliy ta'lim tashkilotlarining (yengil sanoat, farmatsevtika, qishloq xo'jaligi va boshqa yo'nalishlar) talabalari uchun O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi “Intellectual mulk markazi” davlat muassasasida amaliyot o'tash tartibini joriy etish belgilandi. Bundan tashqari, intellectual mulkni nafaqat oliy ta'lim tizimida balki maktablarda ham o'qitish bo'yicha chora-tadbirlar belgilandi. Xususan, yuqoridagi qarorga ko'ra, yosh avlodda o'zganing intellectual faoliyati natijalarini hurmat qilish hissini hamda ixtirochilik va novatorlik ko'nikmalarini shakllantirish maqsadida umumiy o'rta ta'lim maktablarida intellectual mulk sohasi bo'yicha ta'lim berilishini yo'lga qo'yish bo'yicha ham aniq vazifalar belgilandi.

Mamlakatimizda Toshkent davlat yuridik universiteti birinchilardan bo'lib, intellectual mulk sohasida kadrlarni tayyorlash va mazkur yo'nalishdagi fanlarni oliy yuridik ta'lim tizimiga kiritish bo'yicha muhim ishlarni amalga oshirib kelmoqda. Jumladan, 2018-yilda Butunjahon intellectual mulk tashkilotining bevosita hamkorligida universitetda “Intellectual mulk huquqi” kafedrasi, 2019/2020 o'quv yilidan esa magistratura mutaxassisligi yo'lga qo'yildi. Mazkur universitetning bakalavr bosqichi talabalari uchun “Intellectual mulk huquqi” o'quv fanidan, magistratura bosqichi talabalari uchun esa “Xalqaro intellectual mulk huquqi”, “Patent huquqi”, “Intellectual mulk sohasida shartnomalar tizimi”, “Intellectual mulk sohasidagi nizolarni hal etish” va “Mualliflik huquqi va turdosh huquqlar” o'quv dasturlari bo'yicha mashg'ulotlar olib boriladi. Toshkent davlat yuridik universitetining bakalavr ta'lim bosqichi talabasi “Intellectual mulk huquqi” o'quv kursini tugatganda, intellectual mulk tushunchasi, uning iqtisodiy-ijtimoiy



munosabatlarda tutgan o‘rni, mulkiy huquqlar va ularning tasnifi, uning iqtisodiy daromad manbasi ekanligi, huquqiy muhofaza va himoya masalalari, shuningdek undan noqonuniy foydalanilganlik uchun javobgarlik jihatlari bo‘yicha bilimlarga ega bo‘ladi.

Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 26-apreldagi PQ–221-son qarori bilan tasdiqlangan “2022 – 2026-yillarda O‘zbekiston Respublikasida intellektual mulk sohasini rivojlantirish strategiyasini 2022-2023-yillarda amalga oshirish bo‘yicha “Yo‘l xaritasi”da “Yuristlar malakasini oshirish markazi”da to‘lov-shartnoma asosidaoliy ta‘lim va ilmiy-tadqiqot tashkilotlari, aholi va tadbirkorlik subyektlari uchun “IP Managment” (Intellektual mulkni boshqarish) o‘quv kurslarini tashkil qilish ham belgilangan<sup>1</sup>.

Intellektual mulkning yuqoridagi tarmoqlari bo‘yicha bazaviy bilimga ega bo‘lgan talaba, davlat organi yoki xalq xo‘jaligining turli sohalarida intellektual mulk siyosatiga doir faoliyat bilan shug‘ullanishi mumkin. Magistratura bosqichida esa talabalar maxsus chuqurlashtirilgan tegishli bilim va malakaga (mualliflik huquqi va turdosh huquqlar, mualliflik huquqi va turdosh huquqlar, patent huquqi, patent huquqi sub’ektlarining huquq va majburiyatlari, sanoat mulki ob’ektlariga nisbatan patent qidiruvini amalga oshirish layoqati, sanoat mulki ob’ektlari, tovar (xizmat ko‘rsatish) belgisi, seleksiya yutug‘i, EHM uchun dastur va ma‘lumotlar bazasiga talabnoma to‘ldirish va topshirish qobiliyati, intellektual mulk sohasida litsenziya shartnomasi va huquqlarni o‘tkazishga doir shartnomalarni yuritish bo‘yicha bilimlar) ega bo‘ladi. Intellektual mulk yo‘nalishi mamlakatimiz uchun endi rivojlanib kelayotgan yurisprudensiyaning muhim va tor yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. Shu sababli ham bugungi kunda talabalarni bu yo‘nalishdagi amaliy bilimlarini yanada mustahkamlash maqsadida dars mashg‘ulotlariga patent vakillari, sohadagi vakolatli organlar mutaxassis va ekspertlarini jalb qilish amaliyoti yo‘lga qo‘yilgan. Shu bilan birga, ushbu sohadagi nazariy bilimlarni amaliyot bilan uyg‘unlashtirish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi Intellektual mulk agentligida Amaliy huquqshunoslik kafedrasini tashkil

<sup>1</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 26-apreldagi PQ–221-son qarori bilan tasdiqlangan “2022 – 2026-yillarda O‘zbekiston Respublikasida intellektual mulk sohasini rivojlantirish strategiyasini 2022-2023-yillarda amalga oshirish bo‘yicha “Yo‘l xaritasi”// <https://lex.uz/docs/-5987120>

etilgan. Yuqoridagi aytilganidek ushbu soha bevosita amaliyot bilan bog‘liq bo‘lib, magistratura bosqichi talabasi intellektual mulk bo‘yicha yetuk mutaxassis bo‘lib yetishadi. Bu esa o‘z-o‘zidan mazkur soha vakili sifatida faoliyat yuritish imkonini beradi. Shu sababdan ham bugungi kunda mazkur soha magistratura bitiruvchisiga patent vakili maqomini berish taklifi ilgari surilmoqda. Sababi, patent vakili deganda nafaqat intellektual mulk ob‘ektlariga talabnoma topshiruvchi shaxs tushunilishi kerak, balki soha bo‘yicha nazariy bilimlarga ega bo‘lishi lozim. Aynan patent vakili instituti davlat va tadbirkorlar, ixtirochilar o‘rtasida ko‘prik hamda aholining bu yo‘nalishdagi bilimlarini oshiruvchi sifatida qaralishi kerak. Intellektual mulkka doir ta‘limning rivojlanib borishi quvonarli hol, xususan 2021-yil O‘zbekiston Milliy universiteti Ijtimoiy fanlar fakultetida yurisprudensiya sohasida 60421100 – Patentshunoslik yo‘nalishi tashkil etildi. Bu esa o‘z-o‘zidan kelgusida ijobiy natijalarni beradi. Kelgusida OTMlararo kafedralar faoliyatini ham yo‘lga qo‘yilishi maqsadga muvofiq sanaladi. Sababi intellektual mulkda nafaqat yuridik bilimlar balki texnik, iqtisodiy bilimlarga ham ega bo‘lishlik ham talab etiladi.

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi Intellektual mulk departamenti hamda Toshkent davlat yuridik universiteti, Yuristlar malakasini oshirish markazi, bir qator oliy ta‘lim muassasalarida faoliyat yuritayotgan (*respublikada jami 30 taga yetgan*) Texnologiyalar va innovatsiyalarni qo‘llab-quvvatlash markazlari bilan hamkorlikda aholi o‘rtasida keng tushuntirish va targ‘ibot tadbirlarini o‘tkazish maqsadga muvofiq sanaladi. Yuqoridagilarga ko‘ra, ta‘lim yo‘nalishiga doir quyidagi takliflar ilgari surilmoqda:

*Birinchi*dan, intellektual mulk huquqi yo‘nalishi o‘zining xususiyati va yo‘nalishlaridan kelib chiqib quyidagi 3 ta tarmoqqa (guruh) bo‘linadi:

- patent (sanoat mulki) huquqi yo‘nalishi (ixtiro, foydali modellar, sanoat namunalari (dizayn));
- mualliflik huquqi va turdosh huquqlar ob‘ektlari (adabiy, badiiy, san‘at asarlari, ijrolar, eshittirish va ko‘rsatuv beruvchi tashkilotlar huquqi);
- individuallashtirish vositalari (tovar belgisi, firma nomi, domen nomi).

Ushbu yoʻnalishlardan kelib chiqib malaka oshirish va qayta tayyorlash bilan bogʻliq kurslarni tashkil etilishi maqsadga muvofiq. Sababi ushbu uchta yoʻnalish oʻzining auditoriyasi va amaliyotdagi faoliyati nuqtai nazaradan keskin farq qiladi. Xususan, patent huquqi – Fanlar akademiyasi ilmiy-tadqiqot institutlari, sanoat korxonalari (NKMK, OKMK kabi), aniq va tabiiy fanlar yoʻnalishida faoliyat koʻrsatuvchi olim va mutaxassislar uchun, mualliflik huquqi va turdosh huquqlar – shoir, yozuvchi va turdagi ijodkorlar (Bastakorlar uyushmasi, Yozuvchilar uyushmasi, Badiiy ijodkorlar uyushmasi, radio, televideniya (davlat, xususiy), IT parklar, kutubxonalar kabi) uchun, individuallashtirish vositalari esa barcha turdagi tadbirkorlik subyektlari uchun ahamiyatli sanaladi. Fikrimizcha, ushbu yoʻnalishlarning har biri boʻyicha tegishli kurslarni tashkil etilishi maqsadga muvofiq.

*Ikkinchidan*, amaldagi patent vakillari hamda patent vakilligiga nomzodlar uchun maxsus malaka oshirish va tayyorlov oʻquv kurslarini tashkil qilish. Ilgari intellektual mulk agentligi qoshidagi IP Center Oʻquv markazida 120 soatga moʻljallangan (1 oylik) oʻquv kurslari mavjud edi. Bunda yuqoridagi barcha yoʻnalishlarni qamrab olgan holda oʻquv kurslarini tashkil etish lozim.

*Uchinchidan*, bugungi kunda oliy taʼlim muassasalarida tijoratlashtirish masalalariga jiddiy eʼtibor qaratilmoqda. Xususan, oliy taʼlim vazirligi va taʼlim inspeksiyasi tomonidan taʼlim muassasalari tomonidan yaratilgan intellektual mulk obʼektlarini tijoratlashtirish boʻyicha maxsus reytinglar yuritiladi, KPI tizimga ham alohida ball boʻyicha kiritilgan. Shu bilan birga, xususiy tartibda maxsus venchur fondlar, innovatsion va raqamli markazlar faoliyati yoʻlga qoʻyilmoqda. Shu maqsadda “Intellektual mulk asoslari” rukni ostida maxsus oʻquv kurslarini tashkil etilishi maqsadga muvofiq va oʻylashimcha qamrov doirasi ham oshishi mumkin.

Mazkur takliflardan asosiy maqsad muallif va patent egalarining huquq hamda manfaatlarini himoya qilish hamda intellektual mulk obʼektlarini amaliyotga tijoratlashtiriga keng joriy etishdan iborat.

**КУЧКАРОВ ХАЙРУЛЛА  
ЗИКИРИЛЛАЕВИЧ**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат  
хавфсизлиги университети Жиноий-  
ҳуқуқий фанлар кафедраси  
профессори, юридик фанлар бўйича  
фалсафа доктори (PhD), доцент

## **ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР ТУФАЙЛИ ИШ ЮРИТИШНИ ҚЎЗҒАТИШ ТУШУНЧАСИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ**

***Аннотация:** Мақолада жиноят процессида янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатиш тушунчаси ва ҳуқуқий табиати амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари ва тадқиқотчиларнинг фикр ва мулоҳазаларининг таҳлили асосида ўрганилган. Жиноят процессида янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатиш тартибини такомиллаштиришга оид хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.*

***Калит сўзлар:** мустақил босқич, одил судлов, янги очилган ҳолатлар, кассация инстанцияси, протест, қайта кўриб чиқиш.*

Жиноят процесси асосий вазифаларидан бири – жиноятларни тез, сифатли ва тўлиқ очиш, айбдорларни фош этиш ва жиноят содир этган ҳар бир шахсни адолатли, қонун асосида жазолаш, ҳамда ҳеч қандай айбсиз шахс жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ва судланмаслиги жиноят, жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини тўғри қўлланилишини таъминлашдан иборат. Мазкур вазифалар жиноят процесси барча босқичларида, хусусан янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш босқичида ҳам қайта кўрилиб, ҳал этилади.

Жиноят процессида унинг вазифаларига эришиш ҳуқуқий кафолатлар тизими билан таъминланади, улар орасида жиноят процесси ўзи алоҳида босқичлар тўплами сифатида қурилади. Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш институти жиноят процессининг мустақил босқичи сифатида одил

судловда қонунийликни таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мазкур босқич процессуал назарияда етарлича илмий жиҳатдан ўрганилмаганлигини, мазкур босқичда жиноят-процессуал қонунчилигида ҳуқуқий бўшлиқлардан борлигини кўрсатмоқда. Бу ҳолат ҳуқуқни қўллаш амалиётида бир қатор тушунмовчиликларни келтириб чиқаради, аксарият ҳолларда фуқароларнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузилишига олиб келади. Шу сабабли, жиноят процессида янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш институти илмий, назарий жиҳатдан ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш оид нормалар ЖПКнинг 57-бобида алоҳида ва мустақил бобида баён этилган. Мазкур бобнинг 522-моддасида янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш учун асослар белгиланган бўлиб, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ва ажрими янги очилган ҳолатлар туфайли бекор қилиниши ҳамда иш юритиш қайтадан бошланиши мумкин.

Янги очилган ҳолатлар суднинг ҳукми ёки ажрими қонуний кучга кирган пайтда мавжуд бўлган, бироқ судга маълум бўлмаган ҳолатлардир.

Янги очилган ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

1) жабрланувчининг ёки гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатув ёхуд экспертнинг била туриб ёлғон хулоса берганлиги, худди шунингдек ашёвий далиллар, тергов ва суд ҳаракатлари баённомаларининг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг сохта эканлиги ёки била туриб нотўғри таржима қилинганлиги қонунга хилоф, асоссиз ёки адолатсиз ҳукм, қонунга хилоф ёки асоссиз ажрим чиқарилишига сабаб бўлганлиги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

2) суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қонунга хилоф, асоссиз ёки адолатсиз ҳукм, қонунга хилоф ёки асоссиз ажрим чиқарилишига олиб келган жинойий хатти-ҳаракатларга йўл

қўйганлиги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

3) муайян жиноят ишини кўриш чоғида судья томонидан содир этилган жиноий хатти-ҳаракатлар суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

4) ўз ҳолича ёки илгари аниқланган ҳолатлар билан биргаликда маҳкумнинг айбсизлигидан ёхуд у ҳукм этилганига нисбатан оғирлиги даражаси бўйича бошқа жиноят содир этганлигидан ёхуд оқланган шахснинг ёки ўзига нисбатан иш тугатилган шахснинг айбдорлигидан далолат берадиган бошқа ҳолатлар.

Мазкур институт судлар томонидан ишни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг аниқланмаганлиги туфайли йўл қўйилган бир томондан қонуний, адолатли бўлган, лекин, иккинчи томондан етарли даражада асосланмаган суд қарорларини тўғрилашнинг кенг имкониятларини, яратади. Асосийси, жиноят-процессуал соҳада шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари суд орқали ҳимоя қилиниши кафолатланганлигига бўлган ишонч туйғусини янада оширади.

Юридик адабиётларни таҳлил қилиш мобайнида жиноят-процессуал ҳуқуқининг мазкур институти ҳақида ҳуқуқшунос олимлар томонидан бир қатор фикрлар билдириб ўтилганлигини кўришимиз мумкин.

Жумладан, Л.С.Морозова ва И.М.Зайцев таъбирича, янги очилган ҳолатларнинг аҳамиятлилиги шундаки, бу ҳолатларнинг очилиши иш бўйича дастлабки суд қарорининг ҳаққонийлигини рад этади<sup>1</sup> ёки унинг ноқонунийлиги, асоссизлиги ёки нотўғрилигини англатади.<sup>2</sup>

У.А.Тухташева, янги очилган ва янги ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайта тиклаш – жиноят процессининг мустақил босқичи бўлиб, унда ўзининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари суднинг, шунингдек, прокурорнинг адолатсиз қарори билан бузилган жиноят процесси иштирокчилари томонидан ташаббусқилинган иш

<sup>1</sup> Морозова Л. С. Пересмотр решений по вновь открывшимся обстоятельствам. - М., 1959. – С. 27. 3.

<sup>2</sup> Зайцев И.М. Пересмотр по вновь открывшимся обстоятельствам решений, определений, постановлений, вступивших в законную силу // Советская юстиция, 1967. № 18. – С. 22.

юрителиш асосида суд хатоларини тузатиш орқали суд назорати вазибалари амалга оширилади<sup>1</sup> – деган фикрни қўллаб қувватлаш мумкин.

С.Саҳаддиновнинг, янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш, мамлакатимизнинг амалдаги ЖПК бўйича, жиноят процессининг мустақил босқичи эмас – деган фикри билан мутлақо келишиб бўлмайди.<sup>2</sup>

Бизнинг фикримизча, жиноят ишлари бўйича суднинг қонуний кучга кирган суд қарорларини янги очилган ҳолатлар туфайли қайта кўриш босқичи махсус субъектлар таркиби, объекти, мазмуни, қайта кўриш асосларига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, жиноят процессининг алоҳида мустақил босқичи сифатида кўриш мумкин.

Ш.Шораҳметов таъриф беришича, бу институтнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда суд хатоликларга йўл қўймайди.<sup>3</sup>

Бу институтнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда суд хатоликларга йўл қўйилмаслигида, янги очилган ҳолатларнинг муҳим аломатларидан бири унинг иш учун аҳамиятлилигидир. Суд қарорларининг янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилиниши суд қарори нотўғри эканлигини аниқлатмайди. Бундай хулосага фақатгина дастлабки суд қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқилган суд қарори билан солиштирилганда келиш мумкин. Янги очилган ҳолатлар туфайли қайта кўриб чиқишнинг яна бир муҳим жиҳати – бу ушбу ҳолатларнинг суд қарори эълон қилингунга қадар мавжуд бўлганлигида кўриш мумкин. Яъни, янги очилган ҳолатларнинг қайтадан очилиши дастлабки чиқарилган суд қарорини бекор қилишга асос бўлади. Демак, мазкур босқичда жиноят-процессуал қонунчиликда кўрсатилган ҳолатлар қайтадан очилади, чунки улар амалда ишни кўриш жараёнида мавжуд бўлган.

<sup>1</sup> Тухташева У.А. Уголовно-процессуальные пути устранения судебных ошибок. Автореферат докторской (DSc) диссертации по юридическим наукам. – Тошкент, 2020. – Б. 48.

<sup>2</sup> Саҳаддинов С. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Махсус қисм илмий-амалий шарҳ) /Масъул муҳаррир: Б.Х.Пўлатов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. 352 б.

<sup>3</sup> Ш.Ш.Шораҳметов. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал ҳуқуқи: (Дарслик). – Тошкент: Адолат, 2007. – Б. 428.

Мазкур институт судлар томонидан ишни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг аниқланмаганлиги туфайли йўл қўйилган бир томондан қонуний, адолатли бўлган, лекин, иккинчи томондан етарли даражада асосланмаган суд қарорларини тўғрилашнинг кенг имкониятларини яратади. Кейинги янги очилган ҳолатлар учун ўзига хос бўлган аломатлардан бири – бу уларнинг мавжудлиги суд ва аризачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра маълум бўлмаганлигидир. Янги очилган ҳолатларнинг аризачи ва судга номаълумлиги фақатгина суднинг билиши мумкинлиги ҳолатидан англашилмайди, чунки янги очилган ҳолатларнинг номаълумлигига бошқа шахсларнинг жиноий оқибатлари ҳам сабаб бўлиши мумкин. Яна бир муҳим ва янги очилган ҳолатларни бошқа ҳолатлардан фарқловчи аломатлардан бири – бу суд ҳукми ва ажрими қонуний кучга киргандан кейин ушбу ҳолатларнинг аён бўлганлиги. Агарда ушбу ҳолатлар суд қарори қонуний кучга киргунига қадар аниқланса, ушбу жараёнда аниқланган ҳолатлар таҳлил қилинаётган институтда кўриш учун асос ҳисобланмайди.

Назаримизда, ҳозирги кунда янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришдаги муаммо ЖПКда янги очилган ҳолатлар предметига оид нормалар мавжуд бўлсада, ушбу институтни тартибга солувчи тушунча мавжуд эмаслиги кўришимиз мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб, янги очилган ҳолатлар бу – суд қарори қабул қилинган пайтда мавжуд бўлган, лекин судга маълум бўлмаган ёки маълум бўлиши мумкин бўлмаган, иш учун муҳим аҳамият касб этувчи ҳолатларнинг қайтадан очилиши натижасида дастлаб қонуний кучга кирган суд қарорини қабул қилишга асос бўлган далилларни инкор этувчи ёки уларни шубҳа остига солувчи юридик далиллардир.

Шу ўринда, ЖПКнинг рус тилидаги таҳрири 57-бобига эътибор қаратадиган бўлсак, мазкур боб “Возобновление производства ввиду вновь открывшихся обстоятельств” деб номланиб, унинг нормаларида ҳам “вновь открывшиеся обстоятельства” тушунчалари қўлланилган. Рус-ўзбек тилидаги луғатларини ўрганиш давомида, “вновь” сўзи “қайтадан”, “янгитдан”, “қайта” деган маъноларни англатишини кўришимиз мумкин.



Айрим манбалардан ҳам мазкур ҳолатга оид бир қатор таҳлиллар бериб ўтилган.<sup>1</sup>

Бизнинг фикримизча, Жиноят-процессуал кодекси 57-боби ва унинг нормаларидаги “янги очилган ҳолатлар” ўрнига “қайтадан очилган ҳолатлар” жумласини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, “янги очилган ҳолатлар” деганда, суднинг иш кўриш жараёнида мавжуд бўлмаган ва фақат суд қарори қонуний кучга киргандан сўнг вужудга келадиган процессуал жараённи тушунишимиз лозим. Бинобарин, ишларни янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритшни қайтадан бошлаш учун асос бўладиган ҳолатлар суд ишни кўришда мавжуд бўлган, аммо ўша пайтда судга маълум бўлмаган бўлиши талаб этилади. Қайта очилган ҳолатлар (вновь открывшиеся обстоятельства) қоидага кўра, иш бўйича исботлаш предметининг таркибий қисмини ташкил этиб, суд қарорларини қайта кўриш учун асос бўлган ҳолатлар янгидан ва ўзгарган ҳолатлар эмас, балки қайтадан очилган бўлиши керак.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Жиноят-процессуал кодексига мазкур институтга оид нормаларига **“қайтадан очилган ҳолатлар”** тушунчасини киритиб, уларни қуйидагича юртиш ўринли бўлар эди. Қайтадан очилган ҳолатлар (вновь открывшиеся обстоятельства) – ишни кўриш вақтида мавжуд бўлган, лекин объектив сабабларга кўра судга маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, иш учун муҳим аҳамият касб этувчи ҳолатларнинг суд қарори чиқарилгунига қадар вужудга келиши натижасида дастлабки чиқарилган қонуний кучга кирган суд қарори қабул қилишга асос бўлган фактларни инкор этувчи ёки уларни шубҳа остига олувчи ҳуқуқий далиллардир.

Мазкур институтнинг ўзига хос жиҳати, суд қарорларини қайта кўриш асосларида намоён бўлади. Янги очилган ҳолатлар тушунчаси ва унинг мазмуни амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини тушунтириш илмий адабиётларда турли хил таъриф берилган.

П.А.Лупинская таъбирича, янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни қайта тиклаш - бу жиноят процессининг алоҳида босқичи

---

<sup>1</sup> Проект ПРООН. Аналитическая справка. Институт пересмотра судебных решений по вновь открывшимся обстоятельствам в Узбекистане. –Ташкент: 2013.

бўлиб, унда тегишли суд ҳукми ва қонуний кучга кирган бошқа суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текширади.<sup>1</sup>

Бу ҳақда Б.Х.Пўлатов, янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайта бошлаш жуда кам учрайдиган ҳодиса<sup>2</sup> - деб ёзади.

К.В.Камчатовнинг фикрича, янги ва янги очилган ҳолатлар туфайли жиноят ишини қайта бошлаш табиати ҳукм ёки бошқа суд қарорининг анъанавий қайта кўриб чиқилишига тўлиқ мос келмайди.<sup>3</sup>

Айрим манбаларда мазкур институтни такомиллаштириш ва ижтимоий зарурати тўғрисида фикрлар билдирилган.<sup>4</sup>

Бошқа юридик адабиётларда эса, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган, қонунга хилоф, асоссиз ёки адолатсиз қарор чиқарилишига сабаб бўлган ҳолатлар, яъни гувоҳнинг била туриб берган ёлғон хулосаси, атайин нотўғри қилинган таржима, қалбаки ҳужжатлар ёки ашёвий далиллар<sup>5</sup> - деган фикрлар учрайди.

Н.А.Громов таъкидлашича, тузатиш тартиби ... ноқонуний ҳукмлар янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни қайта бошлаш учун аниқ тартибга солинадиган процессуал процедурага таяниши керак.<sup>6</sup>

В.А.Давидов таҳлил қилишича, янги очилган ҳолатларга ҳуқуқий эмас, балки қонуний кучга кирган суд қарорини қайта кўриб чиқиш зарурлигини келтириб чиқарадиган ҳақиқий асослар киради.<sup>7</sup>

---

<sup>1</sup> Уголовно-процессуальное право Российской Федерации: Учебник / Отв. ред. П.А.Лупинская. - М.: Юрист, 2003. – С. 577.

<sup>2</sup> Б.Х.Пўлатов. Судларда жиноят ишларини кўриб чиқишда прокурорнинг иштирокини қонун ҳужжатларида тартибга солишни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий муаммолари ва йўллари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент, 2002. — 31 с.

<sup>3</sup> К.В.Камчатов. Вопросы уголовно-процессуального регулирования запрета на поворот к худшему // Уголовно- процессуальный кодекс Российской Федерации: достижения и проблемы применения: сборник материалов II Всероссийской студенческой научно-практической конференции. - Курск, 2014. - С. 104-109.

<sup>4</sup> Назаров А.Д. Следственные и судебные ошибки и уголовно-процессуальный механизмы устранения: концептуальные основы. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. - Санкт-Петербург, 2017. - 245 с.

<sup>5</sup> Ўзбек юридик атамаларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Lesson press, 2021. Б. 412.

<sup>6</sup> Громов Н.А. Теоретические и практические проблемы возобновления уголовных дел по вновь открывшимся обстоятельствам. Дис... докт. юрид. наук. - Москва, 1993. - 145 с.

<sup>7</sup> Давидов В.А. Возобновление уголовного судопроизводства ввиду новых или вновь открывшихся обстоятельств: Дис... док. юрид. наук. - Москва, 2011. - 75 с.

Бизнинг фикримизча, янги очилган ҳолатлар деганда, суд қарори кучга кирган пайтда мавжуд бўлган, бироқ судга маълум бўлмаган, иш бўйича чиқарилган суд қарорларини бекор қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган, ишни қайта кўриш бўйича далил сифатида фойдаланиладиган фактик маълумотлар йиғиндиси тушунилиши лозим.

Янги очилган ҳолатлар мавжуд бўлмасдан, кассация инстанциясида кўриб чиқиш асослари мавжуд бўлган ҳолатда, ишни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш мумкин эмас, бундай ҳолларда суд кўрсатиб ўтилган ҳолатлар мавжуд эмаслигига асосланиб, янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлашни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят процессида қонуний кучга кирган суд қарорини янги очилган ҳолатлар туфайли қайта кўриш институтини илмий таҳлил қилиб ўрганиш, шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмини самарали фойдаланиш, қонуний кучга кирган суд қарорларини барқарорлиги, ишончлилиги ва қонунийлигини таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунчиликни бир хилда қўлланилишини таъминлашга хизмат қилган бўлар эди.

**САИДОВ МАКСУДБЕК  
НОРБОЕВИЧ**

Председатель экономической  
коллегии Ташкентского городского  
суда  
Email: [mr.msaidov@gmail.com](mailto:mr.msaidov@gmail.com)

## **ПОНЯТИЕ «КОРПОРАЦИЯ» И ЕЕ РАЗНОВИДНОСТИ**

**Аннотация:** В этой статье рассмотрены понятие «корпорация», виды и особенности юридических лиц, обсудив данные особенности исходя из их организационно-правовой формы, освещен опыт зарубежных стран в этой области.

**Ключевые слова:** корпорация, организационно-правовая форма юридического лица, учредительные документы юридического лица, особенности обществ.

Когда речь идет о корпоративных спорах нужно отметить, что формулировки “корпоративное право”, “корпоративный спор”, “корпоративное управление” произошли от понятия “корпорация”. Итак, что такое корпорация и какие у неё отличительные особенности?

В последнее время в правовых литературах все больше встречается понятие “корпорация”. В законодательствах иностранных государств под корпорацией понимается один из видов юридических лиц, занимающегося предпринимательской деятельностью.

Однако в Узбекистане понятию “корпорация” не дано юридическое определение. Кроме того, в процессуальных законодательных документах республики правила о корпоративных спорах изложены очень кратко. Это в свою очередь приводит к различным сложностям и неудобствам при рассмотрении и разрешении споров данной категории, и применении правовых норм на практике. Поэтому сначала постараемся раскрыть сущность понятия “корпорация”.

“Корпорация” в переводе с латинского языка означает объединение определенного круга лиц, их сообщество, сотрудничество, существование общности между ними.

Возникновение современного понятия “корпорация” глубоко уходит корнями в римское право. Слово “корпорация” (из латинского слова “corporation”) означает группу или союз лиц, объединенных по профессиональным или классовым признакам.

По мнению ученых, изучающих римское право, понятие “корпорация” происходит из латинской формулировки “corpus habere”, что подразумевает права юридических лиц. Однако, частные корпорации в Древнем Риме обозначали своего рода ассоциацию, где каждый участник владел своей долей в имуществе и самостоятельно мог вступать в отношения с третьими лицами, нежели юридическое лицо<sup>1</sup>.

Форма ведения частного предпринимательства, впервые возникшего в Древнем Риме, частично соответствует современному понятию “корпорация”. Однако в связи с тем, что в римском праве отсутствовало понятие “юридическое лицо”, ассоциации данного типа вбирало в себя (подразумевало) союз обычных граждан (не в качестве юридического лица – как упоминает автор). В Риме такие ассоциации вели свою деятельность в качестве частных корпораций, религиозных общин и профессионального объединения ремесленников.

Впоследствии в ассоциациях (фирмах) организационные отношения все более усложнялись, образовывались их обособленное имущество, которое управлялось участниками ассоциации от ее имени, которые несли солидарно-субсидиарную ответственность по обязательствам ассоциации (фирмы).

Понятие “корпорация” возникло в средние века в Западной Европе. С развитием торговых отношений между странами стали возникать торговые гильдии, объединяющих торговцев, которые стремились заполнить иностранные рынки своими товарами. Вначале, такие ассоциации не вели свою деятельность как единая

---

<sup>1</sup> Е.А. Дорожинская. Корпоративное право: курс лекций / Е.А. Дорожинская; Новосибирск: Изд-во СибАГС, 2016. — 264 с.

(полная) хозяйственная единица (юридическое лицо – автор). Каждый торговец объединялся в торговые гильдии и соблюдал ее правила в целях организации совместных походов и защиты своего имущества от нападения разбойников. Несмотря на отсутствие общего имущества каждый член ассоциации обязался внести плату на поддержание ее жизнедеятельности. В свою очередь гильдия отвечала за долги ее членов в течение их совместной деятельности.

Корпоративные формы предпринимательства (компания, артель, простое товарищество, коммандитное товарищество) стали возникать в 17-18 веках. Развитие мануфактурного производства, строительства и финансов способствовали развитию различных организационно-правовых форм экономической деятельности.

Промышленная революция 19 века ознаменовала новый этап развития корпораций. Процессы индустриализации способствовали привлечению огромного капитала, в результате которого приобретена широкая популярность акционерной формы организации производства.

В результате чрезмерного повышения производства в 19-20 веках начали меняться корпоративные формы, усилилась централизация, концентрация капитала, вследствие чего возникали монополистические образования<sup>1</sup>.

Из вышеприведенного появляется общая концепция о том, что корпорация – это организационная единица определенного круга лиц, нацеленных на совместное ведение предпринимательской деятельности. Например, 3 физических лиц создают общество с ограниченной ответственностью или же 4 физических лица и 1 юридическое лицо – акционерное общество.

Чтобы раскрыть сущность корпорации более подробно для начала обратим внимание на его отличительные правовые особенности:

**Во-первых,** под корпорацией понимается организация, занимающаяся предпринимательской деятельностью для извлечения прибыли.

<sup>1</sup><https://studfiles.net/preview/2852073/>.

В соответствии со статьей 40 Гражданского кодекса (далее ГК) юридические лица по цели своей деятельности подразделяются на два вида. Первое – коммерческая организация, главной целью которой является извлечение прибыли, вторая – некоммерческая организация, для которой извлечение прибыли не является главной целью.

Некоммерческие организации, в число которых входит такие бюджетные организации (содержащиеся за счет средств бюджета), как государственные учреждения, детские садики, школы, больницы, научно-исследовательские институты и другие не могут считаться корпорацией. Но есть такие виды некоммерческих организаций, которые могут считаться корпорацией, и про них мы остановимся чуть позже.

В соответствии со ст.ст. 40,58-72 ГК коммерческие организации могут создаваться в виде полного и коммандитного товарищества, общества с ограниченной и дополнительной ответственностью, акционерного общества, дочернего и зависимого общества, производственного кооператива, унитарного предприятия и др.

А также, юридические лица в виде частного и семейного предприятия, фермерского и дехканского хозяйства тоже относятся к коммерческим организациям по целевой направленности.

Было бы неверным считать корпорацией только коммерческие организации, занимающихся предпринимательской деятельностью.

Из коммерческих организаций только полное и коммандитное товарищество, общество с ограниченной и дополнительной ответственностью, акционерное общество, дочернее и зависимое общество, производственный кооператив, унитарное предприятие, частное и семейное предприятие, фермерское и дехканское хозяйство относятся к корпорации.

Следует отметить, что среди коммерческих организаций акционерное общество всецело соответствует понятию “корпорация”. Так как, оно отвечает на все признаки, присущие корпорации, и поэтому его можно указать в качестве эталона корпорации.

В законе “Об акционерных обществах и защите прав акционеров” отображены признаки правового статуса корпорации:

Акционерное общество является коммерческой организацией, уставной капитал, которого формируется из акций, определяющих права их владельцев в отношении акционерного общества;

Юридические и физические лица, подписавшие учредительный договор о создании акционерного общества, признаются их учредителями;

Общее собрание акционеров, наблюдательный совет и исполнительный орган являются органами управления акционерного общества.

В Англии понятие “корпорация” включало в себя единое предприятие (corporation sole) или же группу лиц (corporation aggregate) в качестве определенного вида юридического лица.

Во Франции и Германии при разделении юридических лиц на определенные группы понятие “корпорация” не используется вообще. То есть, во Франции юридические лица подразделяются на товарищества и ассоциации, а в Германии – на коммерческие и некоммерческие организации.<sup>1</sup>

**Во-вторых,** корпорации должны иметь статус юридического лица.

Потому что, как указывается в части пятой статьи 37 Экономического процессуального кодекса (далее ЭПК) исковые заявления по корпоративным спорам предъявляются в суд по месту нахождения юридического лица по правилам статьи 30 этого кодекса. Из этой нормы вытекает необходимость наличия статуса юридического лица у корпорации.

В соответствии со статьей 39 ГК «юридическим лицом» признается организация, которая имеет в собственности, хозяйственном ведении или оперативном управлении обособленное имущество и отвечает по своим обязательствам этим имуществом, может от своего имени приобретать и осуществлять

---

<sup>1</sup> Кашанина Т.И. Корпоративное право (Учебник для вузов). Москва, “Норма-Инфра.М”, 1999, стр 129-131



имущественные и личные неимущественные права, нести обязанности, быть истцом и ответчиком в суде.

Согласно нормам частей первой и четвертой статьи 44 ГК юридическое лицо должен пройти государственную регистрацию в порядке, установленном законодательством. Сведения о государственной регистрации являются открытыми и вносятся единый государственный реестр юридических лиц (ЕГРЮЛ) для всеобщего обозрения.

Юридическое лицо считается созданным с момента государственной регистрации.

То есть, юридическое лицо, владеющее соответствующими признаками с момента государственной регистрации будет считаться “корпорацией”.

Из содержания части пятой статьи 37 ЭПК вытекает, что ни одно лицо, занимающееся предпринимательской деятельностью, без прохождения государственной регистрации не будет считаться корпорацией.

Как указывается в части первой статьи 24 ГК, физическое лицо с момента государственной регистрации в качестве индивидуального предпринимателя имеет право заниматься предпринимательской деятельностью.

В соответствии с правилами статьи 6 закона “О гарантиях свободы предпринимательской деятельности” индивидуальным предпринимательством является ведение предпринимательской деятельности физическим лицом без образования юридического лица.

Индивидуальное предпринимательство осуществляется на основании имущества, принадлежащего ему на праве собственности, а также других вещных прав, допускающих владение или пользование им.

В соответствии с правилами статьи 7 закона “О гарантиях свободы предпринимательской деятельности” физические лица могут вести следующие виды совместной деятельности без образования юридического лица:

- 1) семейное предпринимательство;

2) простое товарищество;

3) дехканское хозяйство.

В соответствии со статьей 3 закона “О семейном предпринимательстве” под семейным предпринимательством подразумевается инициативная деятельность членов семьи, осуществляемая в целях получения прибыли на свой риск под свою имущественную ответственность.

Семейное предпринимательство ведется путем образования или без образования юридического лица.

Организационно-правовая форма семейного предпринимательства путем образования юридического лица является семейное предприятие.

Семейное предпринимательство без образования юридического лица осуществляется в порядке, установленном требованиями законодательства.

Как было отмечено выше понятие корпорации включает в себя семейное предприятие, осуществляющие предпринимательство путем образования юридического лица.

В соответствии с частью 1 статьи 5 закона “О семейном предпринимательстве” участниками семейного предприятия могут быть глава семьи, его супруга (супруг), дети и внуки, родители, иные родственники, достигшие трудоспособного возраста (супруги детей и внуков, кровные и сводные братья и сестры, их супруги и дети, дяди и тети). Участниками семейного предприятия могут быть только дееспособные лица. То есть семейное предприятие образуется несколькими лицами, являющихся его учредителями.

Но семейное предпринимательство без образования юридического лица не относится к корпорациям.

В главе 53 ГК приводятся нормы, регулирующие особенности простого товарищества, в соответствии со статьей 962 которого по договору простого товарищества (договору о совместной деятельности) двое или более лиц, именуемых товарищами (участниками), обязуются соединить свои вклады и совместно действовать без образования юридического лица для извлечения прибыли или достижения иной цели, не противоречащей закону.

Сторонами договора простого товарищества, заключаемого для осуществления предпринимательской деятельности, могут быть только индивидуальные предприниматели и (или) коммерческие организации.

Ведение дел в простом товариществе, управление ведется в порядке, установленном в соглашении сторон.

В связи с тем, что управление и ведение деятельности в простом товариществе основывается на письменном соглашении сторон, а также отсутствие статуса юридического лица у простого товарищества не дает оснований для его отнесения в число корпораций.

Но в законодательстве некоторых стран простые товарищества признаются в качестве корпораций.

Например во Франции простое коммандитное товарищество (*societe en commandite simple*) считается одним из главных видов корпораций<sup>1</sup>.

В соответствии со статьей 3 закона “Дехканском хозяйстве” дехканским хозяйством является хозяйство, осуществляющее выращивание и реализацию сельскохозяйственной продукции на основе личного труда членов дехканского хозяйства на земельном участке, предоставленном главе дехканского хозяйства на праве пожизненного наследуемого владения или аренды (субаренды).

Деятельность в дехканском хозяйстве относится к предпринимательской деятельности и может осуществляться по желанию членов дехканского хозяйства как с образованием, так и без образования юридического лица.

Из-за наличия соответствующих признаков дехканское хозяйство с образованием юридического лица тоже следует отнести к корпорации.

**В третьих**, для признания организации корпорацией оно должно быть создано двумя или более лицами, то есть необходимо наличие организационной единицы определенных лиц.

---

<sup>1</sup>Е.А. Дорожинская. Корпоративное право: курс лекций / Е.А. Дорожинская; Новосибирск: Изд-во СибАГС, 2016. — 264 с

Здесь естественно возникает вопрос: следует ли отнести юридических лиц к корпорации, в которых участником является одно лицо, в то время как корпорация считается организационной единицей лиц, нацеленных на осуществление предпринимательства.

В корпорации двое или более лиц в целях осуществления предпринимательства и извлечения прибыли организуют юридическое лицо той или иной организационно-правовой формы путем объединения вкладов в виде денежных средств или иного имущества. Поэтому, когда учредителем юридического лица является одно лицо, то его не следует отнести к корпорации.

В соответствии с частью 1 статьи 3 закона “О частном предприятии” частным предприятием признается коммерческая организация, созданная и управляемая собственником — одним физическим лицом. Частное предприятие является организационно-правовой формой субъектов предпринимательства.

Кроме того, в соответствии с частями первой и второй статьи 3 закона “О фермерском хозяйстве” фермерское хозяйство — субъект предпринимательства, занимающийся производством сельскохозяйственной продукции и другими видами деятельности, не запрещенными законодательством, с использованием земельных участков, предоставленных в аренду.

Фермерское хозяйство является основным субъектом сельскохозяйственного производства в Республике Узбекистан.

В статье 4 данного закона строго определено, что главой фермерского хозяйства является его учредитель — фермер, что им может быть гражданин Республики Узбекистан, достигший восемнадцатилетнего возраста, имеющий соответствующую квалификацию или опыт работы в сельском хозяйстве, что он представляет фермерское хозяйство в отношениях с другими юридическими и физическими лицами, и что передача его прав и обязанностей другому лицу запрещается, за исключением случаев, предусмотренных законом.

Из содержания вышеприведенных норм подразумевается, что фермерское хозяйство и частное предприятие учреждается одним,

единственным учредителем. То есть, в данном случае отсутствует организационная единица лиц. Поэтому их не следует отнести к корпорации в связи с отсутствием соответствующих признаков.

Кроме того, юридические лица другой организационно-правовой формы, организуемые единственным учредителем на основании норм действующего законодательства, тоже не относятся к корпорации.

В частности, как указывается в части 1 статьи 10 закона “Об акционерных обществах и защите прав акционеров” Создание общества путем учреждения осуществляется по решению учредителей (учредителя). Решение об учреждении общества принимается учредительным собранием. В случае учреждения общества одним учредителем решение о его учреждении принимается им единолично. То есть, акционерное общество может быть образовано одним учредителем и, соответственно, акционерное общество с одним учредителем не следует отнести к корпорации.

Или же в части 1 статьи 3 закона “Об обществах с ограниченной и дополнительной ответственностью” установлено, что обществом с ограниченной ответственностью признается учрежденное одним или несколькими лицами хозяйственное общество, уставный фонд (уставный капитал) которого разделен на доли определенных учредительными документами размеров.

Поэтому, когда общество с ограниченной ответственностью учреждается единственным учредителем, оно не считается корпорацией, а когда создается двумя или более лицами, – его следует отнести к корпорации.

Данное правило распространяется и в отношении обществ с дополнительной ответственностью в соответствии с частью 1 статьи 4 данного Закона.

Унитарное предприятие является еще одной разновидностью юридического лица, создаваемого единственным учредителем.

Как отмечено в части 1 статьи 70 ГК унитарным предприятием признается коммерческая организация, не наделенная правом собственности на закрепленное за ней собственником имущество.

Имущество унитарного предприятия является неделимым и не может быть распределено по вкладам (долям, паям), в том числе между работниками предприятия.

Устав унитарного предприятия должен содержать, помимо указанных в частях четвертой и пятой статьи 43 настоящего Кодекса, сведения о размере уставного фонда предприятия, порядке и источниках его формирования.

Имущество унитарного предприятия принадлежит ему на праве хозяйственного ведения или оперативного управления.

То есть, наличие факта образования единственным учредителем, неделимость имущества, невозможность его распределения по вкладам не дают нам право отнести унитарное предприятие к корпорации, даже если оно действует на праве хозяйственного ведения или оперативного управления.

В законодательных актах существует целый ряд организационно-правовых форм юридических лиц, организуемых единственным учредителем, которых было бы неправильным отнести к корпорации, и соответственно отношения, связанные с их государственной регистрацией, деятельностью, ликвидацией не являются предметом корпоративного права. В свою очередь споры, вытекающие из данных отношений не считаются корпоративными спорами.

**В четвертых,** объединение юридических лиц в соответствии с нормами действующего законодательства является некоммерческой организацией и, соответственно, оно не относится к корпорации.

В соответствии с частью 5 статьи 40 ГК юридические лица могут объединяться в ассоциации (союзы) и иные объединения в соответствии с законом.

Данные объединения по цели своей деятельности могут иметь форму консорциума, корпорации, концерна, холдинга либо др.

Согласно части 1 статьи 77 ГК коммерческие организации в целях координации их предпринимательской деятельности, а также представления и защиты общих имущественных интересов могут объединяться в ассоциации (союзы) и иные объединения, являющиеся некоммерческими организациями. Если по решению

участников на ассоциацию (союз) и иное объединение возлагается ведение предпринимательской деятельности, такие ассоциация (союз) и иное объединение подлежат преобразованию в хозяйственное общество или товарищество в порядке, предусмотренном настоящим Кодексом, либо может создавать для осуществления предпринимательской деятельности хозяйственные общества или участвовать в них.

Несмотря на цель осуществления предпринимательства, ассоциации (союзы) нельзя отнести к корпорациям, так как они являются некоммерческими организациями.

Следует не упускать из виду факт того, что существует организационно-правовая форма ассоциации (союза) в виде корпорации. Но оно не имеет никакого отношения к понятию “корпорация”, рассматриваемому нами в тезисе. Потому что, как следует из содержания норм статьи 77 ГК, корпорация в качестве некоммерческой организации не может самостоятельно вести предпринимательскую деятельность и, соответственно, оно не относится к корпорации.

Во Франции главными организационно-правовыми формами корпоративных отношений выступают:

- полное товарищество (societe en nom collective);
- простое коммандитное товарищество (societe en commandite simple);
- общество с ограниченной ответственностью (societe a responsabilite limitee - SARL);
- акционерное общество (societe anonyme - SA) (простое);
- акционерное-коммандитное общество;
- упрощенное акционерное общество;
- общество с ограниченной ответственностью с единственным учредителем.

В США главными организационно-правовыми формами корпоративных отношений выступают:

- партнерство участников с неограниченной ответственностью (general partnership) – похожее на полное товарищество (в США не является юридическим лицом);

- партнерство участников с ограниченной ответственностью (limited partnership) – похожее на коммандитное товарищество;  
- компания с ограниченной ответственностью (limited liability company);

- корпорация – похожее на акционерное общество – корпорация открытого типа или же публичная корпорация (publicly held corporation) или закрытая корпорация (close corporation).

В свою очередь, в США корпорации подразделяются на следующие виды:

1. Публичные корпорации (государственные и муниципальные органы);

2. Квазипубличные корпорации (организации, удовлетворяющие общие потребности населения, такие как газо, водо, электро-снабжающие корпорации, ирригационные и железнодорожные корпорации. При их создании и управлении государство участвует частично);

3. Непредпринимательские корпорации (религиозные учреждения, школы, коллежи, университеты, благотворительные фонды и другие);

4. Предпринимательские корпорации (товарищества, банки, страховые компании и другие коммерческие организации)<sup>1</sup>.

В Японии существуют 2 главных организационно-правовых форм корпоративных правоотношений:

- общество с ограниченной ответственностью (limited liability corporation);

- акционерная компания (joint stock corporation)<sup>2</sup>.

**В пятых,** некоторые виды некоммерческих организаций ввиду наличия соответствующих принципов, таких как организация, ведение деятельности, осуществление управления, следует отнести к корпорациям.

Например, в ГК производственные кооперативы отнесены к некоммерческим организациям, и в части 1 статьи 73 установлено,

---

<sup>1</sup>Кашанина Т.И. Корпоративное право (Учебник для вузов). Москва, “Норма-Инфра.М”, 1999, стр 129-131.

<sup>2</sup> Е.А. Дорожинская. Корпоративное право: курс лекций / Е.А. Дорожинская; Новосибирск: Изд-во СибАГС, 2016. — 264 с.



что потребительским кооперативом признается добровольное объединение граждан на основе членства с целью удовлетворения материальных (имущественных) потребностей участников, осуществляемое путем объединения его членами имущественных (паевых) взносов.

В части шестой данной статьи отмечено, что к коммерческой деятельности потребительского кооператива применяются правила настоящего Кодекса о коммерческих организациях. Значит, производственный кооператив, даже если он не считается коммерческой организацией, по характеру деятельности следует отнести к корпорации.

А также, в части седьмой данной статьи указывается, что правовое положение потребительских кооперативов, а также права и обязанности их членов определяются в соответствии с настоящим Кодексом и другими законодательными актами.

Под законодательным актом подразумевается закон «О кооперации».

В статьях 1-3 данного Закона установлены важные признаки кооперации, отождествляющих соответствующие признаки корпорации:

Они представляют собой организационно оформленные, основанные на ширкатной (коллективной) форме собственности добровольные объединения (кооперативы) физических и юридических лиц для достижения общих целей в различных областях экономической и социальной деятельности;

Они функционируют в виде потребительских, производственных и смешанных производственно-потребительских кооперативов, создаваемые для удовлетворения общественных потребностей населения в продукции, работах и услугах, а также с целью получения прибыли (дохода);

Кооперативом является самостоятельно хозяйствующий субъект с правами юридического лица, который владеет, пользуется и распоряжается принадлежащим ему на правах коллективной собственности имуществом. Земля и другие природные ресурсы предоставляются кооперативам в пользование;

Кооператив вправе заниматься любыми видами деятельности за исключением запрещенных законодательными актами Республики Узбекистан. При этом не допускается осуществления кооперативами и их хозяйственными ассоциациями (включая смешанные государственно-кооперативные ассоциации всех видов) функции органов государственного управления, контроля и надзора, а также органов, осуществляющих доследственную проверку, органов дознания, следствия и правосудия.

А также среди ученых и специалистов существует спор по поводу отнесения товариществ частных собственников жилья, которые являются некоммерческой организацией.

**VOHIDOV MAHKAM  
MUBINOVICH**

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi qoshidagi Yuristlar malakasini oshirish markazi dotsenti v.b., yuridik fanlari nomzodi

## **ADVOKATLARNING MALAKASINI OSHIRISH BORASIDAGI ROSSIYA FEDERATSIYASI AMALIYOTI**

**Annotatsiya:** *Ushbu maqolada advokatlarning malakasini oshirish borasidagi Rossiya Federatsiyasi amaliyoti, malaka oshirish sub’ektlari doirasi kurslarning mavzulari, turlari va shakllari, malaka oshirish borasidagi advokatlarning ayrim toifalariga nisbatan beriladigan imtiyozlar kabi masalalar haqida ma’lumot berilgan.*

**Kalit so‘zlar:** *advokatura va advokatlik faoliyati, advokatlar, advokat stajyor, advokatlar va advokat stajyorlarini kasbiy tayyorlash va malakasini oshirish, yuridik maslahat.*

2019-yil 18-aprelda bo‘lib o‘tgan IX Butun Rossiya advokatlar Kongressida advokatlar va advokat stajyorlarini kasbiy tayyorlash va malakasini oshirish standarti tasdiqlangan bo‘lib, u 38 bandni o‘z ichiga olgan to‘rtta bo‘limdan iborat.

Standart 1-qismda qayd etilishicha, hujjatda **stajyor advokatlarning**, shuningdek, **3 yildan kam** va **3 yildan ortiq** ish stajiga ega bo‘lgan **advokatlarni** tayyorlash tartibi belgilangan.

**Stajyorlarni tayyorlashning** asosiy vazifasi advokat maqomini olishga da’vogarlarning to‘g‘ri tayyorlanishini ta’minlash, keyinchalik ularga malakali yuridik yordam ko‘rsatish imkonini beradi.

**Advokatlarni tayyorlash** va **kasbiy saviyasini oshirishning** asosiy vazifasi – majburiy kasbiy standart talabi sifatida bilimlarni doimiy va uzluksiz takomillashtirishni ta’minlashdan iborat.

Federatsiya sub’ektlarining (hududiy) advokatlik kollegiyalari Federal Advokatlar Palatasi<sup>1</sup> (matn davomida - FPA) ning Kengashi tomonidan

<sup>1</sup> <https://edu.fparf.ru/course/index.php>

belgilanadigan yoʻnalishlarda advokatlarning kasbiy darajasini oshirish va stajyorlarni tayyorlash dasturlarini tasdiqlaydi, hamda mustaqil ravishda yoki yuridik ixtisoslashtirilgan universitetlarni jalb qilgan holda ular bilan auditoriya mashgʻulotlarini tashkil qiladi.

Standart 2-boʻlimida koʻrsatilgandek, bir yildan ikki yilgacha davom etishi mumkin boʻlgan stajirovkani oʻtash uchun talablar mavjud. Amaliyot davomida **boʻlajak advokattlar** hududiy advokatlar palatasi tomonidan tashkil etiladigan **“Advokatlik kasbiga kirish” kursini toʻliq hajmda kamida 40 akademik soat** davomida oʻrganishlari shart.

Bunday kurs odatda quyidagi mavzularni oʻz ichiga oladi:

- 1) umum Rossiya hamda mahalliy **advokatlik kasbining tarixi;**
- 2) **advokatura va advokatlik faoliyati tamoyillari;**
- 3) **advokaturani tashkil etilishi va tartibga solinishing huquqiy asoslari;**
- 4) **advokatning xulq-atvoriga qoʻyiladigan asosiy axloqiy talablar;**
- 5) Rossiya Federatsiyasi Konstitutsiyaviy sudi va Yevropa inson huquqlari boʻyicha sudi (YIHS)ning **advokaturani tashkil etish va faoliyati boʻyicha amaliyoti;**
- 6) FPA Etika va standartlar boʻyicha komissiyasining **tushuntirishlari** va hududiy palataning pozitsiyalari asosida shakllangan **intizomiy amaliyot qoidalari;**
- 7) **yuridik yordam turlari va uni koʻrsatish xususiyatlari;**
- 8) **advokatlik ish yuritish va hujjat aylanishi, jinoyat protsessida himoyani amalga oshirish xususiyatlari va boshqalar.**

Standart 3-boʻlimida advokatlarning malakasini oshirishga qoʻyiladigan talablar mavjud. Standartda aytilishicha, "advokatlar majburiy malaka oshirishdan oʻtishlari kerak".

Shu bilan birga, **3 yilgacha** tajribaga ega boʻlgan advokatlar **har yili kamida 40 akademik soat, 3 yildan ortiq** tajribaga ega boʻlgan advokatlar esa **kamida 30 akademik soat** miqdorida oʻz kasbiy darajasini oshirishlari shart. Hududiy advokatlar palatalari malaka oshirish soatlarining minimal talab qilinadigan sonini **60 akademik soatdan koʻp boʻlmagan miqdorda** oshirishga haqli.

Advokatlarning kasbiy darajasini oshirish boʻyicha chora-tadbirlarni tashkil etish FPA va Rossiya Federatsiyasi subʼektlarining advokatlik

kollegiyalari tomonidan amalga oshiriladi. Advokatlarning **kasbiy saviyasini oshirish chora-tadbirlari amaliyotga yo‘naltirilgan bo‘lishi kerak.**

FPA ning rasmiy saytida advokatlarning uchun o‘rtacha 10 soatlik turli kurslar taklif etiladi.

**Masalan, yosh (3 yilgacha tajribaga ega bo‘lgan) advokatlarning uchun “Kasbga kirish” kurslari quyidagilardan tashkil topgan:**

1. Advokatning jinoyat protsessida professional faoliyati
  2. Hakamlar hay‘ati advokati
  3. Yuridik yordam shartnomasi
  4. Advokatlarning maqom huquqlari
  5. Yuridik maslahat advokat faoliyati sifatida
  6. Masofaviy nazoratsiz kurs “Sud-tibbiy so‘roq”
  7. Vaziyat tahlili. Kassa pozitsiyasi
  8. Advokatning kasbiy faoliyati psixologiyasi
- Kurslardan yana quyidagilarni keltirish mumkin.

**“Maxsus bilim va ekspert xulosalari bilan ishlash kurslari”**

1. Sud ekspertizasi faniga kirish kursi
2. Sud-psixologik ekspertiza
3. Iqtisodiy nizolar bo‘yicha ekspertiza
4. «Gumanitar» ekspertizasi

**“Kichik biznes bo‘yicha maslahat kurslari”**

1. Tijorat tashkilotlarini tashkil etish bo‘yicha konsalting
2. Tijorat shartnomalarini tuzishning asosiy kursi

**“Qo‘shimcha ko‘nikma kurslari”**

1. Advokat faoliyatida muzokaralar
2. Advokat faoliyatida vositachilik

**“Tematik kurslar”**

1. Strategik ishlarni boshqarish

**“Advokat ma‘ruza zali”**

1. Semyon Lvovich Aria **Advokatlik kasbi haqida**
2. Evgeniy Vasilyevich Semenyako **advokatlik kasbi haqida**
3. Genri Markovich Reznikning **Advokatning kasbiy etikasi** bo‘yicha ma‘ruzasi

4. **Advokatning kasbiy etikasi** bo'yicha Leningrad viloyati Advokatlari palatasining taniqli advokatlari

5. **“Advokatlik kasbiga kirish”** siklidan suhbat. Semenyako Evgeniy Vasilevich

6. Albina Ivanovna Krasnokutskaya. **60 yil advokaturada.**

Advokat FPA yoki hududiy palata tomonidan tasdiqlangan shakllardan o'z kasbiy darajasini oshirish shakllarini mustaqil tanlash huquqiga ega. Shu bilan birga, advokatlarning FPA va hududiy palatalar tomonidan o'tkaziladigan malaka oshirish tadbirlarida ishtirok etish bilan bir qatorda, bu boradagi xarajatlarni to'lashlari shart.

Standartda belgilangan tartibda **o'z malakasini doimiy ravishda oshirish majburiyatini bajarmagan advokat intizomiy javobgarlikka tortilishi mumkin.**

Shuningdek, standartda, hududiy advokatlarning palatalari kengashlari 3 yildan ortiq ish stajiga ega bo'lgan advokatlarning malakasini oshirish vaqti hisobiga, nomzodning olgan ilmiy darajalarini hamda boshqa faoliyatini inobatga olishga haqli ekanligi, buning imkoniyati va shartlari belgilangan.

Xususan, **yuridik fanlar nomzodi va yuridik fanlar doktori ilmiy darajalarini** olgan advokatlarga tegishli ravishda **3 va 5 yil muddatga** majburiy malaka oshirish majburiyatidan **ozod etish** qoidasi belgilangan.

Bundan tashqari, kengashlar advokatlarning o'z faoliyati doirasida chuqur ixtisoslashuvi zarurati bilan bog'liq ravishda yuridik, iqtisodiy va boshqa mutaxassisliklar doirasida **maxsus dasturlar bo'yicha taxsil olganligini**; advokatlarning tomonidan **ilmiy va ilmiy-amaliy faoliyatni amalga oshirganligini**, oliy va o'rta maxsus o'quv yurtlarida **yuridik fanlarni o'qitganligini**, **dissertatsiyaviy, ilmiy-ekspert, ilmiy-uslubiy, ilmiy-konsultativ kengashlar ishida ishtirok etganligi** holatlarini (bularning barchasi hujjatlashtirilgan bo'lishi kerak) ham inobatga olib advokatlarni majburiy **malaka oshirish majburiyatidan ozod etishga** haqli.

**USMONOV VOSID  
MUXAMMADIYEVICH**

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi  
qoshidagi Yuristlar malakasini oshirish  
markazi Xususiy–huquqiy fanlar kafedrasi  
o‘qituvchisi, yuridik fanlar bo‘yicha falsafa  
doktori (PhD)  
Email: [usmonov.vosid@mail.ru](mailto:usmonov.vosid@mail.ru)

## **O‘ZBEKISTON TADBIRKORLIK FAOLIYATIDA AUTSORSING XIZMATINING O‘RNI VA AHAMIYATI**

**Annotatsiya:** *Maqolada autsorsing sohasi rivojlanish tarixi, uni muhofazasini ta‘minlash masalalari haqida so‘z boradi. Autsorsing sohasida davlat-xususiy sheriklik mexanizmlarini bosqichma-bosqich joriy etish, autsorsing bo‘yicha xizmat ko‘rsatuvchi umumiy ovqatlanish korxonalari xizmatlarining narxi ularning barcha xarajatlari hisobga olinib va tegishli kontingent uchun ovqatlanishning tasdiqlangan normasidan kelib chiqqan holda belgilanadi. Autsorsing bo‘yicha shartnomalar tuzish umumiy ovqatlanish sohasida katta ish tajribasiga, tegishli moliyaviy va logistik bazaga ega bo‘lgan talabgorlarga ustunlik berilgan holda, eng yaxshi takliflarni tanlab olish yo‘li bilan amalga oshiriladi.*

**Kalit so‘zlar:** *autsorsing, marketing, Menejment Assotsiatsiyasi, axborot-kommunikatsiya, IT-xizmat, sanitariya qoidalari, gigiyeniya normalari.*

O‘zbekistonda 2020-yil “**Ilm ma‘rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili**” deb e‘lon qilindi. O‘zbekistonning yildan yilga iqtisodiy tarmog‘i rivojlanib, ko‘plab mamlakatlar orasida obro‘-e‘tibori oshib bormoqda. Bunda davlat rahbari tomonidan olib borilayotgan to‘g‘ri va aniq siyosat birlamchi manba bo‘lib hisoblanmoqda. Tadbirkorlikning turli ko‘rinishlari mavjud bo‘lib, bu ham turli tarmoqlarda har xil ko‘rinishda rivojlanib bormoqda.

Dunyoda tadbirkorlik rivojlangani sari u turli davlatlarning ham iqtisodiga ta‘sir qilmay qolmaydi. Tadbirkorlik, avvalo, tadbirkorlardan

juda katta mehnat va aql talab qiladi. Bunga tarixdan qaraydigan bo'lsak, tadbirkorlik tarixi uzoq o'tmishga borib taqaladi.

Autsorsing ingliz tilidan olingan bo'lib “tashqi manbadan foydalanish”, “tashqi manbadan va/yoki manbadan foydalanish” – degan ma'noni anglatadi. Bu tashkilot tomonidan shartnoma asosida sanoat sohasidagi tadbirkorlik faoliyatining ayrim turlari yoki funksiyalarini zarur bo'lgan sohada faoliyat yuritadigan boshqa kompaniyaga o'tkazilishi.

Autsorsing Instituti (AQSh) ma'lumotlariga ko'ra, autorsing - bu biznesni optimallashtirishning rivojlanayotgan turi bo'lib, moliya va buxgalteriya sohasida eng katta o'sish kuzatilmoqda. 1997-yilda Amerika “Menejment Assotsiatsiyasi” tomonidan tuzilgan statistika shuni ko'rsatdiki, xattoki so'ralgan 600 ta firmaning 20% moliyaviy va buxgalteriya operatsiyalarining kamida bir qismini, 80% esa ma'muriy funksiyalarni tashqi manbalarga jalb qilgan.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining **“O'zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmati harbiy xizmatchilarining ovqatlanishini tashkil etish tartibini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”<sup>1</sup>gi** (2018-yil 26-aprel) Qarori qabul qilindi. Qaror bilan Harbiy xizmatchilarni ijtimoiy himoya qilish darajasini oshirish masalalarini hal etishga kompleks yondashishni ta'minlash, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmati harbiy xizmatchilarining ovqatlanishi tizimini yanada takomillashtirish maqsadida Vazirlar Mahkamasi qaror qiladi:

1. O'zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmatining: oshxonalar xodimlari sonini, oziq-ovqat mahsulotlarini tashish va yetkazib berish xarajatlarini maqbullashtirish, tabiiy kamayish normalari doirasida nobudgarchiliklarni eng kam darajaga keltirish, taomlar turlarini xilma-xillashtirish va ovqat tayyorlash sifatini yaxshilash hamda bo'linmalar samaradorligini oshirish imkonini beradigan O'zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmati bo'linmalari shaxsiy tarkibining ovqatlanishini autsorsing shartlarida tashkil etish sohasida davlat-xususiy sheriklik mexanizmlarini bosqichma-bosqich joriy etish;

<sup>1</sup> O'zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmati harbiy xizmatchilarining ovqatlanishini tashkil etish tartibini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori, 26.04.2018 yildagi 302-son // <https://lex.uz/docs/-3724547>



- outsorsing shartlarida ovqatlanishni tashkil etishni birinchi navbatda bo‘linmalarda, harbiy qismlarda, kichik mutaxassislarni tayyorlash o‘quv markazlarida va harbiy davolash muassasalarida joriy etish to‘g‘risidagi takliflariga rozilik berildi.

2. Belgilandiki: outsorsing bo‘yicha umumiy ovqatlanish korxonalari xizmatlariga haq to‘lash outsorsening barcha xarajatlarini (soliqlar, xodimlarning ish haqi, transport xizmatlari hamda asbob-uskunalarni ta‘mirlash va ulardan foydalanish va boshqalarni) o‘z ichiga oladigan 20 foizgacha ustama haq hisobga olingan holda shartnoma tuzilishi sanasida oziq-ovqat mahsulotlarining amaldagi o‘rtacha bozor narxlari bo‘yicha bir ovqatlanuvchiga tegishli kontingent uchun ovqatlanishning tasdiqlangan normasidan kelib chiqib O‘zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmati tomonidan belgilash;

- shaxsiy tarkibning ovqatlanishini tashkil etish uchun ijara shartnomasi doirasida outsorserga vaqtincha foydalanishga beriladigan oshxonaning ishlab chiqarish xonalari, asbob-uskunalari, idish-tovoqlari va mebelidan foydalanganlik uchun to‘lov nol stavka bo‘yicha belgilash;

- shaxsiy tarkibga ovqat tayyorlash uchun outsorser tomonidan iste‘mol qilinadigan kommunal xizmatlar qiymati O‘zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmatiga ajratilgan byudjet mablag‘lari doirasida qoplash;

- outsorsingning ko‘rsatilgan xizmatlari uchun narxlar (shartnomalar bo‘yicha), qoidaga ko‘ra, ko‘pi bilan bir oyda bir marta qayta ko‘rib chiqish;

- outsorsing bo‘yicha shartnomalar tuzish umumiy ovqatlanish sohasida katta ish tajribasiga, tegishli moliyaviy va logistik bazaga ega bo‘lgan talabgorlarga ustunlik berilgan holda eng yaxshi takliflarni tanlab olish yo‘li bilan amalga oshirish;

- sanitariya qoidalariga, gigieniya normalari va normativlariga, shuningdek, texnik tartibga solish sohasidagi boshqa normativ hujjatlarga to‘liq muvofiq bo‘lishi kerak bo‘lgan ovqat tayyorlash va mahsulotlar sifatini nazorat qilish zarurat bo‘lganda vazirliklar va idoralarning mutaxassislari jalb etilgan holda O‘zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmatining tegishli bo‘linmalari tomonidan amalga oshirish.

Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining **“O‘zbekiston Respublikasi davlat bojxona qo‘mitasining bojxona instituti shaxsiy tarkibining ovqatlanish tizimini outsorsing shartlarida tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi Nizomni tasdiqlash haqida”<sup>1</sup>**gi Qarori (2019-yil 21-yanvar), O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining **“O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirligi tuzilmasidagi tashkilotlarda outsorsing xizmatlari ko‘rsatish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”<sup>2</sup>**gi Qarorlari (2020-yil 10-yanvar) qabul qilindi.

Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 22-avgustdagi **2022-2023 yillarda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasini yangi bosqichga olib chiqish chora-tadbirlari to‘g‘risida** Qarori bilan 2022-yil 1-sentyabrdan boshlab Respublikaning barcha hududlarida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo‘llash orqali masofaviy xizmatlarni eksport qilish markazlari bosqichma-bosqich tashkil etish va quyidagilarni ularning asosiy vazifalari etib belgilash:

- outsorsing xizmatlarini ko‘rsatishga o‘qitish orqali dasturiy mahsulotlar va IT-xizmatlarni eksport qilishga qiziqishni oshirish;
- Respublika bo‘ylab faoliyat yuritayotgan outsorsing xizmatlari ko‘rsatuvchi tashkilotlar uchun mutaxassislar tayyorlash;
- outsorsing xizmatlarini ko‘rsatish ko‘nikmalariga ega bo‘lganlar hamda masofaviy xizmatlar eksporti markazlarida tashkil etiladigan o‘quv kurslari bitiruvchilari uchun buyurtmalar topishda ko‘maklashish, vazifa qilib berildi.

Tadbirkorlik ishini yuritish uchun yaratib berilayotgan bunday sharoitlar, o‘z navbatida, ishbilarmonlardan faoliyatiga bozor munosabatlari nuqtai nazaridan yondashishni, zamonaviy usullardan

---

<sup>1</sup>O‘zbekiston Respublikasi davlat bojxona qo‘mitasining bojxona instituti shaxsiy tarkibining ovqatlanish tizimini outsorsing shartlarida tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi Nizomni tasdiqlash haqida. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori, 21.01.2019 yildagi 52-son // <https://lex.uz/docs/-4174114>

<sup>2</sup>O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirligi tuzilmasidagi tashkilotlarda outsorsing xizmatlari ko‘rsatish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori, 10.01.2020 yildagi 16-son // <https://lex.uz/ru/docs/-4696120>

foydalanishni talab etmoqda. Boshqaruv tizimiga marketing<sup>1</sup>, logistika<sup>2</sup>, menejment yutuqlarini qo‘llashni taqozo qiladi. Logistik outsorsing boshqaruv tizimi ular orasida eng muhimi hisoblanadi.

Autsorsing bozori hozirda O‘zbekistonda yangi tarmoq bo‘lib, sekin-sekin rivojlanib kelmoqda. Ko‘pchilik hollarda yetarli tajriba yo‘qligi bois kutilgan iqtisodiy samara bermaganligi ham bor gap. Biroq bundan salbiy hulosa chiqarmaslik kerak. Uning asosiy vazifasi tor soha yoki bevosita korxonaga faoliyatiga kirmaydigan funksiyalar ijrosiga yo‘naltirilsa, sarf-xarajatlarni keskin kamaytiradi.

Strategik vazifalarni amalga oshirish nuqtai nazaridan esa ishlab chiqarishga yangi texnologiyalarni tatbiq etishni osonlashtirib, resurslardan oqilona foydalanish imkoniyatini kengaytiradi. Chunki texnologik jihatdan korxonaga shtatida tor doiradagi ayrim mutaxassislar bo‘lishi shart emas. Ularni outsorsing dasturi asosida ixtisoslashtirilgan kompaniyalardan jalb qilish mumkin.

Marketing (inglizcha: market — bozor, bozordagi harakat, faoliyat) — korxonaning tovarlar ishlab chiqarish va sotishini tashkil etish hamda boshqarish shakli. Marketing atamasi iste‘molga 19-asrning 60-yillarida Makkovern tomonidan kiritilgan. Marketing nazariy konsepsiya va tijorat faoliyatining o‘ziga xos tarzida 20-asr boshlarida Amerika Qo‘shma Shtatlarida ilk bor qo‘llanildi. Ishlab chiqarish va kapitalning yuksak darajada to‘planishi, iqtisodiyot tarmoqlarida monopoliyalar hukmronligining, xalqaro bozorda keskin raqobatning vujudga kelishi mahsulot sotish muammosini ob‘ektiv tarzda birinchi o‘ringa chiqardi. 1908-yilda AQShda marketing muammolarini o‘rganadigan birinchi ixtisoslashgan firma paydo bo‘ldi. 1911-yilda esa o‘sha davrdagi bir qator yirik kompaniyalar tijorat tadqiqotlari bilan shug‘ullanadigan dastlabki bo‘limlarni ochdi. Kompaniyalar huzurida bozorni o‘rganish, reklama, haridorlarga xizmat ko‘rsatish va boshqarishning boshqa vazifalari bilan shug‘ullanadigan marketing bo‘limlari ta‘sis etila boshlandi. 1931-yilda Amerika Marketing jamiyati, 1937-yilda esa Amerika Marketing milliy

---

<sup>1</sup>Marketing (inglizcha: market — bozor, bozordagi harakat, faoliyat) — korxonaning tovarlar ishlab chiqarish va sotishini tashkil etish hamda boshqarish shakli. Marketing atamasi iste‘molga 19-asrning 60-yillarida Makkovern tomonidan kiritilgan.

<sup>2</sup>Logistika - bu turli xil tizimlarni tovar va moddiy resurslar bilan samarali ta‘minlash uchun tashkiliy-boshqaruv va ishlab chiqarish va texnologik jarayonlar majmui.

uyushmasi tuzildi. 20-asrning 50—60-yillarida xalqaro Marketing federatsiyasi, jamoatchilik fikri hamda marketing bo'yicha Yevropa jamiyati va Yevropa marketing akademiyasi kabi xalqaro marketing tashkilotlari tuzildi.

Logistika<sup>1</sup> – bu turli xil tizimlarni tovar va moddiy resurslar bilan samarali ta'minlash uchun tashkiliy-boshqaruv va ishlab chiqarish va texnologik jarayonlar majmui. Logistikaning yanada kengroq ta'rifi uni turli xil tizimlarda moddiy, axborot va moliyaviy resurslarning harakatini rejalashtirish, boshqarish va boshqarish doktrinasi sifatida talqin qiladi.

Amaliy tatbiq etish nuqtai nazaridan logistika – bu kerakli, sifatli, miqdordagi tovarlarni o'z vaqtida, kerakli joyda minimal xarajatlar bilan ta'minlashning eng samarali variantini tanlash.

Tashkilotni boshqarish nuqtai nazaridan logistika ta'minot jarayonida moddiy oqimlarning strategik boshqaruvi sifatida qaralishi mumkin: sotib olish, tashish, sotish va materiallar, ehtiyot qismlar va tayyor inventarlarni (uskunalar va boshqalarni) sotib olish, tashish, sotish.

Shuningdek, konsepsiya tegishli moliyaviy oqimlarni boshqarish bilan bir qatorda moliyaviy oqimlarni ham o'z ichiga oladi. Logistika xarajatlarni optimallashtirishga va ishlab chiqarish, sotish va tegishli xizmatlar jarayonini bir korxonada ham, bir guruh korxonalar uchun ham tartibga solishga qaratilgan.

---

<sup>1</sup><https://ru.wikipedia.org/wiki/>

**РАХМОНОВ ЗАФАРЖОН  
ЗАЙНИДДИНОВИЧ**

Ўзбекистон Республикаси Адлия  
вазирлиги қошидаги Юристар  
малакасини ошириш маркази катта  
ўқитувчиси  
E-mail: [z.raxmanov95@gmail.com](mailto:z.raxmanov95@gmail.com)

## **ХУСУСИЙ НОТАРИУС МАНСАБДОР ШАХС ҲИСОБЛАНМАЙДИ**

**Аннотация:** Мақолада хусусий нотариуслар фаолиятини тартибга солувчи қонун нормалари, улар фаолиятидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик масалалари ҳақида маълумот берилган. “Мансабдор шахс” тушунчасига таъриф ва хусусий нотариусни мансабдор шахс сифатида баҳолаш мумкин эмаслиги бўйича фикрлар билдирилган. Хусусий нотариус томонидан ўз вазифасини суиистеъмол қилганлиги, моддий қимматликлар олганлиги ёки мулкӣ манфаатдор бўлганлиги ҳолатлари бўйича жавобгарлик масаласини аниқлаштириш бўйича сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** хусусий нотариус, жавобгарлик чоралари, мансабдор шахс, нодавлат нотижорат ташкилот.

2020 йил 14 январь куни “Нотариат тизими тубдан ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун Президент томонидан имзоланди<sup>1</sup>.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Гаров тўғрисида”ги, “Нотариат тўғрисида”ги, “Лизинг тўғрисида”ги, “Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида”ги ва бошқа қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Улар орасида айниқса “Нотариат тўғрисида”ги Қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар алоҳида эътиборга сазовор

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тизими тубдан ислоҳ қилиниши муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2020 йил 14 январдаги ЎРҚ-602-сон қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.07.2021 й., 03/21/701/0674-сон) // <https://lex.uz/docs/4697587>

бўлди, чунки илк бора қонун даражасида хусусий нотариуслар фаолиятига оид нормалар мустақамлб қўйилди.

Давлат ўз функцияларини хусусий секторга бериш имкониятини яратиши бозор шароитида рақобат ва тадбиркорликни ривожлантиришга ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилиши аниқ.

Хусусий нотариуслик фаолиятига рухсат берилганлиги яхши, албатта. Шу билан бирга хусусий нотариусларнинг жавобгарлик масаласини аниқ қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қонунчиликда нотариат фаолиятига оид ҳуқуқбузарлик учун қўйидаги жавобгарлик чоралари қўлланилади:

- интизомий;
- фуқаролик;
- маъмурий;
- жиноий.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 15-моддасида (*“Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги”*) ва Жиноят кодекснинг VIII бўлимида (*“Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси”*) мансабдор шахс деб, қўйидаги фаолиятни амалга оширадиган шахслар тушунилади:

**биринчидан** - доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинладиган ёки сайладиган;

**иккинчидан** - ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган;

**учинчидан** - давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарувни амалга оширадиган;

**тўртинчидан** - ташкилотда маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган;

**бешинчидан** - ташкилотда юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этадиган шахс.

### **Нотариус мансабдор шахс ҳисобланадими?**

Юқорида келтирилган бешта талабга мос келадиган шахс мансабдор шахс ҳисобланади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус тайинланадиган ёки сайланадиган лавозимда фаолияти юритмайди, ҳокимият вакили вазифаси унда мавжуд эмас, давлат ташкилотида маъмурий-хўжалик ёки ташкилий-бошқарувни амалга оширмайди.

Демак, мансабдор шахс бўлиш учун белгиланган фақат бир белги хусусий нотариуслар учун мос, яъни ташкилотда юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этиш ваколатига эга ва буни амалга оширади.

Амалиётда агарда нотариус “пора олиш” ҳаракатини содир этадиган бўлса, суриштирув ёки тергов органлари томонидан ушбу нотариус мансабдор шахс сифатида ишга жалб этилмоқда.

Умуман қонунчиликда хусусий фаолият билан шуғулланаётган нотариусларнинг ўз вазифасини суиистеъмол қилганлиги, моддий қимматликлар олганлиги ёки мулкрий манфаатдор бўлганлиги учун қандай маъмурий ва жинойий жавобгарлик белгиланган?

2020 йил 16 март куни қабул қилинган “Нодавлат нотариал фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” Ҳукумат қарорига асосан хусусий нотариуслар юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритиши мумкин бўлди. Бундан тушуниш мумкинки хусусий нотариуслар нодавлат тижорат ташкилоти ҳисобланади.

Қонунчиликда нодавлат тижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солишга қаратилган алоҳида қонун ҳужжати мавжуд эмас, фақатгина нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти бўйича алоҳида қонун қабул қилинган. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида Қонунга кўра, **нодавлат нотижорат ташкилоти** — жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир<sup>1</sup>.

Хусусий нотариуслик фаолияти эса, нодавлат бўлиши билан бирга ўз олдига тижорат мақсадларини ҳам кўзлаган ҳолда

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги 2007 йил 3 январдаги ЎРҚ-76-сон қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон) // <https://lex.uz/docs/1101278>

фаолиятини олиб боради. Агарда хусусий нотариусларни нодавлат тижорат ташкилоти сифатида қабул қиладиган бўлсак, амалдаги қонунчиликда нодавлат тижорат ташкилотлари мансабдор шахсларининг маъмурий ва жиноий жавобгарлик масаласи қуйидагича белгиланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61<sup>1</sup>-моддасининг 2-қисмига кўра, нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти хизматчисининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни **пора эвазига** ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар олиши ёки мулкрий манфаатдор бўлиши** маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради<sup>1</sup>.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус бир йил ичида такроран пора олиши, Жиноят Кодексининг 192<sup>10</sup>-модданинг 2-қисмида назарда тутилган тартибда жавобгарликни келтириб чиқаради. Агарда хусусий нотариус ўз ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятини содир этса, Жиноят кодексининг 192<sup>11</sup>-моддасига кўра, яъни нодавлат тижорат ташкилотида ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилганлик учун жавобгар бўлади<sup>2</sup>.

Давлат нотариат идорасининг жавобгарлик масаласига келадиган бўлсак, уни мансабдор шахс сифатида баҳолаш мумкин ва қонунда мансабдор шахс учун белгиланган жавобгарлик чоралари қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, хусусий фаолият билан шуғулланувчи нотариусларнинг ўз вазифасини суиистеъмол қилганлиги, моддий қимматликлар олганлиги ёки мулкрий манфаатдор бўлганлиги учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик масаласида ягона амалиёт жорий қилиш лозим.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.06.2022 й., 03/22/773/0461-сон)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.06.2022 й., 03/22/780/0560-сон)



**JUMAYEV SHOHJAHON  
BEGIMQUL O‘G‘LI**

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi  
qoshidagi Yuristlar malakasini oshirish  
markazi kasbiy ko‘nikmalarni rivojlantirish  
kafedrasini o‘qituvchisi

## **PROKURATURA FAOLIYATINING TASHKILY-HUQUQIY ASOSLARI: QIYOSIY-HUQUQIY TAHLIL**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada prokuratura faoliyatining tashkiliy-huquqiy asoslari, turlari, mazmuni hamda ularning faoliyatda tutgan o‘rni haqida so‘z borgan. Bir qator xorij davlatlarining prokuratura faoliyatini tartibga soluvchi huquq manbalari keltirilgan, milliy qonunchiligimiz bilan qiyosiy tahlil qilingan hamda takliflar ilgari surilgan.

**Kalit so‘zlar:** prokuratura, tashkiliy-huquqiy asos, xalqaro shartnoma, normativ-huquqiy hujjat, qonun, buyruq, ko‘rsatma, so‘rov, funktsiya, vakolat, nazorat.

Bozor iqtisodiyotiga asoslangan huquqiy demokratik davlat qurishda Respublikamizda prokuratura organlari tomonidan qonunlarning aniq va bir xilda ijro etilishi ustidan samarali nazorat o‘rnatilishi hozirgi kunda eng dolzarb masalalardan biridir.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-sonli Farmoni bilan tasdiqlangan “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi”da yetti yo‘nalish, 100 ta maqsad belgilab qo‘yilgan bo‘lib, uning 2-yo‘nalish, 17-maqsadi prokuratura organlari faoliyatini takomillashtirishga bag‘ishlangan va unda qonuniylikni qat‘iy ta‘minlovchi, ochiq va adolatli *prokuratura faoliyatining mustahkam huquqiy asoslarini yaratish* hamda “Qonun – ustuvor, jazo – muqarrar” tamoyilini bosh mezonga aylantirish vazifasi qo‘yilgan.

Prokuratura organlari xodimlarining ishi katta mas‘uliyat, fidoyilik, halollikni talab qiladi. Qabul qilinayotgan har bir qaror zamirida inson

taqdiri turadi. Shunday ekan, yetti o‘lchab bir kesish bu borada asosiy mezon bo‘lmog‘i shart<sup>1</sup>.

Prokuratura faoliyatining tashkiliy-huquqiy asoslari deganda prokuratura faoliyatini tartibga soluvchi qonunchilik hujjatlari, Bosh prokuror buyruqlari, ko‘rsatmalari hamda boshqa tegishli hujjatlar tushuniladi.

Huquqshunos *O.Vinogradovning fikricha*, prokuratura organlarining huquqiy maqomi deganda ularning davlat hokimiyati tizimida tutgan o‘rni, funktsiya va vazifalari tushuniladi<sup>2</sup>.

Biz, Vinogradovning bu fikrlariga qo‘shimcha qilib aytishimiz mumkinki, O‘zbekiston Respublikasi prokuraturasining huquqiy maqomi deganda uning normativ aktlar bilan rasmiylashtirilgan huquqiy holati, ya‘ni prokuratura faoliyatining tashkiliy-huquqiy asoslari va u o‘zida qamrab oladigan prokuratura organlari faoliyatining asosiy vazifalari, vakolatlari hamda majburiyatlari tushunilishi lozim.

O‘zbekiston Respublikasining “Prokuratura to‘g‘risida”gi Qonuni 3-moddasida **prokuratura organlari faoliyatining huquqiy asoslari** belgilangan bo‘lib, unda qayd etilishicha, prokuratura organlarini tashkil etish va ularning faoliyat yuritish tartibi, shuningdek ularning vakolatlari *O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi, Prokuratura to‘g‘risidagi Qonuni va boshqa qonun hujjatlari* bilan belgilanadi<sup>3</sup>.

Yuqorida ta‘kidlab o‘tilganidek, prokuratura organlarini tashkil etish va ularning faoliyat yuritish tartibi *boshqa qonun hujjatlari* bilan ham belgilanadi. Ushbu boshqa qonun hujjatlariga prokurorning muayyan huquq sohasidagi faoliyati, vakolatlari va majburiyatlarini belgilab beruvchi O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat-protsessual, Fuqarolik-protsessual, Jinoyat-ijroiya va boshqa kodekslari hamda prokuratura faoliyatini tartibga solish uchun qabul qilinayotgan bir qator qonun va qonunosti hujjatlari kiradi.

<sup>1</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning 2017-yil 7-yanvarda prokuratura xodimlari bilan o‘tkazilgan uchrashuvda so‘zlagan nutqidan. Ma‘lumot olingan internet manbasi: <https://kun.uz/uz/news/2017/01/07/>.

<sup>2</sup> Виноградов О. Прокуратура в системе органов государственной власти // Законность, 2000. -№4. - С. 2-4.

<sup>3</sup> O‘zbekiston Respublikasining “Prokuratura to‘g‘risida”gi Qonuni, Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 01.06.2022-y., 03/22/772/0460-son. // <https://lex.uz/ru/docs/-106197>

Shuningdek, normativ-huquqiy hujjatlar bilan birgalikda sohaviy hujjatlar hisoblangan Bosh prokuror buyruqlari, nizomlar, ko'rsatmalar va yo'riqnomalar ham prokuratura organlari faoliyatining huquqiy asoslari sanaladi.

*Prokuratura organlari faoliyatining huquqiy asoslarini yanada chuqurroq va qiyosiy tahlil etish uchun xorij tajribasiga e'tibor qaratamiz.*

2014-yil 14-oktabrda qabul qilingan *Ukraina Respublikasining “Xalq prokuratura idorasi to'g'risida”gi Qonuni 1-moddasida* Ukraina xalq prokuraturasi faoliyatining huquqiy asoslari belgilab berilgan. Unga ko'ra, Ukraina Respublikasi prokuratura organlarining tashkil etilishi va faoliyati quyidagilar bilan tartibga solinadi:

Ukraina Respublikasining Konstitutsiyasi;

Ukrainaning “Xalq prokuratura idorasi to'g'risida”gi Qonuni va boshqa qonun hujjatlari;

Ukraina Respublikasi ishtirokidagi xalqaro kelishuvlar<sup>1</sup>

Qozog'iston Respublikasining “Prokuratura to'g'risida”gi Qonuni 1995-yil 21-dekabrda qabul qilingan bo'lib, 12 bob, 59 moddadan iborat. Mazkur qonunda prokuratura faoliyatining huquqiy asoslari ham ko'rsatilgan. Unga ko'ra, Qozog'iston Respublikasi Prokuraturasi:

Qozog'iston Respublikasi Konstitutsiyasi;

Prokuratura to'g'risidagi qonuni;

Prokuratura faoliyatini tartibga soluvchi boshqa normativ-huquqiy hujjatlar;

Qozog'iston Respublikasi tomonidan ro'yxatdan o'tgan *xalqaro shartnomalar*;

Bosh prokuror buyruqlari asosida faoliyat yuritadi<sup>2</sup>.

Demak, mazkur davlatlar qonunchiligiga ko'ra, ***xalqaro kelishuvlar*** prokuratura organlari faoliyatining huquqiy asoslari hisoblanadi. Ammo O'zbekiston Respublikasining “Prokuratura to'g'risida”gi Qonuni 3-moddasida *xalqaro kelishuvlar* O'zbekiston Respublikasi prokuratura organlari faoliyatining huquqiy asoslari qatorida keltirib o'tilmagan. Vaholanki, prokuratura faoliyati bilan bog'liq bo'lgan ayrim masalalar O'zbekiston Respublikasi ishtirokidagi *xalqaro kelishuvlarda* belgilab

<sup>1</sup> Internet manbasi: <https://cis-legislation.com/document.fwxgn=16014>

<sup>2</sup> Internet manbasi: <https://www.ligislationonline.org>

berilgan. Misol uchun, O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat-protsessual kodeksi 592-moddasi birinchi qismida “Ushbu Kodeksda nazarda tutilgan protsessual harakatlarni xorijiy davlat hududida bajarish zarur bo‘lganda sud, **prokuror**, tergovchi, surishtiruv organi mazkur harakatlar O‘zbekiston Respublikasining *xalqaro shartnomalariga* muvofiq yoki o‘zarolik prinsipi asosida xorijiy davlatning vakolatli organi tomonidan bajarilishi to‘g‘risida so‘rov kiritadi” deb belgilangan.

Shuningdek, mazkur moddaning uchinchi qismida “Protsessual harakatlarni bajarish to‘g‘risidagi so‘rov:

umumiy yurisdiksiya sudlari tomonidan amalga oshiriladigan jinoyat ishlarini yuritish bilan bog‘liq masalalar bo‘yicha — O‘zbekiston Respublikasi Oliy sudi orqali;

sudning qarori yoki prokurorning roziligi (sanksiyasi) talab qilinmaydigan protsessual harakatlar bo‘yicha — O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmati orqali;

qolgan hollarda — O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi orqali yuboriladi” deb qayd etilgan.

Yuqorida keltirilgan xorij tajribasi, milliy qonunchiligimizdan keltirilgan asoslarni inobatga olgan holda, O‘zbekiston Respublikasining “Prokuratura to‘g‘risida”gi Qonuni 3-moddasiga prokuratura organlari faoliyatining huquqiy asosi sifatida *O‘zbekiston Respublikasi ishtirokidagi xalqaro kelishuvlarni* ham kiritish lozim deb hisoblaymiz.

**АНВАРОВ ТУРДИМУРОД  
АНВАРОВИЧ**

Тошкент вилояти Ички ишлар бош  
бошқармаси Терроризм ва экстре-  
мизмга қарши курашиш бошқарма  
бошлиғининг Кадрлар бўйича  
ёрдамчиси  
Email: murodanvarov021@gmail.com

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ АСОСЛАРИ**

**Аннотация:** *Мазкур мақолада муаллиф томонидан Ўзбекистонда жиноят содир этган шахсларни қайта ижтимоийлашувини ва ахлоқан тузалишини амалга оширишда сўнгги пайтларда муҳим иштирокчилардан бирига айланиб бораётган пробация хизмати фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш асослари кўриб чиқилган. Хусусан, мазкур институтни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда Мустақиллик давридан бошлаб ҳозиргача қабул қилинган қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган. Мақолада ушбу институтни тартибга солишдаги айрим жиддий бўшлиқлар ва камчиликлар, амалиётда пробация ходимлари иши самарасига салбий таъсир ўтказилишига сабаб бўлаётгани кўрсатиб ўтилган.*

*Мақолада муаллиф томонидан пробация хизмати ҳуқуқий мақомини ошириш ва фаолиятини янада тартибга солиш учун “Пробация тўғрисидаги” қонунни қабул қилиш зарурати асосланиб, тегишли илмий ва амалий таклиф, тавсиялар берилган.*

**Калит сўзлар:** *“Пробация хизмати”, “Пробация функциялари” ва “озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазоларни ижро этиш” ҳамда “Пробация тўғрисидаги қонун”.*

Мамлакатимизда жиноят содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда жамоатчилик билан узвий ҳамкорликда қайта тарбиялаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, илғор хорижий тажриба

ва халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар натижасида пробацция хизмати фаолияти йўлга қўйилди.

Пробацция функцияларига хос вазифаларни амалга оширувчи, хусусан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазоларни ижро этишнинг ҳуқуқий асослари мамлакатимизда Мустақиллигимизнинг 1992-2001 йилларидан яратила бошланди. Бу вақтда “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги Қонун ва 1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, 2001 йил 29 августда қабул қилинган “Жиноий жазоларни эркинлаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, жиноят-процессуал ва “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун суд-ҳуқуқ тизимини, шу жумладан жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини эркинлаштиришда ўзига хос таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрь кундаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 407-сонли қонунинг 4-моддасида Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноий жазоларни ижро этиш ишларини ташкил этиш белгиланган.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги энг йирик ва кенг кўламли ислоҳотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февраль кундаги ПФ–4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси билан бошланди, десак муболаға бўлмайди. Мазкур Фармонда, Ўзбекистон

<sup>1</sup> Таджихонов Б.У. Ўзбекистон: либерализация и основные направления правовой политики.-Т.: 2002.-С. 60-63.

Республикаси Ички ишлар органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва самарадорлигини комплекс ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, биринчи навбатда, жазони ижро этиш тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш зарурати назарда тутилган<sup>1</sup>.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февраль кундаги ПҚ-4006-сонли Қарор билан пробацция хизмати ташкил этилди.

Ушбу қарорга асосан Пробацция хизмати еттита йўналишда (*ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш, шартли ҳукм қилинган, мажбурий жамоат ишлари, жазони ижро этиш муассасаларидан шартли равишда озод қилинганлар ва вояга етмаганлар*) ҳисобда турган шахсларни назоратини олиб бориши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари Пробацция хизмати фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш зарурияти тўғрисида Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан 2021 йил 3 февраль кундаги ПФ-6155-сон Фармони билан тасдиқланган “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”нинг 30-бандида халқаро стандартлар ва инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этган ҳолда жазони ижро этиш ва пробацция хизматини янада такомиллаштириш бўйича қатор вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органлари пробацция хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 14 февралдаги 84-сон қарорида пробацция назоратидагиларни республика ҳудудидан чиқишини чеклаш тартибини жорий этиш белгиланган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги Фармони, <https://lex.uz/docs/3107036>

Ушбу қарорнинг 7-бандида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 2020 йил 1 декабрга қадар Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура билан биргаликда назорат остидагилар жазодан бўйин товлаш мақсадида яшаш жойини ўзбошимчалик билан тарк этган ҳолларда уларнинг республика ҳудудидан чиқишини чеклашни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритиши белгиланган.

Ушбу қарор билан тасдиқланган “2020-2021 йилларда Ички Ишлар органлари пробацья хизмати фаолиятини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари режаси”нинг 1-бандида назорат остидагилар маъмурий назоратдан бўйин товлаш мақсадида яшаш жойини ўзбошимчалик билан тарк этган ҳолларда уларнинг республика ҳудудидан чиқишини чеклашни назарда тутувчи тартибни жорий қилиш назарда тўтилган.

Мазкур қарор асосида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда<sup>1</sup>:

– назорат остидагилар маъмурий назоратдан бўйин товлаш мақсадида яшаш жойини ўзбошимчалик билан тарк этган ҳолларда уларнинг республика ҳудудидан чиқишини чеклашни назарда тутувчи тартибни жорий қилиш;

– пробацья бўлинма (гуруҳ)ларининг ходимларини Пробацья хизматини ривожлантириш жамғармаси манбалари ҳисобига рағбатлантириш тартибини жорий этиш;

– тегишли олий таълим муассасаларида психология йўналиш бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг пробацья бўлинма (гуруҳ)ларида амалиёт ўташ тартибини жорий этиш;

– Ички ишлар вазирлигининг Малака ошириш институтида Пробацья хизмати ходимларининг малакасини ошириш тизимини жорий этиш;

– юридик йўналишларидаги олий таълим муассасалари таълим дастурларига назорат остидагиларнинг ижтимоий-психологик портретини ўрганиш бўйича махсус мавзуларни киритиш;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органлари пробацья хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 14 февралдаги 84-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.02.2020 й., 09/20/84/0167-сон. // <https://lex.uz/docs/4735981>



– пробация хизмати ходимларининг стажировкани ўташ, чет эл қонунчилигини ўрганиш мақсадида ривожланган хорижий мамлакатларга хизмат сафарларини ташкил этиш;

– пробация фаолиятига оид илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш;

– пробация хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш юзасидан ток-шоулар, ижтимоий роликлар, махсус кўрсатувлар, мақолалар, чиқишлар ва эшиттиришлар ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни ижро этиш муассасаларининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 5 мартдаги 128-сон қарорида пробация хизмати фаолиятига электрон браслетларни татбиқ этиш белгиланган.

*Ушбу қарор билан “2020 йилда озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазоларни ижро этиш муассасаларини видеокузатув мосламалари ва шахсий видеорегистраторлар (боди-камералар) билан жиҳозлаш ҳамда Пробация хизмати амалиётига электрон браслетларни татбиқ этиш дастури” тасдиқланган. Дастурга кўра, 2020 йилда 3000 дана, келгуси йилларда эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда Пробация хизмати фаолиятига электрон браслетлар татбиқ этиб борилиши белгиланган.*

*Ушбу қарорнинг 5-бандида Пробация хизмати амалиётига электрон браслетларни татбиқ этиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ажратиладиган бюджет маблағлари, Жазони ижро этиш бош бошқармасининг Марказлаштирилган жамғармаси ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбаалар ҳисобига амалга оширилиши белгиланган.*

*Мазкур чора-тадбирлар дастуридаги лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари, вазирликнинг бюджетдан ташқари*

маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш белгиланган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2018 йил 07 декабрь кундаги “Пробация хизмати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 316-сонли буйруғининг 1-иловасига мувофиқ Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузуридаги Пробация хизмати тўғрисидаги низом ва 2-иловага мувофиқ Пробация хизматининг ташкилий тузилмаси ҳамда 3-иловага мувофиқ Пробация хизматининг ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги намунавий низом тасдиқланган, ҳамда ушбу буйруққа 2019 йил 11 ноябрь кунини ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида 379-сонли буйруқлари билан Пробация хизмати фаолияти ташкил этиш йўлга қўйилган эди, ушбу хизматнинг идоравий бошқарув тизими ва меъёрий ҳужжатлари қайта кўриб чиқилиб ислоҳ этилди.

Яъни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги 27-сон “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш ҳамда Жамоат хавфсизлигини таъминлаш департаменти Пробация хизмати фаолиятига янги иш услубларини татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2022 йил 19 февраль кундаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш департаменти Пробация хизмати фаолиятига янги иш услубларини татбиқ этиш тўғрисида”ги 42-сонли буйруғ билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Пробация хизмати тўғрисида низом1-иловасига мувофиқ тасдиқланиб Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Пробация хизмати олдига пробация назоратидаги

---

<sup>1</sup> Пробация хизмати назорати остидаги шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат қилиш учун электрон браслетдан фойдаланиш амалиётини жорий этиш ва мониторинг қилиш учун зарур бўлган электрон браслетлар ва сервер ва аппарат таъминоти бўйича тахминий иқтисодий-ҳисоб нархи 1 дона электрон браслет нархи – 250 АҚШ доллари, (харид қилиниши зарур бўлган браслетлар сони 3000 дона-750.000 АҚШ доллари), 1 дона браслет учун лицензия нархи 100 АҚШ доллари (жами лицензия учун 300.000 АҚШ доллари), сервер ва аппарат таъминоти бўйича керак бўладиган қурилмалар учун 400.000 АҚШ доллари, дастурий таъминоти нархи бепул жами умумий нархи 1 450 000 АҚШ долларини ташкил қилади.

шахслар билан ишлашда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорликда ишларни ташкил этиши устидан идоравий назоратни ўрнатишда янги самарали тизим ташкил этилди, ҳамда хизмат самарадорлигини ошириш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ходимлари ва пробацция инспекторлари фаолиятида ўзаро амалий ва услубий кўмаклашиш чораларини кўриш бўйича вазифалар белгиланди. Бундан ташқари, Ички ишлар вазирининг 2017 йил 27 июль кундаги “Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликни чеклаш тариқасидаги жазоларнинг ижросини ташкил этиш ҳамда шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги 157-сонли буйруқ билан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги умумий қоидаларда жазонинг ижросини таъминловчи органлар ва уларнинг вазифалари ҳамда суд ҳукмини ижрога қабул қилиш ва расмийлаштириш тартиби ҳамда жазо ўтаётган корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг ҳамда муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун рухсатнома берган ваколатли органларнинг мажбуриятлари белгиланган<sup>1</sup>.

Бироқ, Ўзбекистонда Пробацция хизмати фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи тегишли қонун ости ҳужжатларини кўплиги, ўз навбатида жиноят-ижроия қонунчилигида пробацция хизматининг ҳуқуқий мақоми мавжуд эмаслиги, Ички ишлар органлари фаолиятида ҳуқуқий асослар қонун билан тартибга солинмасдан келинаётганлигини инобатга олиб, амалдаги жиноят-ижроия ҳуқуқ соҳасида озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этувчи алоҳида пробацция институти фаолиятини тартибга солувчи “Пробацция тўғрисидаги қонун”ни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

“Пробацция тўғрисидаги қонуни” қабул қилиш зарурати 2019—2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш тўғрисида **Концепциянинг**

---

<sup>1</sup> Ички ишлар вазирининг 2017 йил 27 июль кундаги “Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликни чеклаш тариқасидаги жазоларнинг ижросини ташкил этиш ҳамда шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги 157-сонли буйруғи <https://lex.uz/docs/3323415>

(2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4006-сон қарор билан тасдиқланган) 1.2, 1.7, 1.9, 2.2, 2.4, 2,9-бандларида пробацция соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича қатор вазифалар доирасида белгиланган.

Ва ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 7 апрелдаги топшириғида белгиланган пробацция соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган.

Мазкур қонунда пробацция хизматининг мақсади, мақоми, вазифаси ва асосий устувор йўналишларини белгилаш, мазкур йўналишдаги ҳуқуқий муносабатларга киришувчи иштирокчиларни ҳамда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган шахсларни ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш ҳамда уларни назорат қилиш тизмини белгилаш, шунингдек, давлат ҳокимияти, ташкилотлари ва органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлар билан ўзаро алоқалари ва ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда такомиллаштириш, масалалари қамраб олинади.

Ушбу қонун орқали жиноят-ижроия ҳуқуқ соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини ошириш ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилинишини таъминлайди.

Бу борада тадқиқотчи ва олимлар ҳам шундай фикрни маъқуллашмоқда. Хусусан, М.М.Хайдаровнинг ёндашувига кўра, ушбу қонун Пробаццияга алоқадор қўйидаги масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш имконини беради: пробацция назоратидаги шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати; пробацция органлари ва уларнинг ваколатлари; пробацция органлари фаолиятини контроль ва назорат қилиш тартиби; пробацция назоратини амалга ошириш тартиби; пробацция назоратидаги шахсларни ахлоқий тузатиш воситалари ва уларни қўллаш тартиби; пробацция назоратидаги шахсларнинг ижтимоий қайта жиноят содир этиш хавфини аниқлаш ва бунга йўл қўймаслик бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш

тартиби маҳқумларнинг пробация органлари ваколати доирасига ўтказиш тартиби ва шартлари.<sup>1</sup>

Шунингдек, М.М.Хайдаров жазони ижро этиш ва пробация фаолияти ўзаро узвий боғлиқ бўлганлиги боис ушбу соҳаларни ягона кодекс асосида ҳуқуқий тартибга солиш мақсадга мувофиқлигини қайд этиб, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексини “Ўзбекистон Республикасининг Жазони ижро этиш ва пробация кодекси” деб номлашни таклиф этган<sup>2</sup>.

Тадқиқотчи Ш.А.Хўжаев "Пробация назорати тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш керак, бу Пробация органлари фаолиятида ташкилий масалаларни, ушбу жараёнда жамоатчиликнинг иштирокини тартибга солади. Жиноят кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасида "Пробация чора-тадбирлари" бобини киритиш керак деб таъкидлайди.<sup>3</sup>

Бизнингча, қонун қабул қилиниши пробация тизимидаги ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этишга, миллий хусусиятлар ва шароитларни эътиборга олган ҳолда халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани имплементация қилишга, шунингдек пробация амалиётида юзага келаётган масалаларни бартараф этишга хизмат қилади. Пировард натижада инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, пробация назоратидаги шахсларда қонунга итоаткор хулқ-атворни ва жамиятда юриш-туриш қоидаларига ҳурмат муносабатини шакллантириш, уларни ижтимоий мослаштириш ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш бўйича таъсирчан ва самарали тизим яратилишига эришилади.

---

<sup>1\*</sup> Жиноят ва жиноят-ижроия ҳуқуқи кафедраси бошлиғининг ўринбосари М.М.Хайдаров, “Академия на пути совершенствования системы подготовки квалифицированных кадров для органов внутренних дел” ЎЗР ИИВ Академияси-2019 й. Материалы международной научно-практической конференции. С-38. 222-бет.

<sup>2</sup> Ўша манбада

<sup>3</sup> Ш.А.Хўжаев // “Ўзбекистон жиноят қонунчилигига пробация институтини жорий этиш истиқболлари”.

**SHOMUROTOV MA'RUF  
ABDUSAMAT O'G'LI**

Navoiy viloyati Navbahor tuman adliya  
bo'limi yuridik xizmat ko'rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti  
Email: [Shomurotovmf@gmail.com](mailto:Shomurotovmf@gmail.com)

## **HUDUDIY PROKURATURA ORGANLARINING XALQ DEPUTATLARI MAHALLIY KENGASHLARI OLDDAGI HISOBDORLIGINING TASHKILIY- HUQUQIY ASOSLARI**

**Annotatsiya:** *Mazkur maqolada O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi, “Prokuratura to'g'risida”gi Qonuni va boshqa tegishli normativ-huquqiy hujjatlarga asosan hududiy prokuratura organlarining xalq deputatlari mahalliy Kengashlari oldidagi hisobdorligining tashkiliy huquqiy asoslari, prokuratura tizimi boshqaruvida kollegial organlar rolini kuchaytirish kabi muhim ishlar tahlil qilingan. Shuningdek, hududiy organlari ustidan hisobdorlik va jamoatchilik nazoratini amalga oshirish zaruratga aylanib borayotganli asoslantirilib taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan. Shuningdek, hududiy prokuratura organlarining hisobdorligining yagona qonun hujjatiga jamlash oid masalalar ilmiy tahlil qilingan hamda bu borada tegishli takliflar ilgari surilgan.*

**Kalit so'zlar:** *hisobdorlik, hududiy prokuratura, Kengash eshituvi, Kengash nazorati, prokuror hisobdorligi, mahalliy Kengash faoliyati, prokuratura tizimi boshqaruvida kollegial organlar rolini kuchaytirish.*

Bugungi kunda prokuratura organlarining “Xalq prokuraturasi” ga aylantirish borasida qilinadigan ishlar samarasi o'laroq bir necha yillar oldin butunlay yopiq bo'lgan bu organ endi inson huquq va erkinliklarini o'z navbatida jamiyat va davlat manfaatlarini himoya qiluvchi, qonun ustivorligini ta'minlovchi va adolat o'rnatuvchi tuzilmaga aylanmoqda. Zero, 2017-2021 yillarda O'zbekistonni Respublikasini rivojlantirishning beshta ustivor yo'nalishlari bo'yicha “Harakatlar stragiyasi” va 2022-2026 yillarga mo'ljallangan “Taraqqiyotning yangi starategiyasi” islohotlarni amalga oshirishda dasturi-amal bo'lib xizmat qilmoqda.

Davlat huquqiy institutlari tizimida prokurorlik tizimining maqsadi, prokuratura funksiyalari, vazifalari, uning huquqiy maqomi, faoliyatining shakl va uslublarining huquqiy asoslarini o‘rganish katta ahamiyatga ega. Shu bilan birga O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev o‘z nutqlarida va asarlarida bu haqda to‘xtalib: “Prokuratura qonunlar ijrosi ustidan nazorat olib borishi zarur” - deb ta’kidlagan<sup>1</sup>.

Prokurorlarning roli va maqomi davlatlar orasida juda farq qilsa ham, barcha huquqiy mamlakatlarda prokuratura jinoiy adliya tizimida asosiy o‘rinni egallaydi va ularga katta vakolat va majburiyatlar yuklatilgan. Odil sudlovni amalga oshirishda mustaqillik, halollik va xolislik bilan ishlaydigan samarali prokuratura xizmatlarisiz, oxir-oqibat, qonun ustuvorligini ta’minlash mumkin emas va inson huquqlari himoya qilinmaydi<sup>2</sup>.

O.T.Husanov esa “Prokuratura ayrim mamlakatlarda sud tarmog‘ida, ayrim mamlakatlarda ijro hokimiyati, ayrim mamlakatlarda esa, mustaqil tuzilma sifatida faoliyat ko‘rsatadi. Bu butun jahon miqyozida prokuratura organlarining tashkiliy-huquqiy shaklida, vazifa va funksiyalarida umumiylik, o‘xshashlik mavjudligini ko‘rsatadi” – deb ta’kidlaydi<sup>3</sup>.

Shu boisdan, prokuratura organlarining hisobdorligi ko‘p jihatdan mamlakatning huquqiy tizimi (huquq oilasiga mansubligi), davlat tuzilishi (unitar, federativ), prokura-turaning davlat hokimiyati tizimidagi o‘rni va ahamiyati (mustaqil davlat organi, sud yoki ijro hokimiyatiga mansub), davlatning tarixiy, huquqiy odat va boshqa milliy xususiyatlari kabi omillarga bog‘liq<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Sh.Mirziyoyev. Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir. –T.: "O‘zbekiston", 2018. 2-tom, – B. 63.

<sup>2</sup> The Status and Role of Prosecutors. A United Nations Office on Drugs and Crime and International Association of Prosecutors Guide. New York, 2014. 34-bet. [https://www.unodc.org/documents/justice-anprisonreform/HB\\_role\\_and\\_status\\_prosecutors\\_14-05222\\_Ebook.pdf](https://www.unodc.org/documents/justice-anprisonreform/HB_role_and_status_prosecutors_14-05222_Ebook.pdf)

<sup>3</sup> Husanov O.T. Konstitutsiyaviy huquq: darslik. To‘ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashr. - Toshkent: Yuridik adabiyotlar publish, 2020. – B. 372.

<sup>4</sup> Sh.Saidov. Хорижий мамлакатларда прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида иштироки: шакллари ва ўзига хос жиҳатлари. Қонunchilik muammolari axborotnomasi.2022-yil 2-son.41-bet.

Yevropa Kengashi Parlament Assambleyasi (2003) Tavsiyasida prokuratura organlarining qonun ustuvor bo'lgan demokratik huquqiy jamiyatdagi o'rnini, turli davlatlar prokuratura organlari vakolatlarini milliy tajriba va an'analarning o'ziga xos xususiyatlari majburiy tan olinishini hisobga olgan holda belgilash maqsadga muvofiqligi e'tirof etiladi<sup>1</sup>.

O'zbekistonda ham tarixiy an'analari va milliy huquq tizimidan kelib chiqib prokuratura organlarining huquqiy maqomi, asosiy vazifalari va ish olib borish prinsiplari yo'nalishlarini belgilovchi bosh hujjat O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi aks ettirdi. Bu normalar davlat mexanizmida prokuraturaning maxsus konstitutsiyaviy-huquqiy maqomi va uning yuqori darajadagi o'rnini borligida hamda boshqa huquqni muhofaza qiluvchi organlardan farqli ravishda konstitutsiyaviy organ ekanligini bildiradi.

Fikrimizcha ham, prokuraturaga shunday maqom berilganligi to'g'ri. Ochiqlik va shaffoflik davr talabi ekan, har bir davlat organi hamda tashkiloti keng jamoatchilik oldida hisobot berishi lozim<sup>2</sup>. Chunonchi, 2022-yil 1-yanvarda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022 — 2026-yillarga mo'ljallangan yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida”<sup>3</sup>gi PF-60-son Farmoni qabul qilinganligi jamiyatni demokratlashtirishni ikkinchi bosqichga olib chiqdi. Bunda:

Birinchi, prokuratura organlari tomonidan qonunlarning aniq va bir xilda ijro etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda davlat va jamoatchilik nazoratini o'zaro uyg'unlashtiruvchi yangi tizim joriy etish;

Ikkinchi, prokuratura organlari faoliyati oshkoraligini va uning jamiyat oldida hisobdorligini ta'minlash;

Uchinchi, prokuratura tizimi boshqaruvida kollegial organlar rolini kuchaytirish kabi muhim ishlar belgilandi. Shu boisdan ham, Bosh prokuratura va uning hududiy organlari ustidan hisobdorlik va jamoatchilik nazoratini amalga oshirish zaruratga aylanib bormoqda.

<sup>1</sup> Sh.Saidov. Хорижий мамлакатларда прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида иштироки: шакллари ва ўзига хос жиҳатлари. Қонунчилик муаммолари ахборотномаси.2022-йил 2-сон.41-бет

<sup>2</sup> <https://www.minjust.uz/uz/press-center/news/103242/>

<sup>3</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 28.01.2022 yildagi PF-60-son <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>



To‘g‘ri, amaldagi qonunchilikda hisobdorlik belgilangan, biroq ushbu normalarni realizatsiya qilishning tashkiliy huquqiy asoslari va tartibi to‘liq yaratilmagan. Bugungi kunda hududiy prokuratura organlarining xalq deputatlari mahalliy Kengashlari oldidagi hisobdorligini belgilab beruvchi normalar bugungi kun islohotlar orqada qolmoqda.

Hududiy prokuratura organlari faoliyatining hisobdorligini ta‘minlash maqsad: prokuratura organlarining tarkibiy tuzilmalari faoliyatining oshkoraligi va shaffofligiga erishish, jismoniy va yuridik shaxslarning axborot izlash, olish va undan foydalanish huquqini kafolatlash, qonunlarni bir xilda aniq bajarish, prokuratura organlariga yuklatilgan vazifalarni samarali ijrosini tashkil etish, qonun ustivorligi ta‘minlash, qonun buzilish holatlari va tizimli kamchiliklarni asl sabablarini ko‘rish, ijtimoiy sohada prokuror nazoratini fuqarolarga manzilli yordam berish, chinakam xalqparvar korrupsiyadan xoli prokuraturaning demokratik milliy tizimini shakllantirishdan iboratdir.

Yuqoridagi fikrlarga asoslanib, dissertant tomonidan “Hududiy prokuratura organlarining xalq deputatlari mahalliy Kengashlari oldidagi hisobdorligining namunaviy nizom” to‘g‘risidagi Oliy majlis Senati qarori loyihasi ishlab chiqildi.

Fikrimizcha, “Hududiy prokuratura organlarining xalq deputatlari mahalliy Kengashlari oldidagi hisobdorligining namunaviy nizom” to‘g‘risidagi Oliy majlis Senati qarori qabul qilinishi yuqorida aytib o‘tilgan maqsadlarga erishishni yanada tezlashtiradi.

**Birinchi**dan, mazkur qaror bilan prokuratura organlari va ularning huzuridagi organlarning hisobdorlik masalalarini yagona qaror loyihasiga jamlaydi. Prokurorning hisobdorligi faqat Senat qarori bilan belgilanishi lozim. Qaror barcha darajadagi prokurorlarning hisobdorligi va bo‘ysinishini tartibga soladi.

Ushbu qaror loyihasining qabul qilish zaruratining **ikkinchi ustun tomoni**, Bosh prokuratura huzurida tuzilgan iqtisodiy jinoyatchilikka qarshi kurash departamenti hududiy boshqarma, bo‘limlari va Majburiy ijro byurosining hududiy boshqarmalari, bo‘limlari, ixtisoslashtirilgan, maxsus, transport kabi hududiy va maxsus prokuratura organlarining ochiqlik va oshkoralik prinsiplarini hayotga to‘laqonli ro‘yobga chiqarishga imkon yaratadi. Shuningdek, mazkur qarorda prokuror

hisobdorligi ustidan monitoring, prokuror faoliyatini baholash indikatorlari, o‘ziga yuklatilgan vazifalarni bajarish davomida qonun buzgan prokurorga prokuror javobgarligi belgilab berishi lozim.

Taassufki, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoyev O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaning 24-yilligiga bag‘ishlangan marosimdagi ma‘ruzasidan ma‘lumki, “Hozirgi kunda Oliy Majlisimiz Senati tomonidan har yili Bosh prokuraturaning hisoboti eshitaladi. Bu albatta muhim, lekin joylardagi, masalan, uzoq Olot tumanida mahalliy hokimliklar, prokuratura va ichki ishlar bo‘limlarining hisobotini kim eshitadi? Shu nuqtai nazardan qaraganda, Birinchi Prezidentimiz joriy etgan tizim asosida hurmatli Qonunchilik palatasi Spikeri va Senat raisi joylarga chiqqanlarida mahalliy hokimliklar, prokuratura va ichki ishlar organlari rahbarlaridan ular o‘z zimmasidagi vazifalarni qay darajada ijro etayotganiga, aholini o‘ylantirayotgan muammolarni, ularning murojaatlarini qanday hal qilayotganiga alohida e‘tibor qaratishlari lozim<sup>1</sup>”, deb alohida ta‘kidlab o‘tgan edilar. Shu boisdan, hududdagi qonun ijrosi ustidan nazorat va hududlarni kompleks rivojlantirish dasturlarini to‘liq bajarish ustidan prokurorning hisobdorligining xalq deputatlari mahalliy Kengashlari tomonidan olib borilish **“Kengash nazorati”ni** yana kuchaytirgan bo‘ladi. Jumladan, xalq deputatlari Kengashlarini hududlarda mavjud muammolarni hal qilishdagi asosiy bo‘g‘iniga aylantirish maqsadini aspektlaridan biri yaratiladi<sup>2</sup>.

Ta‘kidlash lozimki, har qanday holatda prokuror hisobdorligi darajasi va me‘yorlari faqat qonun bilan aniq belgilanishi hamda amaliyotda ham huquqiy norma belgilagan chegara normasidan umuman chetga chiqmasligi lozim.

Shu boisdan, hududiy prokuratura organlarining hisobdorligini yagona qonunchilikka jamlash lozim. Bundan tashqari, O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuroridan boshlab hududiy prokuratura organlarining hisobdorligini qayta ko‘rib chiqib, hisobdorlikning yagona milliy mexanizmini yaratish lozim. Bu borada dessertant tomonidan prokuratura organlari (25.4 %), Adliya organlari (27 %), mahalliy Kengash

<sup>1</sup> <https://sof.uz/uz/post/2017-yildan-rahbarlar-aholi-oldida-hisobot-beradi>.

<sup>2</sup> “2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan yangi o‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmonning 2- maqsadi. <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>

deputatlari (30.2 % ), sud organlari va boshqa soha vakillaridan iborat 67 respondent orasida ijtimoiy so‘rovnoma o‘tkazildi. Ushbu so‘rovnomada ishtirok etgan respondentlarning 77.2 % “Hududiy prokuratura organlarining xalq deputatlari mahalliy Kengashlari oldidagi hisobdorligining namunaviy nizom” to‘g‘risidagi Oliy majlis Senati qarori qabul qilishi tarafdori ekanligini ko‘rsatdi. Bundan tashqari, respondentlar tomonidan “prokuror hisobdorligini” Oliy majlis Senati qarori bilan mustahkamlanishi tarafdori ekanligini ko‘rsatdi.

Bugungi kunda ijro hokimiyati va quyi organlari joylarda ular tomonidan umumdavlat siyosatining to‘g‘ri va samarali tarzda tashkil etish va yuritish orqali xalqining roziligiga erishish eng muhim masalalardan biri bo‘lib hisoblanadi. Shu ma’noda ijro hokimiyati mahalliy organlar faoliyatining huquqiy asoslarini tahlil qilish orqali yanada takomillashtirish yuzasidan taklif va tavsiyalar ishlab chiqish zarur deb hisoblaymiz. Chunonchi, bu borada taniqli huquqshunos olim A.M. Xoshixonov “Hukumat faoliyatining tashkiliy-huquqiy asoslari” nomli monografiyasida bir qator taklifni ilgari surilgan.

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 21-bobi “Mahalliy davlat hokimiyati asoslari” deb nomlangan bo‘lib, 102-moddasida “Vakillik va ijroiya hokimiyatini tegishliligiga qarab viloyat, tuman va shahar hokimlari boshqaradi” degan qoida mavjud. Biroq, prokuratura organlari alohida konstitutsiyaviy organ bo‘lishiga qaramasdan, 2017-yil 14-sntabrdagi O‘RQ-446-sonli qonun bilan amaldagi qonunchilikka prokuror nazorat obyekti hisoblangan-hokim boshchilik qiladigan xalq deputatlari mahalliy kengashi oldida berish sharti qo‘yildi. Ilmiy jihatdan tadqiq etadigan bo‘lsak, bir paytning o‘zida nazorat qiladigan obyekt oldida hisobdorlikning belgilanishi ma‘muriy va konstitutsiyaviy huquq fan doirasida bir-birini inkor etadi. Bu yerda mulohaza prokurorning hisobdorligida emas, balki, prokuror nazorat obyekti (“Prokuratura to‘g‘risida” gi qonuning 4-moddasi) kiritilgan mansabdor shaxs prokuror faoliyatiga baho berishi yoki prokuror hisobotini eshitish natijalari bo‘yicha kengash qaroriga ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Bu esa, amaldagi qonunchilikda prokuror hisobdorligini ham mantiqan ham qonunan to‘g‘ri emasligini ko‘rsatadi. Shu bois, O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 102-moddasi 1-qismini, “Ijroiya hokimiyatini

tegishliligiga qarab viloyat, tuman va shahar hokimlari boshqaradi”, O‘zbekiston Respublikasi “Mahalliy davlat hokimiyati to‘g‘risida”gi 913-XII-son qonuni 1-moddasini “Viloyat, tuman, shahar hokimi viloyat, tuman va shaharning oliy mansabdor shaxsi bo‘lib, ijroiya hokimiyatini boshqaradi” kabi belgilash muhimdir. Shundan so‘ng, hudud prokurorining tegishli mahalliy Kengash oldidagi hisobdorligi tom ma‘noda ta‘minlanadi.

Shu o‘rinda, hokim mahalliy ijroiya hokimiyatining rahbari bo‘lganligi sababli, uning xuddi Bosh vazir timsolida Vazirlar Mahkamasining parlament oldidagi konstitutsiyaviy huquqiy javobgarligi huquqiy asoslari mavjud bo‘lgani kabi hududiy prokurorlar ham Bosh prokuror singari O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Senati va Prezidentiga hisobdor bo‘lgandek, hudud prokurorlari xalq deputatlari mahalliy Kengashlari oldida hisobdorligining tashkiliy huquqiy asoslari to‘g‘ri yo‘lga qo‘yilgan bo‘ladi.

“Prokuratura to‘g‘risida”gi qonuning 5-moddasida “Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar, Toshkent shahar, tumanlar va shaharlar prokurorlari: har yili tegishincha Qoraqalpog‘iston Respublikasi Jo‘qorg‘i Kengesiga, xalq deputatlari Kengashlariga o‘z faoliyati to‘g‘risida hisobot taqdim etishi” belgilangan. Bundan tashqari, O‘zbekiston Respublikasi “Mahalliy davlat hokimiyati to‘g‘risida”gi 913-XII-son qonunining 24-moddasida “tegishli prokurorlarning hisobotlarini eshitish” mustahkamlangan. Bu albatta, oliy vakillik organ sifatida hududlardagi asosiy vazifalari qonun ustuvorligini ta‘minlash, qonuniylikni mustahkamlash, fuqarolarning huquq hamda erkinliklarini, jamiyat va davlatning qonun bilan qo‘riqlanadigan manfaatlarini, O‘zbekiston Respublikasi konstitutsiyaviy tuzumini himoya qilish, huquqbuzarliklarning oldini olish va profilaktika qilishdan iborat bo‘lgan hudud prokurorlarning hisobdorligi va hisobotlarning shakllari, usullari, hisobotlarning shakllantirish va taqdim etish reglamenti konstitutsiyaviy huquq asoslarini yanada to‘liqroq ta‘minlash lozim. Bunda davlatning muhim organining kollegial organ bilan munosabatlarini muqobil yo‘lini topish davlat rivojlanishiga xizmat qiladi.

Yuqoridagilarga asosan, O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 21-bobi 99-moddasida “Kengashlarning vakolatlariga tegishli

*prokurorlarning hisobotlarini eshitadi, prokuror faoliyati samaradorligiga shaxsan baho beriladi shuningdek, egallab turgan lavozimiga muvofiq yoki muvofiq emasligi to‘g‘risida tavsiyalar qabul qilinadi”* degan qoidani kiritish tavsiya etildi.

Hududiy prokuratura organlarining xalq deputatlari mahalliy Kengashlari oldida hisobdorligi konstitutsiyaviy darajada belgilash bir vaqtning o‘zida “prokuror javobgarligi” ni yuzaga chiqaradi va uning huquqiy asoslarini qonunchilikka mustahkamlab qo‘yish lozim. Chunki, O‘zbekiston Respublikasi qonunlarini qo‘mitalar, vazirliklar, agentliklar, sud organlari, huquqni muhofaza qiluvchi organlar shu jumladan, prokuratura organlari tomonidan ham qay darajada bajarilayotganligi ustidan nazoratni olib borish lozim. Prokurorlar tomonidan qonunlarni buzish uchun javobgarlikni konstitutsiyada belgilab, ya‘ni O‘zbekiston Respublikasi Konstitusiyaning 118-moddasi *“O‘zbekiston Respublikasining Bosh prokurori O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti va Oliy Majlis Senati oldida hisobdor va javobgardir”*, degan qoida mustahkamlanmog‘i lozim. Hisobdorlik va javobgarlik belgilashda xorij tajribasiga e‘tibor bersak, Tojikiston Respublikasi Konstitutsiyasi<sup>1</sup>ning 94-moddasi Bosh prokuror Majlisi Milliy va Prezident oldida javobgardir. Shunindek, Belorusiya Respublikasining Konstitutsiyasi 127-moddasida Bosh prokuror o‘z faoliyatida Prezident oldida javobgarligi mustahkamlangan<sup>2</sup>. Shu sababli, mamlakat hayotida muhim o‘rin tutgan prokuratura organlari hisobdorligi va javobgarligi to‘g‘risidagi qoidani asosiy qonun kiritish va to‘g‘ridan to‘g‘ri amal qilishi lozim.

Hududiy prokuratura organlarining hisobdorligini konstitutsiyaviy huquqiy asoslari yaratilgach, “Prokuratura to‘g‘risida”gi qonunning 5-moddasiga *“prokuratura organlari faoliyatini tashkil etish va ular faoliyatining asosiy prinsiplari birlik, markazlashganlik, qonuniylik, mustaqillik, oshkoralik, hisobdorlikdir”*, degan qoida mustahkamlansa prokurorlarning hisobdorligining tashkiliy huquqiy asoslari samarali yo‘lga qo‘yiladi. Bundan tashqari, prokuratura organlari oldidagi vazifalarni bajarishda hisobdorligini oshirish maqsadida prokuratura xodimlarining profesional darajasi va mas‘uliyatini yanada oshirishni

<sup>1</sup> <https://mfa.tj/ru/main/tadzhikistan/konstitutsiya>

<sup>2</sup> <https://president.gov.by/ru/gosudarstvo/constitution>

taqazo etmoqda. Zero, ikki asr oldin bildirilgan “eng katta jinoyat – qonun qo‘riqlovchilari tomonidan sodir etilgan jinoyat”<sup>1</sup> haqidagi fikr haliam o‘z dolzarbligini kamaytirmagan.

Xullas, Yangi O‘zbekiston sharoitida qonuniylikni qat’iy ta’minlaydigan, ochiq va adolatli prokuratura tizimining yangi huquqiy asoslarini yaratish tashabbusi asosida qabul qilinadigan normativ hujjatlar bu organ faoliyatini yanada xalqqa yaqin bo‘lishiga olib keladi.

---

<sup>1</sup> Ибрагимов З.С. Давлат ҳокимияти тизимида прокуратуранинг ўрни ва роли (қийсий-ҳуқуқий таҳлил). Автореф. – Тошкент, 2010. 53-бет

**САФАРОВА ШАХЛО  
ПУЛАТОВНА**

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия  
университети мустақил тадқиқотчиси  
E-mail: [ShSafarova@uwed.uz](mailto:ShSafarova@uwed.uz)

## **ЎЗБЕКИСТОННИНГ БМТ ДОИРАСИДАГИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМГА ОИД МУҲИМ ХАЛҚАРО ТАШАББУСЛАРИ**

***Аннотация:** Мақолада инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни амалга оширишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотнинг халқаро-ҳуқуқий фаолияти очиб берилган ва уларни амалга оширишнинг мазмун-моҳияти ҳамда ҳозирги замон халқаро ҳуқуқига таъсири таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:** Инсон ҳуқуқлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим, таълим ва тарбия, БМТ, Ўзбекистон, резолюция, устав, барқарор ривожланиш мақсадлари.*

Мамлакат ёшлар сиёсатида таълим ва тарбиянинг ўрни беқиёс ҳисобланади. Бунда таълим тизимини такомиллаштириш, уни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, боғча тарбияланувчилари, ўқувчи ва талабаларда замонавий билим ва кўникмаларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Инсон ҳуқуқлари соҳасида ёшларни халқаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, тотувлик ва инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига ҳурмат, масъулият руҳида тарбиялаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва кафолатлаш, инсон ҳуқуқлари умумий маданиятини тараққий топтириш алоҳида аҳамиятга эга.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг **“Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб Олий комиссар бошқармаси билан биргаликда глобал форум ўтказиш**” тўғрисидаги ташуббуси<sup>1</sup> сўнгги тўрт йилда мамлакатда ёшлар таълимига берилаётган алоҳида эътибор туфайли таълимнинг барча босқичларида катта ислохотлар амалга оширилаётганидан далолатдир.

<sup>1</sup>Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи // URL:<https://president.uz/ru/lists/view/4179>

**Маълумки, Таълим инсон ҳуқуқларининг асосий омилларидан бири саналади. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим – бу инсон ҳуқуқлари бўйича билим, кўникма ва дунё қарашни шакллантириш орқали инсон ҳуқуқлари умумий маданиятни яратишга йўналтирилган тизим ва мақсадли ҳаракатлардир.**

Мазкур жараёнда албатта, универсал ташкилот сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (кейинги ўринларда БМТ) нинг ўрни ва роли каттадир. И.И.Лукашукнинг таъбири билан айтганда, “инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави қабул қилингандан кейин шакллана бошланган янги тармоқ ҳисобланади. Умумэътироф этилган инсон ҳуқуқлари ҳисобланувчи манбалар ҳисобланмиш халқаро универсал шартномаларга қуйидагилар киради: БМТ Устави, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро пактлар ва конвенциялар, ЮНЕСКО, ХМТ каби ихтисослашган ташкилотларнинг ҳужжатлари.

Жумладан, БМТ Уставида, унинг асосий мақсадларидан бири сифатида, “...инсон ҳуқуқларига ва, барчанинг ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар, асосий эркинликларига ҳурматни рағбатлантириш ва ривожлантиришда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш” белгилаб қўйилган<sup>1</sup>.

1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 26-моддаси 2-бандида эса, “Таълим инсон шахсининг тўла баркамол қилишга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Таълим барча халқлар, ирқий ва диний гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушуниш, хайрихоҳлик ва дўстликка хизмат қилиши ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги фаолиятига ёрдам бериши керак”<sup>2</sup>, деб белгилаб қўйилди.

<sup>1</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва Халқаро суд Статути. –Т.: БМТнинг Ўзбекистондаги ахборот маркази, 2002. -Б.32

<sup>2</sup>Саидов А. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. –Тошкент, Konsayditinform-Nashr, 2006. -Б.246



Умуман олганда, XX асрнинг 90-йиллари ва XXI асрнинг бошларида инсон ҳуқуқлари таълими масаласига БМТ миқёсида ҳам катта аҳамият қаратила бошланди.

Айниқса, 1993 йил 25 июнь куни Вена шаҳрида (Австрия) БМТ шафелигида бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференциясида қабул қилинган Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастури, БМТ томонидан 1995-2004 йилларни инсон ҳуқуқлари таълимининг ўн йиллиги, 2008 йили Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигини кенг миқёсда нишонланиши, БМТ томонидан 2009 йил – Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим халқаро йили, деб деб эълон қилиши ва бу соҳаларда халқаро ва миллий миқёсларда олиб борилган чора-тадбирлар бунинг яққол далили ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқ устуворлигини эътироф этган ва халқаро ҳуқуқий жараёнларда фаол иштирок этувчи суверен мамлакатимиз ҳам мазкур халқаро жараёнларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Мазкур йўналишда 1993 йил 25 июнь куни қабул қилинган *Инсон ҳуқуқлари бўйича Вена декларацияси ва Ҳаракатлар режасига* ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир<sup>1</sup>. Инсон ҳуқуқлари бўйича II бутунжаҳон конференциясида қабул қилинган ва БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича муҳим ҳужжатларидан бири ҳисобланмиш мазкур Декларациянинг D банди Инсон ҳуқуқлари масалаларини ўқитиш деб номланади ва унда 78, 79, 80, 81, 82-бандлари инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва уни амалга оширишда давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг вазифаларини белгилаб берилган.

БМТ Бош Ассамблеяси 2011 йил 19 декабрь куни ўзининг пленар сессиясида овозга қўймасдан, консенсус асосида 66/137 резолюцияси билан **БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тайёргарлик тўғрисидаги декларациясини** қабул қилди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги янги халқаро стандарт ҳисобланмиш мазкур ҳужжатни ишлаб чиқишни БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 2007 йил бошланган эди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/declarations/viendec93.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/viendec93.shtml)

<sup>2</sup> Гольтяев Алексей Олегович Декларация оон об образовании и подготовке в области прав человека: история создания, значение, перспективы // Вестник РУДН. Серия: Юридические науки. 2012. №1.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш 2017 йил 28 сентябрь куни қабул қилинган 36/12 резолюцияси асосидаги Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга оид бутунжаҳон дастури, юқорида ҳужжатда белгиланган нормаларни янада ривожлантирди<sup>1</sup>.

Мазкур ҳужжатга кўра, ҳар бир инсон нафақат барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги ахборотни билиши, сўраши ва олиши ҳуқуқига эга, балки инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим олиш ва қайта тайёрланишдан ўтиш имкониятига ҳам эгадир.

Декларациянинг 2-моддаси 1-бандига мувофиқ, “инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбия инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига умумий ҳурмат ва риоя этилишини рағбатлантиришга қаратилган таълим, касбий таълим, ахборот ва маърифий фаолиятининг барча турларини қамраб олган ҳолда, унинг асосида инсон ҳуқуқларининг универсал маданиятини яратиш ва ривожлантиришга ҳисса қўшиш имкониятини таъминлаш мақсадида шахсларнинг тегишли билим, кўникма, идрокни ҳамда уларнинг қобилиятлари ва хулқ-атворини шакллантириш орқали инсон ҳуқуқларини бузилиши ва уни суистемол қилинишини олдини олишга қаратилган фаолиятдир.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим масаласи 2015 йилнинг сентябрида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Барқарор ривожланиш соҳасидаги Глобал кун тартиби” бўйича 70-сон резолюцияси билан қабул қилинган 2030 йилгача эришилиши лозим бўлган 17 та Барқарор ривожланиш мақсадлари ва уларга боғлиқ бўлган 169та вазифа ва 232та кўрсаткич белгилаб олинган декларацияда ҳам ўз аксини топди.

Агар таҳлил қилинса, дунёда барча соҳаларда тараққиётга эришишга қаратилган 17 та Барқарор ривожланиш мақсадлари барча инсоннинг иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа ҳуқуқларини, уларнинг тенглигини таъминлаш масалаларига қаратилган<sup>2</sup>. Шулар орасида таълим соҳаси ҳам алоҳида мақсад

---

URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/deklaratsiya-oon-ob-obrazovanii-i-podgotovke-v-oblasti-prav-cheloveka-istoriya-sozdaniya-znachenie-perspektivy>.

<sup>1</sup> Резолюция, принятая Советом по правам человека 27 сентября 2018 года. 39/3. Всемирная программа образования в области прав человека. A/HRC/RES/39/3

<sup>2</sup> Резолюция, принятая Генеральной Ассамблеей. 25 сентября 2015 года. Преобразование нашего мира: Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года. (A/70/L.1)

сифатида белгилаб олинган ҳолда, **4-мақсад сифатида, “Умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага бутун умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш”ни кўзда тутди. Мазкур мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинган<sup>1</sup>:**

**4.1.** 2030 йилгача бошланғич ва умумий ўрта таълимни, умумий қамровни сақлаб қолган ҳолда, ўқитишнинг долзарб ва самарали натижаларига эришишни таъминлайдиган янги сифат босқичига кўтариш.

**4.2.** 2030 йилгача барча ўғил ва қиз болалар учун кичик ёшдаги болаларни ривожлантириш, парваришlash ва мактабгача ўқитишнинг сифатли тизимларидан улар бошланғич таълимни олишга тайёр бўлишлари мақсадида тўлиқ фойдаланиш имкониятини таъминлаш.

**4.3.** 2030 йилгача барча хотин-қизлар ва эркаклар учун арзон ва сифатли ўрта махсус, олий, касб-ҳунар ҳамда қўшимча таълимдан тенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш.

**4.4.** 2030 йилгача ишга жойлашиш, муносиб ишга эга бўлиш ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун меҳнат бозорида талаб катта бўлган кўникмаларга, шу жумладан, касбий-техник кўникмаларга эга ёшлар ва катталар сонини жиддий равишда кўпайтириш.

**4.5.** Таълим муассасалари шароитларини имконияти чекланган болаларнинг манфаатларини ҳисобга оладиган даражада яхшилаш орқали ногиронлар учун барча даражадаги таълим ва касбий-техник тайёргарликдан тенг фойдаланиш имкониятини, барча учун хавфсиз ва самарали ўқитиш муҳитини таъминлаш.

**4.7.** 2030 йилгача барча ўқувчилар ва талабаларнинг барқарор ривожланишига кўмаклашиш учун уларнинг зарур бўлган билим ва кўникмаларни эгаллашларини таъминлаш.

**4.а.** Ўқув муассасаларининг барча учун хавфсиз ва самарали ўқув муҳитини таъминлайдиган шарт-шароитларини яхшилаш.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.02.2022 йилдаги 83-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори // <https://lex.uz/docs/5870397>

**4.b.** 2030 йилгача олий ўқув юртларида таълим олиш учун ажратиладиган кредитлар ва грантларни, шу жумладан, халқаро кредитлар ва грантлар миқдорини кўпайтириш чораларини кўриш.

**4.c.** 2030 йилгача малакали ўқитувчиларнинг сонини, жумладан, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш орқали жиддий равишда кўпайтириш.

Маълумки, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар Бошқармаси “Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича миллий ҳаракатлар режалари”ни ишлаб чиқди. Ушбу раҳбарий тамойиллар давлатларга **Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича Миллий ҳаракатлар режаларини** ишлаб чиқишда ёрдам беришга мўлжалланган.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида ўқитиш ва тайёрлаш тўғрисидаги БМТ Декларациясини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракат дастури Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон парламенти томонидан 2019 йил 15 июльда тасдиқланган.

**Хулоса қилиб айтганда инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасига оид универсал халқаро ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида айтиш мумкинки, мазкур йўналишда халқаро норма ижодкорлиги жараёнида БМТнинг асосий ҳужжатлари муҳим аҳамият касб этади.** Унинг ҳужжатларида инсоннинг турли ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда турли қатламларга оид шахсларнинг алоҳида ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамлаб қўйилиши билан бир қаторда, уларни кенг тарғиб қилиш, таълим тизимига киритиш орқали инсонларнинг бундай ҳуқуқларига оид билимлари ошириши кўзда тутилса, иккинчидан, инсон ҳуқуқлари таълимига оид бошқа ҳужжатларида эса, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тайёргарлик, яъни бу соҳада мутахассисларни тайёрлаш ва улар орқали жамиятда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ва миллий нормаларни ўқитиш тизимини кучайтириш инсон ҳуқуқлар ва эркинликларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилишнинг муҳим элементи сифатида кўрилади.

**ЖУМАНАЗАРОВА  
МАРЖОНА БОТИР ҚИЗИ**

Тошкент давлат юридик университети  
мустақил изланувчиси

## **ОХИРГИ ЗАРУРАТ ВА ЖИСМОНИЙ ЁКИ РУҲИЙ МАЖБУРЛАШ ЁХУД ШУНДАЙ МАЖБУРЛАШНИ ҚЎЛЛАШ БИЛАН ҚЎРҚИТИШНИНГ ЎХШАШ ВА ФАРҚЛИ ТОМОНЛАРИ**

***Аннотация:** Ушбу тезисда охирги зарурат ҳамда жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитишнинг ўзаро ўхшаш томонлари, шунингдек фарқли томонлари таққослаш йўли билан ўрганилган. Бунда нафақат миллий, балки хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг ҳам ушбу масаладаги фикрлари таҳлил қилинган. Илмий таҳлил олиб бориш асосида муҳим назарий хулосаларга келинган.*

***Калит сўзлар:** охирги зарурат, руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитиш, ижтимоий хавфлилик, айбнинг мавжудлиги, ҳуқуққа хилофлилик, хавф манбаалари.*

Биламизки, Ўзбекистон Республикаси ЖКда охирги зарурат (38-модда) билан бир қаторда кам аҳамиятли қилмишлар (36-модда), зарурий мудофаа (37-модда), ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш (39-модда), буйруқни ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш (40-модда), касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик (41-модда), жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш натижасида қилмиш содир этиш (41<sup>1</sup>-модда) каби қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳолатлар ҳам акс эттирилган. Мазкур моддаларда келтирилган қилмишларнинг содир этилиши (агар қонуний талабларга жавоб берса) ўзининг у ёки бу белгисининг мавжудлиги сабабли уларнинг жиноийлиги истисно этилишига олиб келади.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик, айбнинг мавжудлиги, ҳуқуққа хилофлилик, жазога сазоворлик каби белгилари айнан қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларнинг бир-бири

билан ўхшашлигини ёки фарқини кўрсатиб беради. Демоқчимизки, сўз юритилаётган ҳолатларнинг барчасида қайсидир жиноятнинг белгиси бўлмайди, бу билан улар бир-биридан фарқланади ёки ўзаро ўхшашликларга эга бўлади.

Масалан, охири заруратда юқорида санаб ўтилган жиноят белгиларидан ижтимоий хавфлилик ва айбнинг мавжудлиги расман кўриниб турган ҳолда ҳуқуққа хилофлилик белгиси бўлмайди. Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш натижасида содир этилган қилмишда вазиятга қараб турли жиноят белгиларининг мавжуд бўлмаслиги мумкин: шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқара олмаган бўлса, жиноятнинг белгиларидан бўлган айбнинг мавжудлиги, агар оқибатда шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқариш имкониятини сақлаб қолган бўлса, ҳуқуққа хилофлилик йўқлиги сабабли қилмишнинг жиноийлиги истисно қилинади.

Қуйида биз айнан охири заруратнинг асослари ва қонунийлик шартларига энг яқин бўлган ҳолат, яъни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 41<sup>1</sup>-моддасида белгиланган жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитиш натижасида жиноят қонуни билан қўриқладиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказишнинг охири зарурат билан ўхшаш томонлари ва фарқларини аниқлаш ҳақида сўз юритамиз. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 41<sup>1</sup>-моддасида биринчи қисмида агар бундай мажбурлаш ёхуд қўрқитиш оқибатида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқара олмаган бўлса, жиноят ҳисобланмаслиги келтирилган.

Мазкур икки ҳолат ўртасидаги фарқлар қуйидагиларни ташкил этади:

**Биринчи фарқ.** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 41<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи қисмида мажбурлаш ёки қўрқитиш оқибатида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқариш имкониятини сақлаб қолган бўлса, охири зарурат қоидалари қўлланган ҳолда ҳал этилиши белгиланган. Ушбу ҳолатлар ўртасидаги муҳим фарқ – иродавийлик белгисидир. Охири заруратда шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқариш имкониятига эга бўлади, яъни у

хавфнинг олдини олиш ёки олмаслик тўғрисида қарор қабул қилиш эркинлигига эга бўлса, жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитишда эса, шахс мажбурланиши оқибатида ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқара олмай қолиши лозим. Мажбурлашга дучор бўлган шахснинг иродаси бутунлай енгилган бўлиши лозим.

**Иккинчи фарқ.** Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитишда фақат жисмоний шахслар хавф манбаи бўла олгани ҳолда<sup>1</sup>, охири заруратда хавф манбаи турли-туман бўлиши мумкин.

**Учинчи фарқ.** Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ҳолатидаги хавф манбаи мажбурлаш остида ҳаракат қилувчи ва жиноятчининг иродасини бажарувчининг хатти-ҳаракати билан яратилади<sup>2</sup>. Охири зарурат ҳолатида эса, хавф мазкур хавфни бартараф этиш учун ушбу ҳуқуқдан фойдаланувчи шахс томонидан яратилиши мумкин эмас.

**Тўртинчи фарқ.** Охири заруратда мустақил субъект бўлмиш шахс ўз иродасига боғлиқ бўлган фаолиятни амалга оширади. Жисмоний ёки руҳий мажбурлашда шахс жинойий ниятга эришиш учун зарар етказувчи восита ёки қурол сифатида ишлатилади.

**Бешинчи фарқ.** Агар охири заруратда етказилган зарар катта хавфнинг олдини олиш орқали оқланса, мажбурлаш натижасида етказилган зарар ҳеч қандай йўл билан оқланмайди, бироқ жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш таъсирида субъектнинг қилмишида айбнинг йўқлиги қилмишнинг жинойий хусусиятини истисно қилишга имкон беради.

**Олтинчи фарқ.** Охири заруратда инсон турли сабабларга кўра каттароқ хавф келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида ҳаракат қилади. Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитишга дучор бўлган шахснинг ҳаракатлари мақсад ва мотивга эга эмас, чунки қилмиш унинг иродасига қарши амалга оширилган бўлади.

**Еттинчи фарқ** шундаки, жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш остида шахс шу шахсга руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатаётган шахснинг манфаатлари йўлида бирор ҳаракат

<sup>1</sup> Зуев В.Л. Необходимая оборона, крайняя необходимость и иные обстоятельства, исключющие преступность деяния. Вопросы квалификации и судебно-следственной практики // Юридический мир. – 2001. – Август. – С. 40.

<sup>2</sup> Орешкина Т.Ю. Физическое ил исихическое принуждение как обстоятельство, исключющее преступность деяния // Уголовное право. – 2000. – № 3. – С. 37.

(ҳаракатсизлик)ни амалга оширишга мажбур бўлади. Охирги зарурат ҳолатида шахс кимнингдир манфаати йўлида ҳаракат содир этмайди.

*Е.Г. Веселов* икки ҳолат ўртасидаги фарқлар ҳақида сўз юритиб, охирги заруратда шахс юзага келган вазиятга қаршилик кўрсатишини, жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитишда эса вазият ривожланишининг мантиқий йўналиши бўйича боришини таъкидлаган<sup>1</sup>. Шунингдек, у уларда субъектив томоннинг белгилари ўхшаш эмаслиги, пайдо бўлиш асослари турлича эканлиги, бир хил ҳуқуқийлик шартларининг мавжуд эмаслиги, амалга оширилган ҳаракатларнинг табиати фарқланишини ҳам кўрсатиб ўтган.

*В.Л. Зуев* эса, улар ҳуқуқий табиати, пайдо бўлиш манбааси, таҳдид солувчи хавфнинг йўналиши бўйича фарқланишини таъкидлаган<sup>2</sup>.

Қўшимча қилиб шуни таъкидламоқчимизки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 41<sup>1</sup>-моддасининг 1-қисмида белгиланган норма жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитишнинг асосини ташкил қилади ва айтиш мумкинки, шахс шундай шароитда оддий одамни ирода эркинлигидан маҳрум қиладиган даражада кучли босим остида содир этилган хатти-ҳаракатлари туфайли жиноят содир этишида айбдор эмас<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 41<sup>1</sup>-моддасида жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш натижасида содир этилган ҳаракатнинг қонунийлик чегараси кўрсатилмаган бўлса-да, айтиш мумкинки, у чегарасиз эмас. Масалан, қасддан одам ўлдириш ва қасддан баданга оғир тан жароҳати етказиш каби жиноятлар мазкур моддада келтирилган ҳолларда содир этилганлиги шахснинг жавобгарликдан озод этилишига сабаб бўлмайди. Фикримизга ҳуқуқшунос олим *P. R. Glazebrook*нинг фикрини асос қилиб келтириш

<sup>1</sup> Веселов Е.Г. Физическое или психическое принуждение как обстоятельство, исключающее преступность деяния: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. - Краснодар: Изд-во Кубанского государственного ун-та, 2002. с. 3.

<sup>2</sup> Зуев В.Л. Необходимая оборона, крайняя необходимость и иные обстоятельства, исключающие преступность деяния. Вопросы квалификации и судебно-следственной практики // Юридический мир. - 2001. - Авг. - С. 40.

<sup>3</sup> Newman and Weitzer, note 14.



мумкин. Унинг фикрича, мазкур ҳолат қурбони бўлган шахснинг ҳатто вазиятдан ҳимояланиш учун одам ўлдириши ёки давлатга ҳоинликнинг бир қанча шакллари содир этиши оқланиши мумкин эмас<sup>1</sup>.

Кўриниб турганидек, шу каби фарқларнинг мавжудлиги мазкур бир-бирига ўхшаш қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларнинг ўзига хос жиҳатларини ажратишга асос бўлади. Мазкур ўзига хосликларни аниқламай туриб қилмишни қонуний баҳолаш имконсиз саналади.

---

<sup>1</sup> P. R. Glazebrook. The Necessity Plea in English Criminal Law. The Cambridge Law Journal, Vol. 30, No. 1, 1972(A) (Apr., 1972), pp. 87-119.

**АЗИМОВ ДОНИЁР  
ЭСАНОВИЧ**

Судьялар олий мактаби мустақил  
изланувчиси

## **АНГЛО-САКСОН ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ КЕЛИШУВ ШАКЛЛАРИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада процессуал келишувнинг АҚШ ва Буюк Британиядаги шакллари, мазкур институтни қўллаш амалиётидаги ҳам ижобий ҳам салбий томонларини таҳлил қилинган. Айбга иқрорлик ҳақида келишув билан боғлиқ бўлган муаммоларни ечими юзасидан фикрлар баён қилинган.

**Калт сўзлар:** процессуал келишув, айбга иқрорлик, ҳамкорлик, одил судлов, дискрецион ваколатлар, шикоят қилиш ҳуқуқи, жазо тайинлаш, ҳимоя ҳуқуқи

Келишув шаклларини жиноят процессига жорий қилиш модели сифатида АҚШ тажрибасини ўрганиш, ушбу институтнинг ҳам ижобий ҳам салбий томонларини кўриб имконини беради. АҚШда жиноят ишлари бўйича одил судлов тизими келишувлар тизимидан иборат деган эди АҚШлик олим Мануэль Креспо<sup>1</sup>.

АҚШлик олимларнинг айбга иқрорлик ҳақида келишув қонунсизликдир, у жиноят ишлари бўйича одил судлов тизимининг тартибга солинмаган бўшлиқларидан ривожланган<sup>2</sup>, ва у қонун ёрдамида эмас балки куч ёрдамида-прокурорларнинг хаддан ташқари, тартибга солинмаган кучи ёрдамида ҳаракатланишда давом этмоқда<sup>3</sup>, одатий ҳисоб-айбга иқрорлик ҳақида келишув

<sup>1</sup> Andrew Manuel Crespo/The hidden law of plea bargaining/Columbia law review/ vol 118 №5

<sup>2</sup> Kenneth Kipnis, Criminal Justice and the Negotiated Plea, 86 Ethics 93, 95 (1976); see also William Ortman, Probable Cause Revisited, 68 Stan. L. Rev. 511, 516 (2016) (“American criminal justice backed into plea bargaining, and formal law has long been ambivalent about it.”).

<sup>3</sup> David Alan Sklansky, The Nature and Function of Prosecutorial Power, 106 J. Crim. L. & Criminology 473, 480–81 (2016) (“The starting point for virtually every discussion of prosecutors in the United States is their . . . ‘almost limitless discretion’ and ‘virtually absolute power.’” (first quoting Erik Luna & Marianne Wade, Prosecutors as Judges, 67 Wash. & Lee L. Rev. 1413, 1414 – 15 (2010); then quoting Marc L. Miller, Domination and Dissatisfaction: Prosecutors as Sentencers, 56 Stan. L. Rev. 1211, 1252 (2004))).

қонуннинг сояси доирасидан ташқарида ҳаракат қилади<sup>1</sup>, ихтиёрий бўлмаган келишувларни яратувчи фундаментал мажбурлаш амалиёти (баъзида қийноққа ўхшаш)<sup>2</sup> каби фикрлари АҚШда айбга иқдорлик ҳақида келишувнинг асосий салбий жиҳатлари: келишув тузиш жараёнида айбланувчининг онгли ва мустақил қарор қабул қилиш имкони чекланганлиги, прокурорларнинг хаддан ташқари кенг ваколатлари, келишув жараёнининг норасмийлиги ва қонун билан тартибга солинмаганлигини яққол намоён қилади.

Мазкур масала давлат бошқарувидаги асосий саволга бориб тақалади: Хаддан ташқари кўп дискрецион ваколатлар натижасида одил судлов ўзбошимчалик ва тенгсизлик оқибатида зарар кўради, хаддан ташқари кам бўлса “одил судлов етарлича индивидуаллаштирмасликдан жабр кўради<sup>3</sup>.

АҚШнинг процессуал келишувлар билан боғлиқ амалиётида асосий муаммо прокурорларнинг хаддан ташқари кенг дискрецион ваколатлари, келишув тузган шахсга нисбатан чекланмаган имтиёзлар, умумий тартибда ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазонинг энг кам мажбурий миқдорини кенг қўллаш билан боғлиқ.

Амалда, келишув чоғида прокурорнинг айблов билан боғлиқ манипуляцияси учта юришдан иборат бўлади. Биринчидан, прокурор айбланувчига қўйиладиган айбловларни бир-бирини такрорловчи ҳуқуқбузарликлар билан тўлдириш, ҳар бир айблов билан айбланувчининг потенциал жазосини ошириш ва унинг ҳукм қилиниши эҳтимолини ошириш йўли билан кўпайтиради. Иккинчидан прокурор айбловнинг мазмунини, жиноят ишида қонун, мавжуд далиллар билан тасдиқланмаган айбловлар билан ошириш. Ва ниҳоят мазкур тактикани ишлатиб, “суд муҳокамасининг баҳосини оширгандан сўнг” прокурор дастлабки таҳдидидан, айбланувчининг ўзи маъқул кўрадиган енгилроқ айбловга ўтиш йўли билан мақсадига эришиш мумкин. Ўртадаги фарқ қанча катта бўлса,

<sup>1</sup> Adriaan Lanni & Carol Steiker, A Thematic Approach to Teaching Criminal Adjudication, 60 St. Louis U. L.J. 463, 469 (2016)

<sup>2</sup> Bordenkircher v. Hayes, 434 U.S. 357, 363 (1978) (internal quotation marks omitted) (quoting Brady v. United States, 397 U.S. 742, 752 (1970)).

<sup>3</sup> Kenneth Culp Davis, Discretionary Justice: A Preliminary Inquiry 50–51 (1969)

айбланувчи айбдор ёки айбсизлигидан қатъий назар айбга иқрорлик ҳақида келишув тузиш эҳтимоли шунчалик ортади<sup>1</sup>.

Бироқ, “Адолатли суд муҳокамаси” нодавлат ташкилотининг маълумотига кўра АҚШда айбга иқрорлик ҳақида келишув асосида ҳукм қилиниб, қамоқда сақланаётган маҳкумларнинг 20.000 нафари аслида айбсиз<sup>2</sup>.

АҚШда мазкур муаммоларни ҳал қилиш учун олимлар томонидан иккита ечим таклиф қилинган. Биринчиси, профессорлар Рональд Райт ва Марк Миллер томонидан таклиф қилинган бўлиб, унга кўра Бош прокурор қуйи турувчи прокурорларга айблов бир мартаба эълон қилингандан сўнг ўзгартиришни тақиқлаши зарур. Иккинчи ечимга мувофиқ, судьялар суд муҳокамаси натижасига кўра тайинланадиган жазо ва келишув натижасида тайинланадиган жазо ўртасидаги фарқни камайтириш йўли билан прокурорларнинг таъсирини чеклаш таклиф қилинади.

Шунингдек, айбловни ўзгартириш ёки бир қисмини чиқариб ташлаш учун суднинг розилигини олиш тартибини белгилаш, айблов асоссиз равишда енгиллаштирилганлигини судья асоссиз деб топганда келишувни тасдиқлашни рад қилиш, айбловни фақат енгилроғига алмаштириш мумкинлигини белгилаш.

АҚШда айбга иқрорлик ҳақида келишувнинг умумий қоидалари Жиноят процессининг федерал қоидаларида белгиланган.

Умумий қоидага кўра ҳимояланувчи айбига иқрор бўлиши, иқрор бўлмаслиги ёки (суднинг рухсати билан) *nolo contendere* (айбига иқрор бўлмасида суд ҳукмини низолашмаслик) тартибини танлаши мумкин.

Шартли айбга иқрорликда суд ва давлатнинг розилиги билан ҳимояланувчи апелляция судига шикоят қилиш ҳуқуқини сақлаган ҳолда шартли равишда айбга иқрор бўлиши ёки айбига иқрор бўлмасида суд ҳукмини низолашмаслик тартиби танлаши мумкин. Агар апелляция судида иш унинг фойдасига ҳал бўлса ҳимояланувчи айбга иқрорлигидан воз кечиши мумкин.

<sup>1</sup> Tracey L. Meares, Rewards for Good Behavior: Influencing Prosecutorial Discretion and Conduct with Financial Incentives, 64 Fordham L. Rev. 851, 878 (1995)

<sup>2</sup> <https://www.fairtrials.org/campaigns/plea-bargaining/#why-do-innocent-people-accept-plea-bargains-33>

Айбига иқрор бўлмасда суд ҳукмини низолашмаслик (Nolo Contendere Plea) тартибини танлашдан аввал суд адолатли қарор қабул қилиши учун тарафларнинг фикрлари ва жамоат манфаатларини инобатга олиши зарур.

Айбига иқрорлик ёки айбига иқрор бўлмасда суд ҳукмини низолашмасликни қабул қилишдан аввал суд очиқ суд мажлисида ҳимояланувчига муурожаат қилиб, иқрорлик ихтиёрийлиги ва куч, таҳдид ёки ваъдалар(иқрорлик келишувда кўзда тутилганидан ташқари) натижаси эмаслигини аниқлаши зарур.

Айбига иқрорлик ҳақида келишув юзасидан қарор чиқаришдан аввал суд иқрорликнинг фактик асосларини текшириши зарур.

Келитшув тузиш жараёнида давлат манфаатларида иштирок этувчи атторней ва ҳимоячи ёки ҳимояланувчи қатнашиши мумкин. Суд мазкур музокалардан қатнашиши тақиқланган.

Келишувда давлатнинг қуйидаги мажбуриятлари кўрсатилиши мумкин:

-бошқа айбловни эълон қилмаслик ёки тугатиш;

-Жазо тайинлаш қоидаларида кўзда тутилган муайян жазо ёки жазо миқдорини қўлламаслик ёки умуман жазо қўлламасликни тавсия қилиш ёки бу ҳақда ҳимояланувчининг илтимосномасига эътироз билдирмаслик(бундай тавсия ёки илтимоснома суд учун мажбурий эмас);

Жазо тайинлаш қоидаларида кўзда тутилган муайян жазо ёки жазо миқдорини, Жазо тайинлаш қоидаларининг муайян бандини ёки умуман жазо қўлламаслик орқали ишни ҳал қилишга келишиш ( суд агар келишувни қабул қилса бундай тавсия ёки илтимоснома суд учун мажбурий).

Суд келишувни қабул қилиши ёки уни рад қилиши ёки судланувчининг шахси ҳақида маълумотларни текшириш учун қарор қабул қилишни кечиктириш мумкин.

Суд шунингдек, ҳимояланувчига агар суд тавсия ёки илтимосномага амал қилмаса иқрорлигидан воз кечиш ҳуқуқи мавжуд эмаслигини тушунтириши керак.

Агар суд айбига иқрорлик ҳақида келишувни рад қилса, бу ҳақда тарафларга маълум қилиши, ҳимояланувчига суд айбига иқрорлик

ҳақида келишувга амал қилишга мажбур эмаслигини тушунтириш ва иқрорлигидан воз кечиш имконини бериши, агар воз кечмаса айбга иқрорлик ҳақида келишувга нисбатан ҳимояланувчига нисбатан оғирроқ жазо тайинланиши мумкинлигини тушунтириши зарур.

Ҳимояланувчи айбга иқрор бўлиш, (айбига иқрор бўлмасида суд ҳукмини низолашмаслик)дан қуйидаги ҳолларда воз кечиши мумкин:

-ҳар қандай сабабга кўра суд келишувни қабул қилишидан аввал;

-суд келишувни қабул қилсада, жазо тайинлагунига қадар;

-суд келишувни рад қилса;

-ҳимояланувчи келишувдан воз кечиш учун ҳаққоний ва холис сабабни келтириб бера олса;

Келишув механизми АҚШ округ судларида жиноят процессининг Федерал қоидаларининг 11қоидасида яна ҳам аниқроқ белгиланган.

Назарий жиҳатдан Америка жиноят суд ишларини юритиш тизимига жабрланувчи процессуал фигураси маълум эмас, бу эса келишувларни фақатгина айбловчи ва айбланувчи ўртасида процессуал муносабатлар нуқтаи назаридан кўриб чиқиш имконини беради, шу сабабли бундай келишувларни тузишга тўсқинлик мавжуд эмас<sup>1</sup>.

Федерал қоидаларда ҳам прокурор жамият манфаатларидан ташқари жабрланувчининг ҳам манфаатларини ҳисобга олиши зарурлиги ва судьянинг келишув шартлари бўйича суд мажлисига чақириш ҳуқуқи кўзда тутилган. Келишувлар тизими жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш самарадорлигини ошириши ҳақида кенг тарқалган фикрга қарамасдан, мазкур тизимни хаддан ташқари кенг қўллаш акс таъсирга олиб келиши мумкин. Яъни прокурорлар ва судларга ишларни тез ва юзаки кўриб чиқиш имкони берилиши нафақат иш самарадорлиги ошишига балки кўриладиган ишлар сони сунъий равишда ортишига олиб келиши мумкин. АҚШда жазони ўташ муассасасида сақланаётган шахслар сонининг кескин ошиши, жиноятчилик даражасининг ортиши билан эмас, балки прокурорлар

<sup>1</sup> Головки Л.В. Актуальные направления реформы уголовного судопроизводства в Республике Казахстан// online.zakon.kz. URL: <http://online.zakon.kz/>

томонидан кўпроқ жиноятларни оғир жиноят сифатида квалификация қилиш натижасида кўпроқ шахслар билан келишув тузиш ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши билан боғлиқ.

АҚШда суд муҳокамаси натижасида тайинланадиган минимал мажбурий жазо ва келишув натижасида тайинланадиган жазо нисбати таҳлил қилинган. Мааслан 2012 йилда гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар содир этган, келишув тузган шахсга тайинланадиган шахсга нисбатан ўртача жазо чораси 5 йил 4 ойни ташкил қилган бўлса, умумий тартибда кўриб чиқилган шу тоифадаги ишлар бўйича тайинланган жазо чораси ўртача 16 йилни ташкил қилган. Гарчи келишувда тарафлар тенг ҳуқуқли деб эътироф этилсада, “ҳамкорлик ҳақида келишув”га прокурорнинг чекланмаган ҳуқуқларидан келиб чиқиб одатда бир тарафлама келишув сифатида қаралади. Сабаби келишувга кўра айбланувчи ўзининг мажбуриятларини қисман бажармасада, давлат жазони енгиллаштириш мажбуриятидан озод қилинади. Бироқ айбланувчи бундай ҳолатда айбига иқрорлигидан воз кеча олмайди. Яна бир муҳим жиҳати ҳамкорлик ҳақида келишувнинг асосий шарти бўлган “жиддий ёрдам” тушунчаси қонун билан белгиланмаган бўлиб, прокурорнинг дискрецияси доирасида ҳал қилинади. Суд прокурорнинг мазкур масала юзасидан қарорини фақатгина “конституцияга зид мотив” ёки “давлатнинг легитим мақсадларига боғлиқ эмаслиги” асоси билан кўриб қайта кўриб чиқишига йўл қўйилади.

Ҳамкорлик натижасида давлат ҳамкорлик қилувчига нисбатан ишни мустаҳкамлаши, бошқа айбланувчичларга нисбатан далилларни қўлга киритиши, тергов усуллари самарадорлиги ва айбланувчининг суд муҳокамасида қатнашиш истагини баҳолаши мумкин. Прокурор ва ҳимоячи ўртасида тенг бўлмаган келишув позицияси, ҳамкорлик қилувчини ўзининг ихтиёрида бўлган барча маълумотларни беришга мажбур қилади<sup>1</sup>.

Прокурор ва айбланувчининг келишувдаги нотенг мавқеига АҚШ Олий суди томонидан кўрилган “Аризона иши” яққол мисол бўлади. Қасддан одам ўлдиришда айбланган Адамсон ҳамкорлик ҳақида келишув тузиш ва икки нафар жиноий шерикларига қарши кўрсатув

<sup>1</sup> Baer, “Cooperation”s cost” (2011), 920.

беришга рози бўлган. Келишув натижасига кўра у 20 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган. Биринчи суд муҳокамасида у гувоҳлик берган ва унинг шериклари ўлим жазосига ҳукм қилинган.

Апелляция инстанциясида ҳукм бекор қилинган ва иккинчи суд муҳокамасида Адамсон унинг жазоси камайтирилмаса гувоҳлик беришдан бош тортган. Прокурор унинг шерикларига нисбатан айбловдан воз кечиб, Адамсонга нисбатан қасддан одам ўлдириш бўйича янги айблов қўйган. У қайтадан умумий тартибда судланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинган. АҚШ Олий суди мазкур ишни кўриб чиқиб, процессуал қонун бузилиши мавжуд эмаслигини қайд қилган.

Шунингдек, АҚШ Олий суди 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳақида келишув шартини қабул қилмаган тақдирда, умрбод қамоқ жазоси билан таҳдид қилган прокурорнинг ҳаракатини қонунга хилоф эмас деб топган<sup>1</sup>.

Гарчи АҚШнинг кўпгина штатларида прокурорлар ҳимоя ҳуқуқи бузилиши асоси билан шикоят бериш ҳуқуқидан воз кечишни келишув шарти сифатида талаб қилсада, АҚШ Олий суди бундай шикоят бериш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, шунингдек ҳуқуқий ёрдамга бўлган ҳуқуқ бузилиши судланувчи учун номақбул бўлган келишув шартларини қабул қилишга олиб келган бўлсада, шикоят бериш ҳуқуқи мавжудлигини *Padilla v. Kentucky*<sup>2</sup>, *Lafler v. Cooper*, *Frye v. Missouri* ишларида тасдиқлаган.

2014 йилда Англия ва Уэльснинг юқори судларида кўриб чиқилган жами жиноя ишларини 70% ва ҳукмларнинг 90% айбга иқрорлик ҳақида келишув билан ҳал этилган.

<sup>1</sup> *Bordenkircher v Hayes*, 434 US 357,363(1978).

<sup>2</sup> *Padilla v. Commonwealth of Kentucky*, 559 U.S. 356 (2010), *Lafler v. Cooper*, 566 U.S. (2012)., *Missouri v. Frye*, 132 S.Ct. 1399 (2012).



**ИЛХОМБЕКОВ ЖАСУРБЕК  
ИЛХОМБЕК ЎҒЛИ**

Тошкент давлат юридик университети  
мустақил изланувчиси  
ORCID-0000-0002-9867-3363  
E-mail: [jafarbek22@mail.ru](mailto:jafarbek22@mail.ru)

## **АХБОРОТ ТАРҚАТИШ ЖАРАЁНИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада ахборот тарқатиш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли таҳлил қилинган. Бугунги глобаллашув даврида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти илмий асослаб берилган. Ҳозирги даврида ахборот олишнинг турли йўллари мавжуд бўлиб, уларнинг орасида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берилган. Оммавий ахборот воситаларининг миллий қонунчилигимизда қай тартибда акс этганлиги, шунингдек, оммавий ахборот воситаларига берилган чет эл олимларининг турли хил таърифлари ва ёндашувлари таҳлил қилинган. Ушбу таҳлил ва фикрлар мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги таъминланишига замин яратади ҳамда ушбу жараён давлат ва жамият ривожига хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** Ахборот, информацион технологиялар, оммавий ахборот воситалари, ахборот эркинлиги, глобал ахборот, конституция, демократик давлат, технология.

Бугун биз ахборот асрида яшамоқдамиз. Чунки турмушимизнинг ҳар бир нуқтасини ахборотсиз тасаввур қилиш қийин бўлиб қолди. Эрта тонгдан ижтимоий тармоқлар орқали ёки телевидение қаршисида ўтирган ҳолда дунёда ва мамлакатимизда содир бўлаётган сўнгги янгиликлардан бохабар бўламиз. Зеро, ахборот бугунги кунда инсонларнинг ажралмас табиий ҳуқуқига айланиб улгурди. Ахборотдан ҳеч қандай чекловларсиз эркин фойдаланиш эса кўплаб давлатларнинг хусусан, барча демократик давлатларнинг

конституцияларида қатъий белгилаб қўйилган. Ахборотга, ахборот олишга бўлган узвий ҳуқуқ эса эркин фуқаролик жамиятининг асосини ташкил қилади.

Умуман олганда, ахборот бу жамиятимизнинг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Шунингдек, ахборот оқимининг хилма-хиллиги кенг омма руҳияти ва онг-тафаккурини йўналтирувчи, шакллантирувчи куч сифатида баҳоланади. Ахборот алмашинувида, унинг омма эътиборига ҳавола этилишида эса бевосита информацион технологияларнинг ўрни беқиёсдир. Зеро, ушбу технологиялар ахборотнинг аниқ ва тўғри етиб боришининг кафили бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда ахборот етказиб берувчи ресурс сифатида биз оммавий ахборот воситаларини (кейинги ўринларда ОАВ) тушунамиз. Хўш оммавий ахборот воситалари ўзи нима? Унга қонунчилигимизда қандай таъриф берилган? Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги 2007 йил 15 январь Қонуни 4-моддасида оммавий ахборот воситасига қуйидагича таъриф берилган: “Оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган (бундан буён матнда чиқариладиган деб юритилади), қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир”<sup>1</sup>. Демак, ушбу манбаларнинг барчаси бизга ахборот етказиб беришда ва ахборот алмашинувида асосий фигурант бўлиб хизмат қиладилар.

Мустақилликнинг дастлабки даврларига боқсак ОАВнинг қай тарзда ривожланганига гувоҳ бўламиз. Зеро, истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” 15.01.2007 йил ЎРҚ-78-сон Қонуни. // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/1106870>

қаратила бошланди. Бунинг учун эса мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий асос барпо этиш зарурияти туғилди.

Миллий матбуотимизнинг сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатлар оммавий ахборот воситаларининг эришган ютуқларига ва ана шундай юқори даражадаги мустақил ташкилотга айлантириш зарурати бор эди. Ана шундай юқори даражага эришиш учун эса ушбу соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш эҳтиёж сифатида юзага келди. Оммавий ахборот воситаларига юртимизда амалга оширилаётган ички, ташқи сиёсатни, шунингдек мамлакат ичкараси ва ташқарисида юз бераётган ўзгаришларни тўғри таҳлил қила олиш, жараёнлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда янада фаолроқ ёритиш учун қўшимча шарт-шароитлар туғдириб бериш лозим эди.

Айтиш керакки, мустақиллик даврида юртимизда оммавий ахборот воситалари ўзгача мазмун ва моҳият касб этиб, ривожланишнинг янги босқичига кўтарилди. Давлат миқёсида бу борадаги ислоҳотларга алоҳида эътибор қаратилди. Тизимли равишда ишлар олиб борилиб, бугунги кунда оммавий ахборот воситалари жамиятимиз тараққиётининг ажралмас бир қисмига айланиб улгурди. Мазкур тизимнинг ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини қуриш жараёнлари, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларимиз онги ва тафаккурида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидаги ўрни муҳим эканлиги барчамизга маълум.

Мамлакатимизда ушбу соҳада олиб борилган ислоҳотлар оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожланишига тўртки бўлиб хизмат қилди. Бунинг натижасида эса мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий асос барпо этилди ва бу жараён давом этмоқда.

Юртимизда бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Зеро, юқорида айтиб ўтганимиздек, республикаимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб ахборот соҳасини тубдан янгилаш, сўз ва ахборот эркинлиги таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек ривожлантиришга доир босқичма-босқич ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Фикримизни давом эттирган ҳолда, Конституциямизда ахборот эркинлиги қандай ўрин олганини кўриб ўтсак. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида шундай дейилган: “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга”<sup>1</sup>.

Бош Қомусимизда оммавий ахборот воситаларига алоҳида боб ажратилган. Хусусан, Конституциямизнинг XV боби “Оммавий ахборот воситалари” деб номланади. Жумладан, унинг 67-моддасида шундай дейилган: “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди”<sup>2</sup>. Буларнинг барчаси ахборот соҳасининг эркинлиги учун ниҳоятда муҳимдир.

Бош Қомусимиз ҳисобланган Конституцияда ахборот соҳасининг эркинлиги ва цензурага йўл қўйилмаслиги, ҳар кимнинг ахборотни монеликсиз излаши, олиши ва тарқатишини белгиловчи нормалар мустаҳкамланиши, шунингдек, мукамал қонунчилик базасининг яратилиши оммавий ахборот воситаларида туб ўзгаришлар юз беришига ҳамда соҳа ходимларининг эмин-эркин фаолият юритишлари учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Бош Қомусимиз асосида, ОАВ фаолиятини самарали йўлга қўйишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатимизда бир нечта қонун қабул қилинди. Давлатимиз томонидан қабул қилинган йигирмадан ортиқ оммавий ахборот соҳасига, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, ахборот эркинлиги, журналистлик фаолиятга доир ва бошқа ўнга яқин қонун, бир қатор қонуности ҳужжатлари ҳам юртимиздаги ҳозирда мавжуд мингдан ортиқ оммавий ахборот воситаларининг ривожига хизмат қилмоқда. Шуларнинг натижасида, таъбир жоиз бўлса, мамлакатимизда ўзига хос миллий медиа бозори шаклланмоқда.

Юқорида қабул қилинган шу каби қонун ва қонуности ҳужжатлари жамиятимизнинг, фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондиришига, уларнинг ахборот маконидан

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. // <https://lex.uz/docs/20596>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/20596>

фойдаланишига хизмат қилади. Зеро, ахборотга бўлган эҳтиёж бу инсонларнинг узвий ҳуқуқидир.

ОАВ бугунги глобал ахборот алмашинув маконида етакчи ўринда туради. Чунки, ахборот алмашинуви бевосита улар томонидан амалга оширилади. ОАВнинг олимлар томонидан ҳуқуқ нуқтаи назаридан тадқиқ қилинганларини кўриб ўтамиз. Уларнинг фикрлари билан танишиш ва тадқиқ қилиш тадқиқот ишларимизда муҳим ўрин эгаллайди.

Прохоров А. Ю. оммавий ахборот воситалари ҳақида қуйидагича фикр билдирган. Оммавий ахборот воситалари бугун инсоннинг ажралмас ҳамроҳи бўлиб, улар ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Шу сабабли, кўпинча оммавий ахборот воситалари жамиятдаги демократиянинг кўрсаткичи сифатида ҳам, ҳокимиятнинг тўртинчи тармоғи сифатида ҳам, ҳуқуқнинг махсус субъекти сифатида ҳам, сиёсий кураш воситаси сифатида ҳам кўриб чиқилади. Оммавий ахборот воситаларида ҳақида ҳақиқатан ҳам кўплаб таърифлар мавжуд. Бу ушбу ҳодиса ҳақида умумий тушунчани ишлаб чиқаришнинг ўта мураккаблиги билан изоҳланади<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ахборот макони инсоннинг ажралмас йўлдоши бўлишга улгурди ва борлиғимизнинг, ҳаётимизнинг, жамиятимизнинг барча соҳаларига тобора чуқурроқ кириб боришга улгурди, десак муболаға бўлмайди. Шунинг учун ҳам оммавий ахборот воситаларини биз ҳеч иккиланмасдан бугунги кунда фуқаролар - жамият - давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларни юритишни ташкил этишдаги асосий элемент - ҳаракатлантирувчи куч дея оламиз.

Тадқиқотчиларнинг фикрларини давом эттирган ҳолда Т.А. Тимербаевнинг фикрига назар солсак. Сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва оммавий ахборот воситалари эркинлиги ахборот олишнинг ўзаро боғлиқ ва ўзаро бир - бирларига қарам бўлган таркибий қисмидир. Оммавий ахборот воситаларининг ҳақиқий

---

<sup>1</sup> Прохоров А. Ю. Политико-правовые технологии ограничения свободы слов в современных средствах массовой информации (на примере сети Интернет): Дисс. ... канд. юрид. наук: 23.00.02. - Ростов-на-Дону, 2007.

мақсади бу уларнинг ишончли ахборотни тарқатишдан иборат. Ишончли ахборотни тарқатиш эса фақатгина ОАВнинг тўлиқ эркин ва мустақил фаолият юритиш шароитидагина амалга оширилиши мумкин. Бунга бир нечта таркибий қисмлар ёрдам беради, яъни: матбуот эркинлиги, расмий ва мустақил ахборот манбаларининг тенг мавжудлиги, цензурани тақиқлаш, оммавий ахборот воситаларига нархда ҳам, бошқа иқтисодий ёки ҳудудий, идоровий тўсиқларда ҳам қатнаша олиш имкониятини берилишидадир<sup>1</sup>.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кун оммавий ахборот воситалари маданиятнинг қайсидир маънодаги бир “кўриниши” дир. Биз фикримизни олимларнинг бу ҳақдаги қарашлари билан давом этирамыз.

Лотман Ю.Мга кўра ОАВ бу “ахборотни сақлайдиган, бунинг энг ихчам усуллари доимий равишда ишлаб чиқадиган мураккаб ташкил этилган коммуникатив механизмдир. Янгисини олади, хабарларни шифрлайди ва шифрларни очади, уларни бир белги тизимидан бошқасига таржима қилади.” Энг янги алоқа технологиялари чексиз ҳудудларга катта миқдордаги маълумотларни узатиш имконини беради, бу эса маданиятнинг санкция ва рухсат бериш каби функцияларини айниқса аниқ ва таъсирчан қилади<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситалари бугунги кунда глобал ахборот тизимига айланиб, кундалик ҳаётнинг улкан коммуникатив майдонларини эгаллаб олди ва бевосита муайян халқ ёки элатнинг маданиятни шакллантиришга бўлган таъсирини ахборот етказиш орқали амалга оширмоқда.

Кўпгина олимлар, мутафаккирлар, арбоблар ОАВнинг позицияси ва улар тақдим этаётган маълумотларнинг ишончилиги, самарадорлиги ва тўлиқлигининг ўзаро боғлиқлигини хатто асрлар олдин ҳам таҳмин қилишган. Хусусан, матбуот эркинлигини ҳимоя қилишнинг аҳамияти ва цензуранинг тақиқланиши ҳақида 1821 йил 24 июнда француз дипломати Шарл Таллейран пэрлар палатасида

<sup>1</sup> *Тимербаев Т.А.* Конституционное право граждан Российской Федерации на доступ к информации: Региональный аспект: Дисс. ... канд. юрид. наук.: 12.00.02. -Уфа, 2006.

<sup>2</sup> *Лотман Ю. М.,* Семиосфера. Культура и взрыв. Внутри мыслящих миров С.-Петербург: “Искусство—СПБ”, 2000. с. 395.

(Франция парламентининг юқори палатаси) нутқ сўзлади ва у ўз нутқини шундай якунлади: “Халқ Вольтернинг ўзидан кўра кўпроқ ақлга эга”<sup>1</sup>.

Юқоридаги фикрларни давом эттирган ҳолда шунини айтиш керакки, ривожланган демократик давлатларда оммавий ахборот воситалари ва ҳокимият ўртасидаги муносабатлар бевосита қонунлар асосига қурилгандир. Ушбу қонунларга асосланган муносабатлар эса бир томондан, оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритишларини, бошқа томондан эса ахборот соҳасида фуқароларнинг сўз ва фикр эркинлигини, жамиятда фикрлар плюрализминини ҳамда оммавий ахборот воситаларининг жамият томонидан назорат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди. Демократик давлатларда узоқ ривожланиш даврида ОАВнинг жамиятдаги роли, ўрни ва аҳамияти ўзгарди. Ушбу давлатларда бугунги кунда ОАВ нафақат жамиятни хабардор қилиш воситаси, балки жамият томонидан ҳокимият фаолиятини назорат қилиш воситаси вазифасини ҳам бажармоқда. Шунинг учун ҳам демократик мамлакатларда ҳокимият ОАВ бевосита назорат қила олмайди ва улардан ўз мақсадлари йўлида фойдалана олмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шунини таъкидлаш лозимки, бугунги ривожланган информацион асрда яшар эканмиш ОАВнинг аҳамиятини яхши тушунамиз ва ҳис қиламиз. ОАВнинг давлат, жамият ва шахсларнинг кундалик турмуш тарзларига қилаётган таъсирини бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган давр яққол намоён қилмоқда.

---

<sup>1</sup> *Тимербаев Т.А.* Конституционное право граждан Российской Федерации на доступ к информации: Региональный аспект: Дисс. ... канд. юрид. наук.: 12.00.02. -Уфа, 2006.

**ЭГАМБЕРДИЕВ ДИЛШОД  
АЛИШЕРОВИЧ**

Тошкент давлат юридик университети  
Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари  
кафедраси катта ўқитувчиси  
E-mail: [degamberdiyev1990@gmail.com](mailto:degamberdiyev1990@gmail.com)

## **ЖИНОЯТ ИШЛАР БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК ДОИРАСИДА ТУЗИЛАДИГАН ҚЎШМА ТЕРГОВ ГУРУҲЛАРИНИНГ ТАРКИБИ БЎЙИЧА ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАР**

**Аннотация:** Бугунги кунда халқаро ҳамжамиятда жиноят турларининг ривожланиши, давлатлар ўртасида ва давлатлар халқаро ташкилотлар ўртасида ҳамкорликда жиноятчиликка қарши кураш, уларни олдини олиш ва жиноят содир этган шахсларга адолатли жазо берилиши таъминлаш бўйича ҳамкорлик масалалари ҳам ривожланиб бормоқда. Мазкур мақолада муаллиф томонидан жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдамнинг бир тури қўшма тергов гуруҳлари ва уларнинг таркиби бўйича фикр ва мулоҳазалар юритилган.

**Калит сўзлар:** қўшма тергов, таркиб, гуруҳ, жиноят, ҳамкорлик.

Жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдамда “қўшма тергов гуруҳи” атамаси бутун дунёда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг шаклига нисбатан кенг қўлланилиб келмоқда. Қўшма тергов гуруҳининг иштирокчилари, аъзолари ер юзининг турли қисмларида фарқ қилиши мумкин. Масалан, Янги Жанубий Уэлсда (Австралия) “қўшма тергов гуруҳи” атамаси болаларга нисбатан жиноий зўравонлик ҳақидаги даъволар билан шуғулланувчи махсус тайёргарликдан ўтган Давлат хизматлари бошқармаси ва полиция ходимлари гуруҳини тасвирлаш учун ишлатилиши мумкин<sup>1</sup>. Болтиқ денгизи бўйича ишчи гуруҳида “қўшма тергов гуруҳи” атамаси турли аъзо мамлакатлар

<sup>1</sup>URL:<https://www.parliament.nsw.gov.au/Hansard/Pages/HansardResult.aspx#/docid/HANSARD-1820781676-13130>



терговчилари ўртасидаги бевосита ҳамкорликни англатади<sup>1</sup>. Қўшма тергов гуруҳларининг номланиши турли бўлишига қарамасдан унинг мақсади жиноят ишини икки ёки кўп давлатлар иштирокида гуруҳдан фойдаланган ҳолда тергов қилишдир, эҳтимол у маълум бир жойда ва маълум бир орган орқали бўлиши, эҳтимол у кўп тармоқли (ички ишлар ҳодимлари, божхона органлари, прокуратура органлари ҳодимлари, хавфсизлик хизмати органлари ҳодимлари ва бошқалар) бўлиши мумкин ва келишилган муддатда ягона тергов ўтказиш учун ташкил этилади.

Қўшма тергов гуруҳлари ёки қўшма тергов-тезкор гуруҳлари бевосита универсал ва минтақавий ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган халқаро ҳужжатлар асосида шунингдек, давлатлар ўртасида тузиладиган икки томонлама шартномалар орқали ташкил этилиши олдинги бўлимларда қайд этилди. Хўш шартнома асосида ташкил этилган гуруҳларнинг таркиби ва уларнинг фаолиятини нималардан иборат бўлиши керак деган табиий савол туғилади. БМТ томонидан қабул қилинган халқаро ҳужжатларда айнан маълум жиноятлар доирасида давлатлар қўшма тергов олиб бориш ваколатини берди. Лекин, мазкур қўшма терговнинг афзалликлари ва унинг таркиби ҳақида аниқ фактларни келтириб ўтмади.

Қўшма тергов гуруҳларининг таркиби минтақавий ташкилот томонидан қабул қилинган халқаро ҳужжатларда Европа Иттифоқининг 2000 йил 29 майдаги “Европа иттифоқига аъзо давлатлар ўртасида жиноят ишлари бўйича ўзаро ёрдам тўғрисида”ги Конвенциянинг 13-моддасида<sup>2</sup> (Батафсил 2 боб 2-бўлимда) белгилаб берилди. Мазкур модда қоидаларига назар ташлайдиган бўлсак тергов гуруҳига аниқ кимлар кириши мумкин эканлиги кўрсатилмаганлигини кўришимиз мумкин.

Қўшма тергов гуруҳи фаолиятининг асосий қисми тергов олиб борилаётдан давлат ҳудудида амалга оширилишини ҳисобга олиб, тергов гуруҳини тузиш бўйича шартномада албатта географик

<sup>1</sup> Ludo Block EU joint investigation teams: Political ambitions and police practices // Cross-Border Law Enforcement Regional Law Enforcement Cooperation – European, Australian and Asia-Pacific Perspectives // Routledge. 2013. P. 88.

<sup>2</sup> URL: <https://eur-lex.europa.eu/LexUriServ/LexUriServ.do?uri=OJ:C:2000:197:0001:0023:EN:PDF> (Муроддат қилинган сана 22.07.2022 й).

асослар ҳам ҳисобга олиниши керак деб ўйлаймиз. Ҳар бир тузиладиган шартномада қўшма тергов гуруҳи (доимий ёки вақтинча)нинг таркиби аниқ кўрсатилиши мақсадга мувофиқ ҳисоблади.

Қўшма тергов гуруҳининг раҳбари - тергов гуруҳи фаолият олиб бораётган давлат ҳудудда гуруҳнинг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади. Европа Иттифоқида қабул қилинган конвенциянинг 13-модда 3-қисмига кўра, қўшма тергов гуруҳига раҳбарликни бевосита тергов олиб бориладиган давлатнинг терговга ваколатли органи ходими амалга ошириши кераклиги қоида сифатида ўрнатилган. Бундай қоида қўшма тергов бўйича бошқа халқаро ҳужжатларда мавжуд эмас ва бу тергов гуруҳи фаолиятини олиб боришда бир қанча саволларни туғдириши табиий ҳисобланади. БМТ томонидан қабул қилинган конвенциялар ва минтақавий ташкилотлар томонидан қабул қилинган халқаро ҳужжатларда албатта қўшма тергов гуруҳига тергов олиб бориладиган давлатнинг терговга ваколатли органи томонидан раҳбарликни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги халқаро қонун мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Давлатларнинг миллий қонунчилигида одатда қайси орган қўшма тергов гуруҳи тузишга ваколатли эканлиги ва қайси орган тергов гуруҳига раҳбарликни амалга ошириш ваколатига эга эканлигини мустаҳкамлаб қўйиш муҳим ҳисобланади.

Умумий қоидага кўра, гуруҳ раҳбари гуруҳ фаолият юритаётган давлатнинг ваколатли органи вакили бўлиши керак<sup>1</sup>. Бундан ташқари қўшма тергов гуруҳи асосан бир неча мамлакатлар иштирок этадиган мураккаб ҳуқуқий муносабат бўлганлиги сабабли гуруҳ раҳбарлигини амалга ошириш аниқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда гуруҳга бир неча раҳбар ҳам тайинланиши мумкин ва уларнинг ҳар бири ўз мамлакатида олиб бориладиган операцияларни ўз зиммасига олади ва тергов маълумотларини мувофиқлаштиришни гуруҳ раҳбарлари биргаликда амалга оширади. Мувофиқлаштириш асосан қўшма тергов гуруҳи асосий фаолиятини олиб бораётган мамлакатдан тайинланган гуруҳ

<sup>1</sup> Электрон ресурс: <https://eur-lex.europa.eu/LexUriServ/LexUriServ.do?uri=OJ:C:2000:197:0001:0023:EN:PDF>

раҳбари томонидан амалга оширилади. Гуруҳ фаолияти давомида терговнинг асосий йўналиши бевосита бир давлатдан иккинчи давлатга кўчирилганда, гуруҳ фаолиятига раҳбарликни гуруҳ кўчирилган давлатнинг ваколатли органи томонидан тайинланган шахс томонидан раҳбарликни амалга оширилиши мувофиқ ҳисобланади. Бу қондани амалга ошириш бевосита давлатлар ўртасида юзага келадиган юрисдикция билан боғлиқ муаммоларга жавоб бўлиши мумкин.

Қўшма тергов гуруҳи аъзолари – аксарият ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тергов ва тезкор процессуал фаолиятни амалга оширувчи ходимларидан ташкил топиши мумкин. Ўзаро келишувни амалга ошириш жараёнида давлатлар гуруҳ аъзоларини аниқ кўрсатиши мумкин, келишув билан ҳар бир давлат тергов ва тезкор-қидирув фаолияти амалга оширувчи ходимлардан ташқари шахсдарни ҳам гуруҳга жалб этиши мумкин ҳисобланади. Европа Иттифоқи конвенцияси 13-моддаси 5-қисми билан гуруҳда иштирок этиши мумкин бўлган “бириктирилган аъзолар” тушунчасини қоида сифатида кўрсатиб берилган. Унга кўра бевосита қўшма тергов гуруҳи аъзоларидан ташқари минтақавий ташкилот доирасида қабул қилинган халқаро ҳужжат асосида далаатлар ўртасида келишувда назарда тутилмаган лекин минтақавий ташкилотда қабул қилинган халқаро ҳужжат иштирокчиси бўлган давлатларни ҳам қўшма тергов гуруҳи таркибига “бириктирилган аъзо” сифатида иштирокини таъминлаши мумкин ҳисобланади. Мазкур қондани БМТ томонидан қабул қилинган халқаро конвенцияларга қоида сифатида киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш керакки жинойт ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдамни амалга ошириш бўйича ҳамкорликнинг тури сифатида қўшма тергов гуруҳларининг ривожланиши ўз навбатида ўзига хос бир қанча афзалликларга эга ҳисобланади. Конни Рийкен

(Conny Rijken) қўшма тергов гуруҳларини тузишнинг фазалликларини санаб берди<sup>1</sup>. Унга кўра:

Биринчидан, тергов гуруҳи фаолиятига фақат бир киши раҳбарликни амалга оширади ва фаолиятини мувоқлаштириб боради;

Иккинчидан, қўшма тергов гуруҳида таркибида давлатларнинг ваколатли органлари аъзоларига келишув асосида расмий сўровсиз тергов ҳаракатларида бевосита иштирок этиш имкониятининг яратилши; бу эса ўз навбатида тергов ҳаракатлари натижасида олинган маълумотлар ва далилларни қўшма тергов гуруҳи фаолиятида фойдаланиш имконини яратади;

Учинчидан, тўғридан-тўғри маълумотлар алмашиш имконининг яратилиши.

Юқоридаги афзалликлар бевосита ушбу соҳадаги ҳамкорликнинг янги босқичларини ривожлантиришга замин яратади деб ҳисоблаймиз.

---

<sup>1</sup> Conny Rijken. Joint Investigation Teams: principles, practice, and problems Lessons learnt from the first efforts to establish a JIT. Utrecht Law Review Volume 2, Issue 2 (December) 2006. P.102

**ПОЛВОНОВ НАЖМИДДИН  
АСЛИДДИНОВИЧ**

Ўзбекистон Республикаси Бош  
прокуратураси Академияси мустақил  
изланувчиси. Email: [najmi\\_1101@mail.ru](mailto:najmi_1101@mail.ru)

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ СИЁСАТИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ**

**Аннотация:** *мазкур мақолада жиноят ҳуқуқи ва жиноят процессида жиноятларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашда шахснинг мол-мулкни мусодара қилиш, унинг мулкий оқибатлари, мусодара қилишда қонунчилик нормаларини такомиллаштириш масалалари таҳлил этилди.*

**Калит сўзлар:** *мол-мулк, мусодара, мол-мулкни хатлаш, жиноят иши, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи.*

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш борасида жиноят процессуал сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги жиноят процессуал сиёсатнинг мазмунини икки расмий ҳужжатдан англаш мумкин.

Булар: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси<sup>1</sup> ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясидир<sup>2</sup>.

Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи устувор йўналиши бўлмиш қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида устувор вазифалар сирасида жиноят қуроли ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик предмети сифатида мулкдан фойдаланишда мулкдорнинг айби бўлмаган ҳолларда мулкни олиб қўйиш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон // <https://lex.uz/docs/3107036>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон // <https://lex.uz/docs/3735818>

(вақтинчалик олиб қўйишдан ташқари) ва мусодара қилишни тақиқлаш қўйилган эди.

Худди шу концепциянинг «Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари» деб номланган учинчи йўналишида ҳам мулкдан жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли сифатида фойдаланишда мулкдорнинг айби бўлмаган ҳолларда мулкни мусодара қилиш ёки олиб қўйишни (вақтинчалик олиб қўйиш бундан мустасно) тақиқлаш белгиланди. Эътибор берадиган бўлсак, айби бўлмаган шахсларнинг мулкни мусодара қилмаслик бир ҳужжатда икки мартаба таъкидланди ва икки соҳасининг бош масалаларидан бири сифатида намоён бўлди. Ушбу дастурий қоидаларни таъминлаш учун 2017 йил 16 октябрдаги ЎРҚ-448-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш киритилиб, 211-модда 1-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинди:

«1) гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлган жиноят қуроллари мусодара қилиниши керак ва улар тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади. Гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлмаган мол-мулк қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқий ворисларига, шунингдек меросхўрларига қайтариб берилади. Гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлмаган мол-мулкнинг қонуний эгалари, мулкдорлари ёки уларнинг ҳуқуқий ворислари, худди шунингдек меросхўрлари аниқланмаган тақдирда, ушбу мол-мулк давлат даромадига ўтказилади».

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мол-мулкка тақиқ қўйишнинг барча кўринишлари (мол-мулкни эгасининг фойдаланишида қолдириб, тасарруф қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш; олиб қўйиш; олиб бошқа шахсларнинг қарамоғига топшириш, ҳисоб рақамдаги ва қимматли қоғозлар кўринишидаги маблағлар муомаласини тўхтатиб қўйиш ва бошқалар) «мол-мулкни хатлаш» деб аталади.

Мол-мулкни хатлашда қайси усулнинг қўлланилиши, қанча муддатда амалга оширилиши мол-мулкка тақиқ қўйишга асос бўлган

ҳолатларга, мол-мулкнинг турига, жиноят ишининг мураккаблигига ва тақиқ қўювчи мансабдор шахснинг хоҳиш иродасига ҳам боғлиқ.

Мол-мулкка тақиқ қўйиш ҳар бир вазиятда индивидуал тарзда ёндашиш лозимлигининг қонунда белгиланмаганлиги хусусий мулк дахлсизлигини бузадиган, жумладан жиноят ишлари тўхтатилган ҳолларда мулкдорлар ҳуқуқларининг бузилиши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг фуқароларнинг хатланиши мумкин бўлган мулкларини аниқлаш ҳамда уларнинг тақдирини ҳал қилишда расмиятчилик учун муносабатда бўлишларига ва бюрократик тўсиқларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Тўхтатилган жиноят ишлари доирасида тақиқ қўйилган ва гаровга олинган мол-мулклар, ашёвий далиллар тақдирини тартибга солувчи жиноят-процессуал нормаларни қайта кўриб чиқишни тақозо этувчи омиллар қўйидагилардан иборат:

**Биринчидан**, мол-мулкка тақиқ қўйилаётганда унинг кейинги тақдири, яъни унинг келажакда мусодара бўлиш эҳтимоли ёки бундай эҳтимолнинг мавжуд эмаслигига етарлича аҳамият берилмаяпти. Мулк дахлсизлиги қоидаларини таъминлаш мақсадида, судга қадар иш юритиш босқичида жиноят ишининг кейинги босқичидаги мусодара бўлмайдиган жиноят қуроли ва нарсаси ҳисобланмайдиган ашёвий далиллар исбот қилишда далил сифатида мустаҳкамланганидан кейин оқилона муддатларда эгаларига (мулкдорларига) қайтарилиши лозим.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатлари, хусусан, ижро тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ мусодарага қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк объектларидан далил сифатида фойдаланиш зарурати бўлмаган вазиятда уларни хатлаш мумкин эмас.

Ҳуқуқ назариясида мавжуд ушбу қоидаларнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида бевосита назарда тутилмаганлиги баъзан амалиётда хусусий мулк дахлсизлигини бузиш ҳолатларига сабаб бўлмоқда. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига келажакда мусодара этилиши мумкин бўлмаган мол-мулкларни хатлашга йўл қўйилмаслиги ҳамда жиноят ишларини тергов қилишда мулкдорига,

эгасига ва фойдаланувчисига қайтарилиши лозим бўлган мол-мулк объектлари жиноят иши тўхтатилганда дарҳол қайтарилиши лозимлиги хусусида қоида киритилиши мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, жиноят процессуал қонунчиликда тақиқ қўйилган ва гаровга олинган мол-мулклар, ашёвий далиллар тақдири жиноят ишини юритиш тамом бўлгандан кейин ҳал қилиниши белгиланган. Бироқ, жиноят ишларини юритишнинг миллий шаклида жиноят ишини юритишни тўхтатиш ҳаракати мавжудки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 64-моддасида назарда тутилган қоидалар асосида, амалиётда кўп ҳолларда узоқ муддатда, ҳаттоки айрим вазиятларда чекланмаган муддатда иш юритишга танаффус эълон қилинади. Мол-мулкка тақиқ қўйилишига ёки гаровга қўйилишига ёхуд олиб қўйилишига сабаб бўлган жиноят иши тўхтатилганда, унинг тўхтатилган даврида мулкдор, мулк эгаси ва фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари чекланганлигича қолади.

Хусусан, тадбиркорлик субъекларининг мулклари узоқ муддатга хатланганда уларнинг мулкдан фойдаланишдан ташқари, уларни ихтиёрий тугатиш ва қайта ташкил этиш вақтида уларнинг мол-мулкдан воз кечишга ундайдиган муаммолар келиб чиқади. Энг ачинарлиси, хатлаб қўйилган мулкнинг сақлаш харажатлари ундан фойдалана олмайдиган мулкдор ҳисобидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига жиноят ишлари тўхтатилганда, жиноят ишига алоқадор бўлмаган шахсларга тегишли мол-мулкнинг хатланганлиги ёки гаровга қўйилганлиги бекор қилиниши лозимлиги хусусида қоида киритилиши лозим.

Белорусь Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 132-моддасида мавжуд. Россия Федерацияси Конституциявий судининг фуқаро Л.И.Костареванинг шикояти асосида 2013 йил 7 февралдаги Ажрими<sup>1</sup>га кўра, гумон қилинувчининг яшириниши асосида тугатилган жиноят ишлари бўйича бошқа шахсларга тегишли мулкларни хатлашни назарда тутувчи қоида (РФ ЖПК 115-моддаси) конституцияга хилоф деб топилган.

<sup>1</sup> <http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&prevDoc=102031436&backlink=1&nd=102164463>



**РАХМАНОВ ДМИТРИЙ  
КАЛАНДАРОВИЧ**

Преподаватель Специализированного филиала Ташкентского государственного юридического университета, самостоятельный соискатель ТГЮУ

## **К ВОПРОСУ О ПОНЯТИИ НАУЧНО-ЭКСПЕРТНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПАРЛАМЕНТСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

**Аннотация:** В статье исследуются общетеоретические вопросы относительно понятий «научное обеспечение парламентской деятельности» и «экспертное обеспечение парламентской деятельности», представляются положения из научно-обоснованной полемики ученых, выдвигаются доводы в пользу одних и несогласие относительно других высказываний.

**Ключевые слова:** парламентская деятельность, научное и экспертное обеспечение парламентской деятельности, ученый, эксперт

Усиление научного потенциала деятельности парламента, как и любого другого государственного органа, в настоящее время приобретает особую актуальность в связи с усиливающимися во всех странах тенденциями тесной взаимосвязи между практикой и наукой, формирования новых эффективных форм взаимодействия между государственными органами и научными учреждениями, обеспечивающих не только эффективное функционирование органов государственного управления, но и принятие ими эффективных решений, в действительно решающих насущные проблемы государства, общества и граждан. В этой связи мы полностью поддерживаем тезис о том, что научно-экспертное обеспечение является сегодня неотъемлемой частью работы любого органа государственной власти. При возрастающих объемах знаний, необходимых для принятия взвешенных политических решений, оно

становится одним из факторов повышения рациональности управления, способствует минимизации негативных результатов.<sup>1</sup>

Несмотря на это, к сожалению, следует констатировать, что проблемы научно-экспертного обеспечения парламентской деятельности являются новыми как для науки парламентское право, так и конституционного права, в целом. Более того, в юридической литературе также уделяется недостаточное внимание проблемам научно-экспертного обеспечения парламентской деятельности, что, на наш взгляд, во-многом, объясняется не исследованностью понятийного аппарата этого института, отсутствием научных познаний и теоретических подходов к определению фундаментальных понятий, связанных с научно-экспертным обеспечением деятельности парламента.

Определение фундаментальных понятий, связанных с научно-экспертным обеспечением деятельности парламента, на наш взгляд, следует начать с разделения данного института на два самостоятельных понятия: **научное обеспечение парламентской деятельности** и **экспертное обеспечение парламентской деятельности**.

Согласно справочной информации, под понятием “научное обеспечение какой либо деятельности” понимается комплекс научных, научно-технических, организационных и других мероприятий, направленных на получение (разработку) и эффективное внедрение новых знаний, техники и технологий для решения проблем какой либо деятельности<sup>2</sup>. В них приводится и несколько иная трактовка данного понятия, согласно которой под научным обеспечением, например, правоохранительной деятельности органов внутренних дел понимается процесс, основанный на потребностях правоохранительной практики, сущность которого проявляется в усвоении и применении нормативных, информационных, методических документов и материалов, необходимых для принятия и реализации

<sup>1</sup>А.П.Торшин. Научно-экспертное обеспечение парламентской деятельности. Сборник материалов. Аналитический вестник – М. №11(529.С.4)

<sup>2</sup> См.: Пограничный словарь-М.2002.С.87

эффективного управленческого решения, направленного на укрепление законности и правопорядка.<sup>1</sup>

При изучении последней трактовки мы обратили на одно обстоятельство, требующее, на наш взгляд, научного уточнения. Некоторые ученые, рассуждая об институте научного обеспечения какой-либо деятельности понимают под этим понятием и правовое обеспечение<sup>2</sup>, что, на наш взгляд, является неверным утверждением с точки зрения методологии этого института. В этой связи, мы полностью поддерживаем мнение российского ученого А.Н. Арзамаскина, который предлагает определять категорию правовое обеспечение как научно-обоснованную, последовательную систему *правовых* средств, при помощи которых гражданское общество и государство осуществляют воздействие на общественные отношения, исходя из очередности задач, возникающих перед обществом, и целей, которые они преследуют.<sup>3</sup>

Что касается понятия «экспертное обеспечения какой-либо деятельности», то ей присваиваются принципиально иные по содержанию трактовки, которые, на наш взгляд, являются не однозначными и вызывают множество вопросов.

Так, по мнению российского ученого В.Д. Граждан, экспертное обеспечение состоит в выработке гражданскими служащими оптимальных оценок той или иной деятельности управляемых объектов, выявлении их значимости в данной системе социальных связей.<sup>4</sup> Из этого определения следует, что автор под этим понятием понимает, во-первых, деятельность не сторонних организаций (экспертных организаций, экспертов), а самой организации, которой требуется экспертное обеспечение, т.е. внутренним делом организации. С таким подходом нельзя согласиться, так как само слово «обеспечение» этимологически подразумевает внешнее

<sup>1</sup> См.: Манжукова О.А. «Правовое совершенствование научного обеспечения деятельности органов внутренних дел». Статья в журнале «Государство и право». Раздел «Юридические науки»-М.2010.№6.С.28

<sup>2</sup> Такой позиции придерживается, например, Манжукова О.А. (см. там же.С.29) и другие.

<sup>3</sup> Арзамаскин А.Н. Определение понятия «правовое обеспечение»: постановка проблемы. Журнал «Наука и школа».2016.№6.С50

<sup>4</sup> Граждан В.Д. Государственная гражданская служба-М.2007.С.47

содействие, постороннюю помощь. Во-вторых, исследователь предполагает, что экспертное обеспечение может осуществляться любым гражданским служащим, а не лицом, обладающим специальными знаниями и навыками осуществления экспертной деятельности. Такой подход ставит знак равенства между понятиями «экспертное обеспечение» и «аналитическое обеспечение», что неверно с точки зрения социологии права.

Таким образом, можно сделать вывод, что научное и экспертное обеспечение парламентской деятельности являются несколько отличными друг от друга понятиями, имеющими свою специфику, свои характерные черты и особенности.

**Что необходимо понимать под этими двумя фундаментальными терминологическими определениями?**

Подытоживая опубликованные и изученные нами по данной проблематике научные работы, мнения и высказывания ученых в ходе научных форумов, представителей экспертного сообщества<sup>1</sup>, можно дать следующее определение понятию **“научное обеспечение парламентской деятельности”** – это деятельность научных учреждений и отдельных ученых по даче различного рода экспертных заключений по вопросам, рассматриваемым парламентом и его органами: комитетами, комиссиями, фракциями политических партий, а также отдельными депутатами на основании парламентских либо депутатских запросов либо в рамках создаваемых парламентом либо его органами рабочих групп (научно-экспертных советов) на предмет их научной обоснованности и целесообразности, а также оценки их качества с учетом достижений современной науки.

Научное обеспечение парламентской деятельности несколько отличается от понятия “экспертное обеспечение парламентской деятельности” по следующим признакам.

Во-первых, научное обеспечение парламентской деятельности связано с обоснованием вопросов, рассматриваемых парламентом,

---

<sup>1</sup> Помимо вышеперечисленных авторов, и С.Е.Нарышкин. Парламентское право России в фокусе науки. Статья в «Журнале российского права» -М.№9.2015. С.7; Эффективность закона (методология и конкретные исследования). Отв.ред. Ю.А.Тихомиров–М.1997. С.26; Закон, стабильность и динамика. Отв.ред. Т.Я.Хабриева-М.2007. С.14 и др.

его органами и депутатами, только с точки зрения последних достижений науки, тогда как экспертное обеспечение парламентской деятельности осуществляется на основе передовых разработок техники и современных технологий.

*Во-вторых*, научное обеспечение парламентской деятельности может осуществляться в *различных формах*:

участия ученого в работе создаваемой парламентом, его органами рабочей группы;

дачи ученым (группой ученых) консультации парламентскому органу либо отдельному депутату в ходе рассмотрения (обсуждения) ими конкретного вопроса (в процессе подготовки документа) в качестве привлеченного ученого;

подготовки ученым (группой ученых) научной информации по конкретному вопросу в соответствии с парламентским, депутатским запросом.

Экспертное же обеспечение парламентской деятельности осуществляется обычно в одной форме: в виде *заключения* на конкретный вопрос либо проект документа.

*В-третьих*, научное обеспечение парламентской деятельности, как правило, не регламентируется какими-либо процедурными правилами и осуществляется обычно произвольно, исключительно на основании закрепленного в законе полномочия парламента, его органов либо депутатов привлекать ученых и специалистов из государственных органов и научных учреждений к процессу реализации своих функциональных обязанностей.

Экспертное же обеспечение государственной деятельности, в том числе и работы парламента во многих странах, в том числе и в Республике Узбекистан регламентируется специальными законами, которые закрепляют особые требования, условия и основания к осуществлению отдельных видов экспертной деятельности, к уполномоченному на осуществление этого вида деятельности лицу – эксперту. В частности, в Республике Узбекистан, как и во многих странах-членах СНГ на уровне закона закреплена судебно-экспертная деятельность. Кроме того, на уровне закона закреплён институт научной экспертизы, даны его определение, основные

принципы и требования к экспертам (ст.26 Закона Республики Узбекистан “О науке и научной деятельности”; ст.14 Федерального закона РФ “О науке и государственной научно-технической политике”). К примеру в Законе Иркутской области от 17.01.1997г. №4-ОЗ «О законах и иных областных нормативных правовых актах» содержится глава 5, посвященная научной экспертизе проектов законов и иных областных нормативных правовых актов”. В ней определены понятия и задачи научной экспертизы, ее виды, статус, обязательность проведения научной экспертизы отдельных законопроектов, порядок назначения этой экспертизы, сроки проведения, требования к содержанию заключения этой экспертизы и реестр экспертов, уполномоченных проводить такой вид экспертизы.

Из всего вышесказанного можно сформулировать определение понятия **“экспертное обеспечение парламентской деятельности”**, под которым мы понимаем деятельность специально уполномоченного специалиста в области науки либо техники по проведению специального исследования – экспертизы представленного парламентом, его органом или отдельным депутатом проекта документа на предмет его научно-технической обоснованности”. При этом, эксперт, в отличие от ученого (группы ученых), осуществляющих научное обеспечение парламентской деятельности, возлагает на себя персональную ответственность за качество и достоверность представленного заключения.

**ПАЛАЧЕВА МАДИНА  
БАХТИЁР КИЗИ**

Преподаватель Ташкентского колледжа  
управления персоналом и защиты труда  
Email: [gels-91@mail.ru](mailto:gels-91@mail.ru)

## **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ЮРИДИЧЕСКОЙ НАУКИ И ПРАВОПРИМЕНИТЕЛЬНОЙ ПРАКТИКИ В СФЕРЕ РЕАЛИЗАЦИИ ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫХ ГАРАНТИЙ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА**

**Аннотация:** В настоящем научном тезисе автор рассматривает теоретико-правовые особенности законодательных гарантий прав человека и некоторые практические проблемы их эффективной реализации в жизни. Автор приходит к выводу о необходимости решения данных проблем программой действий, некоторые из которых были предложены в данном научном тезисе.

**Ключевые слова:** Права человека, законодательство, гарантии, проблемы, практика, цифровизация.

**Введение.** Законодательные гарантии прав человека – необходимый атрибут жизни каждого гражданина нашей страны. Они установлены в законах, а их практическое воплощение мы видим как в положениях законодательных актов, так и подзаконных актов. При этом, наша жизнь по-разному отражает необходимость воспользоваться теми или иными гарантиями прав человека, а практика полна трудностей и неопределённостей при реализации тех или иных прав и свобод граждан, а также гарантий их реализации.

**Основная часть.** Законодательные гарантии прав человека обширны, они исходят из текстов законодательных актов, что говорит о постоянной необходимости поддерживать их теоретико-правовое объяснение и научную систематизацию<sup>1</sup>. По мнению А.С. Мордовца, «их основной функцией является исполнение обязательств

<sup>1</sup> Авакьян С. А. Конституционное право России: учебный курс: в 2 т. / С. А. Авакьян. - 4-е изд., перераб. и доп. - М.: Норма, 2013. - Т. 1. - 719 с. – С. 682-683.

государством в сфере реализации прав личности»<sup>1</sup>. При этом, по верному замечанию М.А.Ахмедшаевой, «государство и система государственных органов выступают обязанным субъектом в деле соблюдения прав человека»<sup>2</sup>. Как считает А. Албогачиев, исследование законодательных гарантий прав человека исходит из изучения самой природы нормы права<sup>3</sup>. С этим мнением можно согласиться, добавив к нему мнение другого учёного. Так, по верному замечанию И.В.Кудрявцева, праву как важному регулятору общественных отношений отводится значительная роль в законодательстве<sup>4</sup>. Однако в научном сообществе пока что нет единого мнения касательно конкретного содержания законодательных гарантий прав человека, которое динамично и обусловлено их целевой и функциональной направленностью. Во многом социально-политическая обстановка в стране влияет на характер реализации гарантий прав человека.

Соглашаясь с мнениями учёных, считаем нужным дать краткий обзор некоторых проблем реализации законодательных гарантий прав человека в ходе правоприменительной практики. Так, проблемами практической реализации законодательных гарантий прав человека, на наш взгляд, являются:

- дискреционные полномочия и нормативные акты на внутреннем уровне государственных органов. Некоторые сферы жизни граждан тем или иным способом соприкасаются с деятельностью государственных органов. Так или иначе, гражданину приходится подавать в государственный орган (например, хокимият) заявление об улучшении жилищных условий или выплате социального пособия. И разрешение данного вопроса очень часто исходит из административного усмотрения государственного органа. К этому же

---

<sup>1</sup> Мордовец А.С. Социально-юридический механизм обеспечения прав человека и гражданина. Саратов, 2016. С. 169.

<sup>2</sup> Ахмедшаева М.А., Сайдуллаев Ш.А. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон ҳуқуқларининг кафолатланиши. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – 36 б.

<sup>3</sup> Албогачиев А.А. Гуманитарные и социально-политические проблемы модернизации Кавказа: материалы VI Междунар. конф. / ФГБОУ ВО «Ингушский государственный университет». -2018. - Вып. VI. – С. 7.

<sup>4</sup> Кудрявцев И.В. Современные тенденции развития права: Учебное пособие – Ташкент: ТГЮУ, 2021. – С.246.



утверждению есть смысл отметить, что компенсация морального вреда со стороны судов также связана судебским усмотрением;

- пассивность общества в отстаивании своих прав;

- низкая заинтересованность государственных органов в содействии гражданам в реализации их прав, постоянный демографический рост, недостаточно полный охват общественных отношений цифровизацией;

- неполный охват общественных отношений правом. Зачастую общественные отношения по получению разрешений на использование, продажу жилья со стороны отдельной категории граждан (малоимущие, выпускники детских домов и т.п.) остаются неурегулированными, от чего сами сотрудники государственных органов (например, хокимиятов) сами не применяют соответствующие нормативно-правовые акты (например, по ПП-5216);

- формальность мероприятий по повышению правовой культуры в обществе, ограниченность мероприятий уставными требованиями, отсутствие креативного и массового подхода к данным мероприятиям со стороны государственных органов. Ввиду наличия данной актуальной проблемы необходимо, с учетом тенденций цифровизации общественных отношений, развитие «цифровой личности», виртуальных игр с правовым содержанием, постановку сценариев поощрительных мер и льгот за правомерное поведение.

**Заключение.** Для решения выделенных проблем правоприменительной практики в сфере законодательных гарантий прав человека недостаточно нормативного обеспечения существующих правозащитных механизмов. В этом деле скорее будет необходимы следующие мероприятия общего характера:

1) постоянная адаптация норм действующего законодательства к тенденциям реализации гарантий прав человека на практике;

2) усиление социального мониторинга посредством содействия со стороны государства. На наш взгляд, в законодательстве Республики Узбекистан необходимо предусмотреть льготы и поощрения за активный статус граждан в обществе, активное социальное просвещение и другие общественно-полезные мероприятия. Так,

данные изменения можно было бы отразить в Постановлении Президента Республики Узбекистан, от 13.12.2019 г. № ПП-4551<sup>1</sup>;

3) необходимо обеспечить внедрение в работу государственных органов «индекса реальности» законодательных гарантий прав человека. В качестве механизма реализации можно предложить скоординированную Министерством юстиции деятельность государственных органов по изучению, анализу и статистике обращений граждан, выделению их по категориям (характер, конфликты, удовлетворенность и т.п.), составление сводных отчетов, и предоставления данных отчетов Министерству юстиции для составления выше указанного рейтинга.

4) на данный момент необходимо совершенствовать законодательство Республики Узбекистан в сфере прав человека именно с позиции изучения практических проблем их реализации. Тем самым, научный анализ дополнится практическими данными, что позволит оптимизировать будущую законотворческую работу в данном направлении.

---

<sup>1</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан, от 13.12.2019 г. № ПП-4551 «О дополнительных мерах по обеспечению верховенства конституции и закона, усилению общественного контроля в данном направлении, а также повышению правовой культуры в обществе» // Источник: <https://lex.uz/docs/4647340>

<b>SOBIROVA CHAROS ATAMAMATOVNA</b>	Urganch davlat universiteti “Pedagogika va psixologiya” kafedrasida dotsenti, yuridik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
<b>ABDUSHARIPOVA FAZILAT FARHODBEK QIZI</b>	Urganch davlat universiteti Magistratura bo‘limi Pedagogika nazariyasi va tarixi (faoliyat turi bo‘yicha) 1-bosqich magistranti

### **KORRUPSIYANING KELIB CHIQISH TARIXI, SHAKLLARI VA OMILLARI**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada korrupsiya tushunchasi, sabablari, turlari va shakllari haqida ma’lumot bergan. Korrupsion holatlar yuz berganda jazo muqarrarligi va qanday jazo choralari berilishi haqida tushuncha berilgan.

**Kalit so‘zlar:** korrupsiya, agentlik, farmon, qaror, qonun, Prezident, davlat, jamiyat, ta’lim, kurashish, xalq, qonun, qaror, yuksalish, ta’lim, poraxo‘rlik, ta’magirlik, shaxs, huquq.

*Korrupsiyaga toqatsizlik hayotimiz bir qismiga aylanishi kerak.  
Sh.M. Mirziyoyev*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2020-yil 24-yanvar kuni O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga qilgan Murojaatnomasida ta’kidlaganidek, “Jamiyatimizda korrupsiya illati o‘zining turli ko‘rinishlari bilan taraqqiyotimizga g‘ov bo‘lmoqda. Bu yovuz baloning oldini olmasak, haqiqiy ishbilarmonlik va investitsiya muhitini yaratib bo‘lmaydi, umuman, jamiyatning birorta tarmog‘i rivojlanmaydi”.

Korrupsiya (lotinchadan corrumpere-buzuq, corruption—pora berish, zarar) odatda mansabdor shaxsning o‘ziga ishonib topshirilgan vakolat va huquqlaridan foydalanishni, shuningdek, ushbu rasmiy maqom bilan bog‘liq vakolat, imkoniyatlar, aloqalarni, bildiruvchi atama. Shaxsiy manfaat qonun va axloqiy tamoyillarga zid.

**Korrupsiya**-shaxsning o‘z mansab yoki xizmat mavqeyidan shaxsiy manfaatlarini yoxud o‘zga shaxslarning manfaatlarini ko‘zlab moddiy yoki nomoddiy naf olish maqsadida qonunga xilof ravishda foydalanishi, xuddi shuningdek bunday nafni qonunga xilof ravishda taqdim etish<sup>1</sup>.

Korrupsiyaning tarixiy o‘zaklari juda qadimga borib taqalib, bu hol qabilada ma’lum mavqega ega bo‘lish uchun qabila sardorlariga sovg‘alar berish odatidan kelib chiqqan deb taxmin qilinadi. O‘sha davrlarda bu normal holat sifatida qabul qilingan. Biroq davlat apparatining murakkablashuvi va markaziylovuvi korrupsiyaning davlat rivojlanishiga katta to‘siq ekanligini ko‘rsatdi<sup>2</sup>.

**Korrupsiyaning quyidagi turlari mavjud:**

1. Iqtisodiy korrupsiya bu - moliyaviy foyda olishga qaratilgan. Bu turga poraxo‘rlik noqonuniy yo‘l bilan daromad olish kiradi.

2. Siyosiy korrupsiya bu - firibgarlik asosida saylovchilarga pora berish, siyosiy partiyalarni noqonuniy moliyalashtirish va saylovlarga noqonuniy aralashuv yo‘li bilan mansab vakolatini olishga qaratilgan. Bu holatda asosiy maqsad shaxsiy yoki siyosiy manfaatni qo‘lga kiritishdir.

3. Kriminalistik korrupsiya bu – jinoiy xatti-harakatlarga asoslangan u ko‘pincha mansabdor shaxsning jinoiy sxemada ishtirok etishi bilan bog‘liq.

4. Tizimli korrupsiya bu – agar jinoiy harakatlar doimiy ravishda takrorlansa korrupsiya hodisasi bir sistema kabi ya’ni tizimli ko‘rinishga keladi. Bu o‘z navbatida mamlakatdagi siyosiy jarayonlar, davlat idoralari ustidan nazorat zaiflashganidan dalolat beradi.

5. Mayda korrupsiya bu – Odatda byurokratiya hamda pora bilan bog‘liq, shuning uchun ham mayda yoki byurokratik korrupsiya deb ataladi.

6. Katta korrupsiya – bu juda katta pul va yirik “o‘yinchilar” bilan bog‘liq bo‘lgan korrupsiyaning eng halokatli turi. U barcha operatsiyalarni o‘z ichiga oladi, buning natijasida davlat aktivlari

<sup>1</sup> O‘zbekiston Respublikasining Korrupsiyaga qarshi kurashish to‘g‘risidagi qonuni.(3-modda birinchi qismining uchinchi xatboshisi *O‘zbekiston Respublikasining 2021-yil 21-apreldagi O‘RQ-683-sonli Qonuni tahririda — Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 21.04.2021-y., 03/21/683/0375-son*)

<sup>2</sup><https://webcache.googleusercontent.com/search?q=cache:peyzKxNXsAkJ:https://anticorruption.uz/uz/item/what-is-corruption+&cd=3&hl=ru&ct=clnk&gl=uz>

noqonuniy ravishda xususiy bo‘lib qoladi. Ko‘pincha, mamlakat uchun jiddiy qarorlar bilan bog‘liq bo‘lgan siyosatchilar korrupsiya mojarosining ishtirokchisiga aylanadi.

**Korrupsiya quyidagi shakllarga ajratiladi:**

- Tovar va xizmatlarni qonuniy va noqonuniy taqdim etish uchun pora olish;
- Qarindoshlik, do‘stlik yoki shaxsiy sadoqat asosida mansabdor shaxslarni lavozimga ko‘tarishda namoyon bo‘ladigan proteksionizm;
- Boshqaruv organlari hodimlarini jinoiy tarkiblar bilan birlashtirish va jismoniy shaxslarning jinoyatlarini yashirish va ularning jazosiz qolishini ta‘minlash;
- Siyosiy qo‘llab-quvvatlash yoki kuch tuzilmalaridagi lavozimlarga ko‘tarilishlari uchun yashirin iqtisodiyot mafaatlari qo‘llab-quvvatlash;
- Xususiy korxonalar va tashkilotlarning davlat yoki mahalliy byudjet mablag‘lari hisobidan investitsiya qilish;
- Davlat mulkini hususiy qo‘llarga g‘ayriqonuniy ravishda o‘tkazish bilan xususiylashtirish;
- Mansabdor shaxslarga imtiyozlar, maxfiy rasmiy ma‘lumotlarni taqdim etish;
- Foydali shartnomalar tuzish huquqini yoki imkoniyatini ta‘minlash;
- Chet el firmalari va boshqalar bilan davlat uchun noqulay shartnomalar tuzishda yordam berish.

**Korrupsiyani qanday yengish mumkin;**

- qonuniylikni mustahkamlash
- fuqarolar huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish
- ochiqlik va shaffoflikni oshirish
- korrupsiyaning oldini olishga doir chora-tadbirlar o‘tkazish
- javobgarlikning muqarrarligini ta‘minlash

Bazaviy hisoblash miqdorining ellik baravaridan yuz baravarigacha miqdorda jarima yoki ikki yildan besh yilgacha ozodlikni cheklash yoxud besh yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi<sup>1</sup>.

Korrupsiyaga oid huquqbuzarliklar sodir etganlik qonunchilikka muvofiq javobgarlikka sabab bo'ladi. Korrupsiyaga oid huquqbuzarlik sodir etgan shaxslar sudning qaroriga ko'ra muayyan huquqlardan, shu jumladan muayyan lavozimlarni egallash huquqidan qonunga muvofiq mahrum etilishi mumkin. Yuridik shaxslar korrupsiyaga oid huquqbuzarliklarni sodir etganlik uchun qonunda belgilangan tartibda javobgar bo'ladi. O'zbekiston pora olish, pora berish pora olish-berishda vositachilik qilganlik uchun maksimal jazo miqdori 10 yildan 15 yilgacha ozodlikdan mahrum qilish belgilangan. O'zbekistonda o'zlashtirish restrata yo'li bilan talon-taroj qilganlik uchun maksimal jazo 10 yilgacha ozodlikdan mahrum qilish etib belgilangan<sup>2</sup>. Har qanday ixtiyoriy vakolat bo'lmasa, korrupsiya mumkin emas edi. Biroq, oliy hokimiyatga ega bo'lgan shaxs yoki guruh o'zi belgilagan siyosatning amalga oshirilishini mustaqil ravishda ta'minlay olmaydi. Buning uchun, u ma'murlarni tayinlaydi, ularga kerakli vakolatlarni beradi, ularning ixtiyoriga zarur resurslarni beradi, ular uchun o'zini tutish qoidalarini belgilaydi va ular ustidan nazorat qiladi.

Amalda ko'rsatmalar tashqi sharoitlarga qaraganda ancha sekin o'zgaradi. Shuning uchun ular o'z xohishlariga ko'ra harakatlar uchun joy qoldiradilar, chunki aks holda boshqaruv tizimi butunlay moslashuvchan bo'lib qoladi va qat'iy normalarning haqiqatga mos kelmasligi ishni butunlay to'xtatishi mumkin. Biroq, bu shuni anglatadiki, qonunda ko'zda tutilmagan vaziyatda ma'mur eng qulay ijara haqini boshqarishni boshlashi mumkin. Hamma narsani qamrab oluvchi nazoratning mumkin emasligi.

Davlat byudjeti, u shaffof emas va vaziyatga qarab, ba'zilar yil boshida mablag' olishlari mumkin, boshqalar esa – byudjet qabul qilingandan keyin ikki yil o'tgach. Agar kim sohadan qandaydir yordam

<sup>1</sup> O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi (211-modda birinchi qismining sanksiyasi O'zbekiston Respublikasining 2019-yil 3-dekabrda O'RBQ-586-sonli Qonuni tahririda — Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 04.12.2019-y., 03/19/586/4106-son)

<sup>2</sup><https://daryo.uz/amp/2021/07/09/ozbekistonda-korrupsiyaga-qarshi-kurashishda-jinoiy-javobgarlik-qanday-kuchaytiriladi-bahriddin-valiyev-javob-berdi/>

olish huquqiga ega bo'lsa, unda albatta, moliya vazirligining ushbu summalarni taqsimlovchi har qanday xodimi juda muhim raqamdir. Bu masalaning bir tomoni. Ikkinchi tomoni kredit tizimi deb ataladigan narsa bilan bog'liq. Davlat byudjetiga to'lovlar uchun kredit olish, masalan, Mudofaa vazirligi yoki boshqa vazirliklardan, korrupsiya xizmatlarining ikkinchi mumkin bo'lgan tizimidir. U yoki bu korxonalar, idora va hokazolarni qurish uchun buyurtma olish ham juda muhim nuqtadir. Aholidan kichik tovlamachilik, shu jumladan kichik tadbirkorlar avtomashina haydovchilari va boshqalar. Bu mayda tovlamachiliklar ommaviy bo'lganligi sababli, ular ehtimol ko'p million so'mni tashkil etib fuqarolarni davlatdan begonalashtirishga faol yordam beradi va bu hayotda hech narsaga to'g'ri yo'l bilan erishib bo'lmaydi, degan ishonchni faol shakillantiradi.

Tijorat yoki boshqa tashkilotlarda tijorat poraxo'rliqi. Korrupsiyaning bu turi kam o'rganilgan va u doimo yomon o'rganiladi, chunki zarur materallarni to'lash uchun tijorat tashkilotlariga kirish aniq sabablarga ko'ra juda cheklangan. Ushbu turdagi jinoyatning haqiqiy holatini biz bir qator bilvosita belgilar bilan taxmin qilishimiz mumkin.

Jamiyat va davlat hayotining barcha sohalarida korrupsiyaning oldini olish va unga qarshi kurashishga qaratilgan davlat siyosatining samaradorligini oshirish maqsadida Prezidentimizning 2020-yil 29-iyundagi “O'zbekiston Respublikasida korrupsiyaga qarshi kurashish tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi farmoni bilan Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi tashkil etildi.

Korrupsiya iqtisodiy rivojlanish uchun ham, qashshoqlikka qarshi kurash uchun ham jiddiy oqibatlarga olib keladigan hodisadir. Bundan tashqari, bu demokratik boshqaruvning asoslari va funkcionalligini xavf ostiga qo'yuvchi hodisadir. Korrupsiya so'nggi 30 yil ichida juda ko'p nazariy va empirik tadqiqotlar mavzusi bo'ldi va bu juda ko'p muqobil tushuntirishlar, tipologiyalar va davolash usullarini keltirib chiqardi. Biroq, siyosatda ham, ijtimoiy fanlarda ham keng qo'llaniladigan tushuncha sifatida korrupsiya ko'plab kontekstlarda qo'llaniladi.

Korrupsiyaga qarshi kurashishning ustuvor huquqiy asoslari qator xalqaro huquqiy normalarda o‘z ifodasini topgan bo‘lib, ularga quyidagilarni kiritish mumkin:

- 1999-yil 4-noyabrdagi “Korrupsiyaga uchun fuqarolik huquqiy javobgarlik to‘g‘risida” gi Konvensiyalari va boshqalar;
- 1999-yil 27-yanvardagi Yevropa Kengashining “Korrupsiya uchun jinoiy javobgarlik to‘g‘risida” gi Konvensiyasi;
- 2000-yil 15-noyabrda qabul qilingan BMT ning Transmilliy uyushgan jinoyatchilikka qarshi Konvensiyasi;
- 2003-yil 31-oktyabrda qabul qilingan BMT ning Korrupsiyaga qarshi Konvensiyasi;

O‘zbekiston yuqorida ta’kidlangan xalqaro normalardan 2008-yilda Birlashgan Millatlar Tashkilotining Korrupsiyaga qarshi Konvensiyasi, shuningdek, 2010-yilda Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti doirasida qabul qilingan Korrupsiyaga qarshi kurash bo‘yicha Istanbul Harakat rejasini ratifikatsiya qilgan.

Ta’kidlash joizki, mamlakatimizda korrupsiyaga qarshi kurashish hamda ushbu turdagi jinoyatlarni sodir etilishini oldini olishga qaratilgan kompleks chora-tadbirlar tizimli ravishda amalga oshirilmoqda. Davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarida korrupsiya omillarini keltirib chiqarayotgan tizimli muammolarni bartaraf etishga qaratilgan qator normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilinib, amaliy hayotga tatbiq etilmoqda.

Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 29-iyundagi PF-6013-sonli **“O‘zbekiston Respublikasida Korrupsiyaga qarshi kurashish tizimini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” gi Farmoni** qabul qilinib, mazkur Farmon asosida korrupsiyaning oldini olish va unga qarshi kurashish sohasidagi davlat siyosatini, shuningdek, korrupsiyaga oid huquqbuzarliklarning tizimli sabab va shart-sharoitlarini bartaraf etish hamda korrupsiyaga qarshi kurashish choralarning samaradorligini oshirishga qaratilgan davlat va boshqa dasturlarni shakllantirish va amalga oshirish maqsadida **“Korrupsiyaga qarshi kurash Agentligi”** tashkil etildi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, korrupsiya bor bo‘lgan mamlakatda rivojlanish va tariqqiyot bo‘lmaydi. Korrupsiya jamiyat



kushandasi bo'lib barcha sohalarda korrupsiyaga qarshi kurashish chora tadbirlarini amalga oshirish zarurdir. Bu borada Prezidentimiz Sh.Mirziyoyevning Korrupsiyaga qarshi kurashish borasidagi qabul qiligan qaror va farmonlari bu boradagi ishlarda dasturi amal bo'lib kelmoqda.

Shu jumladan, korrupsiyaga qarshi kurashish agentligining tashkil topishi bu boradagi tub o'zgarishlardan biri bo'ldi va agentlikning maqsad va vazifalari belgilab olindi va o'z faoliyatini boshladi. Korrupsiyaga qarshi kurashishda nafaqat agentlik balki huquq tartibot organlar, ommaviy axborot vositalari bilan birgalikda olib borilmoqda, fuqarolarga korrupsiyaning salbiy oqibatlarini va bunga yo'l qo'yilganda jazo muqarrarligi to'g'risida yoki shunday holat kuzatilganda tegishli organlarga murojaat qilishlari to'g'risida OAVda yoritilib tushuntirishlar olib borilmoqda va xalq orasida bir qancha so'rovnomalar o'tkazilmoqda, fuqarolarning huquqiy ongi rivojlantirilmoqda. Biz bilamizki, korrupsiya jamiyatimiz barcha sohasida ildiz yoyib borayotgan edi. Hozirgi kunda pora oluvchiga nisbatan qanday jazo chorasi qo'llansa shunga tenglashtirilgan jazo pora beruvchiga ham qo'llanilishi to'g'risida fuqarolarga ma'lumotlar berib borilmoqda. Shuningdek, o'z mafaatlari yo'lida korrupsiyaga qo'l urayotgan bir qancha mansabdor shaxslarga mansabni suiiste'mol qilganligi uchun qamoq jazo chorasi qo'llanilayotganligi ham insonlarni chuqur mushohada qilishga undamoqda.

**NAZAROV SHERBEK**

The Independent Researcher of the High School of Judges under The Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan  
Email: [sherbek.nazarov.91@mail.ru](mailto:sherbek.nazarov.91@mail.ru)

## **SOME ISSUES OF IMPROVEMENT OF CONSTITUTIONAL GUARANTEES OF PROPERTY RIGHTS**

**Annotation:** *The thesis considers the issues of constitutional-legal regulation of the institution of private property, improvement of the norms of property rights in the Constitution of the Republic of Uzbekistan, strengthening the protection of private property and guarantees of the rights of owners.*

**Keywords:** *The Constitution, constitutional reform, private property, human rights, guarantee of the rights of owners, privatization of land plots, fair compensation, the principle of inviolability and protection of private property.*

One of the seven priority directions of the Strategy for the development of New Uzbekistan for 2022-2026 is "the transformation of the principles of justice and the rule of law into a fundamental and necessary condition for the development of the country." The primary goal of the state in this direction is "reliable protection of the inviolability of property rights and restriction on illegal interference of state bodies in property relations"<sup>1</sup>.

This goal is an urgent problem of citizens and entrepreneurs, because of the authority of state bodies, the inviolable property right of a private person, who is in a more vulnerable position in public legal relations, is often violated.

The right of ownership occupies one of the most important places in the catalogue of human rights, reflecting one of the foundations of its

---

<sup>1</sup> Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022 DP-60 "On the Strategy for the development of New Uzbekistan for 2022-2026". <https://lex.uz/ru/docs/5841077>

legal status. From a legal point of view, the right of ownership is considered as a natural inalienable right of an individual (property right in the subjective sense) and as a set of legal norms that consolidate the content of this right (property right in the objective sense)<sup>1</sup>.

For information, the first document of constitutional significance in history that enshrines the guarantees of private property is the French Declaration of Human and Civil Rights and Freedoms of 1789. Private property is represented as a natural and inalienable, sacred and inviolable right in the framework of this Declaration. Private property and the right to it are recognized as the highest value along with freedom and security and they are an inalienable human right. At the same time, Article 17 of the Declaration proclaims that "since property is an inviolable and sacred right, no one can be deprived of it except in the case of an undoubted social necessity established by law and subject to justice and prior compensation." This declaration was included in the preamble of the French Constitutions of 1946 and 1958<sup>2</sup>.

The right of ownership is enshrined in Articles 36, 53 and 54 of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, and its recognition and guarantees of security constitute one of the foundations of the constitutional system. The right to private property is one of the fundamental human rights in Uzbekistan<sup>3</sup>.

Creating the legal foundations of a multi-layered economy, the Basic Law determined that the economy of Uzbekistan is based on property in its various forms. The Civil Code of the Republic of Uzbekistan presents in detail the concept of "diversity of forms of ownership"<sup>4</sup>.

The revival of this legal institution in Uzbekistan began with the adoption of the Law of the Republic of Uzbekistan "On property in the Republic of Uzbekistan" on October 31, 1990. The Law of the Republic of

---

<sup>1</sup> Goryunova T. A. Constitutional foundations of equal protection of forms of property in the Russian Federation // Abstract of the dissertation of the candidate of legal sciences. Saratov, 2006. -p.14.

<sup>2</sup> Saidov A. Modern constitutionalism: national and foreign experience // [https://parliament.gov.uz/ru/events/opinion/36568/?sphrase\\_id=7931616](https://parliament.gov.uz/ru/events/opinion/36568/?sphrase_id=7931616)

<sup>3</sup> Constitution of the Republic of Uzbekistan. T.: Uzbekistan NMIU, 2021. 80 p. Articles 36, 53 and 54.

<sup>4</sup> Civil Code of the Republic of Uzbekistan/ / Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1996, appendix №2; 1997 y. // <https://lex.uz/docs/111181>

Uzbekistan of September 24, 2012 LRU-336 "On the protection of private property and guarantees of the rights of owners", created an integral system of legal guarantees for owners: private property and the principle of its inviolability emerged in the process of privatization of state property. To date, the current trend of protecting the rights of owners **requires restatement of this Law**. In the new draft law, it is proposed to provide for the definition of an exclusive list of grounds for the abolition of the right of private property, a strict definition of the impossibility of depriving of property without a court ruling, strengthening the guarantees of the owner's rights when seizing property by foreclosing it.

Article 19 of the Constitution of the Republic of Uzbekistan proclaims that the rights and freedoms of citizens enshrined in the Constitution are inviolable, and no one has the right to deprive or restrict them without a court ruling. According to article 10 of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan, the protection of civil rights is carried out in accordance with the jurisdiction of courts, economic courts or arbitration courts established by procedural legislation or contract. This provision also applies to the protection of property rights. The most effective means of protection are those that provide for judicial protection provided to the subject of civil relations as a result of bringing the case to the court with a claim for protection of their violated or disputed property rights. It should be noted that protection of property rights is covered by the broader concept of "protection of property rights".

It should be emphasized that land is a strategic resource and should belong to the state. This opinion was dominant in Uzbekistan for a long time. But a market economy cannot develop without private property. Article 55 of the Constitution of the Republic of Uzbekistan states that land and other natural resources are national wealth. According to Article 214 of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan and Article 19 of the law "On property in the Republic of Uzbekistan" the land is located in republican ownership.

In recent years, Uzbekistan has taken measures aimed at introducing a transparent, market-based and equal procedure for allocating land plots, ensuring stability in property and legal relations in the field of land use, land protection, guaranteeing the property rights of landowners, as

well as introducing them into free circulation as an object of civil law relations by determination of an economic value of land.

In 2021, the Law "On Privatization of non-agricultural land plots" was adopted, which allows citizens and entrepreneurs to privatize their land plot or acquire ownership of it immediately. In fulfilling this goal, it would be advisable to adopt a law providing for the establishment of an order according to which an administrative act concerning property rights, including and in relation to the land plot, can be cancelled or invalidated only in court. In addition, certain important aspects of private property rights are insufficiently regulated in the current legislation, for example, the termination of property rights and fair compensation in case of its seizure, the responsibility of state bodies for encroachment on private property, the procedure for the seizure of immovable property for public and state needs, etc.

In this regard, the principle of priority of the owner's rights should apply in the relationship of the owner with state bodies.

At the same time, the Constitution is the legal and legislative basis for reassuring the priority of private property in a multi-layered market economy and providing guarantees for its protection.

President Shavkat Mirziyoyev emphasizes: "... there is a deep sense of life in the words of the outstanding statesman and politician Winston Churchill that "To become better means to change, to be the best of the best means to change constantly"<sup>1</sup>.

Indeed, the current rapidly changing reality requires us to act and change in accordance with it in order to have a Constitution that meets the requirements of the time.

Property is important because it is a guarantee of the individual's existence. In our opinion, the improvement of the constitutional protection of property rights should become one of the main directions of the constitutional reform of Uzbekistan. At the same time, priority attention in the course of constitutional reforms should be given to the following issues:

- **implementation of the principles of inviolability and protection of private property**, including land and minerals as the most important and

---

<sup>1</sup> <https://xs.uz/ru/post/prazdnichnoe-pozdravlenie-narodu-uzbekistana-3>

necessary conditions for ensuring the welfare of the population, the development of the national economy and economic human rights;

- **creating a system in which the court, restoring the rights of citizens and entrepreneurs, will stand for the protection of private property**, obliging executive bodies to act within the law, which contributes to the development of society and its economic relations. *For reference, in 2021 alone the rights of more than 6.5 thousand citizens and entrepreneurs in Uzbekistan were regained;*

- **the constitutional and legal content of private property.** Recognition by the majority of constitutions of foreign states of the right to private property as one of the constitutional human rights with private property defined by the fact that it is important not only in itself as a source of material well-being and stability of life of a person and his family, but also serves as the basis for the realization of many other constitutional rights and freedoms of a citizen: to a decent standard of living, to freely engage in entrepreneurial activity, housing, health care, education, cultural development, freedom of movement, etc.

Taking into account the above and in order to further ameliorate the problems of private property issues, it is proposed to revise the first part of Article 36 of the Constitution of Uzbekistan to read: "Everyone has the right to property, **which is protected by law.**"

It seems appropriate to supplement Article 53 of the Constitution with the following provisions: "Private property is inviolable and protected by the state. The state ensures a favourable business and investment climate, conditions for the development of entrepreneurship. Entrepreneurs shall have the right to carry out any activity not prohibited by law, independently choose the directions of their activities, and receive income from entrepreneurship in an unlimited amount. In the Republic of Uzbekistan, the free movement of goods, services, labour and financial resources is guaranteed. The results of denationalization and privatization are not subject to revision and cancellation".

It is also proposed to introduce the following rule into the Constitution: "No person can be deprived of his property except by a court decision. Compulsory alienation of property for public needs can

be carried out only by a court decision — in cases provided for by law, and after preliminary, fair and equivalent compensation, provided that these needs cannot be met in any other way". This will be the most important demonstration of the country's commitment to the real protection of property, and will also create grounds for determination that disputes on public alienation are within the exclusive competence of the courts. This will serve as an important incentive signal for investors.

In addition, the above confirms the need to introduce the following rule into the Constitution: "Land may also be privately owned on the terms and in the manner prescribed by law. Agricultural and forest lands belong to the state and are allocated to business entities on the basis of lease agreements".

Of all the inputs into housing production, land can be the most challenging to furnish. Land rights may include a wide range of rights to use, own and/or transfer land, as well as enforce rules and exclude outsiders. Strengthening of land rights can take a variety of forms, from documenting customary uses to formalising individual rights. Some forms may engage directly with the rights holder, for example through land titling. Other forms of strengthening rights may be enacted at the national level, for example, through constitutional reforms to recognise customary land rights.

The regulation in the Constitution of the legal norm ensuring the right, protection and protection of private property, the creation of conditions for the actual implementation of guarantees of its inviolability will allow for the resolution of existing legal disputes and will become a stimulating impulse for further development of small businesses.

Therefore, the constitutional norms need to regulate a whole range of issues related to the termination of property rights. The proposals on the regulation of guarantees for the protection of private property are aimed at creating the fundamental legal foundations for private property. Its regulation will eventually contribute to the creation of legal guarantees of the property rights of individuals in relations with state bodies.

**РЎЗИЕВ АҲРОР  
ИКРОМОВИЧ**

Тошкент давлат юридик университети  
мустақил тадқиқотчиси

## **НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШДА ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолашда жамоатчиликнинг ўрни ва роли, шу жумладан жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш ва ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари, мазкур соҳада миллий қонунчилик ва хорижий тажрибанинг қиёсий таҳлил қилинган, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари жамоатчилик муҳокамаларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўналишлари тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** норматив-ҳуқуқий ҳужжат, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси, норма ижодкорлиги жараёни, тартибга солиш таъсирини баҳолаш, жамоатчилик муҳокамалари, оммавий маслаҳатлашувлар, манфаатдор томонлар.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолашда жамоатчилик муҳокамалари муҳим аҳамият касб этади. Бунда барча манфаатдор томонларни жалб қилган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжат жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш ва ўтказиш лойиҳанинг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўз навбатида, жамоатчилик муҳокамалари норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси билан жорий этилаётган тартибга солиш воситасидан келиб чиқиши мумкин бўлган барча ижобий ва салбий таъсирларни ҳар томонлама аниқлашга хизмат қилади.

Жамоатчилик муҳокамалари норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг мажбурий шарти ҳисобланади. Бунда жамоатчилик муҳокамалари жараёнида



жамоатчилик вакиллари, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари лойиҳа билан таклиф этилаётган тартибга солиш воситалари билан амалдаги мавжуд муаммолар ҳал қилиниши даражасини, шунингдек, лойиҳани ташаббус қилган давлат органи томонидан тартибга солиш таклиф этилаётган масала, уни ҳал қилиш усуллари ва йўллари қай даражада асослантирилганлигига бевосита баҳо берадилар. Тадбиркорлик субъектлари, мустақил ташқи эксперт ва мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш тартибга солиш таъсирини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни жамоатчилик, шу жумладан бизнес субъеклари билан бамаслаҳат уларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда қабул қилишнинг муҳим элементи бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш имкониятларини амалга ошириш баҳолаш тартиб-таомилларининг шаффофлиги ва жамоатчилик муҳокамаси орқали таъминланади. Шу маънода, жамоатчилик муҳокамалари яхлит тизим сифатида норма ижодкорлиги жараёнини демократлаштиришга, жамоатчилик шу жумладан, фуқароларнинг давлат органлари фаолиятига ва улар томонидан юритилаётган давлат сиёсатига бўлган ишончнинг ортишига, пировардида эса, жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Хорижий мамлакатларда тартибга солиш таъсирини баҳолаш доирасида жамоатчилик муҳокамалари қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин: норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича норасмий маслаҳатлашувлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш, шунингдек, унинг айрим қоидаларига шарҳ бериш, жамоатчилик эшитувлари, мустақил ташқи маслаҳат органларини жалб қилиш.

Жамоатчилик эшитувлари таклиф этилаётган тартибга солиш воситаси бўйича аниқ таклифлари ҳамма учун очиқ муҳокама

қилишни назарда тутди. Бунда барча манфаатдор томонлар муҳокамалар жараёнида таклиф этилаётган лойиҳага шарҳлар ва муаммони ҳал этишнинг бошқа усуллари ҳам таклиф қилишлари мумкин. Жамоатчилик эшитувлари жамоатчилик муҳокамаларининг бошқа шакллари билан ўзаро боғлиқлиги иштирокчилар ўртасида мулоқот учун имкониятлар чекланган бўлади<sup>1</sup>. Жамоатчилик муҳокамаси манфаатдор томонлар билан ўзаро алоқа қилишнинг самарали институционал воситаси ҳисобланади<sup>2</sup>.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш жараёнининг жамоатчиликка очиқлиги бўйича турли давлатлар амалиётини қиёсий ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Канада, Дания, Финляндия, Италия, Янги Зеландия, Норвегия, Польша, Буюк Британия ва АҚШ каби мамлакатлар муқобиллар танланаётган пайтда жамоатчилик муҳокамалари босқичида тартибга солиш таъсирини баҳолаш натижаларини ҳам эълон қиладилар. Франция, Япония ва Португалияда эса жамоатчилик муҳокамалари учун тартибга солиш таъсирини баҳолаш натижалари фақат муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ёки алоҳида танланган ҳужжатлар бўйича эълон қилинади. Австралия ва Нидерландияда тартибга солиш таъсирини баҳолаш натижаларини лойиҳа парламентга тақдим этилаётганда эълон қилинади. Швецияда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси тартибга солиш таъсирини баҳолаш натижалари манфаатдор гуруҳларга дастлабки ҳисобот шаклида тарқатилади. Бироқ баҳолаш натижалари жамоатчилик муҳокамалари учун уни тўлиқ матнда эълон қилинмайди. Айрим мамлакатларда (Австрия, Чехия, Германия Федератив Республикаси, Венгрия, Ирландия, Корея Республикаси, Мексика, Испания ва Швейцария) тартибга солиш таъсирини баҳолаш натижаларини ҳеч қайси босқичда эълон қилинмайди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Шаулова Т.В. Публичные консультации как способ достижения консенсуса: фантом или реальность? // Коммуникативные стратегии информационного общества: труды X Международной научно-теоретической конференции. – СПб., 2018. – С. 3.

<sup>2</sup> Иванова О.А. О правовом регулировании процедуры оценки регулирующего воздействия (региональный аспект) // Вестник ПНИПУ. – 2017. – № 3. – С.77.

<sup>3</sup> Иванова М.В. Модели и методы оценки регулирующего воздействия в государственном управлении России и зарубежных стран. Монография. – СПб.: Изд-во СПбГЭУ, 2018. – С.67

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасида ҳам давлатнинг норма ижодкорлиги фаолиятида жамоатчиликнинг иштироки учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида бир қатор тизимли ишлар амалга оширилди. Жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда иштирок этиш учун «regulation.gov.uz» портали ишга туширилди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида жамоатчилик муҳокамалари ва манфаатдор томонлар билан ўзаро маслаҳатлашувлар жамиятдаги реал муаммони энг самарали тартибга солиш воситалари орқали ҳуқуқий ҳал қилиш, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг халқчиллигини ошириш, жамоатчиликда давлат органлари ва улар томонидан олиб борилаётган давлат сиёсатига нисбатан ишончнинг ортишига хизмат қилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичида жамоатчилик билан яқиндан ҳамкорлик қилиш кейинги босқичларда жамиятда юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Қолаверса, дастлабки босқичда тегишли манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик лойиҳа ташаббускорларига қўшимча далиллар, маълумотлар, шунингдек, танқидий мулоҳазалар тўплашда ёрдам беради, пировардида эса давлат органлари томонидан пухта ишланган ва хар томонлама асосланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишига хизмат қилади.

Европа Кенгаши томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унинг тартибга солиш таъсирини баҳолашда жамоатчилик иштирокининг шакл ва воситалари<sup>1</sup>, шунингдек, жамоатчилик иштирокини баҳолаш ва мониторинг қилиш<sup>2</sup> бўйича бир қанча тавсиялар ишлаб чиқилган. Хусусан,

<sup>1</sup> Совет Европы: Комитет министров, Рекомендация CM/Rec (2001)19 государствам-членам по участию граждан в местной общественной жизни, доступна на: <https://wcd.coe.int/com.instranet.InstraServlet?command=com.instranet.CmdBlobGet&InstranetImage=2721001&SecMode=1&DocId=234770&Usage=2>.

<sup>2</sup> Совет Европы: Комитет министров, Рекомендация CM/Rec (2009)2 Комитета Министров государствам –членам по оценке, контролю и мониторингу участия общественности и процедур участия на местном и региональном уровне, доступна на: <https://wcd.Council of>

Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси 2017 йилда Фуқароларнинг сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнида иштирок этиши бўйича қўлланмани<sup>1</sup> эълон қилди. Қўлланма Европа Кенгашига аъзо давлатларда жамоатчилик иштироки учун янги раҳбарий ҳужжат сифатида хизмат қилмоқда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишга жамоатчилик иштироки қўйидагилар билан изоҳланади: норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш жараёнига ҳужжат талаблари татбиқ этиладиган ёки бошқа манфаатдор шахсларни жалб қилиш; иштирок этиш усулини танлашда иштирокчилар фикрларини инобатга олиш; қарор қабул қилиш жараёнига манфаатдор томонлар тўлақонли иштирок этиши учун зарур шароит яратиш; барча иштирокчилар, хусусан, қарор қабул қилувчиларнинг таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олиш; лойиҳа бўйича жамоатчилик томонидан билдирилган фикрини инобатга олиш; иштирокчиларга муҳокамалар яқунлари бўйича маълумот бериш.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқишда жамоатчилик иштироки, шу жумладан жамоатчилик муҳокамалари тартибга солиш таъсирини баҳолаш билан уйғунлашган ҳолда ўтказилган қўйидагиларга хизмат қилиши мумкин:

**барқарор иқтисодий ва инновацион ривожланиш, мамлакатда қулай инвестициявий ва рақобат муҳити шаклланиши, ҳуқуқ устуворлиги учун шарт-шароит яратиш:** турли манфаатдор томонларни (нодавлат нотижорат ташкилотлари, илмий ҳамжамият ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари) жалб этиш янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ёки амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат тартибга солиш таъсирини самаралироқ баҳолаш имконини беради, шунингдек, тўпланган маълумотлар асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади (бу турли муқобил вариантларни прогноз қилиш ва моделлаштириш имконини беради);

---

Europe.int/ViewDoc.jsp?Ref=CM/Rec (2009)2&Language =lanEnglish&Site=CM&BackColorInternet =DBDCF2&BackColorIntranet=FDC864&BackColorLogged=FDC864.

<sup>1</sup> [https://search.coe.int/cm/Pages/result\\_details.aspx?ObjectId=09000016807509dd](https://search.coe.int/cm/Pages/result_details.aspx?ObjectId=09000016807509dd)

**норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш заруратини ҳар томонлама асослантириш:** давлат органларига ҳуқуқий тартибга солиш талаб этиладиган масалаларни аниқлашда асосий ёрдам ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат бевосита таъсир кўрсатадиган субъектлар томонидан кўрсатилади. Бунда юқоридаги субъектлар билан самарали тескари алоқани таъминлаш ҳар томонлама пухта асослантирилган, энг асосийси, жамоатчилик талаб ва истаклари инобатга олинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари қабул қилинишига шак-шубҳасиз хизмат қилади;

**норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қабул қилиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган маъмурий тўсиқлар ва уларнинг кўзда тутилмаган эҳтимолий салбий оқибатларини барвақт аниқлаш:** аксарият ҳолларда лойиҳа ташаббускорларининг эътиборидан четда қолган ортиқча маъмурий тўсиқлар ва уларнинг эҳтимолий салбий оқибатлари жамоатчилик муҳокамалари жараёнида кўзга ташланиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши натижасида юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш имконини беради;

**норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси билан белгиланган қоидалар ва талабларни тезроқ ва осонроқ жорий этиш:** жамоатчилик муҳокамалари натижалари асосида пухта қайта ишланган ҳолда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан киритилаётган янги талаб ва қоидаларни амалиётга нисбатан осонроқ қўлланилади;

**қабул қилинган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатни амалиётга қўллаш жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган низоли ҳолатларнинг олдини олиш:** жамоатчилик муҳокамалари жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича манфаатдор гуруҳлар томонидан билдирилган таклифлар ва мулоҳазаларнинг лойиҳани қабул қилиш жараёнида инобатга олиниши, келгусида норматив-ҳуқуқий ҳужжатни амалиётга қўллаш билан боғлиқ номувофиқликларнинг олдини олишга хизмат қилади;

**қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар легитимлигини ва жамоатчиликнинг давлат бошқаруви тизимига**

**нисбатан ишончини ошириш:** норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этиш орқали манфаатдор томонларда жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича қабул қилинган мазкур ҳужжатлар бўйича жавобгарлик ҳисси пайдо бўлади. Шу боис, манфаатдор томонлар норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини, шунингдек, уларни қабул қилиш оқибатида келиб чиқадиган салбий оқибатларни ҳар томонлама пухта таҳлил қилишга ҳаракат қиладилар.

Жамоатчилик муҳокамаси – манфаатларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахслар билан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини очиқ муҳокама қилиш бўлиб, маълумотларни тўплаш ва манфаатдор томонлар учун ҳаддан ташқари ортиқча мажбуриятлар, тақиқлар, чекловлар ёки асоссиз харажатларни жорий этадиган қоидаларни аниқлаш мақсадида ўтказилади<sup>1</sup>.

Жамоатчилик муҳокамалари қабул қилинаётган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатини оширишнинг муҳим омили бўлиб, барча манфаатдор томонларнинг фикрлари инobatга олинишини таъминлашга қаратилган.

Хорижий давлатларда барча манфаатдор шахсларнинг жалб этилишини таъминлаш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида дастлабки эксперт маълумотларини тўплаш мақсадида лойиҳа бўйича кичик гуруҳларда муҳокамалар ўтказилади.

Жамоатчилик муҳокамалари амалиётда турли воситалар уйғунлигида намоён бўлади ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш жараёнида бир неча босқичларда ўтказилади. Айрим воситалар, хусусан, маслаҳатлашув гуруҳлари манфаатдор томонлар билан тескари алоқани ўрнатишнинг дастлабки босқичларида кўпроқ қўлланилади. Бошқа воситалар эса, хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги махсус яратилган порталларда жойлаштириш ёки оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш жамоатчилик муҳокамалари жараёнининг сўнги босқичида кўпроқ қўлланилади.

<sup>1</sup> Ахметжанова С., Мухамеджанова А., Тен К. Оценка воздействия регуляторных решений в мировой практике и в Казахстане. – Астана. 2017. – С.12.

Масалан, Финляндияда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичида лойиҳа жамоатчилик муҳокамалари учун махсус ишлаб чиқилган «Otakanta.fi» порталида жойлаштирилади. Бунда манфаатдор томонлар жамоатчилик муҳокамаларига ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этишлари ёхуд бошқа ижтимоий аҳамиятга молик масала бўйича мутлақо янги муҳокамаларни амалга оширишлари мумкин. Портал турли ижтимоий гуруҳларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ёки жамият ҳаётидаги ижтимоий аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича таклиф ва мулоҳазаларини аниқлашда муҳим ўрин тутди. Чунки турли ижтимоий гуруҳлар томонидан илгари сурилган таклиф ва мулоҳазалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, норма ижодкорлиги фаолиятини режалаштириш, жамият ва давлат бошқаруви фаолиятини ислоҳ қилишга бўлган эҳтиёжни аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Жамоатчилик муҳокамаси норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг муҳим босқичларидан бири сифатида эътироф этилади ҳамда қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тартиб-таомилига интеграция қилиниши керак. Бунда оммавий маслаҳатлашувлар жараёни аниқ ва батафсил ишлаб чиқилиши талаб этилади, яъни: оммавий маслаҳатлашувларнинг мақсадлари аниқ белгиланиши шарт; оммавий маслаҳатлашувларни ўтказиш услубияти, хусусан, қўлланиладиган усуллар тавсифи ва вақт чегаралари белгиланиши зарур; оммавий маслаҳатлашувлар учун манфаатдор гуруҳлар ва уларнинг фикрлари (якдил қарор ва келишмовчиликлар) аниқланиши лозим; ҳужжат лойиҳасини қайта ишлаш учун фойдаланилган фикрлар кўрсатилиши керак<sup>1</sup>.

Республикамизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг асосий элементларидан бири ҳисобланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишнинг зарур ҳуқуқий асослари

<sup>1</sup> Иванова М.В. Модели и методы оценки регулирующего воздействия в государственном управлении России и зарубежных стран. Монография. – СПб.: Изд-во СПбГЭУ, 2018. – С.8.

яратилди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси институти қонун даражасида мустаҳкамланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелда қабул қилинган «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги ЎРҚ–474-сон Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, «жамоатчилик муҳокамаси турли ижтимоий гуруҳлар вакиллари, шу жумладан муҳокама этилаётган масала ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахслар иштирокида ўтказилиши мумкин. Жамоатчилик муҳокамаси оммавий ва очиқ ўтказилади. Жамоатчилик муҳокамаси иштирокчилари муҳокамага киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини эркин билдиришга ва таклифлар киритишга ҳақли. Жамоатчилик муҳокамаси оммавий ахборот воситалари орқали ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин. Бунда жамоатчилик муҳокамаси ташкилотчиси жамоатчилик муҳокамасига киритилаётган масалалар, муҳокамани ўтказиш муддати ва тартиби бўйича ахборотни олдиндан эълон қилади. Бунда ташкилотчи ўз ихтиёридаги, жамоатчилик муҳокамасига киритилаётган масалаларга тааллуқли бўлган материаллардан жамоатчилик муҳокамасининг барча иштирокчилари эркин фойдаланишини таъминлайди»<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги ЎРҚ–682-сон Қонунининг 24-моддасига мувофиқ, «ишлаб чиқувчи томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш учун қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштирилади»<sup>2</sup>.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги ЎРҚ–474-сонли “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сонли “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.04.2021 й., 03/21/682/0354-сон



қарори билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва институционал асосларини янада такомиллаштириш бўйича чоратadbирлар белгиланди. Хусусан, мазкур қарор билан тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизими жорий этилиши доирасида барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан мажбурий тартибда ўтказиш талаби назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон қарори билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш, унинг натижаларини кўриб чиқиш ва умумлаштиришга доир тартиб-таомиллар мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 36-моддасида аҳоли пунктларининг бош режаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлар лойиҳалари жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши назарда тутилган<sup>1</sup>.

Гувоҳи бўлганимиздек, миллий қонунчилигимизда ҳам тартибга солиш таъсирини баҳолаш жараёнида лойиҳани жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш тартиби белгиланган.

Шу билан бирга, бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, амалиётда ишлаб чиқилган лойиҳаларни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишдан олдин манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан ҳар томонлама кўриб чиқилиши ташкил этилмаган. Хусусан, жамоатчилик муҳокамаси натижаси бўйича Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида ([regulation.gov.uz](http://regulation.gov.uz)) келиб тушган таклиф ва мулоҳазалар қабул қилинганлиги ёки рад этилганлиги эълон қилинмаяпти. Қолаверса, ишлаб чиқилган лойиҳалар юзасидан тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисобот тайёрлаш ҳамда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш талабига риоя қилинмаган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.02.2021 й., 03/21/676/0142-сон

Бу борада А.Худойбердиевнинг «ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг муҳокамаси жараёнида жамоатчиликнинг иштироки учун шароит яратиш мақсадида ҳозирда қулай фойдаланиладиган «телеграм мессенжерида» махсус ботлар версиясини ишга тушириш керак. Ушбу жараён фуқароларимизга қабул қилинаётган ҳар бир қонун лойиҳаси ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси юзасидан ўз фикрини билдириш имконини яратади. Жамоатчилик муҳокамаси қабул қилинаётган ҳужжатнинг халқчил бўлишига, кенг омма фикр-мулоҳазалари билан бойитилишига олиб келади»<sup>1</sup>, деган фикрини қўллаб-қувватлаймиз.

Шунингдек, жамоатчилик муҳокамасини кенгайтириш ва уни амалга оширишга қулай шароитлар яратиш мақсадида келгусида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида (regulation.gov.uz) **«Ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар» саҳифасини** ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишда жамоатчиликнинг фаолигини ошириш мақсадида муҳокамага қўйилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари тўғрисидаги маълумотларни **оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар** (Telegram, Facebook, Huquqiy axborot, Адлия билан мулоқот ва бошқалар) **орқали кенгроқ эълон қилиб бориш чораларини кўриш** таклиф этилади.

<sup>1</sup> Худойбердиев А.Қ. Ҳуқуқ ижодкорлигини социологик ва эксперт-таҳлилий таъминлашни такомиллаштириш: Юрид. фан. докт. (DSc) дисс. автореф. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2020. – Б.20.

## МУНДАРИЖА

<b>Рабиев Шерзод Миржалилович.</b> Ўзбекистонда юридик кадрларнинг узлуксиз касбий ривожлантиришдаги замонавий тенденциялар .....	3
<b>Отахонов Фозилжон Ҳайдарович.</b> Юридик хизмат ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг долзарб масалалари..	12
<b>James Eaglin. U.S. Experience in the Professional Development of Legal Professionals</b> .....	21
<b>Mamasiddiqov Muzaffarjon Musajonovich.</b> Prokuratura organlari xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirishdagi milliy tajriba.....	29
<b>Алиев Шахин Магеррам оглы.</b> Академия юстиции министерства юстиции Азербайджанской Республики как многопрофильное высшее специальное учебное заведение по подготовке юридических кадров.....	38
<b>Исраилов Дилшод Шавкатович.</b> Судьялар ва суд аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш масалалари .....	45
<b>Отажонов Аброржон Анварович.</b> Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳаси учун профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш истиқболлари.....	52
<b>Окюлов Омонбой.</b> Замонавий юрист касбий малакавий кўникмаларида креатив ижодий ёндашувни шакллантириш ва ривожлантириш масалалари.....	58
<b>Ашуров Дилшод Рустамович.</b> Ўзбекистон нотариати - халқаро майдонда.....	66
<b>Саидов Шакир Камалович.</b> Давлат хизматида етук кадрларни кўпайтириш малака ошириш тизимига ҳам боғлиқ.....	72
<b>Усмонов Муҳаммади Бахриддинович, Гиёсов Бахриддин Ҳасан ўғли.</b> Ҳуқуқшуносликка оид илмий тадқиқот ишларининг инновацион жозибадорлигини оширишнинг долзарб муаммолари .....	75
<b>Юнусов Ҳайдарали.</b> Юридик таълим босқичлари ва узлуксиз таълим: АҚШ тажрибаси.....	88

<b>Рўзиназаров Шухрат Нуралиевич.</b> Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси янги концепцияси: Хитой ва Европа хусусий ҳуқуқ моделларини ютуқ ва афзалликлари .....	98
<b>Файзиев Хайриддин Сирожиддинович.</b> Давлат фуқаролик хизматчиларининг профессионал корпусини тайёрлашда меритократия принципининг аҳамияти .....	112
<b>Тажибоев Маъруфжон Маматожиевич.</b> Суд қарорининг ижроси мажбурий - ми? .....	119
<b>Рахманов Шухрат Наимович.</b> Современный облик нового Узбекистана и формирование науки дипломатического права международных организаций.....	126
<b>Ганибаева Шахноза Каримбердиевна.</b> Необходимость подготовки юридических кадров “soft skills” .....	133
<b>Рахимов Дониёр Бахтиярович.</b> Мажбуриятларнинг бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш: кеча ва бугун ....	139
<b>Насуллаев Мубин.</b> Юридик кадрларни ҳалқаро стандартлар бўйича профессионал қайта тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантириш тизими .....	146
<b>Ишанходжаев Саидахмад Акрамович.</b> Ташқи меҳнат миграция соҳасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси назорат институти механизмини такомиллаштириш хусусиятлари .....	150
<b>Давлетов Ўткирбек Матмуротович.</b> Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг айрим масалалари .....	157
<b>Мадримов Хушнуд Кувандикович.</b> Ўзбекистон Республикасида маъмурий юстиция тизими учун малакали мутахассисларни тайёрлаш – юридик кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг муҳим йўналиши сифатида .....	160
<b>Одинаев Адҳам Саъдуллоевич.</b> Юридик кадрларни илмий ва касбий тайёрлаш сифатини оширишнинг долзарб масалалари ....	170
<b>Agipova Aziza Xasanovna.</b> Yuridik kadrlarning uzluksiz kasbiy rivojlantirish tizimidagi masalalar mohiyati.....	178
<b>Хомидов Элдор Олимович, Олимжонов Хушнудбек Махамадсалим ўғли.</b> Инновацион ҳамкорлик ва илмий тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиғи самарадорлиги муаммолари ..	184

<b>Юлдашов Содиқ Оқбаевич.</b> Бугунги кунда профессионаллаштиришга эришиш бўйича ўқув жараёнини такомиллаштириш масалалари.....	191
<b>Раджапов Азамат Худайназарович.</b> Давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришнинг айрим масалалари .....	200
<b>Рахманов Абдумухтор Режжаббаевич.</b> Ислом ҳуқуқшунослигида инсон ҳуқуқлари .....	212
<b>Атаниязов Жасурбек Курбанбаевич.</b> Ҳорижий мамлакатларда жиноий жавобгарликдан озод қилиш ва унинг процессуал ҳуқуқий тартибга солиниши: қиёсий–ҳуқуқий таҳлил .....	220
<b>Муҳаммадиева Моҳинур Яхшибаевна.</b> Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ваколат доирасини кенайтириш масалалари: жаҳон тажрибаси ва уни Ўзбекистон Республикасида қўллаш имконияти.....	234
<b>Абдуллаева Мафтуна Мурот қизи.</b> Конституциявий шикоят институти: назария ва амалиёт масалалари.....	242
<b>Yuldashov Abdumumin Abdugopirovich.</b> Intellektual mulk huquqi sohasidagi ta’lim jarayonining amaliyot bilan uyg’unligi .....	252
<b>Кучкаров Хайрулла Зикириллаевич.</b> Жиноят процессида янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатиш тушунчаси ва ҳуқуқий табиати .....	259
<b>Саидов Максудбек Норбоевич.</b> Понятие корпорации и ее разновидности.....	267
<b>Vohidov Mahkam Mubinovich.</b> Advokatlarning malakasini oshirish borasidagi Rossiya Federatsiyasi amaliyoti .....	282
<b>Usmonov Vosid Muxammadiyevich.</b> O‘zbekiston tadbirkorlik faoliyatida outsorsing xizmatining o‘rni va ahamiyati .....	286
<b>Рахмонов Зафаржон Зайниддинович.</b> Хусусий нотариус мансабдор шахс ҳисобланмайди.....	292
<b>Jumayev Shohjahon Begimqul o‘g‘li.</b> Prokuratura faoliyatining tashkiliy-huquqiy asoslari:qiyosiy-huquqiy tahlil.....	296
<b>Анваров Турдимурод Анварович.</b> Ўзбекистон Республикасида пробацция хизмати фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш асослари.....	300

<b>Shomurotov Ma’ruf Abdusamat o’g’li.</b> Hududiy prokuratura organlarining xalq deputatlari mahalliy Kengashlari oldidagi hisobdorligining tashkiliy-huquqiy asoslari .....	309
<b>Сафарова Шахло Пулатовна.</b> Ўзбекистоннинг БМТ доирасидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича таълимга оид муҳим халқаро ташаббуслари .....	318
<b>Жуманазарова Маржона Ботир қизи.</b> Охирги зарурат ва жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитишнинг ўхшаш ва фарқли томонлари.....	324
<b>Азимов Дониёр Эсанович.</b> Англо-саксон жиноят процессида процессуал келишув шакллари .....	329
<b>Илхомбеков Жасурбек Илхомбек ўғли.</b> Ахборот тарқатиш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли .....	336
<b>Эгамбердиев Дилшод Алишерович.</b> Жиноят ишлар бўйича ҳамкорлик доирасида тузиладиган қўшма тергов гуруҳларининг таркиби бўйича фикр ва мулоҳазалар .....	343
<b>Полвонов Нажмиддин Аслиддинович.</b> Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида мол-мулкни мусодара қилишга бўлган муносабат.....	348
<b>Рахманов Дмитрий Каландарович.</b> К вопросу о понятии научно-экспертного обеспечения парламентской деятельности.....	352
<b>Палачева Мадина Бахтиёр кизи.</b> Актуальные проблемы юридической науки и правоприменительной практики в сфере реализации законодательных гарантий прав человека .....	358
<b>Sobirova Charos Atamamatovna, Abdusharipova Fazilat Farhodbek qizi.</b> Korrupsiyaning kelib chiqish tarixi, shakllari va omillari.....	362
<b>Nazarov Sherbek.</b> Some issues of improvement of constitutional guarantees of property rights .....	369
<b>Рўзиев Аҳроп Икромович.</b> Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашда жамоатчиликнинг ўрни ва роли .....	375

**“ЮРИДИК КАДРЛАРНИ УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ТИЗИМИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ВА САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАРИ:  
МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА”**

***мавзусидаги халқаро илмий-амалий  
конференцияси материаллари  
(2022 йил 26 сентябрь)***

Муҳаррир М.Талипова  
Мусаҳҳиҳ: Р.Юнусова  
Техник муҳаррир: Ф.Хошимова

Босишга рухсат этилди: 04.08.2022 й . Бичими 60x84 1/16  
Офис коғози. Ризограф усулда. Times гарнитураси.  
Шартли босма табағи 12,5. Нашр. ҳисоб табағи 11,5.  
Адади 60 нусха. Буюртма № 04-08

«IMPRESS MEDIA» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қушбеги

Тўплам қуйидаги сайтга жойлаштирилган:  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар  
малакасини ошириш маркази сайти: <http://uzmarkaz.uz/>